


Акбар МИР30

# СУИҚАСД



АКБАР МИРЗО

# СУИҚАСД

*Роман*

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент–2016

*Ватан мустақиллигини сақлаш йўлида жонини  
фидо қилган Миллий хавфсизлик хизмати ва  
Ички ишлар вазирлиги ходимларига бағишланади.*

**Масъул муҳаррирлар:**

Қахрамон Маҳкамов, Ҳабиб Абдиев

**Маслаҳатчи:**

Аҳад Содикбеков,  
*истеъфодаги полковник*

Маҳмуд Йўлдошев,  
*истеъфодаги полковник*

**Такризчилар:**

Акмал Саидов,  
*юримдик фанлари доктори, профессор*

Шухрат Ризаев,  
*филология фанлари номзоди*

Мазкур роман «Аёзи чўзилган баҳор» ва «Ажал билан юзма-юз» китобларининг мантиқий давомидир. Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида мамлакатимизда содир этилган даҳшатли воқеалар қиш аёзининг ҳамон давом этганидан дарак беради. Икки дақиқа! Бу сониялар жуда кўп нарсаларни ўзгартириб юборарди, агарки ғанимларнинг Президент учун олдиндан тайёрланган суиқасди амалга ошганида. Бомба портлади, бироқ Оллоҳ суйган бандасини хор қилиш ёки ҳаётдан маҳрум этиш одамзоднинг қўлида эмас. Эл-юрт ишқида ёнган юраклар мангуликка дахлдордир.

**М54 Мирзо, Акбар**

Суиқасд / А. Мирзо. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2016. – 360 б.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84 (5Ў)7

М54

ISBN 978-9943-07-461-3

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти, 2016

## НАШРИЁТДАН

Азиз замондош!

Ўтган асримизнинг 80-йиллари охири – 90-йиллар бошидаги мамлакатимизда кечган оғир иқтисодий танглик, сиёсий беқарорлик ёдингиздами? Мустақилликка эришгач, юртимизда пайдо бўлган турли экстремистик гуруҳлар, уларнинг хуружлари ва ҳокимият учун олиб борган гоҳ махфий, гоҳ ошкора курашлари-чи? Халифалик давлати қуриш учун майдонга чиқмоқчи бўлган бу гуруҳ аъзоларининг 1999 йил февраль ойидаги террорчилик ҳаракатларини унутмаган бўлсангиз керак?

2013 йилда истеъдодли ёзувчи Акбар Мирзонинг мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда рўй берган сиёсий жараёнлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Ажал билан юзма-юз» романи нашрдан чиққан эди. Асар китобхонлар томонидан эътироф этилди. Нашриётимиз ёзувчининг «Ажал билан юзма-юз» асарининг бевосита мантиқий давоми бўлган «Суиқасд» деб номланган янги романини мамнуният билан тақдим этмоқда.

Детектив жанрида ёзилган мазкур романда ҳам Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1994–1999 йилларда мустақил юртимизда олиб борган бунёдкорлик ишлари, мустақилликни асраш, мамлакатда ҳамон давом этаётган турли экстремистик гуруҳларнинг тазйиқларига қарши мардонавор кураши ҳақида ҳикоя қилинади. Ёвуз ниятли кучларнинг тинч аҳоли турмушига раҳна солишлари, давлат тузумини ўзгартириш учун олиб борган қўпоровчилик ишлари ва, ниҳоят, бу борада Биринчи Президент ҳаётига суиқасд қилишгача бўлган уринишлари Сизни бефарқ қолдирмайдиган даражада ёрқин тасвирлаб берилган.

\* \* \*

Суронли йилларда бўлиб ўтган икки суҳбатни Президент бот-бот эслаб турарди.

1994 йилдаги махфий суҳбат:

– Сиз собиқ совет тузуми даврида республикангизда Президентликни биринчи бўлиб жорий қилдингиз. Биз бу жасоратингизни қадрлаймиз, албатта. Бироқ жуда оғир дамларни бошдан кечиряпсизлар. Бу кетишда халқнинг таназзулга юз тутиши аниқ. Шундай экан, энди Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган давлатлар ичида биринчи бўлиб собиқ Иттифоқни тиклаш ва унга қайтиш, балки бунинг аввалгидай қўшилиш деб атасак ҳам бўлади, ташаббуси билан чиқишингизни хоҳлаймиз. Агар шундай қилсангиз халқингиз бошқа республикаларнинг аҳолисидан кўра фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришига кафолат берамиз. Сизга эса барча имтиёзларимиз сўзсиз муҳайё қилинади.

– Мен Ўзбекман. Айтилган гапимни қайтариб олмайман. Ўзбекистон ўз мустақиллигидан асло воз кечмайди!

1999 йил бошидаги махфий тазйиқ:

– Жаноб Президент! Шу йил январь ойи ичида қўлингизга етказилмайдиган талабларимизни бажарасиз деган умиддамиз. Ўзбекистон дунё мусулмон мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Халифаликни жорий қилиши керак. Агар шундай йўл тутсангиз, яъни Ўзбекистон Ислом давлатига айлантирилса, биз бу шарафли ва муқаддас вазифани Сизга топширишга тайёрмиз! Акс ҳолда, бу заминни иккинчи Афғонистонга айлантирамыз.

Юртда Ислом дини равнақ топиши учун ўйлаб иш тутинг, жаноб Президент! Ҳаётингизни хатарга қўйманг!

– Жоним фидо бўлсин бу юртга!

\* \* \*

Бу китобда яқин ўтмишимиздаги суронли, мушкул вазиятларга тўла давр таъсирчан ва қизиқарли тарзда тасвир этилган.

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### І. ЖУДОЛИК

Янги йил арафасида Элёр оиласи билан уч хонали хонадонга кўчиб ўтди. Бежирим таъмирланган, ортиқча ҳашамдор жиҳозлари йўқлиги учун кенг ва ёруғ кўринар, кирган кишининг эътиборини тортмай қолмас ва келганлар, албатта, «шинам ва файзли экан»ини таъкидлашарди. Муҳаббат ҳамма нарсани жой-жойига қўйган, гўё бирор буюм ё жиҳознинг ўрни алмаштирилса ёки нари-бери қилинса, худди чиройи бузилиб, кўркамлигига, хусну тароватига зиён етадигандай эди.

Деразаларга тутилган оқ тўрли нафис пардалар, унинг раҳига қўйилган турли хонаки гуллар (бу гулларнинг айримлари ҳатто очилиб турарди), полга ташланган Хиванинг чўғдай гиламлари, айниқса, ошхонадаги саранжом-саришталик: стол устига ёзилган чиройли дастурхон, икки чети кўкиш гулли қўлсочиқ, ўртага қўйилган биллур гулдон ва ундаги сунъий қирмизи атиргул киши дилини равшан этар, шу ерда озгина дам олиб, беихтиёр бир пиёла чой ичишни кўнгли тусаб қоларди.

Бироқ Фарғонадан қариндош-уруғларининг «уй кўрди»га келиши бошланиб, ҳамма нарса алғов-далғов бўлиб кетди. Баъзида нима қаердалигини топа олмай ҳам қолди. Ёш болаларнинг қўлидан пиёла «учди», гиламга олчанинг мураббоси тўкилди, айрим гулларнинг шохи

узилди, балкондаги чилвир ип гўдакларнинг ювиб осилган иштончаларига тўлиб кетди. Хуллас, ярим ой қўли кўксида: «рахмат-рахмат» дейиш билан банд бўлди. Худди шу кунларда хонадонга ногоҳ келиб қолган бирор нотаниш меҳмонда Элёр бу ерда оиласи билан анча йиллардан буён яшаса керак, деган таассурот туғилиши ҳеч гап эмасди. Тўғрисиям шундай, хоналардаги тартибсизлик, чанг, болаларнинг қий-чуви бошқача ўйлашга имкон бермасди. Йиғиштирган билан фойдаси йўқ: хиёл ўтмай аҳвол яна боягидай бўларди-қоларди. Шунгами, мезбон ҳам қўйиб берди: келиб юришибдими, бир яйрашсин.

Муҳаббат ташрифлар тўхтаганидан сўнг уйини уй қилгунча бўлари бўлди. Аммо ичида хурсанд эди. Пешоналарига бошпана битибдики, қутлаб меҳмонлар келди. Эрининг ишхонаси томонидан уй берилмаганда қатор-қатор бўлиб йўқлашармиди? Ахир ижарада ўтирганларида хижолатдан зўрға бош суқишарди. Энди эса... етказганига шукр, дерди янги йилнинг қутлуғ келганидан қувониб.

У бахтиёр эди. Бу ерга кўчиб келган кунлариданоқ очилиб-сочилиб юришга ҳаракат қилди. Аммо кундан-кун озиб, чиройини йўқотиб борар, худди ногоҳ сўлиб бораётган гул каби ҳолсиз, мадорсиз эди. Сўлгин кўриниш олган гул қанчалар меҳр билан парвариш қилинмасин, негадир кор қилмаганидай, емишнинг кети узилмай, кўнгли тусаган нарса муҳайё қилинса-да, Муҳаббат қаддини ростлаб, аввалги гулгун ҳолатига сира қайта олмаётган эди. Эмизикли аёл ўзини анча олдириб қўйганди. Қайнонаси аввал дўхтирга, сўнг табибга олиб борди, орада ўзи билганича қўрқоқтош ҳам қилиб кўрди. Лекин таъсири бўлмай, ижобий томонга ўзгариш аломатлари сезилмасди.

Элёр кечалари босинқираб, дағ-дағ титраб, қора терга ботиб «дод» солиб уйғониб кетадиган хотинининг

аҳволдан ташвишда эди. Уйга келаётганда хавотирга тушганини сездириб қўймасликка интилар, ҳали ҳаммаси изга тушиб кетишига ишонар ва бу ишонч унга далда берарди. Аммо Муҳаббат ҳаётида рўй берган ўша даҳшатли воқеаларни ҳали-ҳамон унутолмаган. Кундуз кунлари билинтирмасди, лекин кечаси бўлди дегунча яна тушига кирар, ваҳима ичра қолган аёл типирчилаб уйғонарди. Элёр бунга кўникди ҳам. Бироқ ранг-рўйи синиққан, ичидаги қўрқувни эсидан чиқаролмай тобора кундан-кун ориқлаб бораётган маҳбубасининг дардига малҳам бўлолмаётганидан, чорасини тополмаётганидан ич-ичидан сиқиларди.

Янги йилдан олдин водийга бориб, уч-тўрт кун туриб келишди. Яқинлари Муҳаббатнинг кўнглига қарар, уни хурсанд қилишга чоғланар, лекин ўғилчасига маъюс тикилган аёлнинг чиройи бир зумгагина очилардию, яна аввалги ҳолатига қайтарди. Ўшанда улар кўпчиликнинг юрагини хижил қилиб қайтиб келишганди. На Элёр, на Муҳаббат ҳаётларини ларзага солган ўша аянчли воқеадан сўз очмади. Шундай бўлгани яхши, деб ўйлаганлари учун ҳам қариндошларининг хаёлини бўлишмади, тинчини бузишмади, қайғуга бо-тиришни истамади.

Элёр янги уйга кўчганларида Муҳаббатнинг юрагидаги ваҳм унутилар деб ўйлаганди, янглишган экан, илк кечадаёқ босинқирай бошлади. Кейинги кунларда эса аёлининг ярим тунгача ухлолмай юриши, кўз юмишга юраги безиллаб қолгани уни қаттиқ ташвишга сола бошлаган эди.

Мана бугун ҳам худди шундай ҳолат рўй берди.

– Боламни олиб кетинг, узоқроққа олиб кетинг! – дерди қора терга ботган Муҳаббат жон аччиғида. – Ҳозир портлаб кетади, кетинг! Тезроқ кетинг, деяпман сизга!



Аллақачон уйғонган Элёрнинг боши қотган. Уйғотай деса, кечагидай чўчиб кетиши мумкин, уйғотмай деса, босинқираши тўхтамаяпти. Бехосдан томоғига тиқилган тахир нарсани аранг ютиб, бағрини тиглаётган хотинига термилади.

– Жалолиддинни олиб кетсангиз-чи!

– Муҳаббат, – ноилож хотинини аста туртади Элёр.

– Нега туртасиз мени! Нега кетмайсиз?!

– Муҳаббат, кўзингни оч, – дейди Элёр титроқ овозда. У титраган кўлини хотинининг терга ботган оташ пешонасига аста босади. – Муҳаббат, буларнинг ҳаммаси ўтиб кетган, сен ёмон туш кўряпсан, холос. Бўлди, кўзингни очсанг-чи!

– Ҳалиям шу ердამисиз?! У ҳозир мени портлатиб юборади-ку, – дея фарёд қилади аёл. – Сиз ўғлимизни сақлаб қолишингиз керак. Ёлвораман, тезроқ олиб кетинг!

– Хўп, хўп. Ана энди аста кўзингни оч.

– Йўқ, шошма! А-ааа!

Муҳаббат бақирганича ўрнидан бош кўтарди. Элёр кўз ёшини яшириш учун уни бағрига тортади.

– Нима бўлди, жоним? Нега бунча қўрқиб кетдинг? – Элёр бунинг сабабини билса-да, барибир, сўрайверади.

– Портлаб кетди! – энтикиб нафас олганича жавоб қилади Муҳаббат. – Аблаҳ портлатиб юборди!

– Бўлди энди, у нарсаларни унутсанг-чи?

– Унутолмасам нима қилай, Элёр ака! – эрининг кўксига бош қўйганича йиғлаб юборади аёл. – Унутолмасам нима қилай?

– Сен ҳаракат қил, – Элёр хотинининг сочларини сийлайди.

– Атай қилмаяпман-ку.

– Биладан, жоним. Биладан. Аммо, барибир, эздан чиқаришинг керак. Энди у қора кунлар ортда қолди. Мана кўрасан, бундан кейинги ҳаётимиз сен орзу қилгандай осуда кечади.

Элёр хотини бошидан кечирган кўргиликнинг қанча-

лар даҳшатли эканлигини ҳис қилгани боис ҳам ширин гапини аямайди, ҳар бир ҳаракатида, айтмоқчи бўлган сўзларида кўнглини олишга интилади. Муҳаббат ҳозир тун, кўргани эса туш эканлигини англагандан кейингина бироз тинчланади. Эрталаб Элёр уни яна шифохонага боришга кўндиради. Муҳаббат эса табиблар нима деркин, дейди иккиланиб. Лекин на дўхтирларнинг муолажаси, на табибларнинг ўт-ўланлари кор қилади.

Бироқ уни бедаво хасталикка йўлиқди деб ҳам бўлмасди. Кундузи уй ишларини билиб-билиб қилар, озодаликни, саранжом-саришталикни ўрнига кўярди. Меҳмонларнинг кети узилгач, хоналар яна аввалгидай озода ва шином кўриниш олди. У бу ишларини ўзи хоҳлаб бажарар, кейин қилган ишларига тикилиб, баҳридили очилгандай бўлар, аммо кеч бўлди дегунча унинг ранг-рўйи ўзгариб, намозшомгулнинг аксига айланарди-қоларди. Тун қора пардасини ёйганда ичига қоронғилик кирарди. Бора-бора кеч киришини истамай қолди. Оқшом унга қандайдир кўрқинч, ваҳм олиб келиб бағрига ташлагандай бўлар, кўз юмиши Элёр учун ҳам азобга айланишини билгани сари сиқиларди. Баъзан тушкун ҳолатини билинтирмасликка уриниб, қўлига китоб оларди, қовоқлари юмилиб кетса-да, сатрларга термиларди, ухламаса бўлди эди. Аммо бу аянчли ҳолатга Элёр жим қараб туролмасди.

– Етар энди, қолганини эртага ўқирсан, – дерди Элёр аёлининг ёнига келиб.

– Жуда қизиқ китоб экан. Кундузи уй ишлари билан бўлиб ўқишга вақтим бўлмайди. Яна озгина ўқий. Сиз бемалол дамнингизни олаверинг. Мендан хижолат бўлманг.

– Чарчаб қоласан.

– Биласиз-ку китоб ўқишни ёқтиришимни. Мана шу бобни тугатсам бўлди.

Элёр жилмайишга ҳаракат қилади. Лекин гулдай хотини кўз ўнгида сўлиб бораётганига чидай олмайди. Ётоқхонага кириб ғазаб билан деворни муштлайди, муштлайверади.

Кунлар шу тарзда кечарди. Унинг кўзлари кирта-йиб, хаёли паришон бўлиб қолганини кўрган Жалил Очилов дарҳол таътил олишни маслаҳат берди. Элёр уйдаги вазиятни тушунган бошлиқдан миннатдор бўлди. Ахир бу айти муддао эди-да. Оиласи ёнидан қимирламаган Элёр энди ҳеч қандай хавф йўқлигини, бемалол кўча-кўйга чиқиб, янги қўшнилари билан яхшилаб танишиб олишни соатлаб тушунтира бошлади. Муҳаббат эрининг раъйини қайтармаслик учун «хўп» дер, жилмайишга ҳаракат қилар, бироқ роль ўйнашни эпловмаган нўноқ актёр сингари бошини эгиб, бирдан кўзлари билан ер чизиб қоларди.

– Фарғонага кўчиб кетсакмикин?

Элёр бу гапни кутганди. Худди шу саволдан чўчиб юрарди. Нима деб жавоб беришни неча марта ўйлаган, аммо тайинли гап топа олмаган. Ҳозир ҳам ўйланиб қолди. Муҳаббат унинг нима дейишини сабрсизлик билан кутаётган эди.

– Қўрқяпсанми? – деди Элёр саволга жавоб беришдан қочиб.

– Йўқ. Бироқ кўниколмаяпман.

– Юрагингдаги кўрқувни чиқариб ташламасанг, қаерда яшасак ҳам фарқи йўқ.

– Кечаси туш кўрмасликнинг иложи бормикин? – мўлтираганича сўради Муҳаббат.

– Бунинг учун ичингдаги ваҳимани енгишинг керак. Сен ўзингни қўлга оловмаяпсан, Муҳаббат. Ахир иродали аёлсан, хаёлингдан чиқариб ташлашга қурбинг етади. Унут, тамом-вассалом!

– Айтишга осон.

– Бошқа илож йўқ, азизам.

– Тўғри. Лекин ўшанда болам билан портлаб кетганимда нима бўларди? – дейди Муҳаббат юрагидаги изтиробдан титраб-қақшаб.

– Кўй, бундай дема, жоним. Ахир ҳаммаси яхшилик билан тугади-ку. – Элёр аёлининг қўлларини ўпади, сўнг юзларига босади. – Мана, кўриб турибсан-ку, ҳаммамиз соппа-соғмиз, энг муҳими биргамиз.

– Сизга қасдлашиб қолган душманларнинг баъзилари қўлга олинмаган бўлса-чи? – хавотирдан кўзлари пирпирайди Муҳаббатнинг. – Улар энди сизни ўғирлаб кетишса... ёки ҳаётингизга қасд қилишса, мен нима қиламан? Йўқ, бунга чидолмайман, Элёр ака! Бир кунда ўлиб қоламан!

– Ундай дема. Душманлар нималарга қодир эканлигимизни кўриб қўйишди, энди юраклари дов бермайди, – деб ёрини тинчлантиради Элёр. – Мендан эса кўнглинг тўқ бўлсин.

– Қанийди.

– Айт, бошингга тушган мусибатни унутишинг учун нима қилай? – Элёр Муҳаббатнинг кўзларига тикилади, сочларини оҳиста силайди.

– Қаранг, Фарғонага борганда Зулфия опамни кўриб келмабмиз-а? – Муҳаббат гапни атай бошқа ёққа буради.

– Нега ўша ердалигимизда айтмадинг? Иккимиз дарров ўтиб келардик.

– Энди кўргим келяпти.

– Хоҳласанг, яна бориб келамиз. Баҳонада уйдагиларни ҳам кўриб, айланиб келардик.

– Майли.

– Биласан, ҳозир таътилдаман. Истаган ерингга олиб бораман. Фақат мудҳиш ўйлардан халос бўлсанг бўлди. Эртагаёқ сафарга чиқамиз! Бўптими?

Муҳаббат шу кеча тинч ухлади. Аммо Элёр беихтиёр уйғониб кетар ва шошиб ёнига нигоҳ ташларди. Лекин

ҳар гал хотини ширин уйқуда бўларди. Тиниқиб ором олган аёлнинг эрталабки ҳаракатлари ўзгача эди. Хотинининг чиройи очилганини кўриб Элёрнинг ҳам ичи ёришди. Қисқа нонуштадан сўнг хурсандчилик билан йўлга тушишди. Довоннинг энг баланд ерига чиққанда Муҳаббат расмга тушишни таклиф қилиб қолди. Гоҳу, гоҳ хотини суратга олди, кейин кимдандир илтимос қилганди, ўғилчасини кўтариб турган ҳолатни кадрга муҳрлади. Йўлда расмга тушиб яхши қилдик-а, дея Муҳаббат росман хурсанд бўлиб кетди. Бунни кўриб кўнгли яйраган Элёр тортиниб ўтирмади, ёрининг юзларидан ўпиб қўйди.

– Ажойиб чиқса керак, – деди Элёр баланд тоғларга нигоҳ ташлаб. – Атрофдаги қорларни қара, гўзал манзара, тўғрими?

– Ҳа, кўзни қамаштиради. Кетгинг ҳам келмайди, – деб жавоб қилди Муҳаббат. Кейин эрининг бақувват қўлларини аста силаб туриб кўзларига тикилди.

– Тинчликми, жуда бошқача қараб қолдинг?

Муҳаббат хаёлини йиғиб, жилмайди.

– Эсдалик бўлиб қолади.

– Албатта. Қайтишдаям ўша жойда расмга тушамиз.

– Худо хоҳласа, – деди Муҳаббат бу гал қучоғидаги ўғилчасига термилиб.

Элёрнинг назарида бу гап маъюсроқ эшитилди. Ёки унга шундай туюлдими, ишқилиб, гап равишини бошқа ёққа бурди:

– Балки овқатланармиз?

– Яна кабоб олиб берасизми?

– Албатта!

Муҳаббат рози бўлди. Элёр ҳайдовчига довондан тушишда кўприқдан ўтиб кириладиган чойхонани эслатди.

– Сизлар овқатланиб олгунча мен бироз мизғиб оламан, – деди ҳайдовчи йигит ўриндиқ суянчиғини орти-

га тушириб. – Мабодо қаттиқ ухлаб қолсам, тортинмай уйғотаверинглар.

Эр-хотин ана-мана деб машинадан тушгунча қорачадан келган ҳайдовчи йигитнинг толиққан кўзлари юмилди.

– Қойил, – деди Элёр беихтиёр.

Муҳаббат бугуннинг ўзида яна Қўқонга қайтиб кетаётган йигитнинг ороми бузилишини истамай эрига юзланганча аста деди: – Қўйинг, дамани олсин. Бечора шу гапимизни кутиб зўрға турган экан, қаранг ухлашини.

Элёр яна бир бор, лекин бу сафар секингина «Ухлашни қара», деди-да, ўғилчасини кўтариб нари кетди.

Мажнунтол соясида мириқиб кабобхўрлик қилишди. Сўнг сўрида бироз суҳбатлашиб ўтиришди. Аччиқ кўк чойдан кейин яна йўлга тушишди. Янгикўрғонга намозшомга яқин кириб келишди.

Эрта ўтиб индинига Қўқонга – Зулфияни кўргани ўтишди. Эндигина мактабдан қайтиб ҳали хонасига кириб улгурмаган Зулфия дарвоза олдида қандайдир машина тўхтаганини эшитди. Ортига қайтаркан, ҳайрон бўлди. Ким бўлиши мумкин? Таниш-билишлари, қариндош-уруғлари орасида бунақа сигнал бериб ташқарида кутиб ўтирадигани йўқ эди-ку? Дарвозани қия очганди, кутилмаган меҳмонларга кўзи тушиб шошиб қолди: худди узоқ вақт сингисини кўрмаган ва дийдорини соғинган меҳрибон опадай Муҳаббатни анчагача бағридан қўйиб юбормади. Айниқса, жажжи Жалолиддинни Элёрнинг қўлидан олганда бирам хурсанд бўлиб кетдики, юзларидан ўпиб-ўпиб олди. Кейин бу қилиғидан уялиб, печкаси гупиллаб ёниб турган хонасига ошиқди. Кўмир ҳиди болани беҳузур қилмасин деб деразанинг бир табақасини қиялатди. Сал ўтмай Зулфиянинг онаси меҳмонларни кўргани кирди. Улар бир пиёла чой ичгунча гаплашиб ўтиришди.

Кейин Элёр аёлларни ёлғиз қолдириб, мархум Ботирникига йўл олди. Шу ерга атай келганда кирмай кетишга кўнгли бўлмади.

Зулфиянинг онаси ҳам овқатдан хабар олай деб ўр-нидан турди. Орага сукут чўмди. Гапни нимадан бош-лашни билмаган Зулфия Муҳаббатнинг олдидаги бўш пиёлага қўл узатди. Мезбоннинг йўқ дейишига қара-май, чой куйиб, дастурхондаги ноз-неъматлардан та-новул қилиб ўтиришга ундади. Кейин яна суҳбат узи-либ қолди.

– Сал озибсизми, Муҳаббат? – сўради Зулфия минг хижолатда. – Эркаклар бир ўзингизни қийнаб қўйяпти, шекилли?

Муҳаббат ухлаб қолган ўғилчасига тикилганича бо-шига тушган кўрқинчли воқеани сўзлаб берди. Гапи-раркан, ҳаммаси кўз олдида қайта гавдаланди, яраси тирналган аёлнинг дастрўмоли жиққа ҳўл бўлди. Мез-бон ёқасини ушлади. Ҳикоя сўнгида ўртага яна сукунат чўкди. Зулфия нима деб жабрдийда меҳмоннинг кўнг-лини кўтаришни билмай ўйга толди. Анчадан кейин:

– Мени кечиринг, – деди Зулфия афсус билан. – Бе-хосдан сўраб... кўнглингизни...

– Хижолат бўлманг, барибир, сизга айтмоқчи эдим.

– Ростданми? – мезбоннинг сал чехраси ёришди. Ле-кин айни пайтда унинг нигоҳларида «Нима учун?» де-ган савол ҳам пайдо бўлган эди. Буни сезган Муҳаббат:

– Ҳа. Негадир сизни кўргим келди, – деди Зулфияга кўз қирини ташлаб.

Унинг сўзи қанчалар самимий бўлса, шунчалар сир-ли туюлди Зулфияга. Бунинг тагига етишга қизиқиб, гапни узоқдан бошлади:

– Ўзингизга яқин олганингиз учун раҳмат. Сиздай синглим борлигидан мен ҳам қувониб юраман. Илоё, бахтингизга кўз тегмасин. Барча ғам-ғуссани эсдан

чиқаринг-да, яна бир ўғил ва икки қиз кўринг, – Зулфия печкага яқинроқ жойда ухлаб ётган Жалололидиннинг устидаги чойшабни тўғрилаб қўйди. – Элёр билан шу фарзандларнинг камолини кўриб юринглар.

Бу тилак юракдан чиқди, аммо Муҳаббатнинг юзларида негадир ўзгариш рўй бермади. Бошқа нарсани кутган Зулфия мулзам тортди.

– Сизга нима бўлди, Муҳаббат?

– Ичимга ўрнашиб олган кўрқувни енга олмаяпман. Элёр акамниям жуда қийнаб юбордим.

– Ҳаммаси ортда қолибди-ку. Худо хоҳласа, кўрмагандай бўлиб кетасиз, – деди Зулфия чин кўнгиладан. – Ўғилчангиз сал катта бўлсин, қилиқларини кўриб, сизни таъқиб этиб келаётган кўрқувни унутиб юборасиз. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади, мана, мени айтди, дейсиз.

– Раҳмат, Зулфия опа. Лекин ўзингиз нега бошқа турмушга чиқмай юрибсиз? – деб сўради Муҳаббат кўнгилидаги саволни ортиқ яшира олмай. У Зулфия ўтган йили Тошкентга – Элёрнинг чемпионлик жангини кўришга келганида ногирон эрининг оламдан ўтиб, бева қолганини эшитган эди.

– Билмадим, – деди Зулфия дастурхон попугини ўйнаб.

– Элёр акам сизни кўп ўйлайдилар. Айниқса, Ботир аканинг ўлимида ҳамон ўзини айбдор ҳисоблайди. Ачиниб кетадилар. Илтимос, турмушга чиқинг, Зулфия опа.

– Ёнимда узоқ ўтиролмай туриб кетганидан сездим.

– Сизни бахтли яшаётганингизни кўришни истайдилар, – деди Муҳаббат ниятини ошкор айтилмаसा-да, самимий оҳангда гапириб.

– Инсон пешонасига ёзилганидан қочиб қутулолмайди, дейишади-ку. Нима қилай, менга шунақа аччиқ тақдир битилган экан. Нолисам, гуноҳ бўлади.



– Тошкентга борганингизда тузук-қуруқ гаплашолмадик. Элёр акам сизни Нодир ака билан бирга келганингизни кўриб... у кишига турмушга чиқдимикин, деб ўйлабдилар.

– Элёрни қўллаб-қувватлашга бормасак уят бўлади, деб туриб олгани учун боргандим. Тўғриси, Тошкентни кўришни орзу қилардим, ўша мусобақа сабаб ниятимга етдим. Чиройли шаҳар экан. Масалан, менга жуда ёқди. Яшасанг, армон қилмайсан.

– Сизни олиб кетсам-чи? – деди Муҳаббат.

– Қаерга? Тошкентгами? – бу кутилмаган саволдан ҳайрон бўлди мезбон.

– Ҳа.

– Вой, нима қиламан у ерда? – Зулфиянинг юзларига ним табассум югурди. Аммо унинг нигоҳларидан бу кутилмаган таклифдан ҳайрон бўлганлиги сезилиб турарди.

– Яшайсиз, ишлайсиз. Ўзим сизга яхши бир куёв топиб бераман.

– Э, кўйсангиз-чи! – деб бирдан қўлларини силкитишга тушди Зулфия. – Мендай бевага кимнинг кўзи учиб турибди?

– Ўзингизни бунчалар камситманг, ҳали бир йигитнинг кўнглини ром эта оласиз.

– Жуда ошириб юбордингиз-ку.

– Ҳа, айтгандай, биз яқинда янги уйга кўчиб ўтдик.

Зулфия бу хушxabарни эшитиб «Қўшалоқ байрам бўлибди-да», дея жуда севиниб кетди. Муҳаббатни қайта-қайта муборакбод этди. Ёзги таътилда, албатта, «уй кўрди»га боришини айтиб ваъда берди.

– Элёр акам икки кундан кейин Тошкентга қайтадилар, – деди Муҳаббат бироз ғамгин оҳангда.

– Сиз-чи?

– Билмадим...

– Яна бироз қолмоқчимисиз? Қандай яхши, сиз билан тўйиб гаплашиб оларканман-да. Унда бугун бизни-кида қоласиз. Келишдикми? Элёрдан ўзим сўрайман.

Икки коса иссиқ шўрва келгач, аёлларнинг суҳбати узилиб қолди. Бу орада Элёр ҳам кириб келди.

Кечга яқин Элёр оиласи билан уйига қайтишга руҳсат сўради.

– Шунчалар қизғанасизми? – ўпкаланди Зулфия меҳмонларни кузатиб кўчага чиққанида.

– Ў-ў, қизғанишам гапми, ўта рашкчиман! – деди Элёр атай қошларини туташтириб. Кейин нимадир ёдига тушди, шекилли, тезда кўшиб кўйди: – Бу хислат марҳум устозимдан мерос қолган бўлса керак.

Зулфия чуқур хўрсинганини сездирмасликка уришиб, меҳмонларни хушчақчақлик билан кузатишга ҳаракат қилди.

\* \* \*

Эртаси куни Зулфия меҳмонлар билан хайрлашгани Элёрларникига келди. У, аввало, оқибат кўрсатиб ўзини йўқлаб боришгани учун Муҳаббатга миннатдорлик билдирмоқчи, қолаверса, эрталабдан бозорга тушиб кичкинтой учун олган кийим-кечакларни бериб (кеча тузукроқ совға қилолмагани учун уялганди), янги чақалоқ, янги уй билан яна бир бор табриклаш ниятида эди.

Дарвоза олдида қаторлашиб турган кишиларни кўриб, бирдан тўхтаб қолди. Эркаклар орасида қора тўн кийиб, белига белбоғ боғлаган, келганлар билан йиғлаб кўришаётган Элёрга нигоҳи тушганда кўлидаги каттагина елим сумкани бағрига босди. Ёнидан икки аёл ўтгандай бўлди. Уларнинг бири Зулфияга «Сиз ҳам таъзиягами?» деди.

– Кечирасиз, бу ерда... Нима гап ўзи? – Юраги алланечук ғалати бўлиб, сўзини давом эттиришга ўзида куч тополмади.

– Хабарингиз йўқми? – нотаниш аёлнинг кўзлари намланди.

Бу гапдан баттар хушёр тортган Зулфия билинар-билинемас бошини қимирлатди. Эгнига қорамтир пальто кийган, қалин жун рўмолини чандиб ўраган, қирқ-қирқ беш ёшлардаги тўладан келган аёл лабларини қимтиб, йиғлаб юборай деди.

– Гапирсангиз-чи, опа! – сабри чидамаган Зулфия бир қадам олдинга юрди.

– Муҳаббатхон...

– Муҳаббатга нима қилди? – ўзи билмаган ҳолда яна қадам ташлади Зулфия. Кўзлари катталашган, юраги энди машғум бир хабарни илғагандай типирчилай бошлаган эди. Унинг хаёли Элёрнинг отасида эди.

– Муҳаббатхондан айрилиб қолдик, синглим.

– Нима? А-а?!

Қўлидаги сумка «тап» этиб қор устига тушди. Ағдарилган сумкадан аввал унча катта бўлмаган қизил ва кўк йўлли коптокча отилиб чиқди ва кишилар томон юмалаб кетди. Кейин ўртасига «Милиция» деб ёзилган ўйинчоқ машина тушди. Унинг калити охиригача буриб тайёр қилиб қўйилган, шекилли, ерга урилган зарбдан кейин бу машина ҳам ҳаракатга келиб, тўғри нотаниш аёлнинг оёғига урилди ва тиралиб қолди. Силлиқ қорда унинг жажжи ғилдиракчалари шиғиллаб айлана бошлади.

Зулфия Муҳаббат деган исмни эшитгандаёқ карахт бўлиб қолганди, «Қайси Муҳаббат?» деб сўрамоқчи бўлди-ю, Элёрга кўзи тушиб нима гаплигини тушунди, бироқ ишонгиси келмади, ишонишни хоҳламади.

– Вой, сиз ростанам билмаган экансиз-да, – деди ердаги нарсаларни кўриб, таажжубга тушганини яшира олмаган аёл.

– Озодахон, юра қолинглар энди! – деди сал нарида турган каттароқ ёшдаги аёл эркакларга яқин жойда туриб қолганидан хижолат тортиб.

– Ичкарига кирасизми? – деб сўради нотаниш аёлнинг сумкасини қўлига тутқазган Озодахон.

Зулфия қадди букилган Элёрнинг ғариб ҳолатини кузатаркан, юрак ютиб сўради:

– Элёржоннинг аёли... Муҳаббатни айтяпсизми?

– Ҳа, ўргилай, ўша Муҳаббатни айтяпман.

– Бўлиши мумкин эмас. Ахир кечагина... бизникида...

– Жиянимдан айрилиб қолдик, айланай, – деб йиғини бошлаб юборди Озодахон. – Эндигина уйли-жойли бўлганди-я, эндигина чиройли ҳаёт кечираётганди-я.

Зулфиянинг бутун вужуди музлаб кетди. Муҳаббатнинг вафотига энди ишонди ва ўзи томон кўзлари жиққа ёшга тўлиб келаётган Элёрга кўзи тушганда бирдан оёқларидан мадор кетиб, хушини йўқотди.

– Вой, ўлай. Ҳой, ким бор?!

Озодахон бирдан йиғидан тўхтаб, ногоҳ ўзини ташлаб юборган аёлни қўлидаги сумка билан аранг ушлади. Бироқ тўсатдан қучоғига тушган оғир гавдани эпломмай ўтириб қолди. Элёр ҳарчанд уринмасин, етиб келолмади.

\* \* \*

Зулфия ҳадеганда ўзига келавермагач, Элёр уялиб ўтирмади, кўз ёшларини енги билан артди-да, жувонни шартта кўтариб, меҳмонхона олдидаги кичикроқ хонага олиб кирди. Диванга ётқизгач, шаҳар касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлайдиган, айни пайтда таъзияга келиб-кетиб турган аёллар билан кўшилиб йиғиси қилаётган келини Замирани чақиртирди.

Замирага кўшилиб келган Тўхтаҳон ая Озода қўлига тутган сумкадаги нарсаларга кўзи тушиб, ўзини тутиб туролмади – йиғиси хонани тутди. Вазият жиддийлигини кўрган Замира шошганича хонасидан нашатир спиртини топиб келди.

Элёр хушига келган Зулфияни кўргандан кейингина ташқарига чиқиб кетди.

Кўчадаги қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилари нотаниш аёл билан нима содир бўлганини кўришган,

дарров кимлиги билан қизиқиб қолишганди. Шу пайт ишхонасидаги ҳамкасблари келиб Элёр жавоб беришдан қутулди. Бўлмаса, анчагача унинг бошини қотириб савол беришлари аниқ; қайғуга ботган Элёр уларнинг ўринли-ўринсиз гапларини тинглаши ва жавоб қайтариши керак эди. Тошкентдан танишлари келгани бир ҳисобдан яхши бўлди, бироқ баъзи бир оғайниларининг шубҳа билан қараб қўйишлари, бошини маъноли силкитиши кўнглини хижил қилди. Тавба, шундай пайтда нима хаёлга боришди экан-а?

Биринчи бўлиб полковник Бўронов кўришди. Элёр уни кўргандаёқ кўзларидан шашқатор ёш оқди. Бағрига босиб, «Бандалик экан!» деганида ичидан отилиб келаётган ўкирикни тўхтатолмади. Бундай бахтсиз ҳодисаларни кўравериб дийдаси қотган полковник йигитнинг наърасига бефарқ қараб туrolмади. Бирдан кўнгли юмшаб, кўзлари намланди. Аммо буни ҳеч кимга сездирмади.

– Бардам бўл, ўғлим. Оллоҳнинг иродаси экан.

Элёр таъзияларда азадор таниш-билишларига бундай гапни кўп бора айтган, аммо эрталабдан буён эшитаётгани – тасалли берувчи бу сўзларни ўзи асло ҳазм қилолмаётган эди. Ҳали ёшига етмаган гўдак онасидан жудо бўлди. Ахир бу бегуноҳ норасидада нима гуноҳ борки, оғир бахтсизликка рўбарў бўлса? Ақлини танигач, онам нега ўлган, деб сўраса, нима дейди? Ҳақиқатни айтадимми ёки осонгина касаллик туфайли дейдимми? Тақдирнинг бу оғир синовини ота-бола кўтариша олармикин?

– Бўлиб ўтган воқеалардан уйингдагилар хабардорми? Уларга ҳаммасини айтганмисан? – сўради полковник Элёрнинг қулоғига пичирлаб.

Элёр юзини полковникнинг пальтосига ишқади.

– Яхши қипсан, айтмай. Лекин нима бўлди, ўзи? Бу ерга шунчаки айланиб келиш учун келганмидинглар? Ёки Мухаббатнинг мазаси бўлмадимми?

- Уйга бориб келайлик деганди...
- Сезганмикин-а?
- Шунақага ўхшайди...
- Қўрқувни енга олмабди-да, – деди полковник.
- Ҳа, сираям унутолмади.
- Ҳамдардмиз, ўғлим. Таъзиямизни қабул қил.
- Раҳмат, раҳмат...

Жалил Очилов ҳам бошлиқнинг сўзларини такрорлади. Элёр тишини тишига босди, бироқ вулқонни тўхтатишга ожизлик қилди. Йиғи аралаш ўйлади: бу ишга кирмаганида Муҳаббат ўлмасмиди? Тинчгина сурат чизиб ёки бокс тушиб юрганида, Муҳаббатнинг ичига қўрқув, ваҳима тушмасмиди? Ким айбдор? Ахир Муҳаббат бу ишингизни ташланг, деб айтмадимми? Айтди. Демак, айбдорни қидиришнинг кераги йўқ. Энди бошини деворга урганидан маъни борми? Ўзини кечира олармикин? Наҳот бу афсус-надомат бир умр юрагини тирнаб ўтса?..

Майор Жалил Очилов ходимини сабрли ва бардам бўлишга ундади. Элёр акасидай бўлиб қолган бошлиқига аччиқ йиғиси билан дардини тўкиб солгандай бўлди.

– Мусибатингга шерикман, Элёр. Аёлдан айрилиш жуда қайғули. Аммо бу қаддингни букишига йўл қўйма. Душманлар шу ҳолатингда ҳам сендан чўчиб турсин. Биз ҳар қандай оғир ва танг вазиятларда ўзимизда куч, ирода тополадиган одамлармиз. Ожизлик бизларга ярашмайди. Қани, қаддингни кўтар. Оллоҳнинг синови деб қабул қилгин-да, бардошли йигит эканингни кўрсат!

Бу гаплардан кейин Элёр кўз ёшларини артди. Лекин, қолганлар билан кўришаркан, яна ғайриихтиёр ичидан йиғи отилиб чиқаверди. Айниқса, Мақсуд уни анчагача кучоқлаб турди. Ҳеч нима дея олмади. Бироқ унинг чин кўнгилдан ачинаётганини Элёр сизди.

Эрназар ака ўғлининг имосини тушуниб, Тошкентдан келганларни меҳмонхонага бошлади. Маҳалла домласи

тиловат қилиб, унинг савобини хонадондан ўтган барча мархум ва мархумалар қаторида тонг саҳарда тўсатдан бандаликни бажо келтирган Муҳаббатга бағишлади.

Элёр меҳмонларнинг хурмати учун ўрнидан туриб кўлини кўксига қўйди.

Ўртага сукут чўмди. Домла меҳмонларни гапга солди: пойтахтдаги янгиликлар, доvon йўлининг қандайлиги, тоннель қурилиши ҳақидаги гап-сўзлар қачон амалга ошиши хусусида сўради. Барча саволларга полковник Бўронов қисқа-қисқа жавоб берди. Аввал икки чойнак чой, кетидан ярим косадан иссиқ шўрва олиб киришди. Меҳмонлар ўзларини қанчалар ноқулай сезмасин, мезбонларнинг раъйини қайтаришга ботина олишмади. Енгил таомдан сўнг ўтирганлар кетишга рухсат сўрашди, домла аввал дастурхонга дуо қилди, кейин яна Қуръондан кичикроқ сура ўқиди.

Элёрнинг яқинлари меҳмонларни машинагача кузатиб қўйишди. Жалил Очилов хайрлашиш олдидан йигитнинг қўлига бир даста пул тутқазди. Элёр олмайман деб йиғлаб юборди. Полковник Бўронов чин кўнгилдан қилинаётган моддий ёрдамни қайтариш яхши эмаслигини тушунтирди.

– Нима ёрдам керак бўлса, сира тортинма, – деди полковник Элёрнинг елкасидан ушлаб. – Таътилда экансан, маъракаларини бемалол ўтказиб ол. Ҳа, айтгандай, мана бу янги қўл телефони ҳам сенга, – полковник ҳайдовчи келтирган қутини Элёрга тутқазди. – Керакли ходимларнинг рақами ёзиб қўйилган. Ўзингники ҳам ичида. Эслаб қолганингдан кейин ўчириб юборарсан. Иш ҳақида ўйлама, йигитлар эплаб туришади. Бўпти, Тошкентда кўришгунча!

– Раҳмат, ўртоқ полковник.

– Омон бўл.

– Тошкентга қайтгач, дарҳол хабар берарсан, – деди Жалил Очилов.

– Бардам бўл, дўстим, – дея Мақсуд Элёр билан кучоқлашиб хайрлашди.

Икки қора «Мерседес» ортга қайтди. Таъзиядагилар анчагача келган меҳмонларнинг кимлиги билан қизиқиб, оёқларидан ўтаётган совуқни, Элёр уйига кўтариб кирган ҳушсиз аёлни бироз унутишгандай бўлди. Ҳатто баъзи бир тенгқурлари бошига мусибат тушган ҳамқишлоғига ачиниш ўрнига унинг қаерда ва ким бўлиб ишлашини муҳокама қила бошлашди. Бу гапларга эътибор қилмаган Элёр гоҳ келаётганларни кутиб олиш, гоҳ кетаётганларни кузатиш билан машғул бўлди.

## II. ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ

Муҳаббатнинг йигирмаси ўтганидан кейин Элёр Тошкентга қайтишини маълум қилди. Бу гапни эшитиб, қудаларга онасидан бевақт жудо бўлган гўдакнинг қайғуси тушди. Эрназар ака катталарни меҳмонхонага таклиф қилди. Сўнг томоқ қириб салмоқ билан гап бошлади.

– Оллоҳнинг тақдирига тан бермай иложимиз йўқ. Шунинг учун, майли, бемалол ишингга қайтавер, ўғлим. Жалолиддиндан эса асло хавотир олма, унга биз ўзимиз қараймиз.

– Вой, бўлмасам-чи! Набирамга ўзим қарайман, – деб Тўхтагон ая астойдил жавоб қилди.

– Биздаям шароит бор, – деди Султоной ая жим ўтиришни ўзига эп кўрмай.

Орифжон муаллим томоқ қириб қўйди.

– Ҳа, энди айтиб қўйганимиз яхши-да, – деди Султоной ая эридан олдин гапириб юборганига мулзам тортиш ўрнига. – Тўғрими, қуда?

Тўхтагон ая чолига кўз қирини ташлади. Эрназар ака эркак қудага бир зум разм солиб турди-да:



– Раҳмат сизларга, – дея яна боягидай босиқлик билан гапини давом эттирди. – Жалолиддин ҳаммамизнинг набирамиз. У оёққа туриб олгунча, майли-да, сизлар ҳам, бизлар ҳам бирдай жон куйдирамиз. Биласизлар, эшигимиз сизлар учун ҳамиша очиқ.

– Мактабга борадиган ёшга эсон-омон етиб олса, хоҳласанг... олиб кетаверасан Элёржон, – дея ўғлига қаради Тўхтаҳон ая эрининг гапини давом эттираркан.

– Ўҳ-хў, ўшангача юрадимми? – Элёр бошини кўтариб онасига қаради.

– Ҳеч бўлмаса, ўзини ўзи эплагунча боқиб берамиз, ойинг ўргилсин, – деди Тўхтаҳон ая ўғлига ўкинч билан.

– Биз сени Жалолиддиндан айирмоқчи эмасмиз, – дея фарзандининг кўнглини хотиржам қилишга уринди ота. – Аммо онангнинг гапида жон бор. Эрталабдан кечгача ишда бўлсанг, болага ким қарайди? Бу ерда бири бўлмаса, бири кўз-қулоқ бўлади.

– Ҳа-да, энг муҳими, кўнглимиз тўқ туради, – эрининг гапини қувватлади Тўхтаҳон ая. – Ундан кейин қудаларим ҳам истаган пайтларида келиб-кетиб туришини айтмайсанми?

Қудалар бундан ортиқ бир нима дейиша олмади. Султоной ая куёвига ёвқараш қилди. Қайнонанинг гулдай қизининг хазон бўлган умрига ҳамон куйинаётгани шундоқ сезилиб турарди. Аламзадалигини терс хатти-ҳаракати, ўқдай қадалаётган нигоҳи ошкор этарди. Кичкина қизи эридан ажрашиб, бошқа турмушга чиқолмаяпти. Катта қизидан эса, мана, айрилиб ўтирибди. Ундан ёдгорлик бўлган боласини олиб қолай деса, қудалари беришмаяпти. Олдида бўлса, куйган юрагининг тафти сал бўлса-да босилармиди? Нега бунни тушунишмас экан?

Қудалар кетишди. Элёр ўғлини бағрига босди. Тўхтаҳон ая ота-боланинг ёнига келди.

– Кеча ҳеч кимга кўнмаган ўғлинг, Зулфияхон кўтар-са, жим бўлиб қолганини қара. Тавба, худди онасининг кучоғига тушгандай мириққанини айтмайсанми?

Элёр онасига бир қараб қўйди. Тўхтаҳон ая ўғли билан хайрлашгач, набирасини олиб, нари кетди.

\* \* \*

Уйдан чиққан Элёр тўғри қабристонга борди. Паст-баланд дўнгликлар оппоқ қор билан қопланган. Унда-мунда бўй кўрсатган толлар шохларини эгиб маъюс ўйга чўмгандай гўё. Улар остида ётган мархумларга худди таъзия билдираётгандай ғамгин ва чуқур қайғуга ботган. Элёр қишлоқ четидаги қабристонга анча тикилиб қолди. Яқин-яқинда қанчаси тирик эди. Бугун эса... Хотини-чи, хотини. Энди унинг макони шу олис манзилми? Бу ерда ёлғиз ўзи қолади-да? Қачон келишини пойлаб-а? Ахир уни... олиб кетса ҳам бўларди-ку.

Элёр оҳиста қадам ташлади. Шу тобда қорнинг ёқимли ғижирлаши қулоғига кирмас, аксинча, таниш қабр ёнига яқинлашган сари елкалари беихтиёр силкиниб, кўзларидан ёш оқа бошлади.

– Нима қилиб қўйдим!

Элёрнинг кўксидан отилиб чиққан нидо қабристон узра ёйилди. Хаёлини бирдан банд этган даҳшатли ўй унинг қалбини ларзага келтирганди. Оёқларини ортиқ кўтара олмади. Қўллари билан бошини чангалларкан, ичини тирнаган саволни яна қайтарди.

Кечагина ёнида юрган хотини бугун қора ер бағрида ётибди. Муздек гўрда-я! Бу ўйдан юрак эзилади-да, хайқириб, типирчилайди-да. Амаллаб олдинга интилди. Қабр ёнига етгач, тиззалаб ўтириб қолди. Титроқ қўллари билан қор устини аста силади.

– Мени кечир, Муҳаббат! Мени кечир!

У совуқнинг қаҳрини мутлақо сезмас, қизара бошлаган кафти билан ҳамон қор юзини силаб-сийпалар, кечирим сўраган сари кўз ёшини тия олмас эди.

– Гапингга кулоқ тутмадим. Негаки сендан айрилиб қолишни умуман хаёлимга келтирмаган эдим. Мени кечир, Муҳаббат.

Ногоҳ шамол турди. Усти кўчиб қолган қор учқунлари Элёрнинг юзига урилди. Табиатнинг бу арзимас ҳодисасини марҳуманинг аламли жавоби деб тушунган сўққабош йигит баттар ўксиниб йиғлаб юборди.

– Ҳа, мен қайсарман, ўзини ўйлайдиган бадбахтман! Сен бир куни шундай бўлиши мумкинлигини билгансан, мени огоҳлантиргансан, бироқ нолангга эътибор қилмадим. Ана энди фироқ ўтида куйиб кул бўляпман. Айриликқа кўника олмаяпман. Нега сен, сен ўлишинг керак?!

Қор парчалари унинг нам киприкларига, титраётган лабларига ёпишди. Элёрнинг дили яна хуфтон бўлди. Юраги эзилиб қабр тепасида анча қолиб кетди. Кейин ўзи билган сурани ўқиркан ич-ичидан келаётган йиғини гоҳ тўхтатди, гоҳ тўхтата олмади.

Қабр ёнидан кетиш жуда оғир бўлди. Ортига қарай-қарай аранг қадам ташларкан, «Муҳаббатсиз энди нима қиламан?! Усиз ҳаёт ҳаётми?!» деди тилка-пора бўлган қалбини тирнаб. Бироқ тирик инсон қабристонда қола олмагандай, у ҳам борлиқ ёруғ ҳаётни тўсиб турган ғиштин деворларни ортда қолдириб аста катта йўлга чиқди.

\* \* \*

– Ишга қайтганинг яхши бўлибди, – деди Жалил Очиллов Элёрни ўтиришга таклиф қилиб. Сўнг ўзи ҳам унинг қаршисидан жой олди. – Ўғлингни олиб келдингми?

– Ота-онамнинг ёнида қолдирдим, – ғамгин жавоб қилди Элёр.

– Ҳа, уларнинг олдида бўлгани маъқул.  
– Мендан бошқа ҳамма шу қарорга келди.  
– Тўғри ўйлашибди.  
– Нимаям дердим.  
– Фарғонага боролмаган ходимлар билан кўришгандирсан?

– Ҳа, кеча кўпчилик келиб кетди.  
– Чарчагансан? Балки бугун ҳам...  
– Йўқ, ишламоқчиман.  
– Албатта, – Жалил Очиллов ўрнидан турди ва жойига келиб ўтирди. – Унда сенга муҳим вазифа топшироқчиман, – майор қандайдир бир варақ қоғозни қўлига олди ва унга тикилганича гапида давом этди. – Бу ерда ватанимиз мустақиллигини сақлаш йўлида ўтган йили қурбон бўлган ҳамкасбларимиз ва Ички ишлар вазирлиги ходимларининг рўйхати берилган. Сен бу рўйхат бўйича тегишли вазирликлардан марҳумларнинг сурати ва таржимаи ҳолини оласан. Барча маълумотлар тўплангач, республика газеталарининг бирида «Ватан содиқ фарзандларини унутмайди!» деган катта сарлавҳа остида чоп эттирамиз. Раҳбарият юртимиз тинчлиги йўлида ўз жонини фидо қилган жасорат эгаларининг номларини халқимизга билдириб боришни маъқул топди. Мана, ол.

Элёр ўрнидан туриб, ўзига узатилган қоғозни олди. Тик турганича ўзи таниган ва танимаган марҳумларнинг исм-шарифига кўз югуртирди.

– Полковник Бўронов ишга чиқишингни эшитиб, бу иш билан шахсан сен шуғулланишингни тайинладилар.

Бу гапдан кейин Элёр қоғоз оша бошлиғига нигоҳ ташлаб қўйди.

– Ҳа, айтгандай, Маратнинг сурати ва таржимаи ҳолини тайёрлаб қўйдим, – деди Жалил Очиллов столи устидан янги папка олиб. – Мана, танишиб чиқарсан.

Қолганларникини ҳам шу зайлда тайёрла. Кейин бирорта журналистга кўрсатиб оламиз.

Элёр Марат Бошбековнинг расмига тикилди. Сўнг бир зумда ҳаёт йўли ёзилган ярим қоғозлик материал билан танишиб чиқди. Кўз ўнгида Бектемир туманидаги маҳаллада портлаб кетган эски ҳовли, уй ичида қолган Марат Бошбеков ва яна уч нафар махсус отряд аъзолари жонланди. Вайрона остидан топилган жасадларнинг бири қўлсиз, бири оёқсиз, яқинроқда бўлган Марат Бошбековнинг эса кўкрак қисми деярли титилиб кетганди. Кейин мархумларнинг уйларига таъзияга борганини, барча хонадонларда қайғуга ботган одамларни учратгани хаёлидан ўтди.

Боши эгилди. Бундай олиб қараганда рўйхатдаги мархумларнинг оила-аъзолари чеккан қайғу уникидан кам эмас экан. Битта унга қийин бўлмабди. Бир унинг бошига жудолик тушмабди. Айрилиқ фақат унинг тақдирига ёзилмаган экан.

Жалил Очиллов чуқур хўрсиниб, оғир тин олган Элёрга қаради. Режасининг таъсир кучи намоён бўла бошлаган эди. Негаки газетани кўрсатишдан мақсади ҳам Элёрни бироз совитиш, ғамини аритиш эди. Бу ишда доимий қайғуга кўмилиш, хаёлга берилиш хунук оқибатларга олиб келишини у яхши билади. Тўғри, унутиш қийин, айниқса, севиб уйланган ёрни. Бироқ мусибатга сабр қилишдан ўзга чора йўқ!

– Элёр, сен иродали йигитсан. Ўзингни қўлга олишингни истайман, – деди Жалил Очиллов ходимининг кўзларига боқиб. – Сабр, бардош ва жасорат! Тушундинг-а гапимга?

– Мен ҳар қандай топшириқни бажаришга тайёрман!

– Яхши. Лекин аввал полковникнинг айтган ишларини газетага тайёр қилиб қўйишимиз керак. Эрта-индин иккаламиз рўйхат бўйича мархумларнинг уйлари-

га бориб, уларнинг яқинларидан кўнгил сўраб келамиз. Улар бизни кўришса, албатта, хурсанд бўлишади. Бўпти, ишларингга омад, – майор шундай деб ўрнидан турди. Кейин нимадир ёдига тушди чоғи, Элёрнинг ёнига келиб, елкасига қўл ташлади. Ходимини эшиккача кузатиб қўяркан: – Ҳа, айтгандай, бирор ёрдам керак бўлса, тортинма, – деди.

Элёр бошлиғига миннатдорлик билдириб, хонаси томон илдам қадам ташлади.

\* \* \*

Ўзгалар бошига тушган мусибатни кўриш, ҳис этиш, қайғусига шерик бўлиш, дарҳақиқат, кишининг шундай жудоликдан тортаётган ғам-андухини, чекаётган озорини сал бўлса-да камайтирар экан. Бошқаларга сабр-тоқат тилаш билан инсон ўзидаги сусайган ёки эгилган иродани тиклаб олишга уринаркан. Деярли бир хил кулфатни бошдан кечираётган одамга бировнинг кўнглини кўтариш учун сўз топиш, шунга яраша ҳаракат қилиш осон иш эмас, албатта. Ички ишлар вазирлигидан қўшилган яна икки ходим билан тўрт киши айланиб чиқшининг ўзи бўлмади. Аммо Элёр эплади, ўзини мардонавор тутди. Зеро, у аздорларга бошқалардан кўпроқ ҳамдарад эди. Бироқ, дардини пинҳон тутди, юртдошларининг дардига шерик бўлди-ю, азасини ошкор қилмади, аздорларнинг кемтик юрагига малҳам бўлгулик сўз ахтарди, ёш тўлган кўзларини яшириб, қайғули юзларни силади, аммо... Аммо бундай оғир дардни аритувчи сўз топа олмади.

Полковникнинг тутган йўли иш берганди. Элёр аста-секин қаддини тиклай бошлади. Байрамолди кунлари Жалил Очилов билан бўлди, рўйхатдаги барча хонадонларга кириб чиқдилар. Кечқурун эса ўзи меҳмон кутарди. Фарғонага бора олмаган кўни-қўшнилари, та-

ниш-билишлари дам-бадам чиқиб туришарди, кўнглини кўтаришар, ёлғизлик гирдобига тушиб азоб чекмаслиги учун қўлларида келганича ҳаракат қиларди. Лекин у буларнинг бари вақтинчалик эканини тушунарди. Негаки танишларнинг деярли ҳаммаси келиб кетган эди.

Бугун ҳеч ким келмаса керак, деб ўйлаган Элёр телефон орқали уйдагилар билан бемалол гаплашди. Сўнг анча вақт Муҳаббат билан тушган суратларга термилиб ўтирди. У энди билди: бу суратларнинг ҳар бирига соатлаб тикилиб туриш мумкин экан. Эҳ-ҳе, қанча нарсани хаёлдан кечириб, ўзи билан ўзи гаплашса бўларкан. Никоҳ куни олинган суратга нигоҳи қадалиб, ширин хотираларга кўмилган эди, ногоҳ эшик қўнғироғи жиринглаб хаёли бўлинди. Истамайгина ўрнидан туриб, эшикни очди.

Элмира. Элёр унга тикилиб қолди. Уйга таклиф қилишни унутдимиз ёки қалбини энтиктирган ширин ўйларини бузганидан ичида аччиқландимиз, тушунарсиз ҳолат юзага келганди. Буни англаган Элмира ноқулай вақтда келдим, шекилли, деб хижолат тортди ва дарҳол кечирим сўради.

Элёр шундагина тўзғиган хаёлини жамлаб, қизни ичкарига таклиф қилди.

– Тўғриси кутмагандим, – очиғини тан олди Элёр.

– Огоҳлантирмай келганим учун узр, – деди ичкарига кирган Элмира оёқ кийимларини ечмай туриб. – Агар уйда меҳмон бўлса...

– Нималар деяпсиз, бугун меҳмонсиз ўтиргандим.

– Ёлғизмисиз?

– Жуда унчалик эмас, – деди ичкарига йўл бошлаган Элёр Элмирага кўз қирини ташлаб. – Хотираларга берилиб дегандай...

– Бемаврид келибман-да, – деб меҳмонхона остонасида атай тўхтади Элмира.

– Чақирилмаган меҳмон Худонинг меҳмони дейишадди, кексалар. Қани, марҳамат.

– Кеча йигитлар олдида сиз билан бемалол гаплаша олмадим, – деди Элмира кўрсатилган жойга ўтираркан.

Ҳа, бу қиз кеча собиқ курсдошлари билан бу ерга келган, Элёрдан кўнгил сўраб бироз ўтириб кетишганди. Бугун эшик олдида яна Элмирани кўрганда кутилмаган ташрифнинг боисини тушунолмайд ҳайрон бўлиб ўйга толганининг сабаби шу эди. Кеча ортидан икки марта ошхонага кирди ва нимадир демоқчидай бўлди. Демак, муҳим гапи бор экан-да? Ишқилиб, узоқ қолиб кетмасмикин? Яна бирор кўшниси йўлакда кўриб, ёмон хаёлга борса-я?

– Марҳамат, қулоғим сизда? – деди Элёр қизга чой таклиф қилиш ўрнига.

Элмира бу расмий илтифотдан Элёрга «ялт» этиб қараб қўйди, аммо юзидаги жозибани йўқотишни истамасди.

– Балки, бу гапнинг ҳозир мавриди эмасдир. Шунгами сўзимни нимадан бошлашни билолмай турибман.

– Бемалол... гапираверинг.

Элёр қизнинг нигоҳидан нима демоқчи эканлигини билишга уринди, одатда, у суҳбатдошининг ичидагини топишга эришарди. Аммо ҳозир диққат-эътиборини жамлаёмай қийналарди. Балки юрак-юрагига жо бўлаётган хотиралардан ҳамон қутулмай тургандир. Шундай, эндигина Муҳаббатнинг гапларини эслаётган эди-я. Никоҳ кечаси бошланиб, келин-куёв ўзларига ажратилган жойга чиққанларидан кейин, тўйхонага йиғилган меҳмонларга эгилиб салом бераётган Муҳаббат нима деганди? Ҳа, бўлди, «Ўз севгисини поездда изҳор қилган йигит, яъни куёвтўрага салом!» деганди фақат у эшитадиган қилиб. Шундоқ ҳам оғзи қулоғида бўлган Элёрнинг баҳри дили янаям очилиб кетганди. Кейин у ҳам



ҳазиломуз бир гап айтганди. Худди ўша сўзини эслаётган бир пайтда тўсатдан кўнғироқ чалиниб, айни чоғда рўпарасида ўтирган Элмира уни безовта қилганди.

– Агар ёдингизда бўлса, анча олдин «бизга ўтмай-сизми,» дегандингиз? Бироз вақтингиз бўлса, шу масалада гаплашгани келувдим, – деди Элмира сумкасидан нимадир олиш ниятидан қайтиб.

Элёр бу гапдан кейин жосус аёл Сакина Пўла автобусда тўппонча билан бошига етказган жароҳати туфайли касалхонада ётганини, ўша кунларнинг бирида Элмира курсдошлари билан уни кўргани келганини эслади. Ҳа, хайрлашиш олдидан шунақа гап қилганди. Лекин, ўшанда бу таклифга парво ҳам қилмаганди шекилли. Нечун энди...

– Вақтим-ку бор, аммо ҳозир иш масаласида...

– Тушунаман. Фақат имкони топилганда бир суриштириб кўрсангиз бўлди. Тарбияси қийин болалар билан ишлагандан кўра, умуман тарбия нималигини унутган катталар билан ишлаш қизиқарлироқ, деб ўйлаб қолдим. Нима дейсиз?

– Бўлиши мумкин, бироқ бу соҳа жуда хавфли экан. Ҳаммасидан хабардорсиз-ку, Элмира. Мен бошимга тушган аламли мусибатни бошқа бировга, айниқса, сиздай қизга асло раво кўрмаган бўлардим, – деди Элёр ўйчан ва мунгли нигоҳлари билан бугун кечаги кундан-да чиройлироқ кийиниб келган, ним табассуми юзидан аримаётган қизни зимдан кузатиб.

Дарҳақиқат, пальтода билинмаган экан, Элмиранинг тор оқ кофтаси ва жинси шими унинг бор қадди-қоматини намоён қилиб турарди. Қизғиш рангга бўялган лаблар чироқ нурида ялтирар, салгина чимирилган кўзларнинг боқишлари эса жилвали эди. Хона ичини тутган ёқимли ифор, сумкага қайтиб солинган қандайдир нарса янада сирли туюлди.

«Ростданам иш масаласида келдимикин ёки бу бир баҳонамикин? – Элёр айна пайтда хусну жамолини кўз-кўз қилаётгандай туюлаётган қизга ғалати қараш билан тикиларкан, ичида ўйлай бошлади. – Ахир кеча йигитлар олдида ҳам айтса бўларди-ку? Қизиқ, огоҳлантирмай келганига қараганда, уйда эканлигимдан яхшигина хабардор. Иш масаласида гаплашаман, деб ясан-тусанга ҳам анча вақт сарфлаган кўринади». Элёрнинг бундай хаёлга боргани қизнинг пардоз-андозни, кийинишни жуда жойига қўйгани эди. Ахир кеча эътиборни тортадиган даражада эмасди-да. Бунинг устига, ташриф вақти бировнинг уйига кириб бемалол гаплашиб ўтириш учун анча кеч эди. Фурсати эмаслигини билса-да, келибдими, демак, бунинг бирор жиддий сабаби бор.

– Лекин мен чўчимайман, – деди қиз ишонч билан.

Элёрнинг хаёли бўлинди. Суҳбат мавзусини дарров эслаб, аста гап бошлади.

– Биламан, сиз зийрак ва довюрак қизсиз. Бунинг устига, суҳбатдошингизнинг руҳиятини тез билиб оладиган қобилиятингиз ҳам бор. Майли, бошлиққа сиз ҳақингизда айтиб кўраман. Фақат, бироз кейинроқ.

– Албатта.

– Бир пиёла чойга нима дейсиз? – деди Элёр меҳмоннинг раъйини очиқроқ билиш мақсадида.

– Ўзингиз ҳам овқат емагандирсиз? – деб Элмира мавзу очилганидан беихтиёр севиниб кетди.

– Нега энди? Кўчада овқатланганман.

– Мен ҳар эҳтимолга қарши деб дўкондан тайёр чучвара олгандим. Агар бу ишимни тўғри маънода тушунсангиз, чиройли қилиб пишириб берардим.

– Йўқ, раҳмат. Овора бўлманг. Биз уйимизга келган меҳмонларни ишлатишга ўрганмаганмиз, – Элёр шундай деб туришга чоғланди.

– Овораси бор эканми? Ахир собиқ курсдош сифатида сизга бирор кун хизмат қилсам нима бўпти? Ёки... меҳмон кутяпсизми?

Қаддини ростлаб улгурган Элёр «ялт» этиб Элмирага қаради. Қиз ноўрин гап қилганини англади, бироқ асло хижолат тортмади, аксинча, сумкасидан боядан бери чиқаргиси келиб-келмай турган нарсани – ярим килолик чучварани олди.

– Хўш, нима дейсиз?

– Билганимда овқатланмай келардим. Бошқа сафар.

– Ихтиёрингиз.

– Ғамхўрлик қилганингиз учун раҳмат.

Элмира ноилож ўрнидан турди. Элёр меҳмоннинг хурмати учун пальтосини кийгишиб қўйди. Қиз худди сеvimли кишисидан аразлагандай тутди ўзини. Бироқ бу ноз узоққа чўзилмади.

– Ўғлингизнинг бахтига омон бўлинг, – деди Элмира гинасини унутиб.

– Сизга ҳам бахт тилайман.

– Меҳмондорчилик учун ташаккур.

– Одамни уялтирманг.

– Майли, ҳозирча хайр, – Элмира шундай деб оппоқ юзини бўсага тутди.

Элёр буни кўрмагандай қизнинг қўлтиғидан олди. Бироқ шаддод Элмира, барибир, ўпичсиз кетмади: эшикнинг олдига келганда мезбонга яна ҳамдардлик билдиргандай аста ўпиб қўйди. Буни кутмаган Элёр ғалати бўлиб кетди. Лабининг бир четига теккан оташ лаблар унинг сўнган эҳтиросларини уйғотмади, аксинча, ғашини келтирди. Худди Муҳаббатга хиёнат қилгандай, буни мархуманинг руҳи кўриб тургандай сесканди, бироқ Элмирага сездирмади. Ноилож жилмайди.

Элёр яна эслади: Элмиранинг касалхонада ўпиб кўришиши дўстона эди. Атай хотинига кўрсатиб, юзини бўсага тутган бўлса-да, хатти-ҳаракатларида самимийлик сезилиб турарди. Тўғри, шаддод қизнинг шўхлигида бемор ётган эри олдидан эндигина чиқиб

кетаётган Муҳаббатнинг рашкини келтиришга ури-ниши ҳам мужассам эди. Бироқ ҳамма-ҳаммаси ғараз ниятлардан, нопок ҳис-туйғулардан холи эди. Лекин ҳозирги қилиқлари ҳақида бундай деб бўлмасди.

Ошхонага қайтиб, яна суратларга қараркан, хаёлига келган бўлмағур фикрлардан халос бўлди. У Муҳаббат-ни жуда соғинган эди. Айрилиқ унинг қалбидаги ота-шин севгини ёдга соларкан, ярим тунгача гоҳ ичида, гоҳ ташида гаплашиб ўтирди. Расмларга тикиларкан, юракдаги армони тугай демасди, сўзлар баъзан аччиқ кўз ёши аралаш, баъзан маъюс жилмайиш орқали на-моён бўлар, дарҳақиқат, йигит бу юк билан узоқ яшай олмасам керак деб ўйлар, бироқ ўғилчасининг кулиб турган суратига нигоҳи тушиши билан совуқ ўй дарҳол хаёлини тарк этар, гўё Муҳаббат бағрида кўтариб тур-ган ўғилчасини кўрсатиб, шу азиз фарзандимиз учун яшашингиз керак деяётгандай бўларди, назарида. Бу нидо эса Элёрни ўзини қўлга олишга, душманларга нисбатан аёвсиз бўлишга ундар эди.

Элёр Муҳаббат ўлимидан олдин нега Зулфияни кўр-гиси келганини энди-энди ўйлай бошлади. Улар нима ҳақда гаплашди экан? Эртаси куни Зулфия нечун хайр-лашгани келди-ю, Муҳаббатнинг ўлимини эшитиб, ўзидан кетиб қолди? Хотинининг вафоти унга нега бунчалар қаттиқ таъсир қилдйкин?

«Назаримда, жуда уятли иш бўлди, – деб ўйга бе-рилди Элёр. – Кўчада турган одамларга эътибор ҳам бермабман-а? Ҳаммадан ҳам аёллар нима деб ўйлаш-дйкин? Сабрсизлигим панд берди, роса гап-сўз қи-лишгандир?»

Элёр бўлиб ўтган ишдан хижолат тортди. Бироқ ўша пайтда ўйлаб ўтиришга вақт ҳам, имкон ҳам йўқ эди-да. Кўз ўнгида меҳмонга келаётган таниши бехосдан хушидан кетади-ю, у қараб ўтирармиди? Унинг ўрнида

бошқа эркак бўлганда ҳам шундай қилмасмиди? Албатта, ёрдамга шошиларди.

Қизиқ, унинг хаёли нечун Зулфияга кўчди? Ахир у Муҳаббат билан боғлиқ бўлган ширин хотиралар ила ёлғиз қолишни истаётган эди-ку. Мархуманинг тўсатдан Фарғонага боришни истаб қолгани ҳақида ўйлаётган эмасмиди? Полковник таъзияга борганида «Нима, у ўлимини сездимикин? Ҳаётининг охирги кунларини яшаётганини билиб, қишлоқда – ўз ота-онасига яқинроқ жойда жон беришни маъқул кўрдимикан? Демак, у қабри қишлоқда қолишини режалаштирган. Ҳа, буни сен учун қилибди. Ҳозир унинг тутган йўлини тушунишинг қийин, аммо кейинроқ тўғри иш қилганига ўзинг амин бўласан. Хотининг жуда ақли аёл бўлган экан», деганди. Айрилиқ бошланган кунлари полковник Бўроновнинг шу гапларини кўп ўйлади. Хаёли жойида эмаслиги учун аниқ бир хулоса чиқара олмади: мархуманинг бу тилагини тушуниш мумкин, агар ростдан ҳам умри тугаб бораётганини англаган бўлса. Лекин унинг ўлимига Зулфиянинг нима алоқаси бор? Нега атай кўргани борди-ю... эртаси куни жон таслим қилди? Ўша ташрифда қандай сир-синоат бор? Ёки буларнинг барчаси тасодифми? Сафарга чиқиш, Зулфияни йўқлаш, эртаси куни ҳаётдан кўз юмиш, Муҳаббатнинг ўлими устига Зулфиянинг келиши, онасидан айрилган гўдакнинг чинқираб йиғлаши-ю ҳеч кимга кўнмагани, Зулфиянинг кучоғида эса ором олиши... Наҳот, бу рўй бераётган ҳодисаларнинг ҳамма-ҳаммаси тасодиф бўлса?

Ечимини топмаган саволлар уни яна безовта қила бошлаган эди. «Буни сен учун қилган». Элёр ўша куниниёқ полковник Бўронов тушуна олган нарсани нега у ҳамон англай олмаётганига ҳайрон эди. Ёки чуқурроқ ўйлаб кўрмадимикан? Ҳа, шундай бўлса керак, акс ҳолда аллақачон мағзини чаққан бўларди.

Элёр турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг Зулфия ҳақида биринчи бор ўйлаши эди. Аммо бу хаёллар ўзга бир ҳис-туйғулардан мутлақо холи эди. Бироқ у тушунишни истарди. Қачондир тушида Ботирнинг ўлими олдидаги жуда аянчли ҳолатини кўрган ва ўшанда унга эшитиларли қилиб, Зулфия сенга омонат деганди. Балки у тушдир. Тушга эса нималар кирмайди, дейишади. Лекин кейинги ҳодисалар туш эмас-ку. Ҳаммаси кўз ўнгида содир бўлди ахир. Таажжубланмай илож қанча: Муҳаббат бирдан Зулфияни кўргиси келиб қолди ва шу баҳона қишлоққа отланишди. Кейин Зулфияникига боришди, анчагина суҳбат қуришди, қайтишда Муҳаббатнинг жиддий туриб, «Зулфияни бахтли яшаши учун масъулсиз. Бунинг ёдингиздан чиқарманг», деди. Нега? Хўп, бу гап ўша пайтда Ботир аканинг васиятини эслатди деб ўйлади ва ортиқча аҳамият бериб ўтирмади. Булар шунчаки гапмиди? Унда онасининг «Кечадан бери йиғидан тўхтамаган ўғлинг, Зулфияхон қўлига олиши билан бирдан тўхтаб, мириқиб ухлай бошлади-я?» дегани-чи? Бунинг қандай тушуниш керак? Жалолиддиннинг йиғисию кейин бирдан ором олиб ухлашига бегона аёл қучоғининг нима боғлиқлик томони бор? Нечун ҳамма жойда Зулфия, Зулфия?...

Хаёли бўлинмаслиги учун суратларга тикилди. Бироқ қалбининг туб-тубида Зулфия деган сўз пайдо бўлганди, лекин бунинг ўткинчи бир ҳол, деб ўйлаган Элёр милт этиб қўйган шуълага деярли эътибор ҳам қилиб ўтирмади. У Муҳаббатини соғинган эди. У билан боғлиқ ширин ўй-хаёллар билан қолишни истарди ва суратларини титраган лабига бир-бир боса бошлади.

– Сен яшашинг керак эди, Муҳаббат!

Бу маҳалда тун ярмидан оған эди.

Бу паллада Фарғона водийсида ҳам бир аёл уйғоқ эди.

### III. ЧОШГОҲДАГИ СОЯЛАР

Соялар чошгоҳда йўқолади. Табиат қонуни шундай. Бироқ... Атрофга назар ташланг: сояларнинг пичирлаб, ҳадик ва кўркувда гаплашаётганини эшитмаяпсизми? Шубҳали овозлар наҳот қулоғингизга чалинмаётган бўлса? Шарпаларни сезмаётган экансиз, доимий ҳамроҳингиз бўлиши керак бўлган ҳушёрликни қўлдан берибсиз.

Тўғри, бир қарашда ҳаммаёқ тинч, осуда. Ҳеч қандай шовқин-сурон эшитилмаяпти. Нега эшитилсин? Ахир Наманганда бош кўтарган диний экстремистик кучларнинг етакчилари аллақачон чет элларга қочиб кетган бўлса? Улар юборган илонлар захрини соча олмасидан аввал тузоққа тушган бўлса? Яна нима хавотир бор? Бироз бепарволикка берилса, нима қилибди?

Одамзод шундай яралганмикан? Бирор муҳим юмушни бажарса ёки кўзлаган маррани забт этса, анча энгил тортиб, салгина бўлсин хотиржамликка берилади. Ана шу оз муддатда ғанимнинг ови юришиб қолиши мумкинлигига эътибор қилмайди. Ором олиш истаги устун келади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Берилган улуғ неъмат, бахт нима эканлигини ҳамон тўла англаб етмаган одамлар чошгоҳда ҳам йўқолмаган сояларга унчалар аҳамият беришмади. Ҳалигача нимадандир умиди бор кимсалар эса дарров бир-бирини топиб, яна ғимирлаб қолишди.

– Агар хориждаги жосуслар шунақа бўладиган бўлса, энди уларнинг асло кераги йўқ! – дея гап бошлади янги гуруҳнинг етакчиси бўлиб олган Хидирниёз Наҳимов Тўйтепадаги маконига гумашталарини тўплаб.

Ўттиз ёшлардаги етакчи, аслида, олий маълумотли ҳуқуқшунос эди. Институтни тамомлагач, ўз туғилган шаҳрига – Қўқонга қайтиб бормади, пойтахтда ишда

қолди. Тўйтепадан уйлангани боис, бу ерга тез-тез келиб турарди. Ошна-оғайнилари билан ўтиришини шу ерда ўтказарди. Кенг бассейни, саунаси, биллиард ўйнайдиган хонасигача бор бу катта ҳовли нафақат унинг, балки гапдаги биродарларининг ҳам севимли жойига – ҳордиқ масканига айланган эди. Яқинда қайнатаси қазо қилгач, шундай данғиллама уй унга мерос қолди. Шаҳардаги бир хонали уйини сотди-ю, бутунлай кўчиб келди. Хотини ота-онасининг чироғини ёққанига, у эса ҳашаматли уйга эга бўлганига хурсанд эди.

Шу ўринда Хидирниёзнинг бироз олдинги ҳаётига назар ташлаш жоиздир.

Қайнатасининг юрак хуружидан ўлим топиши уни бир пайтлар вақтинчаликка деб қарз олган каттагина пулини қайтариш ташвишидан қутултирган эди. Шунданми, кўпам куйинмади. Лекин эл кўзига «Вой отам»лаб йиғлашни жуда жойига қўйди. Ҳатто баъзилар уни «Ўғилдан ҳам зиёда-я», деб алқади. Уйнинг меросидан ва қарз пулдан хабардор айрим қариндош-уруғлар бу гапга ғижиниб қўйишди, холос. Аммо шунча уй-жойга ҳеч ким даъвогарлик қила олмади. Самуғ аканинг ўғли бўлмагани учун барча мол-мулк қизига қолди. Шарифа эса Хидирниёзнинг никоҳида. Шундай қилиб, кейинги йилларда оилада эрнинг устунлиги, ундан берухсат босилган қадам, қилинган иш, кўча-кўйда очилиб-сочилиб юриш, номаҳрамга қараш, гаплашиш, эрнинг ҳақини адо этмаслик ва ҳоказолар гуноҳ бўлиши уқтирилиб келинаётган хотин инсофга келиб намоз бошлаган эридан ўтиб кетолмади: куёв ҳаммасига эга бўлди-қолди.

Кўмиш маросимидан сўнг марҳумнинг номига ёзиб берган «Тилхат»нинг ўзида сақланаётган нухасини топиб, йиртиб ташлади. Назарида, энди омонатни оладиган одамнинг ўзи йўқ-ку. Шундай бўлса-да, қайнатаси бир пайтлар анча-мунча йиғиб қўйган китобларининг



орасини титкилаб, иккинчи нухани қидирди: «Бу ҳаётда нималар бўлмайди, ҳар эҳтимолга қарши чорасини кўриб қўйган яхши. Қаерга қўйган бўлиши мумкин? Наҳот, қизига бериб кетган бўлса?» Изланиши ҳаргиз фойда бермагач, шундай шубҳага ҳам борди. Шарифадан сўрашга эса бот-бот чоғланди, бироқ ботинолмади. Учинчи куни одамлар қадами анча тийилганда хотинининг нарсаларини титкилай-титкилай охири топиб олди. Бирдан жаҳли чиқди, ғазаб отига минди. Калтаклаб эсини киритмоқчи бўлди. Лекин нечундир ўзини босди: шайтонга ҳай берди, жазони кечиктирди. «Тилхат»ни гумдон қилиб, тамоман енгил тортди, кейин ҳеч нарса кўрмагандай юраверди. Бу хотинни уриб ҳузурлангандан кўра афзалроқ эди, назарида. Фақат аёлига ортиқ ишонмай, уни бутунлай уйга «михлаб» қўйди, берухсат иш қилишни тақиқлади. Энди у ақли тўлишиб, ҳар бир нарсадан сабоқ чиқаришни канда қилмасди.

Қарзни бермаслик оғир гуноҳ эканлигини эшитгандан бери миясининг бир чеккасида турарди, энди умуман эсдан чиқарди. Аслида, у бу пулларнинг ярмини юқорироқ мансабга ўтиш, қолган қисмини эса бир хонали уйини икки хонага алмаштириш учун олганди, аммо мақсади бутунлай бошқа эди. Институтни битириш арафасида Қўқондаги фожиали воқеаларга аралашиб қолди. Сабаби, укаси Тўлқиннинг бевақт ўлими бўлди. Унинг хунини олиш учун жонини жабборга берди: атрофига икки танишини олиб бир месхети туркнинг уйига ўт қўйди, севимли укасига ўқ узган (аслида, бўлаётган жанжалларга қизиқиб кўчага чиққан Тўлқиннинг бошига тасодифан ўқ теккан эди) йигитни роса излади, ахийри топиб, уриб бошини мажақлади. Барибир, кўнгли тўлмай, йигитнинг ёш хотинини ҳам чавақлаб ташлади: «Ундан туғилган бола бир кун келиб ўч олиши мумкин». Бу иши билан кўнглидаги мана

шу хижилликдан қутулган эди. Месхетилар ўз юртларига жўнаб кетди, шаҳарда осойишталик бошланди. Лекин, барибир, Хидирниёз Қўқонда ишлашни истамади. Пойтахтда қолишга интилди. Шундай қилиб, мана шу томонларда ўрнашиб қолди.

Бу қаҳри қаттиқ йигит қандай қилиб қамоқда ётган бир эмас, икки «Ҳоким»нинг фатвосини олди? Бунинг устига, шу куниёқ ўзини «Муродбахш» деб атади ва мутлоқ Етакчи бўлганини эълон қилди. Қизиқ, «Мусулмонларни энди мен муродига етказаман ва ўзимни бу ишга бахшида қиламан!» деб ёқа йиртган бу одам ким бўлдийкин? Ёки у ҳам, аслида, Намангандаги воқеаларни уюштиришда қатнашган, аммо доим панада юргани учун назарга тушмаган шахсмиди? Шундай бўлиши эҳтимолдан холи эмасди.

Жоиз бўлгани боис таъкидлаш керакки, дунёдаги жамики касблар орасида давлат манфаатини ҳимоя қилувчиларга умуман хотиржамликка берилиш мумкин эмас. Мана, битта хавфни бартараф этиб, салгина мудроқ босишнинг оқибати! Ёмғирдан кейин пайдо бўлган заҳарли кўзиқоринлардек, бирдан бош кўтарган ғанимларни деярли ҳеч ким пайқамай қолди. Улар энди пойтахт яқинида ин қуришган эди. Шу кун гуруҳнинг биринчи йиғини ташкил қилиниб, унда Муродбахш ғазаб билан гапириб турган эди. У атрофидаги ўнта маслакдошига ўзининг ҳақиқий Муродбахш, яъни мақсадга эришувчи шахслигини кўрсатиб қўйиш, айтган гапидан қайтмайдиган қайсар ва айни чоғда мамлакатни Ислом давлатига айлантириш йўлида қурбон бўлишга тайёр эканлигига ишонтириш учун, уларда шундай таассурот қолдиришга уриниб сўз бошлаган эди:

– Биз бу ишни шу ердаги биродарларимизнинг куч-қуввати билан амалга оширамиз. Бунинг учун биз, яъни шу ерда тўпланган юқори бўғиндагилар ақл-за-

коватимизни ишлатиб, қуйи поғоналарга қабул қиладиган биродарларимизга йўл-йўриқ кўрсатишимиз керак. Аввало, ўзимиз ўрнак бўлишимиз лозим. Агар жонимизни жабборга бермасак, жиҳодда уларга намуна кўрсатмасак, тарафдор топишимиз мушкул. Бизга эса жуда кўп хайрихоҳ одамлар керак. Уларни тезроқ қидириб топишимиз ва ўз сафимизга қўшишимиз даркор. Қўлига пул тутқазинг, бирор мушкулини осон қилинг ва сафимизга қўшилса, келажақда яхши ҳаёт кечиришига ваъда беринг! Майли, қанча маблағ лозим бўлса, шунча сарфлаймиз. Қанотимиз остида ишончли биродарларимиз кўпайгач, аниқ режа ва қулай имконият пайдо бўлиши билан бирдан пойтахтни эгаллаймиз. Сизлар, бир-бирингизга қараб, бу гапимга шубҳа қилманг! Биз олдимизга қўйган мақсадимиздан асло чекинмаймиз. Мабодо Тошкентни қўлга киритолмаган тақдиримизда Фарғона водийсини ажратиб оламиз ва алоҳида Ислом давлати деб эълон қиламиз. Янги Ислом давлатини эса Халифалик бошқаради!

– Бунинг учун, аввало, ишни нимадан бошлаймиз? Боғни яксон қилишданми ёки... боғбондан! – суҳбатга аралашшига жазм қилди дастлабки Учлик мажлисида – юқори бўғиндан ҳам тепада турувчи Кенгаш аъзоси бўлган Муқим Ғаниев.

Шу ўринда Учлик мажлиси ҳақида. Хидирниёз Наҳимов ҳозирда қамоққа олинган биринчи «Ҳоким», яъни Маматқулдан, ундан кейин айни пайтда Америкада ҳибсда сақланаётган Жигархуннинг фатвоси билан «Ҳоким»лик даражаси берилган Холмирзадан янги гуруҳ тузиш ва унга бошчилик қилиш учун розилик олгач, қайтадан ҳаракат бошлашга яна иккита ишончли ҳамтовоқ топди. Уларнинг бири ҳозиргина суҳбатга аралашган Муқим Ғаниев, иккинчиси ҳали гап олмаган Насим Тўраев эди. Учлик гапни бир жойга қўйгач,

Кенгаш тузилганини ва унинг раиси Хидирниёз Наҳимов эканини тасдиқлашди. Муқим Ғаниев иқтисодий, Насим Тўраев эса сиёсий масалалар билан шуғулланадиган бўлди. Раис эса барча муаммоларни ҳал қилувчи, охирги сўзни айтувчи шахс эканлиги уқтирилди. Эртаси Тошкент вилоятида «Мадад» деб номланган кичик корхона рўйхатга олинди. Бу ерда ҳам Хидирниёз Наҳимов раҳбар эди. У ўлиб кетган қайнотасининг обрўсидан фойдаланиб, Тўйтепа марказидаги эски маиший хизмат кўрсатиш биносини сотиб олди. Қайси пулга дейсизми? Ҳокимлик насиб этмаган бандилар қора кунимга деб яшириб қўйган маблағларининг манзилени беришган эди. Аслида, бу аламзадалар ҳали-бери қамокдан чиқишига кўзи етмай, бор-будини беришга мажбур бўлганди. Тўғри топдингиз, собиқ «ҳоким»ларнинг фатвоси Муродбахшга улар тўплаган ва яширган маблағни қўлга киритиш, ўзи истаган ишларга сарфлаш учунгина олинганди.

Кенгаш турли вилоятлардан ўн кишини топишга эришди. Уларнинг ҳар бири турли синовлардан ўтказилгач, шу бугун илк бора йиғилиб турган жойлари эди. Хидирниёз Наҳимов энди ўса бошлаган соқолини силаб, бирдан савол берган ёрдамчисига юзланди. Унинг бу ёвқарашида кейинги сафар рухсат берганимдан кейин гапирасан, деган таъна ошкор сезилиб турарди. Муқим Ғаниев бунга сезмаганга олди.

– Жигархун ва Сакина деганлари қилолмаган ишни дўндириб амалга ошириш учун шундай режа тузайки, майда-чуйда ишлар билан шуғулланиб гердайиб юрган дунёнинг барча жиҳодчилари ҳанг-манг бўлиб қолсин. Ҳм, бизга юборган жосусларини қаранглар! Бири аэропортдаёқ қўлга тушса, иккинчиси, Президентни йўқ қилиш нари турсин, ўзи эплаб қочиб кетолмаса. Шулар ҳам террористман деб юрибди-да, у ер-бу ерни

портлатган бўлиб. Сал тутун чиқариб қўйишса бўлди, оламга жар солишади. Биз эса асло мақтанмаймиз. Ишимизни билиб қиламиз ва портлаш қанақа бўлишини уларга кўрсатиб қўямиз! Ана шунда сиз айтган боғ ва боғбон масаласи ҳам биратўла ҳал бўлади. Кейин эса, марҳамат, боғда истаганингизча сайр қилишингиз мумкин. Кўнглингиз тусаган мевани тановул қилинг, хоҳлаган гулни узиб роҳатланинг. Ҳеч ким раъйингизга қарши бора олмайди. Бойлик ва кайфу сафо ҳамроҳингиз бўлади, муҳтарам юқори бўғин аъзолари!

– Офарин!

– Тилингизга шакар!

– Лекин бир нарсани унутмаслигимиз керакки, бу ишлар осонлик билан бўлмайди, – дея ўтирганларга қуллуқ қилганидан сўнг яна гап бошлади раис. – Шунинг учун бизга яна содиқ одамлар керак. Улар қанча ёш, ғўр бўлса, шунча яхши. Иложи борича аросатдагиларни, пулдан қийналиб қолган, банкдан ёки каттароқ бир бойваччадан катта қарз бўлиб, вақтида тўлолмасдан қочиб юрганларни топишимиз зарур. Гуруҳга жабрдийда аёлларни жалб қилишни ҳам унутманглар. Айниқса, ўранганлари бизга асқатиши мумкин. Сизлар шу ишни қотирсаларинг, мен қурол-яроғ ва пул масаласини ҳал қиламан. Бу ишда Муртазо ва Нажмиддин (бу Муқим Ғаниев ва Насим Тўраевнинг янги лақаблари эди) менга ёрдам беришади. Ҳар бирингиз моддий жиҳатдан етарлича маблағ билан таъминланасиз. Кўзлаган мақсадга эришгач, янаям бойиб кетасиз, инқилоб қилган қаҳрамонлар сифатида доим эътироф ва эъзозда бўласиз. Энг олий мақомлар сизларга бўлиб берилдики, қолган ҳаётингиз роҳат-фароғатдаю иззат-эҳтиромда ўтади. Яна қайтариб айтаман, биз қуражак янги Халифалик давлатининг энг юқори лавозимлари, аввало, шу ерда ўтирган ўн киши, яъни-

ким, Кенгашнинг юқори бўғинидагиларга тақсимланади. Сизлардан ортиб қолса, қуйи бўғинга олинадиган, бизга, биз бошлаган хайрли ва муқаддас ишимизга содиқ шахсларга берилади. Демак, бизлар Кенгашнинг қуйи бўғинига йигирма кишидан иборат аъзо тўплашимиз зарур. Улар, ҳали айтганимдай ҳеч нимадан тап тортмайдиган, ажалнинг юзига тик қарайдиган жангарилардан иборат бўлиши керак. Икки бўғин шакллангач, уларнинг ҳар бирига учтадан «Бажарувчи гуруҳ»лар тузиб олишига рухсат берамиз. Бу гуруҳлар беш кишидан иборат бўлиб, асосан, жазо бериш ва гумдон қилиш билан шуғулланади. Яхши ишлаган бўғин ва уларнинг гуруҳларига ҳудуди катта ва бойлиги бисёр бўлган вилоятлар тортиқ қилинади.

– Раҳнамолардан дарак борми? Улар бизни қўллаб-қувватлашадими? – қўл кўтариб, савол қилди пойтахтдаги масжидларнинг бирида ноиб бўлиб ишлайдиган Матқобил Эшонназаров. Ўрта ёшлардаги бу киши эчки соқол бўлиб, овози ҳам ингичка эди. У Бухородаги мадрасага бориб юриб унча-мунча диний савод олганига қарамай, бирор ерда обрў топмаган, «Эшон» деган лақабнинг ортидан аранг кун кўраётган, аммо қаерга борса хат-саводи, билими ўзидан юқори бўлган, ҳадис ва Қуръондан бемалол масала қила оладиган ҳамкасблари орасида туролмай, бир чеккага чиқиб қолаверганидан ҳасад ўтида ёниб, адойи тамом бўлиб, бу гуруҳга қўшилиб олганди. Янги раҳнамолари «Эшон» деб чақиришяптики, мансаби паст, обрўйи чакки эмас, саховатпешаси Хидирниёздан эса анча-мунча пул ҳам олиб турибди. «Йиғинларда ёнимда бўласиз» дедими, демак, унга ҳам каттагина мансаб аталган. Ўҳ-хў, кўзланган бу ишлар амалга ошса борми, уни менсимаган, иззат-ҳурмати жойига қўймаган дин пешволарига кўрсатиб қўяди. Қабулига чақириб, соатлаб куттиради, бирор

каттароқ йиғинда маъруза қиласиз, деб атай бошқа бир танишига сўз беради, масжиддан топган-тутганларининг бор-йўғини шилиб олади-да, кейин мансабидан айиради. Хуллас-калом, ҳали барчасидан ўчини олади.

– Албатта. Уларнинг кўмагисиз бу ишларни рўёбга чиқаришимиз қийин. – Дарҳол жавоб қилди раис. – Маблағ улардан, ҳаракат биздан. Яқин кунларда бизга мададкор бўлаётган улуғ шахслардан бири диёримизга ташриф буюради.

– Аллоҳнинг ўзи мададкоримиз бўлсин!

Эшон шундай деб сийрак соқолини силаб қўйди.

Ўтирганлар бир овозда «Омийн» дейишди. Эшон дуосига қилинган бу муносабатдан яйраб кетди. Хидирниёздай виқор билан ўтиришга чоғланди, лекин бу қилиғи озғин гавдасига ярашмади.

– Қурол масаласи қачон ҳал бўлади?

Раис чап томонига кўз қирини ташлади. Кенг гавдали, билакларидан куч ёғилиб турган йигитни қаердадир кўргандай эди. Ҳа, эслади, қайсидир бокс мусобақасида қатнашган ва чемпион бўлолмаган йигит-ку. Йиғилишдан олдин ўн киши ҳақида тўпланган маълумотлар билан танишганда шу йигитнинг боксчи эканлигига эътибор қилганди. Муртазодан: «Уни қаердан топдинг, яна қулоқ бўлмасин» деб сўраганди, у аввал мийиғида кулиб, сўнг жиддий жавоб қилди: «Тўғри, аввал органда ҳам ишлаган, аммо улар тузукроқ ишга олишмагандан кейин тўнини тескари кийган. Қасдма-қасдига иш тута бошлаган. Ана шундай пайтда менга рўпара келиб қолди. Тартиб-интизом масалаларини менга топширсаларинг, ҳамкорлик қилганим бўлсин, деди. Кимлардадир ўчи бор экан».

– Шу гапларига ишондингми?

– Аввал Сакинани, сўнг Жигархунни қўлга туширган йигит ҳақида эшитгансиз-а? Қайсидир йили бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони ҳам бўлди-ку?

– Хўш?

– Ана ўша рақибиди ўчи бор экан.  
– Бунинг учун гуруҳимизга қўшилиши шартмиди?  
– Рақиб ҳозир Миллий хавфсизликда ишларкан.  
– Шахсий адовати бор, синалмаган одамларни сафимизга қўшаверсак, асосий ишимиз нима бўлади? Бундайлар оёғимиз остида ўралашиб, халақит бериши мумкин.

– Менимча, режамизга тўсқинлик қилувчи душманларимизни йўлдан олиб ташлашда Рустамга ўхшаган аламзада йигитлар жуда асқатади. Яна бир гап. Унинг тумандаги милиция бошлиқларидан ҳам алами бор экан. Имкон топиши билан уларга майна қилиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўймоқчи.

– Ҳа, яхши. Лекин кўз-қулоқ бўлишни унутма. Бирор «чп» бўлса, бошинг билан жавоб берасан.

– Бу томондан кўнглингиз тўқ бўлсин...

Раис бу суҳбатдан кўнгли тўлмаган бўлса-да, ҳозир ўзини ўтдан-чўққа урадиган кишиларга муҳтожлиги боис, барча масъулиятни Муртазога юклаш билан розилик билдирган, айни пайтда эса унинг синчков назари савол эгасига ўқдай қадалган эди.

– Янглишмасам, исмингиз Рустаммиди?

– Асли исмим Ризо. Боксга кирганимда жарангли чиқиши учун ўзимни Рустам деб таништирганман.

– Бугундан бошлаб сизни «Муҳаммадризо» деб шарафлаймиз, – деди Хидирниёз мамнуният билан.

– Э-э, исм муборак бўлсин! – дейишди ўтирганлар бир овоздан.

– Қуллуқ, – дея қўлини кўксига қўйди «Муҳаммадризо».

– Энди саволингизга келсак, – дея гапини давом эттирди юзига жиддий тус берган Хидирниёз, ўтирганларга аста назар ташлаб, – четдан каттагина маблағ олишимиз билан бу масала ҳал бўлади. Тожикистон ва



Афғонистондаги биродарларимиз ишорамизни кутиб туришибди. Ҳа, айтгандай, сизни жанговар усулларни ўрганишга, айниқса, портловчи моддаларни тайёрлашга ҳам қизиқиши бор деб эшитдим. Агар шу гап рост бўлса, икки-уч ойга Афғонистонга бориб, малака ошириб келасиз. Хўш, нима дейсиз?

– Розиман.

– Сиз бу ишни шундай ўрганингки, бошлаган хайрли ишимизнинг қаҳрамонига айланинг. Ана шунда нафақат бу ерда ўтирганларнинг, балки бутун тарафдорларимизнинг фахри бўласиз. Бу улуғ ва муқаддас ишимизда Яратганнинг ўзи мадаккор бўлсин! Аллоҳу акбар!

– Аллоҳу акбар! – дейишди мажлис аҳли бир овоздан.

Эшон жўр бўлишга кўпам куч сарфламади. Негаки у бу гумбурлаган нидо ичра овози умуман эшитилмай кетишини ўзи ҳам яхши англарди. Ҳаммадан кейин у ясама йўғон товушда айтишга чиранди:

– Аллоҳу акбар!

– Демак, галдаги асосий ишимиз Кенгашнинг қуйи органига тезроқ ишончли одамларни жалб этиш. Юришдан, қидиришдан асло эринманг. Яна қайтариб айтаман: пул ва ҳокимият ваъда қилинг. Иншооллоҳ, биз ваъдасида турувчилармиз. Ҳозир таҳдид сал сусайган пайтдан фойдаланиб, сафимизни кенгайтириб олсак, марра бизники!

Шундан сўнг Хидирниёз ёрдамчисига юзланиб, сафар харажатлари ва ҳужжатларни тўғрилашни тайинлади. Бошқаларнинг саволларига қисқа-қисқа жавоб қилгач, бугунги йиғинга яқун ясади.

– Ҳаммангизни сафимизга қўшилиб, улуғ ва савобли ишга бел боғлаганингиз билан муборакбод этаман. Энди битта-битта бўлиб тарқаламиз. Мана бу хайру эҳсонни харажатларингиз учун ишлатасизлар.

Ўтирганлар битта-битта келиб Хидирниёзнинг қўлидан конверт олишди, кейин қўлини кўксига қўйиб хайрлашишди.

– Рустамнинг босаётган қадамидан, барибир, хабардор бўлиб тур, – тайинлади Хидирниёз Наҳимов йиғилганлар тарқаб, уч киши қолганларида Насимга юзланиб. – Агар ҳамон у ёққа ишлаётган бўлса, аяб ўтирма. Дин учун хизматга бел боғлаганлар орасида сотқин бўлишига йўл қўймаслигимиз шарт!

– Тушундим.

– Эринмай яна бир-икки марта синаб кўр, – деди Хидирниёз қовоқларини уюб. – Масалан, якшанба кuni шаҳардаги бирор манзилни айтгин-да, ўша ерда йиғиладиган бўлдик де. Атай айтаётганингни сездириб қўйма. Кейин нима бўлишини кут. Орқамиздан одам тушса, демак, сотган бўлади.

– Хўп. Ҳа, айтгандай, собиқ тренеримда ҳам алашим бор дегандай қилувди. Агар сотқинлигини билиб қолсам, уни бокс клубида тинчитаман. Шунда биздан ҳеч ким шубҳаланмайди. Маъқулми?

– У ёғини ўзинг биласан. Муртазо, – раис бу сафар Муқим Ғаниевга қаради ва елкасига қўл ташлади, – биз биргина Рустамни эмас, қолганларни ҳам назоратсиз қолдирмаслигимиз керак. Тўғри, улар ҳозирча ишончимизни оқлашди, аммо синовни давом эттириш чораларини кўриб боришимиз лозим. Даъват ва синов! Бундан асло эринманглар. Бошлаган ишимиз жуда нозик ва айни пайтда муқаддас. Уни йўққа чиқишини асло истамайман! Кейинги сафар йиғилишимизни шаҳарда деб эълон қиламиз. Агар ортимиздан кузатишаётганини сезсак, демак, ичимизда сотқин бор. Тушунарлими?

– Дарров аниқлаймиз. Ҳа, эшитишимга қараганда Наманганда янги гуруҳ пайдо бўлганмиш. Нега улар биз билан ҳамкорлик қилмасдан...

– Номи бору ўзи йўқ, – деб шартта Муқим Ғаниевнинг гапини бўлди Хидирниёз Наҳимов. У анчадан бери ўйлаб аста амалга ошираётган режасидан ёрдамчиларини огоҳ қилишни энди лозим топганди.

– Унда Қилич деганлари-чи?

– Бундай лақабли кишилар эътиборни ўзларига тортиш учун ўйлаб топилган, Муртазобек! Овчилар уларни қидириш билан овори сарсон бўлишса, биз ўз ишимизни бемалол бажариб оламиз.

– Лекин Наманганнинг Чорсу бозорида ростданам «Қилич» лақабли паттачиларнинг бошлиғи бор. Айтганини қилмаганларни қақшатгани боис уни шундай деб аташаркан. Жуда бой дейишади, – деди Нажмиддин аниқ маълумотларга таяниб.

– Ана шу сен айтган ебтўймас Қилич бизга кўмак беришдан бош тортди. Лекин шошмай турсин, ҳали шундай додини берайки, ўлгунича эсидан чиқармасин. Энди унинг Чортоқ атрофида қуриб битказган данғиллама уйидан қурол ҳам, турли хил ташвиқот варақалари ҳам топилиши мумкин. Хўш, бу ёғи тушунарлими, муҳтарам зотлар? Ёки ҳалиям етиб бормадимиз?

– Ҳм, гап бу ёқда денг.

– Вилоятларда Қиличга ўхшаган очкўз, бетамиз шахслар талайгина. Бунақа бетавфиқлар давлатга топширилиши керак бўлган пулларни тўхтамай ўмариб ётибди. Биз эса бу каби текинхўр зулукларнинг йиғиб қўйган пулларини олиб, бошлаган эзгу ишларимизга сарфласак, ҳеч нима қилмайди. Айёрликка қарши маккорлик ишлатамиз. Яъни шу бугуноқ Қашқарё ва Термизда ҳам баъзи очофат кимсаларнинг номини тилга олиб, махсус хизмат идораларга хабар етказишимиз керак. Қидирув ишлари пойтахтдан нарида олиб борилгани бизга ниҳоятда қўл келади. Хўш, бу гапга нима дейсизлар? Маъқулми?

– Қойил! «Муродбахш» деб бежизга ном танламабсиз.

– Мақтов ёлғиз Эгамга хос. Биз Унинг муқаддас динини ҳимоя этишга ва оммани ҳақ йўлдан асло адашмасликка даъват қилишга бел боғлаган жонқуяр бандаларимиз, холос. Бошлаган ишимизда Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин! Омин!

– Омин! – бир овоздан такрорлашди ёрдамчилар.

– Ҳозирча фақат учаламизгина бир-биримизга ишонишимиз мумкин. Бошқаларни ҳали кўп марта синовдан ўтказишимиз зарур. Сафимизга кираётганларнинг ҳаммасини ҳам бизга хайрихоҳ деб бўлмайти. Уларни энг оғир топшириқларда синаб кўринг. Синов ва яна синов! Тегирмондан омон чиққанларигина бизнинг марҳаматимизга сазовор бўлади. Иккиланганларни, латтачайнарлик қилганларни, айниқса, буйруққа бўйсунмаганларни аяб ўтирманглар. Бизларга сотқинлар керак эмас. Хўп, қани азиз биродарлар, юринглар бўлмаса, биринчи йиғинни ўтказиб олганимиз шарофатига кўнгилларга бироз ором берайлик. «Соғлом танда – соғлом ақл» иборасига биз ҳам амал қилишимиз лозим. Бу жуда хосиятли гап.

– Офарин сизга, бу ёғини ҳам ўйлаб қўйганман денг? – деди баҳри-дили очилган Муқим Ғаниев.

– Ишлашни ҳам, яшашни ҳам билиш керак!

– Қани, унда ўзлари бошласинлар-чи! – деб қўлини кўксига қўйди Насим Тўраев.

Хидирниёз Наҳимов бу илтифотларга жавобан виқор билан йўл бошлади. Ёрдамчилари бир-бирига қарашди. Насим ноилож Муқимга илтифот кўрсатди.

#### IV. БУХОРОДА

Ниҳоят, у тақдирга тан берди. Хаёлини иш билан чалғитмаса бўлмаслигини тушуниб етди: ғам-андуҳ ҳа-

ли-вери елкасидан тушадиганга ўхшамасди. Бир пайтлар жосус Сакина Пўла «Бошингга қайғу тушмаган-да, шунинг учун бемалол гапиряпсан» деб айтганди. Мана, қайғунинг ҳам энг каттаси тушди: тўғри, юраги эзилди, қадди букилди, аммо синмади. Ҳаётга бўлган муҳаббат, ишдаги шиддати сўнггандай бўлди, лекин қалбдаги қайғуга, вужуддаги оғриққа тамомила таслим бўлмади: бугун эрталабдан унинг томирларида қон яна мавж урар, нигоҳларида қўлга тушиб сўроқ бераётган ёки аллақачон қамалиб кетган хоинларга, экстремистик гуруҳ аъзоларига нисбатан ғазаб ва нафрат, улар қўлида қурбон бўлган юртдошларининг оила-аъзоларига ҳамдардлик ҳисси шундоқ намоён эдики, уни кўрган киши беихтиёр ҳушёр тортарди.

Эрталабки йиғилишни ўтказётган Жалил Очиллов ходимига бот-бот кўз ташлаб қўйишининг сабаби ҳам шунда эди. Элёр бутунлай ўзгарганга ўхшарди. Тушкун кайфиятидан асар ҳам йўқ, қарашлари жиддий, гаплари эса аниқ ва кескир. Бошлиқ кеча Ички ишлар вазирлигида муҳокама қилинган – Бухоро шаҳрида икки ой ичида бедарак йўқолган беш боланинг қотили топилгани ҳақидаги масалани гапираркан, Элёрнинг юриш-туришидан янги топшириқни бажаришга тайёрлигини пайқаган эди. Мажлисдан кейин уни хонасига таклиф қилди.

– Бугун қўлга олинган жиноятчини тергов қилиш бошланади. Дамир Сағиров деган шахс ёш болаларнинг буйрагини хорижга сотишда гумон қилинган. Демак, бу аянчли маълумотларни дарҳол суриштиришга киришасан. Терговда қатнаш, агар лозим топсанг, ўзинг сўроқ қил. Тушундинг-а? Соат иккидаги рейсда Бухорога жўнайсан. «Интурист» меҳмонхонасида жойинг тайёр. Етиб боргач, мана бу ҳисоботдаги фактларни синчиклаб ўрганиб чиқасан. Агар ростдан ҳам хорижга сотгани тасдиқланса, чет элдаги ҳамкорла-

ри кимлар, қачондан бери бу қабиҳ иш билан шуғулланади? Бошқа вилоятларда ҳам шериклари борми? Энг муҳими, бундай разил жиноятнинг бошида ким турибди? Уларнинг юртимиздаги террорчи гуруҳ билан алоқаси борми-йўқми? Ҳамма-ҳаммасини синчковлик билан ўрганасан. Умуман, ҳар қандай саволга жавобинг бўлсин. Топшириқ тушунарлими?

– Худди шундай.

– Саволинг борми?

– Вилоятдагилар боришимдан хабардорми?

– Керакли одамларга телефон қилиб огоҳлантириб қўйдим. Аммо бошқалар учун журналистсан. «Постда» газетасининг махсус муҳбири. Кадрлар бўлимига кириб, керакли ҳужжатларни ол.

– Ҳаммаси тушунарли.

– Унда сенга рухсат. Бориб сафарга тайёргарлик кўр. Соат бирда аэропортда бўлишинг керак.

– Хўп, бўлади.

Элёр бошлиқ билан хайрлашди. Жалил Очилов унга омад тилади. Йигитнинг ортидан қараб қоларкан, ёшгина хотинидан айрилганига ачинди. Гўдак ота-онаси бағридан айро ўсаётганидан қаттиқ афсусланди. Юраги оғриқдан азоб чекаётганини яна бир эслатди. Лекин бунга парво ҳам қилмай, мамлакатдаги осойишта ҳаётни издан чиқармоқчи бўлган кимсаларга нисбатан нафрати ошиб беихтиёр столни муштлаб юборди.

– Аблаҳлар!

Кейин хаёлини йиғиб, телефон тугмасини босди.

– Мақсуд, кеча тайинлаган рўйхат тайёрми? Унда, олиб кир. Ҳа, ҳозироқ!

Мақсуддан тегишли ҳужжатларни олгач, бошлиқ хо-нага капитан Саиджалол Маҳкамовни таклиф этди.

– Саиджалол, сен ҳозироқ Наманганга йўл оласан. Қамоқхонадаги агентлардан олинган маълумотлар

тўғри бўлса, яширин тарзда иш бошлаган яна бир гуруҳнинг изига тушасан. Гуруҳ етакчиси Нодир Солиев деган шахс экан. Лақаби «Қилич». Уни шаҳар четида янги очилган Жаҳон бозорқўмнинг жияни экани ҳақида гаплар бор. Яхшилаб текширасан.

– Тушундим.

– Хуллас, унинг кимлигини, нима ишлар билан шуғулланаётганини аниқла. Агарда Намангандаги махфий жинойи гуруҳни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани рост бўлса, яқин кунларда «Қопқон» операциясини ўтказишни бошлаймиз. Андижонда ишлаётган Абдунаби билан алоқага чиқиб тур. У ерда «Қилич»нинг ҳамтовоқлари борга ўхшайди. Вазият биз ўйлагандан кўра қалтис бўлса, операцияни асло кечиктирмаймиз. Ишга киришгач, ҳар уч соатда шахсан менга хабар бериб турасан. Тушунарлими?

– Қилич ҳақидаги маълумотни вилоят ички ишлар бошқармасидан олайми ёки...

– Йўқ. Чорсу бозорига кираверишдаги киоскада Мустафо деган қария ишлайди. Собиқ совет даврида ҳам айғоқчи бўлган. Назардан қолишни истамаган, шекилли, энди ўз ихтиёри билан бизга ишляпти. Хоҳласанг, маълумот олиб тур. Бироқ бегона одам орқали. У сенинг кимлигингни билмагани маъқул. Ўзини яқин олгани билан ичидан пишганлардан. Барча маълумотларни тўплагач, бошқармага таққослаш учун киришинг мумкин. Бироқ Солиевнинг ҳар қадами назорат остида бўлсин. Энг муҳими, гуруҳ аъзоларининг сонини, улар қачон ва қаерда тўпланишини, қуроллари бор-йўқлигини аниқлашинг зарур. Илонни қўлга туширдик десак, қавагида тухуми қолганга ўхшайди. Тухумдан чиқишга улгурган илончалар ташқарига ўрмаламасдан туриб, эзиб ташлашимиз керак.

– Тушундим, ўртоқ майор!

– Агар сафларига одам йиғаётган бўлса, кўз остимга олиб қўйган бир йигит бор. Уни олдинга юбораман. Вазият билан таништиргач, қандай ҳаракат қилишни сен ҳам тушунтирасан. Лекин учрашув мутлақо махфий бўлиши керак. Жуда эҳтиёткорлик билан иш тутишинг зарур.

– Ҳўп бўлади! Кетишга рухсат беринг!

– Оқ йўл. Ўзингни эҳтиёт қил.

Бошлиқ Саиджалол Маҳкамов билан ҳам қаттиқ қўл ташлашиб хайрлашди.

Шу куни МХХнинг икки ходими муҳим топшириқ билан турли вилоятларга жўнаб кетди.

\* \* \*

Бухоро.

Самолётдан тушган йўловчиларни махсус автобус бир зумда аэропорт биносига элтиб қўйди. Текширувлардан ўтиш кўп вақтни олмади. Элёр йўловчи машиналарга эмас, «такси»га ўтирди.

«Интурист» меҳмонхонасини эшитган ҳайдовчи тўлиб турган эканми ёки ўзининг сўзга чечанлигини билдиргиси келдими, бирдан гапга тушиб кетди. Бироз тўладан келган, тепакал киши деяри йўлга қарамас, аммо машинани эпчиллик билан бошқарар, бу ерда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида, айниқса, меъморий ёдгорликларни қайта тикланаётганидан шаҳар гўзаллашиб, хориждан келувчи меҳмонлар анча кўпайгани ҳақида ҳаяжон билан сўзларди. Қизиқ, у Элёрдан Бухорога олдин келган-келмаганини сўраб ҳам ўтирмади. Фақат муҳбир эканлигини билди-ю, шаҳри ҳақида унча-мунча одамдан кам билмаслигини исботламоқчидай тинмай гапирди.

Элёр уни сайёҳларни олиб юрадиган йўлбошловчига ўхшатди. Дарвоқе, олтмишни қоралаб қўйган бу



одам русча тугул, англиз тилида ҳам бемалол гаплаша оладиган гидни эслатарди. У гапларига тожикча ибораларни қўшиб сўзлар, бухороликларга хос ширин шеваю такаллум билан мароқланиб ҳикоя қилар эди. Элёр ҳайдовчидан ўқитувчи бўлганмисиз, деб сўраб кўрди ва тахмини тўғри чиққанидан кейин, бироз шошиброқ гапираётганининг боисини тушунди.

Бир пасда Элёр Бухоронинг ўтмишию бугунги куни ҳақида қисқа, аммо аниқ маълумотларга эга бўлди. Тарихий обидаларни кўрмоқчи бўлса, сайрни қаердан бошлаш керагу, қайси жойда тугатиш лозимлигини ҳам билиб олди. Гап орасида шаҳарда яхши овқат тайёрлайдиган манзиллар ҳам аниқланди.

Ниҳоят, ҳайдовчи меҳмондан кира ҳақини оларкан, яна мамнуният билан таъкидлади:

– Иш билан бўлиб Имом ал-Бухорий мажмуини зиёрат қилиш ёдингиздан чиқмасин! Янги лойиҳа бўйича шундай зўр ёдгорлик қурилиши бошлаб юборилганки, кўрсангиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Ана бўларкан-ку, эътибор қилинса!

Элёр боришга ваъда бериб, ҳайдовчи билан хайрлашди.

Алоҳида хона буюртма қилинган экан, жойлашишда муаммо бўлмади. Кирибоқ хоналарни кўздан кечирди: кейинги пайтларда эътиборга ташланмайдиган яширин камера, эшитиладиган телефон, овоз бериб турадиган микрофон деган жуда кичик аппаратлар борлиги, бу нарсалар, айниқса, саёҳатни баҳона қилиб мамлакатга кириб келаётган сайёҳ-агентлар кузатувида жуда керак бўлаётганини эшитган эди. Шубҳали нарса топилмагач, деразадан ташқарига нигоҳ ташлаб, тева-рак-атрофга боқди. Кейин диванга келиб ўтирди-да, айтилган манзилга етиб келгани ҳақида бошлиққа хабар берди. Кўнгли хотиржам бўлиб, бирпас дам олиш

учун чўзилди. Ишни нимадан бошлашни режалаштира бошлади.

Кечга яқин Миллий хавфсизлик хизматининг вилоятдаги ходими телефон орқали уни шаҳар четидаги кафеларнинг бирида кутаётганини айтди. Элёр манзилни қийналмай топиб борди. Нормурод Аҳлиддинов ҳамкасбини вазият билан таништирди.

Кеча шаҳар ташқарисидаги каналда тўққиз-ўн ёшлардаги боланинг жасади оқиб кетаётганини кимдир кўриб қолади ва дарҳол милицияга хабар беради. Воқеа жойига етиб келган шаҳар ички ишлар бошқармасининг тезкор гуруҳи жасадни моргга олиб келишганда у ерда ишловчи врач ранглари оқариб, нафаси ичига тушиб кетади. Кўпни кўрган тажрибали криминалист врачдаги ўзгаришни сезиб: «Бу сенинг ишингми?» – деб сўрайди. Аввалига тан олмаган собиқ жарроҳ танаси шишиб, кўкариб кетган, айрим жойлари ирий бошлаган боланинг мурдасини ёраётганда кўли қалтирай бошлайди, пешонаси қора терга ботади. Бу ҳолатда ишлай олмаслигини айтиб, кетиш пайига тушади. Бироқ уни ишни давом эттиришга мажбур қилишади. Мурданинг илвираб кетган танаси ёрилиб, ички аъзолари текширилганда, марҳумнинг икки буйраги йўқлиги аниқланади. Ана шунда собиқ жарроҳ қўлга тушдим деб ўйлаб, бу ишга уни мажбур қилишганини айтиб қўяди. Буйраксиз тана бедарак йўқолгани учун бир ойдан буён қидирилаётган Мардон исмли йигитчанинг мурдаси бўлиб чиқади. Элёр маълумотни ўзидаги хужжатга солиштирди.

«Фазлиддинов Мардон Юсуфхўжаевич, 1987 йил 9 июнда туғилган. Миллати ўзбек. Бухоро шаҳар, М. Ашрафий кўчаси, 87-уйда яшайди. 1995 йилнинг 17 февраль куни мактабдан чиқиб, уйга бормаган. Алоҳида белгилари: бўйи – 1 м. 19 см. Ранги – оқ-сарикдан келган, кўзлари катта-катта. Сочи қўнғир, жингалакка

мойил. Гапирганда секин, баъзи сўзларни эса қийна-  
либ талаффуз қилади».

– Дамир Сағиров уни бу ишга ким мажбур қилгани-  
ни айтдимиз? – деб сўради Элёр. Унинг иштаҳаси бутун-  
лай бўғилган эди. Олдидаги овқатга қиё боқмас, ҳар  
замонда пиёладаги чойдан бир хўплаб қўярди, холос.

– У ўзини қаттиқ касалга солиб олган. Шунинг учун  
сўроқни эрталабга қолдиришган.

– Бу ишни пайсалга солиб бўлмайди. Кетдик, мен  
уни ҳозироқ кўришим керак!

Нормурод ноилож ўрнидан турди.

## V. СУРИШТИРУВ

Элёрни шаҳар ички ишлар бошқармасининг гумон-  
дорларни вақтинчалик ушлаб туриш хонасида сақла-  
наётган Дамир Сағировнинг олдида олиб киришди. Бу  
пайтга келиб Элёрга Дамирнинг вилоятдаги марказий  
касалхонаси ертўласида жойлашган ягона ўликхона-  
нинг хўжайини эканлиги, жарроҳлик қўлидан келмай  
иккита беморнинг умрига зомин бўлиб касбидан ай-  
рилгани, аммо вилоят солиқ идорасида ишлайдиган  
қариндоши ўртага тушиб, шу ишга жойлаб қўйгани  
маълум эди. Собиқ жарроҳнинг жўраларига айтишича,  
моргда ишлаш у ўйлагандек қўрқинчли ва иркит иш  
эмас экан. Бироқ нима учун шундайлигини сир тутган.

– Одам аъзоларини қаерда сақлагансан? – деди Элёр  
жиноятчининг совуқ башарасига нафрат билан тики-  
ларкан. Унинг мушт бўлиб тугилган қўллари асабий  
силкинар, ногоҳ ишга тушиб кетишига бир баҳя қолар,  
шундай пайтда хуморидан чиққунча уролмаётгани-  
дан жуда афсусланарди. Қани энди ҳеч ким йўғида дуч  
келиб қолса-ю, қўлига тиғ олиб, ёш боланинг бадани-

ни ёрган бу ярамас қонхўрнинг қўлларини мажақлаб ташласа. Бармоқларини бир-бир синдириб чиқса. Афсус. Ҳа-да, безрайиб ўтиришини қара: ғазабинг тошмай-дими, нафратинг ақлингдан устун келмайдими?

Аммо у ҳар қандай шароитда ҳам ўзини қўлга олиши кераклигини бир зум бўлса-да унутмас, буни ҳис қилган сари афсус-надомати бутун вужудини шундай ўртарди.

Айни шу чоғда Элёрнинг кўз ўнгида тергов бўлимларида, махсус биноларнинг ертўлаларидаги суриштирув ўтказиладиган шунга ўхшаш хоналарида рўй берадиган савол-жавобларнинг мунгли ва даҳшатли манзараси намоён бўлди. У ерларда бекорга бақирилмас, шунчаки қўрқитиш учун столга мушт туширилмас экан-да, деган ўй хаёлидан кечди. Мана бунга ўхшаган ўзгаларнинг жонига, мол-мулкига тажовуз қилувчилар ҳеч нима бўлмагандай безрайиб ўтирса ёхуд қўлингдан нимаям келарди дегандай иршайса, қонинг қайнаб кетиши ва шундай нозик вазиятда унинг чақчайган кўзига ва тиржайган башарасига бошлаб мушт туширолмаганинг аламини столдан оласан-да!

Бир пайтлар ноҳақ ўғирликда айланиб қамоққа олинганида, бундай мудҳиш ҳолатларни бошдан кечирган, терговчининг ўқрайган кўзлари, бирдан столга эмас, юз-кўзига тушиб қоладиган мушт, тепки, резина таёқнинг зарби унинг ич-ичидан ўтиб кетар, қанчалар ғазоби чиқмасин, қони қайнамасин, додини ҳеч кимга айтолмас, тишини-тишига босишдан ўзга илож тополмасди. У замонларда сўроқ берувчи шахс одам ўрнида кўрилмасди: истаганча ҳақорат қилиш, хуморидан чиққунча уриш мумкин эди. Мабодо бирор жойини майиб қилиб қўйгудек бўлса ҳам, терговчи мутлақо жавоб бермас, аксинча, ўлгудек калтак еган, шахси аниқланаётган ва бирор жиноятда гумон қилинаётганнинг

ўзи айбдор бўлиб қолаверарди. Шундай дамда вақтинча ушланган, сўроқ бераётганга хоҳлаган айбловни қўйиш ҳеч нарса эмасди: «Қочишга уринди», «Терговчига ҳам-ла қилди», «Ўзини ўлдирмоқчи бўлди» ва ҳоказо.

Энди-чи? Мамлакатда сиёсий тузум ўзгариб, жиноятчига ҳам одамдек муносабат қилинадиган бўлди. Энди қўлга тушганнинг юз-кўзи эмас, бечора столнинг бели ғижирлайди. Лекин бундай ишни ҳар ким ҳам қилавермайди. Умуман жонини куйдирмайдиган, энг мудҳиш жиноят содир этиб қўлга олинган кимсага ҳам беғам ва бепарво муносабатда бўладиган тергов ходимлари ҳам учраб турардики, улар асло жонини койитмас, ҳатто ялтираган пешонасини номига бўлса-да тириштириб қўйишмасди. Улар ниҳоятда совуққон, «толиққан» асабини асрайдиган кишилар тоифасидан эди.

– Жиноят содир этдингми? Айбдормисан, қамаласан!

– Айбинг йўқми? Унда, исботла!

Тамом-вассалом.

Ўтган замоннинг бақириб-чақирадиган, кўрқитадиган, сал нарсага қўлини ишга соладиган баъзи терговчиларининг бугунги иш услуби эди бу.

«Ўзгардингми?»

«Ўзгардим».

«Мослашдингми?»

«Мослашдим ва кўникиб ҳам бўлдим».

Элёр хаёлини йиғди. Ўзини ҳар қанча қўлга олишга уринмасин, бу гал тугилган муштини шунчаки хотиржамлик билан бўшата олмади. Бутун нафрати йиғилган зарбдан столнинг тахталари ғижирлаб кетди.

– Гапир!

Дамир Сағиров нотаниш кишини қаердан келганини, кимлигини фаҳмлагандай бўлди. Жим туриш фойдасиз эканлигини ҳам англади чоғи, мурда сақланадиган махсус хоналарнинг бирини қайта жиҳозлагани, яъни бу

ерга одатдаги ҳароратдан анчагина юқори совуқлик берувчи мослама қўйдириб, ўликдан олинган органларни бир ҳафта эмас, балки ўн беш-йигирма кунгача ҳам бемалол ушлаб туриши, сўнг ўртада воситачилик қилувчи Яраш Наҳанов деган шахсга беришини оқизмай-томизмай айтиб берди. Бундан хабар топган бошқарма раҳбари яна бир жиноятчини қўлга олиш учун махсус гуруҳ тузди. Чунки Яраш Наҳанов айнан эрталаб моргга келиб, буюртмани олиб кетиши керак экан. Сўроқ эртага қолдирилди. Махсус гуруҳ уни моргнинг ўзида қўлга олишга қарор қилди. Тайёрлаб қўйилган буюртмани текшириб, одам ички аъзоларини ташишга мослаштирилган, аммо ташқи кўринишидан майда ҳайвонларни олиб юрадиган қути шаклидаги сумкани олиб энди йўлга отланган Яраш Наҳанов шундоқ ўликхонадан чиқаверишда қўлига кишан солинганда нима гаплигини тушунди-ю, бирдан сувга тушган мушукдай шумшайди-қолди.

Буюртмачиларнинг дастлабки вакили қўлга олинди. Жиноят устида қўлга олинган Яраш Наҳанов шаҳар ички ишлар бошқармасининг суриштирув бўлимига топширилди. Сўроқ қилинадиган хонага олиб келишганда эса энди унга ҳеч қандай нажот йўқлигини аниқ ҳис этди чоғи, росмана саросимага тушди. У бундай жойларга келтирилган жиноятчиларнинг ҳолидан хабардор эди. Аммо нафс балосига гирифтор бўлганидан, келаётган пулнинг ишқи ва васвасасидан қачондир қўлга тушиб қолишни ва шунга ўхшаш хонада титраб-қақшаб ўтириши мумкинлигини унутган ёхуд бу каби кўнгилсизликни эсдан чиқармаган тақдирда ҳам қонун ҳимоячиларининг тўрига илинмаслигига негандир ишонарди. Аслида, ишга ёллаган жиноий гуруҳ унда бундай ишончни пайдо қилишга эришган эди. Шунданми, икки сафардан буён бемалол ҳаракат қилаётганди. Лекин кўза кунда эмас, кунда синади

деганларидай, мана ўша ўзи менсимаган, назар-пиганд қилмаган тўрга илиниб ўтирибди. Илинганда ҳам бутун ашёвий далиллар билан ҳибсга олинди: бўйин товлашга ҳеч қандай вазҳам, баҳонаю сабаб ҳам кўрсатолмайди. Кўз илғамас тўрга шундай тушдики, на қўлини, на оёғини қимирлата олади. Асфус-надомат чека бошлади. Унинг бу сафарги буюртмадан умиди катта эди. Тушадиган мўмайгина даромадга тўрт хонали уй олиб, у ер-бу ерда ўғринча учрашиб юрган жононлари билан бемалол маишат қилишни режа-лаб қўйганди. «Эҳ, – деди ичида дўхтирни бурқситиб сўқаркан, – ҳаммасини расво қилдинг, сотқин! Аҳдни буздинг, лаънати! Ҳеч кимни, айниқса, мени сотмас-лигинг керак эди. Билиб қўй, агар узоқ йилга қамаладиган бўлсам, сени ўзим билан олиб кетаман. Энг даҳшатлиси, иккимизни битта камерага қўйдираман. Эмаклаб хизматимни қиласан. Ҳа, энди мендан фақат ўлиб қутуласан!»

\* \* \*

Дастлабки суриштирув ишларини Элёрнинг ўзи олиб боришга аҳд қилди. Шаҳар прокуратураси ва ички ишлар бошқармасининг терговчилари бундан норози бўлишди, ҳатто бошлиқларига бу ишни ўзлари ҳам бемалол охирига етказишлари мумкинлигини баён қилишди: ўзимиз қўлга олдикми, суриштиришни ҳам, терговни ҳам ўзимиз амалга оширишимиз керак, дейишди. Аммо раҳбарларга юқоридан айтилган бир оғиз гап етарли бўлгани учун ходимларининг эътирозларини инобатга олишмади. Шундай қилиб, Элёр Яраш Наҳанов билан юзма-юз келди. Элёр ўрта бўйли, ияги бироз туртиб чиққан, бит кўз кишининг совуқ башарасига термиларкан, бор-йўғи ўттизни қоралаган, қиёфаси одамга ўхшайдиган, аммо ўзи инсон қилмайдиган

ишни қилаётган, одам шаклидаги бу ҳайвонни танага тушган канага қиёслади.

– Вазифанг нимадан иборат эди? – сўради Элёр қўларини столга тираб, бироз олдинга энгашиганича.

Яраш Наҳанов бошини кўтариб, нигоҳида нафрат ўти чақнаб турган Элёрга қаради-ю хаёли учди. Бироқ тезда ўзини қўлга олиб, хўмрайганича ўтираверди.

– Саволимга жавоб бер!

– Адвокат талаб қиламан.

– Мендан кейин милиция ходимлари, ана ундан сўнг прокуратура ходимлари сўроқ қилишади. Улар сенинг талабингни, албатта, қондиришади. Ҳозирча саволларимга жавоб бер. Хўш, товарни қаерга ва кимга олиб кетаётгандинг?

– Мен буюртмачини танимайман. Айтилган жойда қолдириб кетаман, холос.

– Манзилни ким белгилайди?

– Билмайман. Буюртмачини умуман кўрмаганман.

– Хабарни сенга қандай етказишади?

– Жуда оддий. Аэропортдаги юк сақланадиган хоналарнинг бирида конверт қолдиришади. Ичидан «Таклифнома» ва самолёт билетини оламан-да, учиб кетавераман.

– Қаерга?

– Билет қаерга олинган бўлса, ўша томонга, – деди Яраш ҳамон ўзини безбетларча тутиб.

– Масалан?

– Олдиндан билмайман.

– Демак, билмайсан. – Элёр қаддини ростлаб, қўларини чалиштирди, кейин хотиржамлик билан сўроқни давом эттирди.

– Бу сенинг учинчи ишинг, тўғрими? Хўш, биринчисида товарни қаерга олиб бординг?

– Дубайга.



– Бундан чиқди, буюртмачи Дубайдан, шундайми?  
– Қаерданлиги, кимлиги менга қоронғу. Нега ҳадеб битта гапни тарорлайверасиз? Менинг вазифам олиб бориб бериш. Қўлимга нима беришади, уни кимга бераман, бу нарсаларнинг бирортасини билмайман.

– Товарни кимдан олишингни ҳам билмайсанми?

– Дамир... Дамир Сағировдан.

– Ундан нима олардинг?

– Билмайман.

– Билмайсанми?

– Ҳа, – деди Яраш Наҳанов беписандлик билан.

– Етар майнавозчилик қилганинг!

Элёр беихтиёр столни муштлади. Яқин келиб жиноятчининг кўзига тик боққанича деди:

– Бу ерда ёлғон гапинг ўтмайди. «Товар»ни текшириб олганингни, Дамир Сағировга хизмат ҳақи учун пул берганингни ўз кўзим билан кўрдим. Газетанинг орасидан беш минг доллар чиққани, уни битталаб санаб олган Дамирдан «Нега хомушсан?» деб сўраганинг, «Кейинги сафар бундан ҳам кўпроқ оласан» деганинг, ҳамма-ҳаммаси ёзиб олинган. Истайсанми, қайта кўрсатишади? Кўрган бўлсанг, қани бир бошдан гапир.

Яраш Наҳановнинг ичидан қиринди ўтгандай бўлди: демак, дўхтир бир неча кун олдин қўлга олиниб, яшигина сўроқ қилинган, оқибатда уни сотган. Кейин олди-берди устида қўлга олиш учун ўликхонага яширин кузатув камераси қўйилган. Товарни кўздан кечириб, қўлда кўтариб юришга мослаштирилган махсус совиткичга жойлашгунча пойлаб туришган ва кетар чоғида...

«Эҳ, ўзимдан ўтди. Эҳтиётсизлик қилдим. Олдин бирортасини киритсам бўларкан. Дамир ака нега мавжуд хавф-хатардан огоҳлантирмади экан? Ахир бир оғиз шипшиб қўйиши мумкин эди-ку? Кели-

шилгандай кираверишдаги эшик тепасидаги чироқни синдириб қўйганда вазиятни дарров тушунардим-ку. Ёки бир ўзим жавоб бераманми деб, мени ҳам сотди-микин? Балки мажбур қилишгандир гапиришга? Билмадим, билмадим. Лекин нима бўлганда ҳам оғзидан гулламаслиги керак эди. Битта-яримтага керак бўлиб қолар деган мақсадда сақлаб қўйгандим, деса бўларди. Қанча одамлар шу нарсаларнинг етишмовчилигидан бевақт ҳаётдан кўз юмьпти, ўлган ўлди, энди унинг шикастланмаган буйраги бирор нотавонга берилса, савоб бўлармикин деб ўйлагандим-да, деб тутун қайтариб турса, олам гулистон эди. Бутун айбни бўйнига олганда сал кунда пул билан гаплашиб, чиқариб олардик. Эҳ, ярамас сотқин. Ёмон туширдинг мени. Тамом, ёшинг катта деб мен ҳам аяб ўтирмайман! Чақув кечирилмайди, деб шартлашганмизми? Шартлашганмиз! Энди ўзингдан кўр!»

Яраш тишларини ғижирлатди. Аммо ичидан тошиб келаётган ғазабни босиб, ўзини ночор одамдай тута бошлади.

– Тўғри, товарни кўрдим, лекин унинг нима эканлигини билмайман. Айтдим-ку, мен фақат ташувчиман, холос, деб. Ортиқча савол бермасликка келишганмиз. Ундан кейин сўраган тақдиримда ҳам, барибир, айтишмасди.

– Шундайми? Демак, Дамир Сағировни танийсан, лекин ундан нима олганингни билмайсан? Хўп, яхши. Унда айт-чи, бу гал товарни қайси хорижий давлатга ва айнан кимга олиб боришинг керак?

– Ростини айтсам, барибир, гапимга ишонмайсиз, – дея бу сафар совуқ жилмайишга ҳаракат қилди Яраш.

Элёрнинг қовоқлари уюлди. Яраш Наҳанов ноилож сўзини давом эттирди.

– Қаерга учимизни аэропортга борганимдан кейин биламан. Учинчи рақамли юкхонада қолдирилган

конвертни очаман-да, билетга қараб қайси давлатга боришимни биламан. Менга фарқи йўқ. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат деганларидай...

Элёр сўроқ бераётган шахснинг гапини бўлишни истамаса-да, айти шу тобда саволдан ўзини тўхтата олмади.

– Нима учун айнан учинчи юкхонадан?

– Бу ахир менинг учинчи ишим.

– Давом эт!

– Самолётдан тушгач, аэропортдаги қаҳвахонага кираман. Кофени ичиб бўлгунимча қайси меҳмонхонага боришим кераклиги ҳақида хабар бериб кетишади.

– Ким? – Элёр яна жим туролмади.

– Билмайман. Кимдир келиб оёғим тагидан қандайдир ҳамён олади-да, олдимга ташлаб кетади. Мен «тушириб» қўйган ҳамёнимни оламан-да, ичини очиб, кичкина қоғоздан қайси меҳмонхонага боришимни биламан. Тилни билмаганим учун такси ҳайдовчисига қоғозни кўрсатаман. Меҳмонхонада «Мистер Наҳанов» десам бўлди. Навбатчи менга нечанчи хонага жойлашишим мумкинлигини айтиб, қўлимга калитни тутқзади. Кейин бироз дам олгач, пастга – ресторанга овқатланиш учун тушганимда ёки шаҳар айлангани кетганимда товарни олиб кетган бўлишади. Идишнинг пастки дон сақланадиган жойида эса менинг хизмат ҳақимни қолдиришади. Бўлди! Уч-тўрт кун дам олиб ортимга қайтаман.

– Буюртмачини кўрмайсанми?

– Йўқ. Мен у ёқда ҳеч ким билан гаплашмайман. Ҳатто аёллар билан вақтичоғлик қилишга чўчийман. Тўғриси, бирор касаллик орттириб олишдан кўрқаман. Бор гап шу. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг.

– Шундайми? Унда, айт-чи, буюртмани кимдан оласан? – Элёр босиқлик билан савол берса-да, ич-ичидан

бу ишга қизиқиши ортиб, бир нималарни режалаштира бошлаган эди.

– Товар тайёр бўлса, Дамир ака телефон қилади.

– Гапни бурма! Сенга топшириқни ким беради?

– Дамир ака.

– Хўш, давом эт!

– Мен ҳамма ишни у киши орқали бажараман. Уйимга телефон қилиб, сафарга жўнашим кераклигини айтади. Ишхонасидан товарни оламан-да, йўлга тушаман. Қаерга, қачон учишимни айтдим, – деди жуда бемалол, хотиржам алфозда Наҳанов. У шу тобда ўзини сўроқ бераётгандай эмас, гўё ўз тажрибаларини ўртоқлашаётгандай ёки радиодан келган мухбирга интервью бераётган маълум ва машхур шахсдай тутарди.

– Дамир Сағировдан бошқа ҳеч кимни кўрмаганман демокчимсан? – сўради Элёр бу хатти-ҳаракатларга аҳамият бермасдан.

– Ҳа.

– Демак, яхши гапнинг гадоси эмассан. Унда сени жиноят қидирув бўлими ходимлари ўзлари билганича сўроқ қилишади. Бунинг учун уларда етарлича билим ва тажриба борлигига шубҳам йўқ. Лекин айт-чи, аэропортда сени ҳеч ким текширмайдими? Қўлингдаги нарса билан у ердан қандай ўтасан?

– Тошбақани чет элга чиқариш тақиқланмаган-ку.

– Тўғри, лекин идишни тагидаги музлар орасида бошқа нарса бор-ку.

– Билмадим, шу пайтгача ҳеч ким тўхтатмаган.

– Ичини очиб ҳам кўрмаганми?

– Кўрган, лекин у ерда тошбақага бериладиган бир парча гўшт бўлади, холос.

– Буйраклар-чи?

– Нима? Қанақа буйрак ҳақида сўраяпсиз? Менинг қўлимга мана бу тошбақага харидор бор, керакли ман-

зилга олиб борасан, деб кўрсатма беришади. Бўлди, бошқа нарса билан ишим йўқ. Агар идишдан тошбақадан ташқари яна бирор нарса топилган бўлса, бу Дамир аканинг иши. Менинг мутлақо хабарим йўқ. Айтдим-ку, мен фақат перевозчикман, деб. Оламан, элтиб бераман, тамом-вассалом.

– Ҳм-ҳм. Демак, чет элга бориб пуллайдиган буйрак ҳақида сенга ҳеч ким ҳеч нарса демаган.

– Ҳа.

– Гапларинг қанчалик ҳақиқатлигини, албатта, текшириб кўрамиз. Балки ҳаммаси уйдирмадир. Аммо сен айна пайтда вилоят марказий шифохонасида жарроҳ бўлиб ишловчи Қаршибой Эшбўтаев ва морг врач Дамир Сағировлар билан биргаликда жиноий ишга тил бириктириб, болаларни ўғирлаб, ҳатто ўлдириб, уларнинг муҳим тана қисмларини чет эллик буюртмачиларга пуллашда айбланасан! Энг даҳшатлиси, бу қабих ишлар сен бошчилик қиладиган уюшган жиноий гуруҳ томонидан амалга оширилган. Жиноят изини йўқотиш учун эса ҳар хил усулларни ўйлаб топгансанлар. Мана бу сендан олинган махсус идишда бир ўсмир йигитчанинг иккала буйраги бўлган. Хўш, энди тушундингми, нима ишлар билан шуғулланиб юрганнингни!

– Қанақа буйрак, қанақа йигитча? Нималар деяпсиз, ўзи? Мен бу ишлардан мутлақо беҳабарман дедим-ку! Тошбақани сотиб келяпман деб хурсанд бўлиб юрибман. Демак, мени алдашган экан-да, ярамаслар!

– Сени-я?

– Буни қаранг, наҳот, шундай мудҳиш жиноий ишларига мени шерик қилишган бўлса? Шунинг учун у ёғи билан ишинг бўлмасин, деб яширишар экан-да.

– Бу гапларингни Дамир Сағиров эшитиб ўтирганини биласанми? Ҳозир юзлаштираман.

– Майли, юзлаштиринг, – деди Яраш. Аммо ўзи сезмаган ҳолда унинг овози пасайиб кетди. Айни пайтда ранги оқариб, қовоғи пир-пир уча бошлади.

– Қўрқмайсанми? – Элёр шундай деб ўрнидан қўзғалди ва билдирмай Ярашнинг юз ифодасини кузатди. Жиноятчи ичидан зил кетганини сездириб қўйди.

Хонага кириб келган Дамир Сағиров кишандалиги га қарамай, қўшқўллаб Яраш Наҳановнинг юзига мушт туширди. Стул қирсиллаб кетди, агар Яраш эпчиллик қилиб ўзини тутиб қолмаганида ёнбошга йиқилиши аниқ эди. Аммо тўсатдан тушган тепкидан иккиси ҳам, барибир, полга қулади. Элёр уларни ажратиб, жой-жойига ўтиришга мажбур қилди.

– Шундай деб бутун айбни менга ағдармоқчимисан? Аслида, сен-ку мени йўлдан урган, аблаҳ! – деб яна хезлана бошлади Дамир Сағиров. – Хорижда мижозларим бор, улар бунақа нарсаларга катта пул тўлашади деб, ортимдан қанча юрдинг! Қўлга тушсам, сизни танимайман деб, энди сувдан қуруқ чиқмоқчимисан? Билиб қўй, бу найрангинг ўтмайди!

– Ўзингиз мени сотиб бўлибсиз-ку.

– Нима, буюртма берганинг ёлғонми?

– Лекин мен одам ўлдиринг демаганман!

– Дегансан! Ҳар бир ишни сен уюштиргансан!

– Ёлғон! Менга тухмат қиляпсиз!

– Энди тонма, кўрнамак! Бу ишларнинг бошида фақат сен тургансан.

– Битта менми?

– Ҳа, сен!

Дамир Сағиров шундан сўнг Элёрга юзланди ва алам билан шарт-шарт гапира бошлади.

– Аэропортда таниши бор, товарни ўша киши ўтказиб беради. Аммо қандай йўл билан ўтказишини билмайман. Шуниси аниқки, товар самолётда

бўлади, албатта. Чет эллик буюртмачини ҳам яхши танийди. Пулнинг асосий қисмини ҳам ўзи олади. Бизга эса...

– Ёлғон! Гапларинг тухмат, – деди Яраш қонаган бурнига қўлини босиб.

– Бўлди, бас! – дея столни муштлади Элёр. Сўнг сержантга Дамир Сағировни олиб кетишни буюрди. – Ана кўрдингми, сен бўлсанг, бунақа қабиҳ ишлардан мутлақо хабарсизман деб кекирдагингни чўзасан. Мана жиноий гуруҳнинг бошлиғи эканлигинг исботланди. Ҳа, сўраш эсимдан чиқибди, иккинчи марта қаерга учгансан?

– Мен бормаганман.

– Хўш, ким борган унда?

– Танимайман, ўтган гал мени алмаштиришган.

– Ким?

– Ўрнингга бошқа одам учади, дейилди, тамом-васалом. Бизнинг ишимизда нима учун, нега деган савол берилмайди.

– Яна алдаяпсан, – деди Элёр жаҳл билан. – Сен бошқа фамилияда бориб келгансан.

Яраш Наҳановнинг боши эгилди.

– Қани, кетдик.

– Қаёққа?

– Прокуратурага. Энди уларнинг саволларига жавоб берасан. Лекин сен билан суҳбатимиз тугагани йўқ.

Қурулланган аскарлар жиноятчиларни машинага олиб чиқишди. Бу ишларни кўриб тишини-тишига босиб турган Нормурод ғазабини яшира олмади.

– Вилоятимизда кўзни қувонтирадиган, қалбни ифтихор туйғусига тўлдирадиган ажойиб ишлар амалга оширилса-ю, мана бу ғаламислар ертўлаларга тушиб олиб, ваҳшиёна ишлар билан шуғулланса? Ҳаромдан бойлик орттириш учун ҳеч нимадан тап тортмай қотиллик қилишса! Булар кимлар ўзи? Қаерда яшайпти? Мақсадлари нима?

– Бўғилманг, дўстим. Булар ҳеч қачон қабих ниятларига ета олишмайди, – деди Элёр ҳамкасбининг елкасига қўл ташлаб. – Фақат хушёрликни йўқотмас-лигимиз керак.

– Албатта, бурчимизни садоқат билан бажарсак, буларга йўл бўлсин.

## VI. РЎЁБГА ЧИҚМАГАН ХОРИЖ САФАРИ

Элёр сўроқ давомида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жиноятлар хусусида тўлиқ маълумотга эга бўлди. Қалби эзилди. Бу ярамас кимсаларнинг ўта оғир жиноятлари олдида бошига тушган мусибат унчалар оғир эмасдай туюлди. «Душман жонини сақлаб қолиш учун ҳар қандай қабихликка тайёр. Бировни гаровга олиши, керак бўлса, ўлдириб юбориши мумкин. Чунки у душман. Бу юртга бегона! Аммо мана бу маразлар-чи! – деди меҳмонхонага қайтган Элёр хаёлан ўзи билан ўзи гаплашаркан. Ахир улар бу юртга ўгай эмас-ку. Наҳот, мамлакатдаги ижобий ўзгаришлар, қайта тикланаётган маънавий қадриятлар, юрт равнақи учун тафаккур билан иш юритаётган, жонини фидо қилаётган инсонлар буларни заррача қизиқтирмаса! Наҳот, барча-барчасига бефарқ, лоқайд бўлса? Булар онгли одамларми ёки Нормурод айтгандай, нима қилиб бўлса-да, бойлик орттиришга муккасидан кетган разил махлуқларми?» Элёр, аслида, жамики кўрган-кечирганлари ҳақида «Марказ»га батафсил ҳисобот бериш учун меҳмонхонага қайтганди. Бироқ анча вақтгача тинчлана олмади.

– Наҳот чет элга сотишган бўлса? – бу фактлардан таажжубга тушди Жалил Очилов.

– Худди шундай. Бедарак йўқолган айрим болаларнинг тақдири қўлга олинган жиноий гуруҳ томонидан



аянчли тарзда якун топган. Қидирувда бўлган икки боланинг манзилини эса аниқлашга муваффақ бўлдик. Уларни эрталаб олиб келишади.

– Тирик эканми?

– Ҳа. Кейинги буюртмани бажариш учун ўлдирмай сақлаб туришган экан.

– Аблаҳлар!

– Қўлга олинган Яраш Наҳановни асосий буюртмачи билан учрашишга қўндирдик. У эртага чет элга учиб кетиши керак. Вақтида етиб бормаса, шубҳаланишлари мумкин экан.

– Яхши, полковник Бўронов билан гаплашиб, ҳозироқ йўлга чиқаман.

– Яраш яна уч соатдан кейин Бухоро аэропортига чиқиб, у ердаги юкхона кутисидан билетини олади. Шунда қайси давлатга учиши маълум бўлади. Агарда Дубайга бўлса, Тошкентга қайтишимизга тўғри келади.

– Бу имкониятни қўлдан чиқариб бўлмайди.

– Кузатувни давом эттиряпмиз.

– Мен сизларни Тошкентда кутиб ўтирмайман. Яраш аэропортга чиққунча етиб бораман. Буюртмачини қўлга олиш режасини йўл-йўлакай ҳал қилиб оламиз. Интерполга аъзо эканлигимиздан фойдаланиб, уюшган жиноий гуруҳни фош этишимиз зарур. Ҳа, айтгандай, бу ишга жалб қилинган прокуратура ва ички ишлар ходимларини огоҳлантириб қўй, боргунимча қўлга олинган жиноятчилар ҳақидаги маълумотлар мутлақо сир сақлансин!

– Тушундим, ўртоқ майор. Ярашнинг гапига қараганда, бу ердаги жиноий гуруҳнинг бошлиғи Марат Тиркашев деган шахс экан. Бироқ у ҳақида на прокуратурада, на вилоят ички ишлар бошқармасида ҳеч қанақа маълумот йўқ. Текшириб кўрарсиз. Айбни ағдариш ёки терговни чалғитиш учун ўйлаб топилган шахс

бўлишиям мумкин. Ярашнинг кўрсатмасига ишонадиган бўлсак, Марат Тиркашев бола ўғирлаш ва қотиллик билан шуғулланаркан.

– Яхши, аниқлаштираман. Гуруҳнинг қолган аъзолари ҳақидаги маълумотни тезлик билан факс орқали юбор.

– Ҳўп бўлади.

– Ўзингни эҳтиёт қил.

– Раҳмат, ўртоқ майор.

Элёр бошлиқ билан хайрлашиб, меҳмонхонадан чиқди. Анча кеч бўлиб қолгани учун дуч келган машинага қўл кўтариб тўхтатди-да, «Шаҳар прокуратурасига!» деди.

– Ўтиринг.

Бу овоз Элёрга танишдай туюлди. Хаёлини жамлаб рулда ўтирган одамга юзланди. Э, бўлди, ахир бу ўша биринчи куни учраган «такси» ҳайдовчиси-ку. Элёр эътибор қилмагани учун узр сўради. Прокуратура деган сўздан сергак тортган собиқ муаллим қуруққина «Ҳечқиси йўқ» деб қўйди, холос. Бўлмаса, машинага ўтирган заҳоти мухбир йигитдан, аввало, ҳол-аҳвол, кейин эса Бухорои шарифнинг қайси гўшаларида бўлганию қайсиларига бора олмагани хусусида сўраб билмоқчи эди. Элёр ҳайдовчининг кичкина ойна орқали гоҳ-гоҳида унга шубҳа билан нигоҳ ташлаб қўйишидан «Алдаган экансан-да» деган ўйга борганини пайқайди. Гаплашмасмикан, деган хаёлга ҳам борди. Лекин у айни чоғда очилиб суҳбат қурадиган кайфиятда эмасди. Ҳайдовчи ҳам «мухбир» йигитни тасодифан учратиб қолганидан хурсанд бўлмади, ҳадик устун келиб жим кетишни афзал кўрди. Манзилга етиб келганида «Қанча бўлади?» деган саволга негадир жавоб бермади, узатилган пулга эса қўл ҳам узатмади. Элёр буни кўнглига олмади, йўл ҳақини олди ўриндиқда қолдириб машинадан тушди.

– Бу сени операциядан четлатиш эмас, – дея гапини яна такрорлади Жалил Очилов Элёрнинг Тошкентга қайтиши ҳақидаги кўрсатмадан кайфияти тушиб кетганини кўриб. – Сен ўзингга топширилган вазифани аъло даражада бажардинг. Бунинг учун раҳбариятнинг алоҳида ташаккури бор. Энди сен Тошкентда кераксан. Хабаринг бор, яна уч кундан кейин Асака шаҳридаги автомобиль заводининг очилиши бўлади. У ерда Президент нутқ сўзлайди. Шунга кўра заводдаги вазиятни назорат қилиш бизга ҳам топширилган. Махсус гуруҳга санокли ходимлар жалб этилган. Сен рўйхатнинг бошида турибсан. Тушундингми?

– Тушундим. Унда чет элга кимни жўнатмоқчисиз?

Элёр чет элга чиқиши ҳақидаги ўйлари чиппакка чиққанига иқрор бўлди, аммо дилидан ўтиб турган саволни беришдан ўзини тўхтатолмади. Ахир у туни билан хорижлик буюртмачиларни қўлга олишнинг турли усулларини ўйлаб топиб, охир-оқибат операцияни муваффақиятли тамомлашга ишонганди. Бўлмасам-чи, чет элда юриб уюшган жиноятчиларни фош этиш зўр гап-ку. Бу тадбирни амалга оширса хорижда бир зумда шов-шув бўлади. Ўзбек миллий хавфсизлик хизматининг мавқеи янада ошади. Ажойиб ўйлар оғушидаги Элёр ўзида йўқ мамнун эди. Хаёли бир зумда олисларга олиб кетди-да. Худди киноларда кўрганидай у махсус агент ролида. Буюртмачини қайсидир касалхонада, товарни бераётган вақтда – жиноят устида қўлга олишади. Бирдан олишув бошланиб кетади. Кейин отишма. Элёр қўлидан яраланишига қарамай, иккинчи қаватдан ўзини ерга ташлаб қочмоқчи бўлган шифокорни ортидан сакраб бир оёғидан тутиб қолади. Бироқ бошига қаттиқ тепки ейди. Жиноятчининг бақувват оёғи тобора мадорсизланиб бораётган Элёрнинг қўлларидан сирғалиб чиқиб кетади.

Лекин у узоққа кета олмайди. Бор кучини тўплаган Элёр қочоқни яна тутиб олади. Қисқа муштлашувдан сўнг жиноятчи ерга қулайди. Ана шундан кейинги ўйлар янада мароқли эди: ўнлаб фотомухбирлар, журналистлар, телевидение ходимлари атрофида гирдикапалак. Турли тилларда савол беришади, тўхтовсиз суратга олишади. Юрса, ортидан қолишмайди. Тўхтаса, дарҳол микрофон тутишади. У эса барча саволларга инглизчалаб бемалол жавоб қайтараркан, бу тилни қачон мукамал билиб олганидан ҳайрон ҳам бўлади.

Бу каби хаёлий саҳналар унга кечаси билан тинчлик бермаганди. Лекин ҳузур қилгани рост. У агарда хорижга борадиган бўлса, операция шундай тугашига ишона бошлаганди. Энди эса... у бормасмиш.

– Демак, махсус гуруҳга сиз бошчилик қиласиз.

– Яраш аэропорт юкхонасидан конвертни олса, қайси давлатга учиши маълум бўлади. Бу ҳақда дарҳол полковникка хабар беришим керак. Шунда маълум бўлади, биздан ким бориши, – деди Жалил Очиллов истамайгина.

– Тошкентга қачон қайтишим керак?

– Истасанг, ҳозироқ.

– Кетишга рухсат этинг!

Жалил Очиллов Элёрнинг елкасига уриб қўйгач, «Рухсат» деди ва хайрлашиш учун қўл узатди.

Элёр норози қиёфада хонани тарк этди.

## VII. ГУМРОҲ

Тошкент.

Самарқанд дарвоза маҳалласи.

Сурайё тонг саҳарда қайнанасининг олдида чиқди.

– Ўғлингиз сафарга кетяпти.

Ўриной аянинг эти жимирлаб кетди. Демак, келинининг кечаги гаплари рост экан-да. Нахот ўғли уларни ташлаб кетаётган бўлса? Йўғ-э? Апил-тапил ўрнидан турди.

– Ҳа, болам, тинчликми? – деб сўради она ростдан ҳам кетишга тараддуд кўраётган ўғлидан.

– Мусобақага! – гапни қисқа қилди Рустам.

– Узоққами? – она кўзларини жовдиратиб яна сўради.

– Ҳа, Туркияга.

– Қанчада келасан?

– Икки-уч ойда.

– Мусобақа деганинг бунча кўп бўлмасди-ку?

– Ойи, самолётга кеч қоляпман.

Ўриной ая кўзи тиниб деворни ушлади. Шу ҳолатда кеча пешин пайтида Сурайёнинг йиғламсираб айтган гапларини эслади. Келин кейинги пайтларда ўғлининг юриш-туриши ўзгариб қолгани, қандайдир китобларни яширинча ўқишини, ишламай уйда ўтирасан деб шарт қўяётганини оқизмай-томизмай гапириб берди.

Ўриной ая аввалига «Бунинг нимаси ёмон?» деб бироз ҳайрон ҳам бўлди. Тўғри-да, боғчадан топган арзимаган пули нимаям бўларди. Ундан кўра иккита боласига яхшилаб қараб тарбиячилигини уйда қила-вермайдими? Эр шуни талаб қилаётган экан, демак, хотин итоат қилиши керак. Турмуш дегани мурса қилиб яшаш дегани-ку ахир. Нафсиламрини айтганда, Ўриной ая ўғлининг бирдан инсофга келиб, намозга кирганидан, кичик сураларни ёдлаб, қўлидан ҳар хил китобчалар тушмаётганидан севинганди. Эридан рўшнолик кўрмаган аёлни бу ҳол хурсанд қилган эди.

Аммо Сурайёнинг охирги гапи онани бутунлай карахт қилиб қўйди. Тунов куни уйда йўқлигида иккита бегона эркак келиб ўғли билан анча гаплашиб ўтирган. Қўлига пул, самолётга чипта бериб, Туркияда бир-икки кун бўл-

гач, Мисрга учишини, у ердан эса Афғонистонга ўтишини тайинлаган. Бу суҳбатни бехосдан эшитиб қолган Сурайё кечкурун нима гаплигини сўраганда, Рустам э йўқ-бе йўқ, хотинининг юзига шапалоқ тортиб юборган. Сўнг қўлини томоғига тираб: «Мен Туркияга тренировкага кетяпман. Сен бошқа ҳеч нима билмайсан. Энди ишламай уйда ўтирасан. Агарда рухсатимсиз кўчага чиқсанг, талоқсан! Тушундинг-а? Ёки «талоқ» сўзининг маъносини тушунтириб қўяйми?» деган. Сурайё нима дейишни билмай анқайиб турса, яна бир тарсаки тушириб, «Буниси дарҳол «хўп» деб жавоб қайтармаганинг учун» деган.

Сурайё эрининг қандайдир ёмон одамларга қўшилиб қолганини сезиб, кечаси билан эзилиб чиққан. Икки кун чурқ этмай юрган, аммо кеча чидаб туролмай бор гапни қайнарасига тўкиб солган.

Ўриной ая ўғлининг ибодатга кирганидан қанча қувонган бўлса, бу хабарни эшитиб қалби шунча вайрона бўлди. Кўча-кўйда ҳар хил мишмишларни эшитиб ота-онасининг юзига оёқ босаётган айрим йигит-қизлардан нафратланиб юарди. «Уларга нима бўляпти? Ўзи туғилиб ўсган юртига, яқинларига кўрнамаклик қилишини қандай тушуниш мумкин? Жаҳолат гирдобига тушиб бораётганини наҳот англашмаса?» – Бу ўйлар мактабда ўқитувчилик қилаётган, аммо бирдан юраги хасталаниб ногиронликка чиққан Ўриной аяни қийнаб келарди. Болаларга нега тушунтирмайсизлар, деб баъзи ота-оналарга танбеҳ берарди. Бироқ бундай кўргулик энди ўз бошига ҳам тушиб турибди.

Сурайёнинг гапидан кейин жойида ўтиролмай қолди. Ярим кечагача ўғлининг йўлини пойлади. Бироқ Рустам тонг саҳарга яқин келди ва айна пайтда она-бола суҳбатлашиб туришарди.

– Сен менга тўғриси гапир. Қаёққа, нима мақсадда кетяпсан ўзи? Қани, кўзларимга қара-чи!

Рустам онасига эмас, ялт этиб хотинига қаради.

– Борганимдан кейин телефон қиламан. Ҳозир кетишим керак, – деди Рустам сумкасини қўлига олиб.

– Ростини айтмагунингча ҳеч қаерга кетмайсан!

Рустам бу гал онасининг кўзларига тикилди. Унинг ғазабнок қараши волиданинг юрагини тешиб ўтгандай бўлди. Бу Ўриной ая билган ўғлининг нигоҳи эмасди. Онанинг нафақат эти, балки бутун вужуди зириллаб кетди.

– Мен ҳақ йўлни излаб сафарга чиқяпман.

– Сен билган ҳақ йўл охир-оқибат қаерга олиб боради?

– Жаннатга!

– Жаннат оналар оёғи остида эмасми, болам?

– Сиз аввал икки ракаат намоз ўқинг, кўчага чиққанда номаҳрамлардан юзингизни яширинг. Ана ундан кейин менга насиҳат қиласиз.

– Ҳозир-чи? Ҳозир насиҳат қилишга ҳаққим йўқми? Ахир сени тўққиз ой...

– Сиз бир сабабчисиз, холос.

– Шаккоклик қилма.

– Бўпти, мен кетдим, –Рустам бесабрланиб хотинига юзланди. – Болаларга яхшилаб қара. Анави ерга пул қўйиб қўйдим. Келгунимча еб-ичишларингга бемалол етади. Биродарларим сизлардан хабар олиб туришади.

Рустам шундай деб хонадан чиқа бошлади.

– «Номаҳрам» деган сўзни биларкансан, сен ўзинг бизларни кимларга ташлаб кетяпсан? Ўша биродарларинг хотинингга номаҳрам эмасми?

Эшик олдида етган Рустам бирдан тўхтади. Аммо ёнига ўгирилиб онасига қарамади. Тўғриси, қарай олмади.

– Улар хол-аҳвол сўраб кетишади, холос.

– Онангни норози қиляпсан, нодон.

– Бу йўлда сизнинг розилингиз керак эмас.

Ўриной ая ичидан зил кетди. Кейин бирдан қон босими ошиб диванга ўтириб қолди. Рустам бунга заррача парво қилмай хонани тарк этди.

## VIII. ФАРЗАНДИМ – ЖИГАРБАНДИМ!

Тошкентга қайтган Элёр ўғлини қаттиқ соғинганини ҳис қилди. Муҳаббатдан қолган ёдгорини, айниқса, Бухорода юракни ларзага соладиган аянчли ҳодисаларнинг бевосита гувоҳига айланганидан кейин тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди. Баъзан бирдан хавотирга ҳам тушарди. Телефон орқали ҳол-аҳвол сўрагач, кўнгли хотиржам бўлиб анча муддат ишга овунарди-ю, аммо бир зум бўш қолди дегунча, ортидан қувдиришни яхши кўрадиган (қочаётиб ўзиям жуда ажойиб куларди-да) жигарбанди хаёлини бутунлай қамраб оларди. Ўй эса уни олис-олисларга етаклайди. Баъзида қалбига қаттиқ азоб берадиган хотиралардан айрилиш мушкул кечарди. Охири йўқ ўйларни тизгинлаш қийин. Лекин Бухорода рўй берган нохушликлар, айниқса, фарзандидан айрилган ёхуд тирик-ўлигини билолмай сарсон-саргардон бўлаётган одамларни кўриб, ўзини қўлга олди.

Ҳа, бу фоний дунёда ёлғиз унга қийин эмаслигига яна бир карра иқрор бўлди. Бухорога келишдан илгари юрт тинчлиги йўлида жонини қурбон қилган ҳамкасблари ёки милиция ходимларининг уйларига борганда ҳам юраги эзилган, уларга малҳам бўламан, деб ўз дардини сал бўлса-да, унутган эди.

Аслида, Бухорога қалбидаги жароҳатни эсдан чиқариш учун келмаганди. Аммо содир бўлган ва бўлаётган жараёнлар гирдобида ўз қайғусини ўйламасликка ҳаракат қилди.

Рост-да, ногоҳ қаёққа ғойиб бўлганини билолмай фарзандини уч кунгача қидирган отанинг кўнглидан нималар ўтди экан? Юраги қон бўлгандир қаердан излашни билмай? Дардини ичига ютгандир бақириб-чақиролмай. Сўнг бўйнига осилган тошнинг арқони ечилиб кетиб, сув юзасига чиқиб қолган боласининг



жасадини кўрганда қандай аҳволга тушдийкин? Дунё кўзига қоронғу бўлиб, дод солиб йиғлагандир. Кейинчи, кейин?! Кўз қорачиғи бўлган ўғлини соғлом буйраги учун ўлдиришганини билганда... бежиз хушидан ажралмагандир?

Элёр гилам устида чўзилганича ўғлининг суратларига тикиларкан, эртагаёқ кўрмаса бўлмаслигини ҳис қилди: шу лаҳзаларда унинг ёнида бўлишни жуда-жуда хоҳлади.

Эрталаб тўғри бошлиқ ўринбосарига учрашди.

– Нега Жалил Очиловнинг олдига кирмадинг? – ҳайрон бўлиб сўради яқинда ўринбосарлик лавозимига келган Анвар Шокиралиев Элёрни кучоқ очиб кутиб олганидан сўнг.

– Кеча Бухорода қолган эдилар-ку, – деди Элёр бу ажабланишнинг боисини тушунмай.

– Бошлиқ хонасида ўтирибди.

– Ростданми? Чет элга кетмадиларми?

– Қанақа чет эл, – мийиғида кулиб қўйди ўринбосар.

– Дубайми, Италиями...

– Кирақол, ўзларидан сўрарсан.

Элёр ноилож ортига бурилди. «Қизиқ, нега қайтиб келдилар экан? Наҳот, шундай зўр имкониятни қўлдан чиқарган бўлсалар? Унда бу иш билан ким шуғулланаркан?»

Жалил Очилов, дарҳақиқат, қандайдир қоғозларга мук тушганча иш жойида ўтирарди. У Элёрга кўз қирини ташлаб, қўли билан ўтиришга ишора қилди.

«Нега бормади экан? Ёки ўрнига бошқа одамни юборишдимикин? – яна ўйлай бошлади Элёр стулга ўтираркан. – Қовоғидан қор ёғилиб турганига қараганда шундай бўлса керак. Қизиқ, унда биздан ким кетган бўлиши мумкин? Ахир орамизда Жалил Очиловдан кўра абжирроқ ходим йўқ эди-ку. Ёки бу ишни охирига етказишни Интерпол ўз зиммасига олдимикин?»

Ниҳоят, Жалил Очилов қўлидаги ручкани қоғозлар устига «тап» этиб қўйди-да, ишдан бош кўтарди. Салом-алиқдан сўнг сигарет тутатди. Элёр ўзи гапирармикин ёки сўраганим маъқулми деб сукут сақлади.

– Операция барбод бўлганидан хабаринг йўқдир, – деди сигарет тутунини чуқур-чуқур тортаётган Жалил Очилов бироз ғижинган ҳолда. Бу унинг ходими-га ҳисобот беришни истамаётганиданми ёки ростдан ҳам амалга ошмаган операция учун қайғуришиданми ёхуд чет элга боролмагани учун аламиданми, англаш қийин эди. Элёр ҳарчанд билишга уринмасин, бошлиқнинг тез ўзгариб турувчи қиёфасидан бирор қарорга келолмади. Элёрнинг бош тебратганини кўрган Жалил Очилов ўша оҳангда гапини давом эттирди. Фақат у энди сигарет кулини бармоғи билан тез-тез чертиб кулдонга тўкиб турарди. – Эрталаб Ярашнинг ортидан аэропортга чиқдик. У юкхонадан конвертни олди, аммо ичидан ҳеч қанақа билет чиқмади.

– Бундан чиқди, Ярашнинг ортида одам бўлган, – деди Элёр шартта. Аслида, бу ўй Яраш Наҳановнинг ўша кунги безбетларча қилаётган жавобларини эшитгандаёқ хаёлига келган эди. Наҳот, Яраш бундан беҳабар бўлса?

– Ҳа, уни билет билан таъминловчи номаълум шахс ҳар бир қадамини кузатиб турган. Яраш қўлга олинганини кўргач, хорижлик ҳамтовоқларини сотмаслик мақсадида, режамизнинг амалга ошмаслик йўлини қилган. Ўзим ҳам бу ишларнинг кетида анчагина одамлар бўлса керак, деб ўйлагандим.

– Бизни чалғитиш учун бошқа бир мамлакатга учириб юборса бўларди-ку?

– Ортиқча харажат қилишни исташмаган.

– Тергов шу ердаги жиний гуруҳ аъзолари билан чекланадиган бўлибди-да, – деди Элёр афсусланиб.

– Ҳа.

– Кузатувчининг шахси аниқландими? – деб сўради Элёр масалага ойдинлик киритиш мақсадида.

– Яраш унинг кимлигини билмайман деяпти. Бироқ Дамир кузатувчи Марат Тиркашевнинг ўзи бўлиши мумкин деди. У Маратни Тошкентда яширин фаолият олиб бораётган қандайдир жиноий гуруҳ билан алоқаси борлигини ҳам айтди. Дамир бу гапни Ярашнинг ўзидан эшитган экан. Лекин Яраш Дамирнинг бу кўрсатмаларини тан олмаяпти.

Элёр «тушунарли» дегандай аста бош силкиди. Жалил Очилов иш жойига ўтиб, аламини сигарет қолдиғидан олди: уни обдан кулдонга босиб эзгилади.

– Хорижлик буюртмачиларни қўлга олганимизда зўр бўларди, албатта, – деди қовоғи уюлган бошлиқ бирдан столга қаттиқ муштлаб. – Бироқ... бироқ, барибир, ёмон ишламадик! Бухородаги катта бир жиноий тўданинг илдизига болта урдик. Тўғрими?

Элёр гапини кўтаринки кайфиятда тугатган Жалил Очиловнинг ҳолати тўсатдан ўзгарганидан ажабланмади. У бошлиғининг тутган позициясини тушуниб қолганди. Ҳар қандай оғир ва ғамгин бошлаган гапининг охирини аксинча вазиятда тугатарди: у ходимларнинг руҳини кўтаришнинг, янги топширилган ишга рағбатини оширишнинг уддасидан чиқарди. Бу гал ҳам худди шундай бўлди.

– Прокуратурадагилар Ярашнинг иккинчи марта қайси фамилияда Дубайга бориб келганини аниқлаган бўлса керак?

– Ҳа, унинг уйи тинтув қилинганда, ертўласига яшириб қўйган иккита паспорт топилган.

– Депутат Мамадёроннинг ўз жонига қасд қилганини эшитгандирсиз?

– Ҳа, у айнан Бухородаги мазкур жиноий гуруҳнинг раҳнамоси бўлган экан, – деди Жалил Очилов стол

устида турган каттагина расмга кўрсаткич бармоғи билан бир-икки уриб. Кейин суратни Элёрга узатди. – Кўрганмисан бу нусхани?

Элёр сўхтаси совуқ кишига разм соларкан, нафратини яшира олмади:

– Аблах, одамлар ишончини оқлаш ўрнига, уларнинг юзига туфлаган экансан-да. Хўш, нимага эришдинг?

– Нимага эришарди, ўзини тўртинчи этаждан ташлаб, ажалини топди.

– Марат Тиркашев деганлари балки шу депутатдир? – деб Элёр суратни бошлиғига қайтарди.

– Прокуратура ходимлари бундан текшириб кўришади.

Элёр бошлиқнинг хонасига нима мақсадда киргани эсига тушиб ниятини айтди. Унинг гаплари соғинч ҳиссига лиммо-лим эди.

– Яхши, – деди майор эътироз билдирмай. – Унда сени эртага кечкурун Асакада кутаман. Иш режасини ўша ерда гаплашамиз. Ҳозироқ сенга рухсат. Содик акага айтсанг, Қўйлиққа ташлаб кўяди. Қани, вақтни ўтказма!

Жалил Очилов ўрнидан турди. Элёрнинг елкасига қўлини ташлаганча йўлакка олиб чиқди.

– Ота-онангга салом айт. Ўғлингни ўпиб қўй. Ҳа, ёдимдан чиқай дебди, фарзандингга она кераклиги ҳақида ўйлаб, жиддий қарорга келишинг керак. Менга бундай қарама. Қани, юр, юравер, – Жалил Очилов шундай деб Элёрни ташқарига бошлади. – Энди сен ўзингни эмас, меҳрингга муҳтож ўғлинг борлиги тўғрисида ҳам ўйлашинг зарур. Уйдагиларинг қанчалар ғамхўрлик қилишмасин, барибир, ота ёки она ўрнини босолмайди. Гапимни бўлма. Тушунаман, бошингга оғир мусибат тушди, аммо айрилиқни унутиш қанчалар оғир бўлмасин, энди кўникишинг керак. Муҳаббат ҳам бундай юришингни маъқулламаган бўларди.

– Менинг муҳаббатим битта, Жалил ака.

– Тўғри, ҳеч кимни Муҳаббатчалик севолмайсан. Лекин болага она кераклигини ҳам унутма. Ҳозир қаерга кетяпсан? Нима учун? Сендан олисда яшаётган ўғлинг-ни соғинганинг учун. Тўғрими? Нима, у сени соғинмайдими, кўргиси келмайдими? Келади, Элёр, жудаям кўргиси келади. Агар ақли кирмай туриб бирор меҳрибон аёлнинг бағрига топширсанг, унга кўникиши анча осон бўлади. Мабодо аёлнинг ҳам фарзандингга ишқи тушиб қолса... йўқотган бахтингни топгандай бўласан. Балки ўшанда мана бу ерингдаги бўшлиқ, – Жалил Очилов шундай деб кўрсаткич бармоғини Элёрнинг нақ юрагининг устига қўйди, – тўлиб, ҳаммаси изга тушиб кетар.

– Муҳаббатнинг ўрнини...

– Яна қайтариб айтаман, Муҳаббатнинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Сен эса унинг хотирасини бир умр юрагингни тўрида сақлайсан. Ўғлингга келсак, у вақт-соати етганда бу қарорингни тўғри тушунади. Бунга имоним комил. Чунки юртнинг жасур ўғлонларининг фарзандлари ҳам мард бўлади. Сен энди ҳаётнинг ҳар қандай зарбаларига чидаш бераман деган қасамёдинг бўйича иш тутишинг керак. Шуни унутма.

Элёр бинодан чиқаркан бошлиғига зимдан назар ташлади. Қизиқ, бу одам нималар ҳақида гапиряпти? Қачон қарама хаёли иш билан банд эмасмиди? Элёр уни ҳатто уйида ҳам бирор муҳим топшириқни бажариш ҳақида бош қотирса керак, деб ўйларди. Ишхонада оиласи тўғрисида, яқинларининг муаммолари хусусида умуман гапирмайдиган Жалил Очилов унда шундай таассурот қолдирган эди.

– Мен қасамимга содиқ қоламан. Шунинг учун уйланиш тўғрисида эмас, ўғлимнинг тақдири...

– Ўғлингнинг тақдири сен ёлғиз ўтишинг билан ижобий томонга ўзгармайди. Қисматим шунақа экан

деб ўйласанг, хато қиласан. Биз эзгулик йўлида ҳаракат қиляпмиз, жонимизни гаровга қўйиб курашяпмиз. Демакки, Худонинг синовларига бардош беришимиз керак. Қийинчиликларни енгиб ўтганлар эса, алломалар айтганидай, мусибат кетидан келадиган кўп яхшиликларга ҳам эришади. Хўп, энди, хайрлашамиз. Ўғлингни ўпиб қўйиш ёдингдан чиқмасин. Мустақиллигимизни асрашимиз учун ватанга довжорак Жалоллидинлар керак бўлади!

Элёр Бухородаги гинани унутиб, Жалил Очилов билан қучоқлашиб хайрлашди.

\* \* \*

– Тонг саҳарлаб кетадиган бўлсанг, Зулфияхонни ҳам кўриб кетсанг бўларди, – дея гап бошлади кечки овқатдан кейин онаси. Бояқиш ўғлини соғинган эканми, гоҳ сочини, гоҳ елкасини меҳр билан силар, жигарбандининг кўнглидагини билгиси келганидан оғзига тикилар, ўйчан кўзларига зимдан қараб-қараб қўярди. Шу тобда азалий ва абадий, юракдан юракка ўтувчи ажиб бир манзарани кузатиш мумкин эди: Тўхтаҳон ая ўғлига термиларди; Элёр эса қучоғидаги Жалоллидинга. Она йўлларига кўз тикиб, бу гал келиши сал узоқлаб кетганидан хавотир ола бошлаган фарзандининг юзларидан ўпгиси келса-да, бундан негадир ийманиб, тортиниб турарди, Элёр эса жигарбандининг кўлларини ўйлаб ўтирмай юзларига босар, ўпар, суйиб эркалар эди.

– Гапимни эшитяпсанми?

– Эшитяпман, – деди Элёр онасига қараб қўяркан.

– Билмадим, раҳматли хотининг синглисидай бўлиб қолганми, сен кетганингдан кейин ҳам тез-тез келиб турди. Айниқса, Жалоллидинни айтмайсанми, қучоғидан тушмайман дейди-я. Бир амаллаб зўрға олиб қола-

миз дегин. Зулфияхоннинг ҳам меҳри тушиб қолган, шекилли, икки-уч кунга беринг, деб ялиниб қолади.

– Юбордингизми бу шумтакани?

– Қаёқда. Бирпас кўрмасам, юрагим ўйнаб қолади-ку, юборармидим?!

– Майли, имкон топиб кўриб кетарман.

– Шундай қил, болам. Илоё, умридан барака топсин, яхши аёл экан. Ҳа, кейин... сенам бир нарса дегин энди...

Элёр суҳбат қайси томонга оғаётганини сезиб, қачондир очилиши керак бўлган мавзуни бошқа томонга бурмоқчи эди, тўсатдан дарвоза тақиллаб, синфдошлари чақириб қолди. Айримлари таклифни ҳам кутиб ўтирмай ичкарига кира бошлади.

– Келганингни дарров эшитишади-я, – деди ўғлининг меҳрига тўймаган, уйланишга розилик бериши масаласида бир оғиз гап эшитишга интиқ бўлган Тўхтагон ая норози оҳангда. «Келишган вақтини-чи? Эндигина кўнглига қўл солганди-я. Оббо, бу ёшлар-эй, ўзи бугун келган бўлса, уйидагилари билан мириқиб гаплашиб олсин дейишмайдами?»

– Ҳозир келаман.

– Ҳа, биламан сенинг ҳозирингни.

Элёр ўрнидан туриб, оғайниларига пешвоз чиқди. Қучоқлашиб кўришиб бўлганлари худди зиёфатга чақирилган одамлардай тўғри меҳмонхонага қараб юришди. Йўл-йўлакай Тўхтагон аянинг кўнглини олишни унутишмади. Гинани унутган ая йигитларнинг елкасидан олиб кўришди ва ҳол-аҳвол сўради. Кейин кўлини кўксига қўйганича қайта-қайта такрорлади:

– Келинглар, қани, кираверинглар, болаларим.

\* \* \*

– Дада, мени Тошкентга қачон олиб кетасиз? – деб сўради тили бийрон Жалолиддин хайрлашиш олдидан.

Сочлари ўсиб бу ердагиларнинг ёқимтойига айланган Жалолиддинни шу гапидан кейин кучоққа олмай бўладими? Элёр гапирмоқчи эди, аммо томоғига нимадир тиқилгандай бўлди. Буни сездирмаслик учун шартта ўғлининг юзидан ўпиб, бағрига қаттиқроқ босди.

– Яна сал катта бўлишинг керак, – деди Тўхтагон ая ўғлининг ҳолатини пайқаб.

– Мана, катта бўлдим-ку, – дея қўлларини баланд кўтарди Жалолиддин.

– Унда ўқиш ва ёзишни билиб олишинг керак. Тошкентда шуларни билмасанг, адашиб қоласан, болажоним.

– Гапиришни биламан-ку, – деди ҳозиржавоблик билан болакай. – Ундан кейин айлангани бир ўзим чиқмайман. Дадам билан чиқаман. Қўлларини маҳкам ушлаб оламан.

– Маҳмадона. Ҳамма гапни биласан-а?

– Ахир ўзийиз ўргатяпсиз-ку, биламан-да.

Тўхтагон ая дув қизарган юзларини яшириш учун набирасини бағрига олди. Эркалатиб сочларини тўзғитди, юзини аста чимчилади. Кейин қайта-қайта ўпди.

– Дада, ҳозир кетасми? – бувисининг тиззаларига ўтириб олган Жалолиддин дадасини яна саволга тутди.

– Ҳа, ўғлим.

Элёр бошқа гапира олмади. У кечқурун ўғилчаси билан бир зумгина гаплашди, холос. Кун бўйи тиним билмаган полвон тўртта гапдан кейин ухлади-қолди. Термилди, термилаверди, кўзлари намлади, намланаверди. Назарида тонг отиши қийин бўлди. Мана энди мириқиб сўзлашаман деганди, бидирлаб турган миттивойга жавоб топиб беролмай ўтирибди.

– Энди қачон келас?

– Соғинсанг дарров келаман.



– Мана бу қоринчанг гапга тўлами, болам? – деди Тўхтаҳон ая набирасининг қорнини қитиқлаб.

– Агар тезда кемасайиз, бувим билан олдийизга борамиз, бўптимиз?

– Фақат иккимизми? – сўради Тўхтаҳон ая набирасини ўзига қаратиб.

– Зулпи холамниям оборамиз Тошкентга бир марта борган экан, холос.

– Зулфияхонни айтяпти, – деди Тўхтаҳон ая ўғлининг нигоҳидан бермоқчи бўлган саволни уқиб.

– Зулпи холанг нима қилади Тошкентда, ўғлим?

– Сиз ишга кетсайиз, ахир мен ким билан уйда қоламан? Мени ким ўйнатади?

– Бувинг-чи?

– Бувим дам олиб ётадилар. Чунки оёқлари оғрияпти.

Элёр ортиқ чидай олмади. Ҳамма нарсага ақли етиб қолган «чолбола»нинг кўзларига тик қаролмай ўрнидан туриб кетди. Аслида, бунинг ўзига яраша сабаби ҳам бор эди. Элёр боланинг гапига қулоқ солиб ўтириб, кечкурун ётиш олдидан унинг айтганларини эслади: «Дада ойим жуда чиройли бўлган экан-а? Ҳозир росаям кўргим келяпти. Фаришталарга айтсак, ойимни қайтариб ташлаб кетмасмикин? Ахир улар мени соғинганимни билиб туришгандир».

Элёрнинг қалби тилка-пора бўлиб кетди. Йиғлаб юборишдан аранг ўзини тийди. Тишини-тишига босаркан, бир оғиз ҳам жавоб қилолмади. Елкалари титраб, ўғилчасининг сочини силаркан, ичида: «Мен ҳам соғиндим. Жуда соғиндим», - дея олди, холос. Шу гаплардан кейин қайси отанинг кўзларига уйқу келади?

Мана яна юрагини эзаяпти. Шуни билармикин бу миттивой? Гапларидан нимага ишора қияпти? У ёқда бошлиғи уйланиш ҳақида ўйлаб кўргин, деб тайинла-

ганди. Бу ерда эса... онаси, ўғилчаси. Фақат дадасигина жим. Демак, ота унинг иши қанчалар муҳим ва айна пайтда ўта хавфли эканлигини англаган-у, бу масалада бирор қарорга келишга қийналяпти. Тонг саҳарда қаргадир кетиш олдидан бир оғиз гапирди, холос. «Уйланиш масаласида қатъий қарор қилсанг, хабарини берарсан». Ҳа, дадаси қудаларнинг аҳволини кўриб, бағри-дили эзилган. Балки ўзини уларнинг ўрнига қўйиб кўргандир. Уларга жуда қийин бўлди. Тўғри, куёвининг уйланишига қаршилик қила олмайди, аммо айрилик, гулдай қизидан жудо бўлиш... Дадасининг кескин шарт қўймаётганининг боиси, балки, шундандир.

Чуқур ўйга толган Элёрнинг жигарбанди билан хайрлашиши оғир кечди. У авваллари ҳозиргидай қийналмаганди. Йўлга тушаркан, онасига берган ваъдасини бажаришга кучи етмади: Зулфия билан учрашолмади.

\* \* \*

Андижонга йўл олди. Қишлоқда дала ишлари билан бирга, ўтган йили кўп сонли оилаларга янги уй-жой қуришлари учун берила бошлаган олти сотихли ер участкаларида ҳам иш қизғин эди. Одамлар астойдил меҳнат қилишарди. Улар ўзлари ва фарзандлари учун яратилаётган қулайликлардан мамнун эдилар. Ахир бир ҳовлида иккита келин билан бирга турадиган оилада учинчи ўғилни уйлантириш муаммо эди-да. Мана энди орзулари ушала бошлади. Барча вилоятлардаги каби Андижонда ҳам кўп сонли оилаларга ер ажратилган эди. Юзлари офтоб нурида қорайган, аммо билакларидан куч-қувват ёғилиб турган қишлоқ аҳолиси бахтли келажак учун тер тўкаётганликларини ич-ичидан ҳис этиб туришарди. Ҳашарлардаги аҳиллик, чин дилдан айтилаётган «Ҳорманг!», «Бор бўлинг!»лар,

бирдан бошланиб қоладиган ҳазил-ҳузулу аскиялар ва улар чехрасида тобора ёйилиб бораётган кулги-табас-сум катта-кичикнинг бу қадимий ва навқирон юртга хур замон келганидан хурсанд эканлигига далолат эди.

Баъзи туманларда пахта экиладиган майдонлар анча қисқартилган, уларнинг ўрни полиз экинлар ва боғларга бўлиб берилган. Мевали дарахтларнинг олди ҳосилдан нишона бериб, гулга кирган. Йўл бўйларига экилган арча ва хилма-хил гуллар киши кайфиятини кўтарар, янги очилган ошхона ва чойхоналар эса димоғни қитиқлаб, ўзига чорлайди.

Асакага яқинлашиб қолган Элёр бунёдкорлик ишлари нафақат пойтахтда, балки туман ва қишлоқларда ҳам олиб борилаётганидан халқ келажакка ишонч билан қарай бошлагани, мамлакат Президенти бошлаган тараққиёт йўли тўғри йўл эканига яна бир бор амин бўлди. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидай, эркин жамият қуриш учун курашга бел боғлаган одамлар орасида ўз манфаатини ҳар нарсадан юқори қўювчи, жирканч ишлардан қайтмайдиган виждонсиз кимсалар ҳам учраб туриши, унинг йўл-йўлакай кўтарилган кайфиятини бир зумда йўққа чиқариб, дилини сиёҳ қилди. Юраги тоза одамлар нимага интиляпти-ю, разил ва ор-номуссиз кишилар нималар қиляпти?

Асакага етиб келган Элёр шаҳарда Кореянинг «ДЭУ» компанияси билан ҳамкорликда қурилган автомобиль заводининг очилишига қизгин тайёргарликни кўриб юрагидаги ғашлик ўрнини яна хурсандчилик эгаллади – кўнглида фахр туйғуси уйғонди. Ҳадемай, бу ердан «Нексия», «Тико», «Дамас» русумдаги янги енгил автомобиллар чиқа бошлайди. Қандай улуғвор ишлар!

Ўзбекистон ўз автомобиль заводига эга. Энди озод юртнинг одамлари янги машиналарда юришади. Ростдан ҳам қандай яхши!

Элёр тўлқинланиб кетди. Бу ерда Жалил Очиловни топишга деярли қийналмади.

## IX. ЎЗБЕГИМ МАШИНАЛАРИ

Андижон. Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси. Ўзбекистон Президенти ўтирган машина заводга яқинлашиб қолди. Корхона раҳбарияти ва ишчилари, шу яқин атрофда яшовчи аҳоли давлат раҳбарини кутиб олишга чиққан. Элёр бошчилик қилиб тайинлаган махсус гуруҳга алоҳида топшириқ юкланган. Заводнинг ичи ва ташқарисини жиддий назоратдан ўтказиш ва Президент хавфсизлигини таъминлаш. Негаки сотувга чиқариладиган «Нексия» енгил автомашиналарига Президентнинг оқ йўл тилаб, уларнинг биринчисига эсдалик учун имзосини қўйиши кўзда тутилган эди.

– Ҳаммаси жойида! – дея хабар берди Элёр Марказга.

Унинг кўнгли хотиржам бўлса-да, хушёрлигини йўқотмаган, қарашлари сергак, гап-сўзлари жуда қисқа, аммо аниқ ва тиниқ эди. «Бутун масъулият сенинг бўйнингда!» деб топшириқ олганидан буён киприк қоққанини эслолмайди. Зиммасига юклатилган вазифанинг ниҳоятда оғирлигидан бутун танасидан тер қуйиларди.

Орадан ярим соатларча вақт ўтиб завод дарвозаси олдида Президент машинаси кўринди. Халқ мамлакат раҳбарини хурсандчилик билан кутиб олди. Заводнинг илғор ишчилари ва шаҳарнинг нуроний кексалари билан салом-алик қилган Президент уларнинг турмуши, муаммо ва таклифлари, умуман, кўнглидаги гаплари билан қизиқди.

Кекса отахонлар автомобиль заводининг ишга тушганидан беҳад хурсанд эканликларини билдирдилар.

– Шу атрофдаги ўғил-қизларимиз иш билан таъминланиб, оиласига, эл-юртига нафи тегяпти, – дея фикрини билдирди кўп йиллардан бери мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлаган, эндиликда кексалик гаштини сураётган отахон. – Уларнинг астойдил меҳнат қилаётганини кўриб, бизнинг ҳам ғайратимиз жўшиб кетяпти.

– Заводда қаторлашиб турган ажойиб машиналарни айтмайсизми? – гапга кўшилди маҳалла фаолларидан бири. – Кўриб кўз қувнайди. Наҳот, ўзимизнинг машиналарда маза қилиб юрсак?

– Ҳа, умрингиздан барака топинг. Миллатнинг шаънини, ғурурини кўтарадиган ишлар қиляпсиз, – деди Иккинчи жаҳон урушининг азобини тортган кекса отахон қўлидаги ҳассасига таяниб. – Янги машиналарни кўриб, биз қарияларнинг ҳам кўкси тоғдай кўтарилди.

– Раҳмат, соғ бўлинглар, – дея Президент нуронийларга самимий миннатдорлик билдирди. – Энди сизларга мана шу ёшларни дуо қилиб юриш ярашади. Андижонликлар азал-азал меҳнаткаш, танти, юрагида ўти бор инсонлар. Ўн икки ёшида тахтга ўтирган, кейинчалик тақдир тақозоси билан шундай катта Ҳиндистонни забт этиб, буюк бир империяга асос солган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам, элнинг юрагидан жой олган оташнафас шоир Чўлпон ҳам, шўро зулмига қарши курашга бел боғлаган Дукчи Эшонлар ҳам шу тупроқнинг фарзандлари бўлган. Биз бу заводни бежизга Андижонда қурганимиз йўқ, сизларнинг тажрибангизга ва ёшларимизнинг ғайрат-шижоатига ишонганимиз учун ҳам Асака шаҳрини танладик. Адашмаган эканмиз, мана бугун заводнинг дастлабки машиналари халқимиз хизматига шай бўлиб турибди. Ўйлайманки, бу улкан ишларимизнинг бошланишидир.

Ёшлардан бири сўзлашга жазм этди. Махсус ишчи кийимидаги баланд бўйли, буғдойранг, келишган йи-

гит бугунги тараққиёт даврида жуда муҳим касблардан бирини эгаллаб, мамлакат довруғини жаҳонга танитишдек улкан вазифага ҳисса қўшаётганидан фахрланиб сўзлади. У бироз ҳаяжонланишига қарамай:

– Мен ўзим ҳам бу машиналарнинг бирини минаман! – дея сўзини тугатди.

Маҳаллий аҳоли ва завод ишчиларининг юз-кўзларидаги меҳр-муҳаббат, гап-сўзларидаги оҳанг самимий эди. Бунди дилдан ҳис этган Президент мамнунлик билан заводга юзланди ва руҳи кўтарилиб дарвоза сари қадам ташлади.

Неча йиллик меҳнатнинг биринчи ҳосилини кўриш, унинг одамлар қўлига етиб боришини ва бундан улар жуда мамнун эканини юракдан ҳис этиш катта бахт. Кўпчиликнинг дуосини олиш ҳар бир инсон учун ша раф эмасми?

Марказий Осиёда биринчи бўлиб дадиллик билан амалга оширилган ишни халқ кўллаб-қувватлаган эди. Автомобиль заводининг яна бир муҳим жиҳати, унинг мамлакат иқтисодиётига салмоқли таъсир кўрсатиши кутилган. Шу билан бирга Ўзбекистон дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакатлар рўйхати га қўшилиб, йигирма саккизинчи давлат сифатида қайд этилганди.

Кутилган дақиқалар етиб келди. Ўзбекистон Президенти оппоқ рангдаги «Нексия» автомашинасига яқинлашди. Ҳавас билан кўздан кечиргач, унинг ортида қаторлашиб турган турли рангдаги юзлаб машиналарга нигоҳ ташлади. Ҳа, энди мамлакатнинг барча йўллари да мана шундай чиройли, бежирим машиналар юради. Улар шаҳар ва қишлоқларнинг кўркига кўрк қўшади. Бу ҳали бошланиши, холос. Мана шу заводда кейинчилик янги-янги русумдаги машиналар ишлаб чиқарилиб, нафақат маҳаллий аҳолига, балки бошқа хори-

жий давлатларга ҳам етказиб берилади. Қарабсизки, Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва тутган ўрни янада ортади. Дунё ҳамжамияти Ўзбекистоннинг танлаган йўли тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

«Ҳа, заводнинг ишга тушиши буюк келажак сари қўйган дадил қадамларимизнинг бири бўлди!» – кўнглидан ўтказди Президент «Нексия» автомашинасига дастхат қўяркан. Бу лаҳзаларни ўнлаб фотомухбирлар кетма-кет суратга олиб, кўпроқ кадрга тушириб қолишга шошилди. Шодиёнага шерик бўлаётган Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси президенти Ўзбекистон давлати раҳбарини табриклашга ошиқди.

Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари ичида Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонган корпорация президентининг дил сўзлари жуда таъсирли чиқди. У, аввало, мамлакат Президенти ва халқига ўз миннатдорчилигини билдирди. Ўзбек миллатининг тиришқоқлиги, ғайрати ва меҳнатсеварлигига гувоҳ бўлгани, чиндан ҳам бу халқнинг эртанги куни порлоқ эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

– Дарҳақиқат, юртингизга нисбатан «жаннатмакон» сўзи бежиз ишлатилмас экан. Табиати гўзал ва бетакрор, одамлари эса танти ва меҳнаткаш. Биз ҳамкорлик қилишда Ўзбекистонни танлаб адашмаган эканмиз! Мен ўзбек халқига янгидан-янги зафарлар тилаб қоламан! – деб ўз сўзини якунлади меҳмон.

Гулдурос қарсақлар янгради. Заводнинг дастлабки машиналари автосалонларга йўл олди.

\* \* \*

Ўзбекистон Президенти Андижон шаҳрининг кўчаларини, йўл бўйидаги паст-баланд уйлар, кат-

та-кичик дўконлар, офисларнинг ҳолатини кўздан кечираркан, ҳали қилинадиган ишлар жуда кўплиги ҳақида ўйга толди. Шаҳарнинг янги қиёфасини кўз олдига келтирди. Эҳтимол, кенг ва равон кўчалар, кўкка бўй чўзган уйлар, меҳмонхоналар, ёшлар ижодий уйи ва бизнес марказларини бунёд этиш ҳақида режа тузгандир. Балки, бу режани бутун мамлакат миқёсида амалга ошириш тўғрисида фикр юритгандир. «Ҳадемай, бу йўлларда «Тико», «Дамас», «Нексия» автомашиналар юра бошласа, қандай яхши. Бироқ бу замонавий машиналарга шаҳарларнинг қиёфаси ҳам мос тушиши керак. Демак, олдинда катта бунёдкорлик ишлари турибди! Агар тинчлик ва осойишталикни таъминлаб берсак, халқ ўз юртини чинакамига гуллаб яшнатишга қодир. Унинг ақл-заковати беқиёс, куч-қудрати улуғ, буюк келажак учун ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга бел боғлаган. Ҳа, мен Ўзбекистоннинг энг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой эгаллашига ишонаман! Бу йўлдан мени ҳеч қандай куч қайтара олмайди».

## **Х. ТОРГА ТОР ДУНЁ**

Чилонзор ҳудудидаги чойхоналарнинг бирига олдинма-кейин бўлиб тўрт киши кириб келди. Қўлига семиз портфель кўтарганича ҳовуз бўйидаги бўш темир сўриларнинг бирига биринчи бўлиб келган тепакал киши – ўша тўрт улфатнинг бири, «профессор» лақабли Мирвосил Боқиев.

Қўлидаги нарсаларини дастурхон ўрнида ёзилган қалин клеёнка устига қўйгач, чуқур «уф» тортган киши – собиқ милиция майори Наримон Бердиев. Бир пайтлар у баланд бўйли, елкадор, кенг юзлари ялти-



раб турарди, айна пайтда лунж осилган, башара тунд-лашган, қад-қомат эса олдинга эгилган. Ўша юзлари ёғ босган вақтларда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари раҳбарлари орасида «Қопқон» деган ном орттирган Наримон Бердиевни бу ерга ташриф буюрган улфатлардан фақат бир кишигина «Олдиев» деб ҳазил қиларди, холос. Бошқа ҳеч кимнинг бундай дейишга журъати етмасди. Бу оғзи полвон одамнинг кимлигини шу заҳоти англадингиз: хаёлингиздан кўп йиллар каттагина гастрономни, сўнгги йилларда эса озиқ-овқат магазинини бошқарганидан «Завмаг» деган унвон-лақаб орттирган Мажиддин Қамбаров ўтди. Аслида, унинг тилини бир қарич қилиб, баралла сайрашига асоси бор эди. Оғайни бўла туриб, ҳамма қатори улуш ажратарди. Бўлмаса, «Қопқон»га тушиши ҳеч гап эмасди. Шунданми, алами ичида, айниқса, кейинги пайтларда «Сенинг фамилиянг Бердиев эмас, Олдиев бўлиши керак!» деб бемалол гапира бошлаганди.

Чарчоғини босиш учун қўлларини машқ қилдираётган тренерга нигоҳингиз тушгандир? Улфатлари орасида «Қўлқоп» десангизгина уни танишади, бўлмаса, «Қайси Алишерни айтяпсиз?» деб мужмал жавоб қайтаришлари турган гап.

Эрта кунда чойхонага келиб олган бу кишилар, ўша сиз билган кўланкаси йўқ одамлар эди.

– Сал узоқлигини айтмаса, яхши жой! – дея ўзини кўрпачага ташлади Қопқон. – Беданаларнинг сайрашини қара! Олдин келганмисизлар ўзи?

– Таърифини эшитганман-у, аммо ҳеч келмаган эканман, – жавоб қилди Профессор атрофга завқланиб тикиларкан. У аллақачон портфелини очиб, турли ичимликларни дастурхон устига қўйиб улгурган эди.

– Сен бу ҳовуз бўйида бир дам олгин, кейин ҳар гал шу ерга келадиган бўлиб қоласан, – деди Қўлқоп нописандлик билан. – Тинчлигини қара.

– Ҳовузда балиқ бор, шекилли, а?

Профессорнинг ёш боладай ҳайратига биқинига иккита ёстикни қўйган Қопқон мийиғида кулиб қўйди.

– Ҳўш, ҳамма нарса олинбди. Демак, овқат қилишни бошласак ҳам бўлади. Қани, ошпаз, гуруч солишга тайёр қилиб қўяверамизми? – деди Завмаг ошнинг масаллиқларини ажратиб, ҳамма нарса олинганига амин бўлгач, кафтларини бир-бирига ишқаркан, Профессорга юзланиб.

– Илтимоc, шу шаштингдан қайт! – ёнбошлаган жойидан туриб кетди Қопқон. – Бу сафар шавла эмас, ош ейишга келдик. Профессор, бор, чойхоначига айт, ўзи дамласин!

– Қўявер, ўзим айтаман, – деди Қўлқоп юз-кўзларида бир зумда завқланишдан асар ҳам қолмаган, сувга тикилганича туриб қолган Профессорга нигоҳ ташлаб.

Ўзини бу ердагилардан анча ақлли санаган Профессорнинг ростдан ҳам энсаси қотган эди. Қопқон уни ким деб ўйлапти ўзи? Қўли калталигига ёки уч-тўрт марта хизматларини ғизиллаб юриб қилганига югурдакка чиқариб қўйдими? Бир замонлар пичоғи мой устида бўлган бўлса бордир. Аммо ҳозир ҳамма қатори тўртта улфатнинг бири, холос. Нимасига кекқаяди бу қари пасод!

Профессор хаёлини йиғиб, елкаси оша Қопқонга қаради. Одамлар билан гаплашавериб, кимнинг қанча беришини калласида сақлайвериб, психолог бўлиб кетган «Олдиев» домланинг журъат қилиб кўзига тик қарашига, бунинг устига, писанд қилмагандай жойидан қимирламаганига ҳайрону лол қолди. Ўрнидан шартта туриб кетига бир тепиб, ҳовузга тушириб юбормоқчи ҳам бўлди. «Эҳ! – деди хаёлан. – У замонлар ўтиб кетди-да. Ўшанда шу қилиғингни қилганингда борми, тепиб ўтиришимга ҳожат ҳам қолмасди, шундай қараганимдаёқ ўзингни сувга отардинг, галварс!»

Палов буюртма қилинди, апил-тапил салат тайёрланиб, ол-ол бошланганида гиналар сал унутилгандай бўлди.

– Янги машиналарни кўрдиларингми? – дея гап бошлади Завмаг иккинчи пиёлани бўшатгандан кейин. – Қойил қолмасдан илож йўқ!

– Нексияни қара, чиройлилигини! Учаман, дейди-я!

– Худди сотиб олгандай гапирасан-а, Профессор, – Қопқоннинг гапи қўпол ва дағал чиқди. – Ҳали бу машиналар бир қишни кўрсин, ана ундан кейин баҳо берасан.

– Миниб кўрганим учун ҳам айтяпман, – деди Профессор.

– Бир марта чиққанингга шунчалик оғзингдан сўлагинг оқяптими? – деб кўлидаги ароқдан бўшаган пиёлани дастурхонга ташлади Қопқон.

– Тан беришни ҳам билиш керак-да, – деди танага жавобан Профессор. Бироқ бу галги жавоби аввалгисига қараганда анча дадил янгради.

– Нимага жаҳлинг чиқади? Ўзимизнинг «Жигули»-дан қати ортиқ?

– Отдан тушсанг ҳам эгардан тушмайсан-а, Олдиев. Бўлди энди, оқимга қарши туришни бас қилсанг-чи! – Профессорнинг ёнини олган бўлди Қўлқоп. – Нима бўлгандаям ўзимизники-ку. Тан беришинг ўлим билан баробарми дейман?

– Сан жим турсанг бўларди, – дея ялт этиб тренерга қаради Қопқон. У гезариб кетганди. Нигоҳлари найзадек санчилди. «Олдиев» деган сўз энди тренернинг оғзидан ҳам чиқа бошлаган эди-да. Қаддини ростлаб ўтираркан ғазаб билан гапини давом эттирди. – Олдин Элёр деган йигитни баҳона қилгандинг, энди-чи, энди нимани сабаб қилиб кўрсатасан? Нега уч йилдан бери чемпионатда қатнашмаяпсан?

Жўжаҳўрозларингдан бирортаси чорак финалгаям етиб боролмаяпти-ку?! Яна тренерман деб гердайи-шингга ўлайми сенинг!

– Тренерликни ҳам тортиб олишди, – деди Қўлқоп надомат билан.

– Сендан-а? Ким экан у зўравон?

– Ким бўларди, ўша аламзада Рустам!

– Қўйнингда илон сақлаган экансан-да.

– Кўрнамак!

Тренер шундай деб хонтахтага мушт туширди. Чўчиб тушган Профессор «ўзингни қўлга ол» дегандай унинг елкасига аста уриб қўйди.

– Битта тирранчага кучинг етмаса, биз билан нима қиласан улфатчилик қилиб – дея писанда қилди «Олдиев». Кейин бу гапидан ҳузур қилиб ичида «Биру бир» деди. Унинг айни пайтда айтган жавоби тренернинг «Олдиев» деган мазахидан анча кучли чиқди, назарида.

– Тўрттаси келиб биқинимга пичоқ тираганидан кейин нима қилишим керак эди? Тинчгина топширдим.

– Йўғ-э? – деди профессор кўзларини олайтириб.

– Ҳм, қўрқибсан-да, ким айтади сени собиқ боксёр деб? – дея баттар тиржайди «Олдиев».

– Етар шунча ишлаганим.

– Бошқа нимаям дердинг, – деди Қопқон бўш турган ёстиқни ёнбошига олиб. У энди ҳар бир гапидан янада кўпроқ хузурланар, кўз қарашларида «Бу кунингдан баттар бўл!» деган маъно шундоққина билиниб турарди.

– Бир пайтлар сени ҳам пенсияга ҳайдашганида биз кулмагандик, – алами ичида қолиб кетаётган Қўлқоп бошига ёғилаётган таъна тошларига муносиб жавоб қайтарган бўлди.

– Ўзим кетганман.

– Ўлжадан айрилган мушукдай шалвираб қолганинг эсингдан чиқибди-да, – деди Қўлқоп «Хўш, мана буни-сига нима дейсан?» дегандай кўзларини лўқ қилиб.

– Э-э, бўлди-да энди. Ўтган ишга салавот. От тепки-сини от кўтаради деб бир-биримизни ҳазил-мазах қилаверамизми? Ҳамма нарсаниям чегараси бўлади. Дам олгани келдикми, мириқиб ҳордиқ чиқариш керак. Қани, оламизми?

– Офарин, ўртоқ Профессор! Бу гапингга ростданам ичмасак бўлмайди, – Қопқон шундай деб пиёладаги ароқни шимирди. Кейин одати бўйича пиёлани ағдариб, бир томчи ҳам қолмаганини кўрсатиб қўйди.

Шу тобда собиқ милиция ходими шерикларига ён босмагани, аслида, у Профессорнинг ўзини бошқаларга тенг қилиб кўрсатганидан, тақир бошини, озгин гавдасини шунқор от даражасига кўтарганидан энсаси қотиб, «офарин»лаган – калака қилган эди. Кейин буни улфатлари тушунган-тушунмаганлигини билиш учун хиҳилаганича уларга бир-бир қараб чиқди.

– Сен, яхшиси, бу янги машиналардан нега кўнглинг тўлмаганини гапир! – деди Профессор ўртани ислоҳ қилганидан гердайиб. – Қани, айт-чи, кўшниларимиздан кимда бор? Бирортасида йўқ! Аммо бизда бор! Завмаг айтгандай, ҳеч бўлмаса, шунисига қойил қолиш керак-ку!

– Сен энди телевизорга чиқиб дикторлик қилсанг ҳам бўларкан, – дея мийиғида кулди Қопқон.

– Ёшим ўтиб қолди-да, бўлмаса жон деб борардим, – бўш келишни истамади Профессор.

– Агар анави кичкина «Тико»сидан миниб олсанг борми, жуда ярашса керак? – дея совуқ тиржайди Қопқон.

Унинг заҳарханда кулиши Профессорнинг жон-жонидан ўтиб кетди. Бироқ Завмагнинг «оғирроқ бўл» дегандай елкасига қўл ташлаши унинг шаштидан қай-

тарди. Қопқонга қарши қаттиқроқ бир нима дея олмаса-да, бу унга жуда қўл келгандай, салгина хезланиш билан чекланди.

Бироқ бу шунчаки қараш ҳам Қопқоннинг таъбини бузди.

– Ҳм, гапир!

– Э-э, садқаи улфат кет-э!

– Пулинг бўлса оласан-да, нимангга гердаясан!

– Шу ҳовузда чўмилсанг-чи, олдингда туриб бўлма-япти, – деди профессор муносиб жавоб топгандай.

– Ҳозир ўзингни сувга отиб юбораман!

Завмаг Профессорни ошхона томон судради. Шу билан гап-сўз бироз тинчигандай бўлди. Аммо паловхўрликдан кейин кек сақловчи Қопқон яна «хужум»га ўтди.

## **XI. МАХФИЙ УЧРАШУВ**

Наманган. Шаҳар четидаги қабристон.

Қайсидир қабр четига қўйилган ёғоч ўриндиқда худди ичида тиловат қилаётгандай бошини ҳам қилган қўйи бир киши ўтирибди. Узун плашининг ёқасини кўтариб олган, бошидаги чарм шапкасини бостириб кийгани учун уни таниш қийин эди. Ҳар замонда чор атрофга кўз қирини ташлаб қўйишидан у кимнингдир келишини сабрсизлик билан кутаётганга ўхшарди. Афтидан, бу ерга анча барвақт келган, шекилли, баҳорнинг эрталабки аёзида бироз совқотгани билиниб турарди. Қўлларини бир-бирига ишқаб сал бўлса-да, иситиб олаётган бу кимса Хидирниёз эди. Қизиқ, у бу ерда нима қилиб ўтирибди экан? Кимни кутаётган бўлиши мумкин?

Ниҳоят, қабристон йўлагида нотаниш киши кўринди. Қаддини тик тутиб бемалол қадам ташлаши, теваарак-атрофга назар солмай тўғри шу томонга кели-

ши унинг бу ерларни аввалдан яхши билишини англа-тар эди. Ҳа, сиз уни қаердадир кўргандай бўляпсиз-у, аммо эслай олмаяпсиз. Ана, ўрнидан туриб қўл қо-вуштирган Хидирниёзга деярли яқинлашиб қолди. Чўққи соқолидан, ингичка юзидан, бироз юмуқ кўзла-ридан энди танигандирсиз? Топдингиз, бу ўша Наман-гандаги воқеалардан сўнг талаб ва истакларини Олий Мажлисга баён қилиш ўрнига хорижга чиқиб кетишни афзал билган қочоқ Бозор Намангоний эди. Унинг қаб-ристонга ташриф буюрганидан ҳайрон бўляпсизми?

Яқинда унинг онаси бу ёруғ оламни тарк эди. Бу хабарни унга амаллаб етказган Маматқул ҳозир бу ерда йўқ. Сохта паспортига Туркия фуқароси Насим Қовунчи деб ёзилган, аммо ўзи асли келиб чиқиши наманганлик бўлган бу шахс, яъни Бозор Намангоний анойилардан эмас, у Маматқулнинг энди ҳеч қандай обрў-эътиборга эга эмаслигидан, аксинча, ортидан одам қўйилганидан яхши хабардор. Шунинг учун Ўз-бекистонга қачон боришини ҳеч кимга билдирмади ва, мана, у аэропортнинг назорат постидан бемалол ўтиб, онаси дафн қилинган қабристонда юрибди. Бу ерга келишидан олдин кўчадаги телефон будкаси-дан Хидирниёзга қўнғироқ қилиб, учрашув жойи ва вақтини маълум қилди, холос.

– Ассалому алайкум, ҳазрат, – деб салом берди Хидирниёз Бозор Намангонийга пешвоз юриб.

Бозор Намангоний бошини қимирлатиб алик олди, бироқ қучоқ очган Хидирниёзни қўли билан тўхтатиб, ўриндикқа ўтирди. Фотиҳа сурасини ўқиб тиловат қил-ди. Дуодан сўнг кафтларини қабрга босиб, сўнг юзига суртди. Шундан кейин ўрнидан туриб Хидирниёзга юзланди. Меҳмоннинг ҳаракатларидан ўзича таъсир-ланиб кетган Хидирниёз кўзларига ёш олди. Бозор На-мангоний уни бағрига босди.

– Аллоҳ ўтганларимизнинг охиратларини обод айлаласин.

– Омин, – деди Хидирниёз мунгли овозда.

– Марҳумларни зиёрат қилиш фарзанднинг бурчидир. Бу муқаддас вазифани бажариш вақт ва макон танламайди. Иложи йўқ-да, деб баҳона қилмоқ ожизларнинг иши. Аллоҳ, бизни ана шундай ожизлардан қилмаганинг учун ўзингга шукрона бўлсин. Бизнинг юрагимизни жасоратли қил, муқаддас дининг йўлида олиб бораётган эзгу ишларимизда ўзинг куч-қувват ато эт.

– Омин.

– Хўш, ана энди гапир. Нима ҳаракатдасизлар? – дея сўради Бозор Намангоний қабрни тарк этаркан – Нега ўртадаги одам алоқага чиқмаяпти?

– Ҳайронман. Лекин келганингизни эшитиб хурсанд бўлиб кетдим.

– «Султон Ҳавоий»нинг таклифлари инobatга олинмасин. У айтганидай, Ўзбекистондаги вазиятни тинч йўл билан, яъни турли намойишлар, норозилик митинглари уюштириб ҳал қилиб бўлмайди. Ҳоқимият қурол ишлатиб тортиб олинади. Ўша биринчи учрашувимиздаги гап ўз кучида. Президент йўқ қилиниши керак. Суиқасдни қачон ва қандай ўтказишни яна келишиб оламиз.

– Тушундим, ҳазрат.

– Шу ерда хайрлашамиз. Мени кузатиб чиқма.

– Бир кеча азиз меҳмоним бўлмайсизми?

– Тез орада дийдорлашамиз. Ана шунда сен менинг азиз меҳмоним бўласан.

– Бу кунларни интизорлик билан кутаман.

– Бир-икки ой ичида Тошкентда НАТОнинг Бош қотиби келиши режалаштирилибди. Унга ҳужум уюштириб, бу ердаги вазиятни кескинлаштириш керак. Эплай оласанми?



– Бош устига. Муқаддас динимиз йўлида шаҳид бўлиш биз учун олий мартаба.

– Бу мақомга етишиш ҳар биримизнинг орзуимиз. Аммо сен шошма. Ҳали қиладиган энг катта ишимиз бор. Ана шуни бажаришимиз ва бу юртнинг энг улуғлари бўлиб, даврон суришимиз лозим. Қазои қадримиз етганда эса Аллоҳ олдига ёруғ юз билан борамиз.

– Иншоаллоҳ.

– Бўлди, шу ерда қол. Мендан кейин чиқарсан. Ҳа, айтгандай, ортидан одам тушган биродарларни тозалаб тур! Уларга ишониб бўлмайди.

– Маъкул.

Хидирниёз анчагача Бозор Намангонийнинг ортидан қўл қовуштириб турди-да, аста ортига қайтди.

## **XII. ТАШРИФ**

1997 йилнинг ёзи.

Тошкент аэропорти.

Улкан самолётдан НАТО Бош котиби виқор билан тушиб келди. Юқори мартабали меҳмоннинг Ўзбекистонга илк бор қадам ранжида қилиши эди. Бу ташриф ёш мустақил мамлакатнинг дунёдаги энг кучли ҳарбий блок билан бошланаётган дўстона муносабатларининг дебочаси деб эътироф этилаётганди. Шунданми Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) га кирган мамлакатлар орасида Бош котибнинг биринчи бўлиб Ўзбекистонга келиши жаҳон ҳамжамиятини қизиқтираётган бўлса, баъзи давлатларнинг отдан тушса ҳам эгардан тушмаган раҳбарларининг ғашини келтираётган эди. Улар учун қизиқ-да: бир ойча аввал АҚШ давлат котиби келиб кетганди. Кейин ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар НАТО-

нинг Брюсселдаги штаб-квартираси ва Монс шаҳридаги Бош қўмондонлик штабида бўлиб қайтишди. Энди эса орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, Бош котибнинг ўзи Ўзбекистонга келиб турибди.

Миллий хавфсизлик хизмати ходимларига, ҳақиқатан ҳам, жиддий вазифа юклатилгани шундан эди. Ҳали тасдиғини топмаган хабарларга кўра, НАТО Бош котиби раҳбарлик қилаётган делегацияга ҳужум уюштирилиши мумкин. Агар бу тахмин ўз исботини топадиган бўлса, Ўзбекистоннинг ушбу альянс билан «Тинчлик йўлида шериклик» дастури доирасидаги ҳамкорлигига путур етади ва бундан қандайдир кучлар манфаатдор, албатта. Балки бундан кўзланган мақсад Ўзбекистоннинг АҚШ билан тобора дўстона тус олаётган муносабатларига тўсқинлик қилиш, шу орқали адоват кўзғашдир. Демакки, Америка Федерал Қидирув бюроси (ФҚБ) шундай маълумотни етказган экан, нимадир бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирган, албатта.

Элёр эрталабки йиғинни эслади.

– Бу сигнал қанчалар асосли ёки асоссиз эканлигидан қатъи назар, делегация аъзоларининг хавфсизлигини таъминлашимиз керак! – тушунтирди полковник Бўронов майор Жалил Очилов бошчилигидаги гуруҳга. – Сергаклик ва яна сергаклик! Агар бу ишда бирор ЧПга йўл қўйсақ, аввалги кўрсатган жасоратимизни баъзи давлатлар тасодиф деб ўйлашади. Шундоқ ҳам жосус Жигархун ва шерикларининг айнан Тошкентда қўлга олинганига, бу фақат ўзбекистонлик тинчлик посбонларининг саъй-ҳаракати бўлмаса керак, деб ҳамон кучкуватимиз ва мардлигимизга ишонқирамасдан турли миш-миш тарқатаётганлар бор.

– Улар тарихимиздан беҳабар бўлишса керак, – деди Жалил Очилов сал ғижиниб. Унинг қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилган эди.

– Кучли давлатлар билан турли соҳаларда олиб бораётган алоқаларимиз кимларгадир ёқмаслиги табиий, – дея қиёфаси тундлашган ходимига нигоҳ ташлаб қўйди полковник. – Собиқ иттифоқни тиклаш умидида юрганлар ёш мустақил давлатларда турли хуружлар уюштириб, ана, ўз йўлини тополмай, парокандаликка йўл қўйяпти, мамлакатни бошқара олмай инқирозга юз тутяпти, деб аюҳаннос солмоқда. Ўтган олти йиллик муддатни улар ҳамон назарга илишмаяпти. Энди орқага йўл йўқ эканлигини тушунишни ишашмаяпти. Демак, пайт пойлашяпти, имкон қидиришяпти. Шунинг учун ҳушёрликни йўқотмаслигимиз шарт! Бир ҳафта олдин айтган гапимни яна такрорлайман: вазифангиз меҳмонларнинг ёнида юриш эмас, атрофини кузатиш, борадиган объектларни ниҳоятда синчковлик билан текшириш. Тушунарлими?

Қўйилган вазифа тушунарли эди, албатта. Аммо хабарни кимдан ёки қаердан олингани нега айтилмаган? Америка ФҚБни ким огоҳлантирган? Уларнинг ўзлари билишдими ёки бу ердан туриб у ёққа маълумот берилдими? «Бош котибининг ҳаёти учун бош қотиришаётган экан, нима учун мавҳум гап қилишади? Ёки уларнинг асосий иш принципи содир этилиши мумкин бўлган хавфдан огоҳ этиш, холосми? Лекин бу сигнал шунчаки огоҳлантириш эмас-ов. Бу ерда қандайдир катта ноҳушлик яширинганга ўхшайди. Кечаси миямга келган тахминни Жалил акага айтмасам бўлмайди».

Бу каби саволлар Элёрнинг хаёлидан бир-бир ўтаётган пайтда микрофонда котиба аёлнинг овози эшитилди:

- Сизни Вазирлар Маҳкамасидан сўрашяпти.
- Бош вазирми?
- Ҳа.
- Ҳозир.

Полковник гўшакнинг бир учини кафти билан беркитиб, йиғилганларга кетиш учун рухсат берди. Майор Очиловга эса қабулхонада кутиб туришни тайинлади.

Хонадан чиққан Элёр пайтдан фойдаланиб, кечадан буён хаёлини банд этган режасини бошлиғига айтди.

– Қўйсанг-чи бунақа гапни! – дея Жалил Очилов дарҳол эътироз билдирди. – НАТО вакилларига-я? Ким журъат этади?

– Делегацияга хужум уюштирилиши ҳақидаги хабар рост ёки ёлғонлигидан қатъи назар, биз ҳеч нима ютқазмаймиз, – деб фикрини тушунтиришга ҳаракат қилди Элёр.

– Бу оворагарчиликка ким рухсат беради?

– Полковник Бўронов.

– Маълумотларга шубҳа билан қарашинг яхши, лекин вазият бутунлай назоратимизда бўлади, – дея таажжуб билан ходимига боқди бошлиқ. – Биздан ташқари, Ички ишлар вазирлигининг махсус гуруҳи ишлайди. Хужум тўғрисидаги маълумот уларга етказилгани учун бу ташрифга жиддий қарашяпти. Агар сен айтган режа бўйича ҳаракат қилганимиз меҳмонимизнинг қулоғига етиб борса, биз ҳақимизда нима деб ўйлайди? Мамлакатда сиёсий барқарорлик йўқ экан деган хулосага келмайдими? Котибни қандай обрўга эга шахс эканлигини тасаввур қиялсанми ўзи?

– Бу масаланинг иккинчи томони, ўртоқ майор, – деди Элёр бўш келмай. – Агар хабар сохта бўлмай, қотиллик рўй берса, нима бўлади?

– Тўғрисини айт, фолбинликдан ҳам хабаринг борми?

– Йўқ!

– Унда гумондан фожиа ясама.

– Билмадим, кўнглим негадир ғаш.

– Нимадан шубҳадасан?

– Маълумот ишончли одамдан олинганми?

– Балки. Аммо мен унчалик ишонмайман. Шундай мудҳиш режа тузган қабих кимсалар телефонда гаплашадими? Америка махфий хизмати телефондаги гаплардан шундай хулоса чиқариб, ҳар эҳтимолга қарши деб, Ички ишлар вазирлигини огоҳлантирган, холос. Мана, кўрасан, ҳеч қанақа хавф бўлмайди. Бўлиши ҳам мумкин эмас.

– Менимча, масала жиддий, ўртоқ майор. Жиноятчилар қамоқда ҳам жим ётмаётганга ўхшайди. Полковник билан маслаҳатлашиб кўринг. Биз қилмоқчи бўлган ишни меҳмонлар умуман билишмайди, ишонаверинг, буни сездирмасдан амалга оширамиз, – яна бир фикрини ўтказишга уриниб кўрди Элёр.

– Қаерда? – деди қайсар ходимига юзланган бошлиқ.

– Балки Мудофаа вазирлигидан чиқишдадир.

– Нега?

– Протокол бўйича Мудофаа вазирлигидаги учрашув ташрифнинг охиригиси. Демак, ҳеч қанақа ҳужум бўлмади-ку, хабар сохта экан-да, деб айни мана шу йўналишда бироз хотиржамликка берилишимиз мумкин.

– Ростданам жуда эҳтиёткор бўлиб қолибсан. Ортиқча хавотирга берилмай, гуруҳга етиб ол.

Элёр кетди. Қолган гапдан хабари йўқ. Лекин ўқувчини бундан огоҳ қилиб қўймасак бўлмас.

Жалил Очилов ходими кетгач, бирдан қаттиқ ўйга толди. Хабарни айнан қайси қамоқхонадан тарқатилганини билишолмади. Фақат назоратни кучайтиришди, холос. Аммо Элёрнинг шубҳаси ҳаммасидан ўтиб тушди. Майорнинг жиддий хаёлга толганининг боиси шундан эди. Нима қилса экан: полковникка айтсинми ёки айтмасинми? Бироқ бундай пайтда узоқ мулоҳазага берилиб ҳам бўлмайди. Дарҳол тарозига солди: айт-

гани полковникка ёқмаса, нари борса жиддий танбеҳ эшитади; мабодо айтмаса-ю, бирор кор-ҳол рўй бериб қолса, Элёр оппоқ, у эса қора бўлиб қолади...

– Сен ўзинг нима деб ўйлайсан? – деди полковник Бўронов бу кутилмаган режадан бироз сергак тортиб.

– Жуда ҳайрон бўлиб қолдим, ўртоқ полковник. Аммо Элёрнинг таклифини эътиборга олсак, кўнгил тинч бўлармиди. У ниманидир сезгандай...

– Иккиланмай аниқ гапир!

– Маъқуллайман.

– Бўпти, ўйлаб кўраман. Қани, тезда аэропортга бор! Жалил Очилов билан полковник Бўронов ўртасида ана шу суҳбат бўлиб ўтди.

Самолёт келишидан аввал ҳамма ўз жойини эгаллади. Полковник ҳали бир қарорга келмагани сабабли Жалил Очилов бу ҳақда Элёрга индамай қўя қолди.

\* \* \*

Бош котиб ўтирган махсус машина кўриқчилар ҳамроҳлигида Оқсаройга йўл олди. Бош котиб шаҳарни томоша қиларкан, бу юртни бежизга Шарқнинг юлдузи деб аташмас экан, деган ўйга борди. Жаҳон цивилизациясига тамал тошини қўйган энг буюк алломалар шу юртдан етишиб чиққанлиги эса бу жанобни аллақачон ҳайратда қолдирган ва у собиқ Иттифоқнинг темир чангалида туриб ҳам шунча республикаларнинг ичида биринчи бўлиб президентликни жорий этиши ва салдан кейин ҳеч иккиланмай ўз мустақиллигини эълон қилишидан бу юрт ўғлонлари томирида ўтмиш аждодларининг қони оқаётганига амин бўлган эди.

Марказий Осиёда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудудда жойлашгани, қадим ва яқин ўтмиши ҳам бой тарихга эгаллиги, халқининг меҳнатсеварлиги, энг муҳими, тинчлик ва тараққиёт йўлини танлагани,

ўтган қисқа даврда ўзига хос ва мос ривожланиш йўлини қатъий белгилаб олгани, мақсади қуролланиш эмас, адолат асосида фаровон эркин жамият қуриш эканлиги дунёдаги қудратли давлатларнинг диққатини тортгани каби катта куч ва салоҳиятга эга бўлган НАТОнинг ҳам эътиборини жалб қилганди.

Мамлакат Президенти бошиданоқ тинчлик ва тараққиёт йўлида ҳар қандай давлат, халқаро ташкилот ва ушумалар билан тенг манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини очиқ-ойдин баён қилганди. Бундай бағрикенглик дунёдаги нафақат энг тараққий этган мамлакатларни, балки энг йирик сиёсий блокларни ҳам бефарқ қолдирмаган ва улар эндиликда ўз таклифлари билан буюк келажак қуришга бел боғлаган Ўзбекистонни ҳеч иккиланмай ҳамкорликка чорлаётган эди. Бугунги ташриф ана шундай дўстона шерикчиликнинг бири сифатида эътироф этилиб, дунё ҳамжамиятининг диққат-эътиборига тушган, бунга асло шак-шубҳа йўқ эди.

Бу кўҳна дунёда тинчликсевар кучлар сингари, ёвуз ниятли гуруҳлар борлиги ҳеч кимга сир эмас. Балки НАТО вакиллариغا қилинадиган ҳужум шунчаки йўлига амалга ошириладиган уриниш бўлиши мумкин. Бундан кўзланган мақсад эса тамомила бошқа.

Кузатув остида меҳмонлар Оқсаройга қадам кўйишди. Ўзбекистон Президенти Бош котиб жанобларига пешвоз чиқди.

– Ўзбекистонга хуш келибсиз, жаноб Бош котиб! – самимият билан қўл узатди Ўзбекистон Президенти.

– Раҳмат, жаноб Президент.

– Аввало, сизни яхши ният билан юртимизга ташриф буюрганингиз билан қутлайман. Ўйлайманки, «Тинчлик йўлида шериклик» дастури доирасидаги амалий учрашувимиз ҳар икки томонлама манфаатли бўлади.

– Ўз ўрнида, мен ҳам мамлакатингиз салоҳиятини йилдан йилга ошириш борасида олиб бораётган беқиёс саъй-ҳаракатингизни эътироф этган ҳолда самимий қабул учун миннатдорчилик билдираман.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти юқори мартабали меҳмонни ичкарига таклиф этди.

\* \* \*

Оқсаройдаги учрашувдан сўнг Бош котиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биносига ташриф буюрди. Бу кошона эрталаб, меҳмон келишидан олдин яна бир марта назоратдан ўтказилди. Бино қаршисидаги тураржойларнинг томи, кириш йўлаклари, ижарага берилган хонадонлар, уларда кимлар яшаётгани ички ишлар органлари ходимлари томонидан текшириб чиқилди.

Шаҳдам қадам ташлаб бинога кириб келган меҳмон аввало, унинг ичини кўздан кечирди, шу ернинг ўзида мажлис ўтказилиши тартиби билан танишди. Шундан сўнг кичик мажлислар залида парламент раиси билан суҳбат бўлиб ўтди.

Бош котибнинг кейинги режаси мамлакат Ташқи ишлар вазири билан учрашиш, ана ундан сўнг Мудофаа вазирлигида бўлиш эди. Сафар тинч ўтаётгани учун барча хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ходимларининг кайфияти ёмон эмасди. Лекин улар хушёрликни асло бўшаштирмаган. Шу икки учрашув ҳам кўнгилдагидай ўтса, бемалол енгил нафас олиш мумкин. Демак, тарқатилган хабар сохта, шунчаки мишмиш эканлиги исботланади. Ишқилиб, шундай бўлсин.

Мудофаа вазирлигидаги қизгин суҳбат анча чўзилди. Ўзбекистон ҳарбий кучларининг салоҳияти, аскарларнинг жанговар тайёргарлиги, уларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишган Бош котиб бу ерда ўз юрти учун жонини фидо қилишга тайёр



аскар ва офицерлар хизмат қилаётганига амин бўлди. Тўғри, ҳарбий техника, қурол-яроғ собиқ Иттифоқдан қолган, уларнинг яроқлилик муддати ўтган бўлиши ҳам мумкин. Аммо Бош котиб бошқа бир нарсага иқрор бўлди: посбонларнинг хатти-ҳаракати уларнинг ўз ватанига фидойи эканликларини англатиб турарди. Буни эса кўра-била туриб ҳис қилмаслик, эътироф этмаслик мумкинми? Бош котиб бу диёрга келишидан аввал унинг тарихи, айниқса, Амир Темур даври билан қизиққан, архив ва музейларда сақланаётган маълумотлар билан имкон қадар танишганди. Соҳибқироннинг барча сарҳадларида тинчлик ва адолат бўлиши учун интизомни маҳкам тутгани, айниқса, ўғрилиқ ва талончиликка қаттиқ тургани, тасарруфидаги ернинг у бошидан бу бошига бир лаган тилла билан кетаётган фуқаронинг бемалол бориб-келишини таъминлашга эришгани Бош котибни ҳайратга солган ва баъзи манбаларда ёзилганидек, қонхўр, каллакесар шахс бўлмаганига ишонч ҳосил қилган эди. Ана шу илиқ ҳиссиёт унинг Ўрта Осиёдаги марказий давлатни бориб кўришга, тинчликсевар ўзбек халқи билан яқинроқ танишишга ва ҳамкорлик қилишга астойдил ундаган эди.

Ҳарбий полигондаги ўқув кўргазмали машқ давомида Бош котиб тасавуридаги фикрлар ўз тасдиғини топди. Бу ерда ҳақиқатан ватанини севувчи, унинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачиғидай сақлашга тайёр, дўст тутинмоқчи бўлганларга қалби очиқ, меҳмондўст, самимий, аммо қора ниятли, ёвуз кимсаларга қаҳри қаттиқ, аяб ўтирмайдиган, ор-номусини бемалол ҳимоя қила оладиган ҳамиятли халқ яшашини, бу одамлар аждодлари қолдириб кетган буюк меросини мана энди росмана ўқиб-ўрганиб, барча эзгу анъаналарга содиқ ҳолда яшашни ўз ҳаёт тарзига айлантирганларининг гувоҳи бўлган эди. Айниқса, қатъиятли, халқ манфаатини ва

мамлакат тараққийетини ҳар нарсадан устун кўювчи, кўшни давлатларга ўз сўзини ўтказа оладиган раҳбарнинг барча соҳаларда олиб бораётган стратегик тактикаси Бош котиб хаёлларининг бир чеккасида турган баъзи салбий фикрларни бутунлай ижобий томонга ўзгартириб юборган эди. «Ҳа, – деди у ҳарбий полигондан қайтишда, – бу халқни енгиб бўлмайди. Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темурнинг ворисларини нафақат Чингизхон, балки ундан-да қудратлироқ шоҳ бўлганида ҳам, бутунлай енгиб ололмаган бўларди».

Вазирликдаги қисқа суҳбатдан сўнг, ниҳоят, ён томондан ҳовлига кириладиган махсус дарвоза очилиб, ДАН автомашинаси кўринди ва йўлдаги ҳолатни текшириш учун шитоб билан олдинга интилди. Орадан уч дақиқалар ўтиб-ўтмай йўл бошловчи икки мотоцикл чиқиб келди. Махсус хизмат вакиллари кўча бошида мотоциклни секинроқ бошқариб туришди, ичкаридан бирин-кетин учта қора машина – олдинда «Жип», орқанда иккита бир хил «Мерседес» чиқиб келиши билан дарҳол йўлга тушишди. Энг охирида яна иккита мотоцикл кўринди. Маршрут белгиланган йўналиш бўйича эди. Демак, хайрлашув вақти келди.

Кўчанинг нариги томонида аста оқсоқланиб бораётган киши оғзидаги носни бир чеккага тупуриш баҳонасида атрофга ўғринча нигоҳ ташлади. Ҳеч ким таъқиб этмаётганига ишонч ҳосил қилди чоғи, уринган курт-касининг ёқасини тўғрилаган бўлиб бир нималар деб пичирлади. Бу беозор кўринган кимса нима деб пичирлади экан деб ўйлаб ўтирмаслигингиз учун айтиб қўя қолай. У: «Бургут инидан чиқди. Йўналиш В+А. Конвой: икки-икки, уч-тўрт, икки-икки».

Шапкасини бостириб кийиб олган узун бўйли, озғиндан келган нотаниш киши қадамини тезлаштирди. Бу орада вазирликдан чиқиб беш километрлар

юриб қўйган машиналар даҳшатли портлашдан ларзага келди: олдиндаги қайсидир бинонинг бешинчи қаватидаги балкондан – юпқа тўр парда ортидан отилган снаряд колонна ўртасидаги махсус машинани бир-бир ярим метрлар юқорига кўтариб ташлади. Ерга зарб билан тушди, анча жойгача судралиб бориб йўл четидаги каттагина дарахтга урилди, ёқилғи баки ёрилиши оқибатида иккинчи марта портлаш рўй берди ва бир зумда ундан мажақланган қоп-қора темир уюми қолди. Ортда тез келаётган машина қаттиқ тормозда ўнг томонга кескин бурилди. Ҳам тормоз, ҳам бирдан бурилиш машинани издан чиқарди: икки марта ағдарилган «Мерседес» йўл четидаги бетонга урилгандан сўнггина тўхтади. Мотоциклдагилар портлаш натижасида ҳавога кўтарилиб, устларига қулаши мумкин бўлган машинадан ўзларини аранг олиб қочишди.

Ҳеч ким ҳеч нарсага улгурмади. Улар ҳанг-манг бўлиб, то ўзларига келгунча машина ҳам, унинг ичидагилар ҳам ёниб адойи тамом бўлди. Хайриятки, ағдарилган машинада ёнғин чиқмади. Мотоциклдагилар машина ичидагиларга ёрдамга шошилди. Олдиндаги «Жип»дан тушиб келган ниқобли кишилар қўлидаги қурол билан атрофга аланглади.

Кимдир полковник Бўроновни эслади.

Мудҳиш хабар полковникни ҳам ларзага солди. У беихтиёр «Одилов!» деб бақириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

\* \* \*

Бош котиб ўтирган самолёт осмонга кўтарилган паллада махсус гуруҳ тахмин қилинган хонадоннинг эшигини бузиб ичкарига киришган ва меҳмонхонадан балконга ўтиш жойида – остонада пешонасидан ўқ еб ўлиб ётган йигитнинг жасади устидан чиқишган эди.

Мурданинг ёнида шахсини аниқловчи ҳеч қандай ҳужжат топилмади. Криминалист дарҳол ишга киришди: балконда ташлаб кетилган танкка қарши ишлатиладиган гранатомёт ва ўликнинг қўлидаги тўппончадан бармоқ изларининг намунасини олди. Кейин чалқанча чўзилиб ётган жасаднинг бармоқларига махсус қора бўёқ суртиб, ишини давом эттирди. Суратчи эса балконни, мурданинг ҳолатини, хона ичини, қўйингки, шу атрофни қўлидаги фотоаппаратга муҳрлади.

– Жиноятчи ўзини ўзи ўлдирмаган.

– Демак, хонада икки киши бўлган, – деди шошилинч суратда бу ерга етиб келган Жалил Очилов аҳвол билан танишганидан сўнг криминалистга юзланиб.

– Ҳа, тўппончадан ҳеч қандай бармоқ излари топилмади. Унинг шериги ишни бажаргач, қуролни ўликнинг қўлига тутқазмоқчи бўлган, аммо жони чиқиб улгурган йигитнинг бармоқлари ҳаракатга келмаган. Типирчилаб турган қотил тўппончанинг у ёқ-бу ёғини артган-да, мурданинг қўли олдига ташлаб жуфтакни ростлаган.

– Наҳот, ҳеч қандай из қолдирмаган бўлса?

– Профессинал қотил ҳаракат қилган, – дея жавоб қайтарди криминалист текширишни давом эттираркан.

– Капитан, сиз гуруҳ раҳбаримисиз? – Жалил Очилов милиция формасидаги ходимга мурожаат қилди.

– Худди шундай. Капитан Музаффаров, туман жиноят қидирув бўлиmidан.

– Участка нозири ҳам шу ердами?

– Йўлақда, – жавоб қилди капитан.

– Капитан, нозирни олиб дарҳол қўни-қўшнилари, шу атрофда турадиганлардан яхшилаб сўраб-суриштиринглар, бу хонадонга кимлар кириб-чиққанини аниқлашимиз керак. Уй эгасини топинг, кимларни

ижарага қўйган? Қачондан бери? Қўлида ижарага қўйган шахсларнинг паспорт нусхалари борми? Қисқаси, ҳамма нарсани миридан сиригача билишингиз шарт! Керак бўлса, бу ишга домкомни, маҳалла раисини жалб қилинг! Тушунарлими? Унда вақтни ўтказмай, ишга киришинг!

Жалил Очилов топшириқ бергач, хона бўйлаб айлана бошлади. «Одилов, Одилов! Нима, сен шундай бўлишини сезганмидинг-а? Агар таклифингни бефарқ қолдирганимда нима бўларди? Бўронов махсус операцияга рухсат бермаганда-чи? Айт, кимсан, ўзи? Бу нарса қаёқдан каллангга келиб қолди? Сен нафақат меҳмонларни, балки бизларни ҳам қутқариб қолдинг. Сени ишга олиб янглишмаганимга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим».

Бу орада меҳмонларни бошқа йўлдан аэропортга кузатиб, то самолётлари учиб кетмагунча жойидан қимирлай олмаган полковник Бўронов машиналарга базага қайтишга рухсат бериб, ўзи махсус гуруҳ аъзолари билан жиноят содир этилган жойга – очиқ турган эшиқдан тез-тез юриб кириб келди. Честь бериб дарҳол ҳисоботга чоғланган Жалил Очиловга «шошма» дегандай ишора қилди, тўғри жасаднинг тепасига келиб тўхтади: полковник шу тобда жиноятчининг жони чиқмаган бўлганида тепиб юборадиган вазоҳатда эди. Кейин балконга ўтди, аламини шундоқ ташлаб кетилган гранатомётдан олди: тарақлаб кетган қурол нарига бориб тушди.

– Баракалла, – деди ичкарига қайтган полковник Жалил Очиловнинг елкасидан қучиб, силкиб қўяркан.

– Мени эмас, Одиловни алқанг, ўртоқ полковник.

– Қани ўзи?

– Сиз билан бирга эди-ку.

– У негадир вазирлик олдида тушиб қолганди.

- Унда келади.
- Воқеани эшитдимиз?
- Айтдим.
- Хўш, бу ерда ишлар қалай кетяпти? Ҳар бир деталга алоҳида эътибор қилишяптими?

Жалил Очилов вазиятни тушунтиргач, капитанга қандай топшириқ берганини айтди.

- Яхши. Қолган ишларни эплашади. Қани кетдик, ҳалок бўлган ҳайдовчиларнинг таъзиясига тайёргарлик кўришимиз керак. Вақт ғанимат.

- Президент хабар топдимиз, ўртоқ полковник?

- Бош котиб учиб кетганидан сўнг тушунтирдим.

Улар биргалашиб хонадан чиқдилар.

- Ростданам бу таклиф Одиловдан чиққанмиди? – бироз иккиланиброқ сўради полковник машинанинг олди ўриндиғига жойлашган майордан.

- Ҳа. У сизга айтишимизни сўрагани.

- Иккита ходимдан ажралдик, аммо жуда катта ноҳус сиёсий воқеаларнинг олди олинди. Қандай ғалвандан қутулиб қолганимизни тасаввур қиляпсанми, Жалил?!

- Ўйласам, юрагим орқага тортиб кетяпти.

- Одиловнинг ишга кирганига қанча бўлди?

- Уч йилдан ошди, ўртоқ полковник.

- Унвони катта лейтенантми?

- Худди шундай. Олганига икки йилча бўлиб қолди.

- Сени эса майор бўлганингга уч йилдан ошди.

- Адашмадингиз, ўртоқ полковник.

- Кўрдингми, эсимда бор. Демак, Элёрга капитан, сenga эса подполковник унвони бериш фурсати келибди.

- Миннатдорман, ўртоқ полковник.

- Элёрни қўлдан чиқарма. Бу гаплардан кейин Ички ишлар вазирлиги яна жиддийроқ ҳаракат қилиши мумкин. Интерполнинг бу ердаги вакили вазифасини

беришни кўзлашаётганмиш. Президентга шу таклиф билан чиқишса, қаршилиқ қила олмайман.

– Ростданми?

– Шунақа.

– Элёр ўзимизга керак, ўртоқ полковник, – ортига ўгирилди Жалил Очилов. – Уни ўрнимга тайёрлаяпман.

– Сен қаёққа кетяпсан?

– Ахир пенсияга оз қолди.

– Қанақа пенсия? Энди ишлайдиган вақтинг келди. Ҳм, пенсиямиш! Полковник унвонини ким олади? Ҳа, яхши, кечқурун олдимга келинглар.

– Хўп бўлади.

Машина тўхтади.

– Қаерга келдик?

– Ишхонага, – деди ҳайдовчи.

– Моргда ишимиз борийди-ку?

– Жасад бутунлай куйиб кетган, ўртоқ полковник, – жавоб қилди Жалил Очилов ғамгин овозда. – Йигитларни таниб бўлмайди.

– Дилшоднинг ота-онасига хабар қил.

– Хўп.

– Ҳалок бўлганларнинг иккинчиси Қурбоновмиди?

– Ҳа, лейтенант Мирзоҳид Қурбонов.

– Унинг оиласига ҳам...

– Ўзим бир амаллаб тушунтирарман, ўртоқ полковник, – деди Жалил Очилов бошлиқнинг бирдан ғамгин тортиб, ўйланиб қолганини кўриб.

– Ҳа, яхши.

Полковник Бўронов шундай деб машинадан тушаркан, ҳайдовчига майорни айтган жойига ташлаб келишни буюрди. Жалил Очилов ғамга ботди: энди унга портлашда ҳалок бўлган лейтенант Мирзоҳид Қурбонов ва сержант Дилшод Мирзаевларнинг уйига хабар бериш ташвиши тушган эди.

### ХIII. ДОҒДА ҚОЛГАН ДУШМАНЛАР

Кенгаш аъзолари деярли йиғилиб бўлган, ҳамма биргина Садирни кутарди. Ўтирганларнинг юзида тушкун кайфият, биров-бировга сўз айтишга ожиз. Айниқса, Хидирниёз Наҳимовнинг боши ҳам. Ерга қадалган нигоҳлари кўрқинчли, титраётган бармоқларини яшириш учун мушт қилиб туккан, бироқ асаблари шу даражада таранг тортилган эдики, муштни қанчалар сиққани сайин у бир жойда тошдек қотишнинг ўрнига тиззалари устига тинимсиз уриларди. Бу ғайритабiiй ҳаракат атрофдагиларга ғалати кўринар эди.

Ниҳоят, эшик олдида бўйни эгилган Садир пайдо бўлди. У уй тўрида ўтирган бошлиққа кўзи тушиши билан тили танглайига ёпишди: салом беришни ҳам унутиб, остонада қаққайганича туриб қолди.

– Эшикни ёп, найнов!

Садир айби нима эканлигини тўлиқ англолмаган бўлса-да, ичидан зил кетди. Хонадагиларнинг хавотирли ва айни пайтда қотган нигоҳлари ҳам унинг баттар довдирашига сабаб бўлди. Ортига қарамай бир амаллаб эшикнинг тутқичини топди.

– Кўзинг қаёқда эди сен туянинг? – ўшқирди Хидирниёз Наҳимов бирдан тиззалаб ўтираркан.

– Машиналар чиқиши билан хабар бердим-ку, – ниҳоят, гапиришга ўзида куч топди Садир. Кейин тер босган пешонасини артаркан, негадир Чори мерганга кўз қири билан қараб қўйди.

– Аэропортга чиққан машиналарни кўрганмидинг?

– Кўргандим.

– Номерларини-чи, номерига ҳам аҳамият қилганмидинг? Гапир!

– Ҳ-ҳа, – бироз тутилиб жавоб қилди Садир.



– Унда Мудофаа вазирлигидан чиқиб, аэропортга йўл олган машиналарнинг номерини-чи?

– Уларга аҳамият бермабман, – Садир бошлиқнинг гўлайган нигоҳларига дош беролмай яна Чори мерганга қаради.

– Нега? Нега аҳамият бермайсан, найнов?!

– Учта машина кирди ва шунча қайтиб чиқди. Чиқиши билан Чорига хабар қилдим.

– Эй, каллаварам, агар сал фаросатинг бўлганида, чиққан машиналарнинг номерига қараб, дарҳол нима гаплигини билиб олардинг! Анави елкангдаги нима ўзи? Бошми ёки қовоқми? Ахир ҳар бир нарсага эътибор бергин деганмидим? Гапир, тайинлаганмидим?

– Ҳа.

– Унда нега айтганимни қилмадинг?

– Номерига қараш хаёлимга келмабди.

– Нима учун? А?

– ...

– Гапимга жавоб бер. Нима учун аҳамият бермайсан?

– Портлаш содир бўлди-ку.

– Бўлмаслиги керак эди, нодон!

Садир «Нега?» дегандай Чорига юзланди. Шу пайтгача ҳеч нарсадан хабари йўқ Садирнинг ҳолати аянчли эди. У келишилган вақтдан бир ярим соат эрта чақирилган йиғилишни эшитиб, айниқса, «Сен ернинг тагида бўлсанг ҳам ҳозироқ етиб боришинг шарт экан» деган буйруқ қулоғига киргандаёқ ғалати ҳолга тушган эди. Нима бўлдийкин? Нега шошилиш мажлиси чақириб қолишди? Ахир портлашдан кейин икки соатгача ҳеч ким алоқага чиқмаслиги тайинланган эди-ку. Орадан ярим соат ўтмасдан уни қидириб келишганига таажжубланди. «Укки» лақабли йигит йиғилиш сабабини тушунтириб ўтирмади. Борганинга биласан деди, холос. Нима, унгача одам сиқилиб ўлиши керакми? Яхши-

ликми ёки нохушлик? У ҳайрон бўлганича Уккининг ортидан йўлга тушди. Тўсатдан бўлган йўқлов уни деярли эсанкиратиб қўйганди.

Негаки у ишни уддаладик деб ўзича хурсанд эди-да. Икки соатлик танаффусдан сўнг бўладиган йиғилишда ташаккур ҳам эшитмоқни кўнглидан ўтказганди. Оёғини қўлига олиб етиб келувдики, э йўқ-бе йўқ, қистовга олинмоқда. Қизиқ, ахир у ўзига юклатилган вазифасини бажарди-ку: хабарни керакли одамга вақтида етказди ва турган жойидан бир зумда қорасини ўчирди. Яна нима қилиши керак эди? Тўхта, «Портлаш бўлмаслиги керак эди» дедими? Ахир унга операцияни тўхтатиш ҳақида кўрсатма келмаган бўлса, нима қилиши керак эди? Нималар деб валдирашяпти булар?

Садир хаёлига келган охирги фикрни айтиб баттар балога қолди. «Операцияни тўхтатиш ҳақидаги фикр сендан чиқиши керак эди, аҳмоқ!» деган гап гўё бирдан уртўқмоққа айланиб «гурс» этиб бошига тушди. Барибир тушунмади. Бундай таклиф нега ундан чиқиши керак? У ким бўптики, неча кундан бери режалаштирилаётган жиҳодни тўхтатса? Унга берилган топшириқ шунчалар аҳамиятли экан, нега унинг ўрнида бошлиқнинг ўзи турмади?

– Сенинг эътиборсизлигинг туфайли мўлжалга олинган хорижликни эмас, умуман бошқа одамларни нариги дунёга жўнатдик. Ўзбекистонни ўз исканжасига олишни кўзлаб келган НАТОнинг Бош котиби бандаликни бажо келтириш ўрнига аллақачон уйига етай деб қолди. Хўш, гапир, бунинг учун сенга алоҳида ташаккур билдиришим керакми?

– Аслида... лекин нега?

Бу гап Садирнинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетди. Худди шуни кутиб тургандай, раиснинг томоғи қирилди:

– Агар мишиналарнинг номерига эътибор қилганинда, улар тамомила бошқа экипаж эканлигига ақлинг етган бўларди. Биз жуда қулай фурсатни қўлдан чиқардик, бой бердик. Агар режамиз амалга ошганида, Америка ҳам, НАТО ҳам бу ерларга қадам босмас эди. Ўзбекистон билан алоқаларини бутунлай тўхтатарди. Нафақат тўхтатарди, балки душманлик йўлига ўтарди. Бу эса бизга жуда асқатарди, каллаварам!

– Америка келмаса, Россия келарди, – деб ўзини жуда оми эмаслигини кўрсатмоқчи бўлди Сафир.

– Россиядан хавф йўқ. Ундан кўрқмасак ҳам бўлади. Қайсар Президент орқага йўл йўқ дебдими, тамом, энди сўзидан қайтмайди. Шунинг учун Россиядаги айрим кучлар бизга жуда-а бағрини очаетгани йўқ. Ўзини дўст кўрсатишга уриняпти-ю, аммо оёқдан чалиб йиқитишга тайёр бўлиб турганини сездириб қўйяпти. Биз Американинг ҳам, Россиянинг ҳам бу ерга кириб келишига тўсқинлик қилишимиз лозим. Ўртада низо келиб чиқишини таъминласак, марра бизники! Ўз ҳолига ташлаб қўйилган мамлакатда одамларнинг тинчлигини бузиш, ваҳимага солиш, энг муҳими, сиёсий тузумни ўзгартириш осон кечади. Демак, охир-оқибатда Халифаликни ўрнатишимиз мумкин бўлади. Тушундингми энди вазиятга?

– Тушуниб турибман. Аммо улар барча ишни бизнинг қўлимиз билан амалга ошириб, кейин ҳокимият тепасига ўзлари чиқиб олса-чи? Бизни одам ўрнида кўрмай, кўчага улоқтиришса нима бўлади?

– Ҳеч қачон унақа бўлмайди. Биз ҳам анойилардан эмасмиз. Ўзимиз қилдикми, ўзимиз хўжайин бўламиз. Мана шу ерда ўтирганлар бошқаради мамлакатни! Библиб қўйинглар, бизга раҳнамолик қилаётганларнинг пули ва қуроли бор. Бу нарсалар ҳозирча биз учун сув билан ҳаводек зарур. Мавжуд ҳокимиятни эса қуролсиз

ағдариб бўлмайди. Вақтинча «Хўп бўлади» деб, ҳомийларнинг бор-будини тортиб олишимиз керак. Мақсадга етгач, уларни нима қилишни яхши биламан. Гапим ҳаммага тушунарлими?

– Тушунарли-ку, аммо бошқа нарсага ҳайрон бўлиб турибман. Айтинг-чи, нишонга олинган меҳмон портлаган машинада эмас эканми? – Садирнинг боши ғовлай бошлаганди, лекин у ҳамон тагига етолмай турган саволни беришдан тортиниб ўтирмади.

– Имм! – дея тиззасига муштлади раис. – Бу найновнинг фаросати қачон ишлайди-а? Ўлиши керак бўлган одам самолётда учиб кетяпти, дегандан кейин нега дарров миянгни ишлатмайсан? Демак, рақибларимиз режамиздан хабар топишиб, аввал қўшимча экипажни йўлга чиқаришган. Биз эса уларга алданиб ўтирибмиз.

– Ундоқ бўлса, менинг айбим нима?

– Номерини аниқлашинг керак эди!

– Қанақа номерни? Машиналарнинг номериними? Э-э, бу ҳеч нимани ҳал қилмасди, – деди энди ўзини бироз ушлаб олган Садир. У бу ишда айб унда эмаслигига энди ақли ета бошлаган эди. Овоз ҳам шунга яраша аста дадиллашиб, кўтарилиб борди: – Бизни доғда қолдирган одамларнинг машина рақамларини алмаштиришга ақли етмайди, деб ўйлайсизми? Улар шубҳа туғдирмаслик учун асосий экипажни пустой йўлга чиқарган. Кўз таниш машиналар бўлгани учун мен ҳам вақтни бой бермай...

– Демак, айб сенда эмас эканда-а?

– Албатта!

– Хўш, аҳли жамоа, Садирхўжа бегуноҳ бўлса, унда режамизнинг барбод бўлишига ким айбдор?

– Мен хўжа эмасман, бекларданман!

Раис бу гапни писанд қилмай, ўтирганларга зимдан разм солишда давом этди. Негадир ҳеч кимдан садо чиқмади. Бу нарса ўзини гуруҳнинг мутлақ етакчиси-

ман, сизларни ҳақиқий озодлик сари бошловчи Муродбахш инсонман деб санаётган раисни хавотирга солди.

– Тушунарли. Демак, айб менда.

– Бу ерда биргина сиз эмас, ҳаммамиз айбдормиз, – вазиятни юмшатишга киришди Муртазо. – Негаки орамизда сотқин бўлиши мумкинлигини эсдан чиқардик.

Шу гапдан кейин «Сени ўнг қўлим десам, ўлжани пойлаган мушукдай писиб турган экансан-да. Тарозининг палласи қайси томонга оғишини кутганмидинг» деган фикр ўтди Хидирниёз Наҳимовнинг хаёлидан. Бу каби мужмал гапларга ўрин қолдирмаслик учун жилловни қўлдан чиқармасликка тиришди.

– Ўтир! – деди раис кескин оҳангда. – Ичимизда сотқин бор деган гапга қўшиламан. Хавфсизлик хизмати ходимлари режамиздан хабар топган бўлса, демак, кимдир бизни сотган. Хўш, ким? Айғоқчи эканлигини қайси мард тан олади?

– Биринчи ишимизданоқ бир-биримиздан шубҳаланадиган бўлсак, қолган ишларни қандай қилиб амалга оширамиз? – дея ўтирган жойида фикр билдирди Садир. Энди у ўзини бемалол гапиришга ҳақлиман деб ўйлай бошлаганди. – Аҳиллигимизга путур етиб, тез кунда тарқалиб кетамиз-ку бунақада.

– Хўш, бирор таклифинг борми?

– Биз Жигархун деганларини менсимай, уларга қандай ишлашни кўрсатиб қўймоқчи эдик. Аммо бизнинг ҳам биринчи ишимиз барбод бўлди. Раис айбни ўз зиммасига олиб, мардлик қилди. У кишига яна бир имконият бериш керак. Агар унисини ҳам эпполмаса... янги раис масаласини ўйлаб кўриш лозим. Иккинчи марта хатога йўл қўя олмаймиз! Сиёсат билан ўйнашмаслик зарур. Бироқ юрак ютиб майдонга тушдикми, рақибнинг елкасини ерга теккизишимиз шарт. Бўлмаса, ўзимизнинг бурнимизни ерга ишқашади.

Садир гапининг «мардлик қилди» деган жойига-ча гердайиб, ҳали асосий кураш олдиндалигини, ана шу жиҳодларда ҳаммани лол қолдирадиган режалар тузажагини ичида ўйлаб, атрофдагиларга бир-бир нигоҳ ташлаб чиқаётган раис, гапининг охирини эшитиб, бирдан қарахт бўлиб қолди. Ранги оқарди, афти бужмайиб, чап юзи уча бошлади, қўллари тиззасининг устида мушт бўлиб тугилди.

У Садирнинг анча вақт қамоқда ўтириб чиққанини, кўрс, чапани бир йигит эканлигини эшитганди. Чиққанига бир йил бўлмади икки марта уйланишга улгурган, ҳозир учинчисига тараддуд кўриб юрибди экан. Унга кўп пул керакмиш. Булар маълум. Қандайдир мансаб бўлса ёмон бўлмасди, деб гуруҳ тузишга ҳаракат қилаётганини эшитиб, орага одам кўйганди, негадир рози бўлди-кўйди. Таажжубланарлиси, ёши ўзи қатори бу йигит энди ундан баланд келаман, деб оғиз кўпиртиряпти.

Раиснинг қовоғи осилди. Ўтирганлар нима деркин деган маънода бироз сукут сақлаш баробарида ён-верига назар ташлади. Садирнинг таклифига бирортасининг эътирозини кўрмагач, ичини ит тимдалади. Бунақада ҳокимиятни кўлдан бериб қўяди-ку. Ростданам, бу фирмайиб ўтирганлар ўзларига бошқа бошлиқ сайлаб олса-я? Балки Садирнинг ўзи кўз олайтираётгандир? Ўйлаган сари кўнгли ғашланди. Кейин нима хатога йўл қўйганини ўйлади. «Найнов, анқов деб нафсониятига тегиб қўйдим, шекилли. Ўзимни кўрсатаман деб, кўпчиликнинг олдида бадном қилдим-ов. Шошқалоқлигим панд берди. Демак, бу ердагиларнинг бирини ака, иккинчисини ука деб иш битиришим керак. Шундагина ўйлаган ниятимга етаман. Ҳокимиятни кўлга киритгач, булардан битта-битта қутулишим мумкин. Ҳа, бирининг гўштини бирига едираман! Садир, Садир, бекорга жаҳлимни чиқардинг».

– Хўш, кимда қандай фикр бор? – деб Хидирниёз Наҳимов босиқлик билан сўради.

– Хатомиздан тўғри хулоса чиқариб, кейинги сафар пухта иш кўришимиз керак, – деди жим ўтиришни ўзига эп кўрмаган Муртазо. – Балки орамизда сотқин йўқдир. Давлат бу гапни бошқа манбадан қўлга киритган бўлиши мумкин. Шунинг учун бир-биримиздан шубҳага бормай, аҳиллик билан иш олиб боришни таклиф қиламан.

Раис Муртазонинг бу гапларини ҳоқимиятга бўлган илк уриниш сифатида қабул қилди. Ичидан ўтганини сездирмаслик учун гапни гапга улади.

– Лекин Садирнинг фикри тўғри. У аччиқ бўлса-да, ҳақ гапни айтди. Бу ишда фақат мен айбдорман. Баъзи нарсаларни ҳисобга олмаганим режамизни амалга оширишда қаттиқ панд берди. Энди шаҳарда текшир-текшир кучайиши, гумон қилганларни сўроқ қилишлар бошланиши аниқ. Бироқ, аминманки, бу ердагиларнинг бирортаси шубҳа остига олинадиган иш қилмади. Ҳаммаси ими-жи-мида бажарилди. Овчи ов маҳалида ўлди, яъни ўз жонига ўзи қасд қилди. Унинг кимлигини билиб бўлмайди, тўғрими, Ўроз?

Ўрознинг бошини қимирлатиб қўйганини кўрган раис хотиржам ҳолда гапини давом эттирди:

– Ана, гумон қилинадиган шахснинг ўзи йўқ. Шундай экан, кўпам тушкунликка тушмаймиз. Муртазо айтгандай, бундан кейин пухта ўйлаб иш тутамиз. Биродарим Садир, агар сени ноҳақ хафа қилиб қўйган бўлсам, узр сўрайман.

– Жаҳл чиққанда ақл кетади, дейишади. Узрни қабул қилдим, раис.

– Ундай бўлса, яхшилаб тамадди қилиб олайлик-да, кейин янги режаларимиз ҳақида гаплашайлик, – раис шундай деб ўрнидан турди. – Қани, марҳамат қилинглар!

Таранг тортилган асаблар бирдан бўшади, деярли кўпчилик енгил нафас олди ва илдам жойларидан қўзғалиб, маишатга шошилишди.

### ХIII. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Кечки соат тўққиз.

Полковник Бўронов Вазирлар Маҳкамасининг шошилиш чакирилган йиғилишида бугун содир этилган кўпоровчилик юзасидан йиғилганларга ҳисобот бермоқда.

– Лекин бу терактни бутунлай даҳшатли воқеа дейишга ҳам ёки шунчаки кўнгилсиз ҳодиса деб аташга ҳам ўйланиб қолдим. Негаки бундан баттар бўлиши ҳам мумкин эди. Агар душманларимиз НАТО Бош қотибининг ҳаётига зомин бўлганларидами, ана унда тамомила даҳшатли воқеа содир бўлган ва бутун дунё ҳамжамияти олдида юзимиз шувут тортарди. Шунчаки кўнгилсиз ҳодиса деб ҳаспўшлашга ҳам тилим бормайди. Чунки бунинг оқибатида иккита мард ўғлонимиздан айрилдик. Улар жонларидан айрилишлари мумкинлигини билсалар-да, машина бошқаришдан сира чўчимадилар. Бундай жасурликни қадрлашимиз керак. Шундай мард йигитлар сафимизда кўпроқ бўлиши зарур. Энди асосий масалага келадиган бўлсам, агарда бу кўпоровчиликни амалга ошириш режаси Навоийдаги қамоқхонадан чиққан бўлса, нега унда бу маълумотни америкалик ҳамкасбларимиздан эшитяпмиз? Нима, улар разведка соҳасида анча илгари юришини, бизга маълум бўлмаган нарсаларни ҳам билишини эслатиб, билдириб қўйишяптими? Бундан чиқди, уларнинг агентлари ҳамма ерда ҳозир нозирми? Йўқ, мен бундай деб ўйламайман. Бу иш шундай



таассурот қолдириш учун атай қилинган. Менимча, террорчиларнинг бири ўз режасини гумон тариқасида Америка элчихонасига етказган. Элчихонадагилар эса ўйлаб ўтирмай Федерал Қидирув Бюросини огоҳлантирган. Лекин гап бунда эмас, берилган хабаринг ҳақиқат бўлиб чиққанида. Қамоқхоналарда назоратни кучайтириш керак. Шаҳарда ин қурган террорчи гуруҳ аъзоларини кечасию кундузи қидиришни давом эттиришимиз зарур. Снайперчини отиб кетган одамни эса топишимиз шарт. Жиноятчилар изларини йўқотишга уринишган. Аммо улар узоққа кетишмаган.

– Мен бир нарсага ҳайрон бўляпман, – дея сўз бошлади Бош вазир Дилшод Аҳмадбеков қўлларини столга қўйганича. – Қамоқхоналарда назоратни кучайтириш шунчалар мушкул ишми? Қўпоровчилик режаси қамоқда тузилса, кейин кимдир орқали ташқарига – бу ишни амалга оширувчи гуруҳларга етказилса, бажарувчилар қаерлардандир жанговар қуроллар топиб, куппа-кундузи шаҳар ўртасида портлашни амалга оширса, биз нима иш қиляпмиз ўзи? Кўзимиз қаерда? Қани айтинг-чи, ўртоқ генерал, нима ишлар билан бандмиз? Бурнимиз тагида бўлаётган жиноий хатти-ҳаракатлардан нега Америкадаги ҳамкасбларингиз биринчи хабар топиши керак?

Ички ишлар вазири оғир ўрнидан турди. Шундоқ ҳам кечадан бери ўзини қаерга қўйишга жой тополмаётган эди. Наҳот, интизомни бўшаштириб юборган бўлса? Намангандаги воқеалар тинчиб кетди, деб энди хотиржамликка берилдимикин?

– Полковник Бўроновнинг фикрига қўшиламан. Бугунги қўпоровчиликнинг режаси қамоқхонада тузилмаган. Террорчи гуруҳнинг хориждаги раҳнаомаларининг кўрсатмаси деб ўйлайман. Лекин айбдорман. Ҳушёрликни бироз қўлдан чиқарганга ўхшаймиз.

– Сизнинг бамайлихотир «бироз» деб айтган сўзингиз мамлакат учун қанчалар қимматга тушиши мумкинлигини тасаввур қиляпсизми? – дея ўрндан туриб кетди Бош вазир. – Суиқасд бўлиши мумкин эканлиги ҳақидаги хабарни эшитгач, қамоқхоналарда нима чора кўрдингиз? Бирор аниқ тезкор тадбир ўтказишга буйруқ бердингизми? Ҳойнаҳой, ўринбосарларингизга «шуғуллан» деб айтгансиз, тамом-вассалом. Хайриятки, Бўроновнинг службаси бу ишга жиддий қарашибди. Бўлмаса, бутун дунёга шарманда бўлардик. Сиз интизомни бироз эмас, бутунлай бўшаштириб юборгансиз! Ҳа, бутунлай!

Шу пайт полковник Бўронов телефонига қандайдир маълумот келганини пайқади. Одатда, шошилиш кўнғироқ ёки ҳозиргидай смс хабар бўлишини кўзда тутиб, телефоннинг фақат овозини ўчириб қўядиган полковникнинг хаёли бўлинди. Шундай пайтда келибдики, зарур: атрофдагиларнинг диққатини тортмай кўз югуртирди. Ўқиб бўлгач, тарвузи қўлтиғидан тушган одамдай, хомуш тортди. Орқасига суянди.

– Нима гап, полковник?

Бўронов «ялт» этиб Бош вазирга қаради.

– Қамоқхонага киритилган «махбус»ни ўлдириб кетишгани ҳақида хабар олдим.

– Демак, уни сезиб қолишган. Бошқа жойга ўтказишга кўрсатма бердим дегандингиз-ку, – деб Бош вазир яна Ички ишлар вазирига юзланди.

– Демак, буйруқни бажаргунларича...

– Ҳамиша орқада қоламиз. Бирор марта олдидан ҳам юрасизми? Гапиринг! Мелисанинг сонини кўпайтиряпсиз, аммо мамлакатда ғаламис жиноятчилар кундан кунга урчиб боряпти. Бир пайтлар одамларнинг машиналарини ўғирлаш авжига чиққанида ҳам, мафияга қарши жиддий кураша олмадингиз. Қачонки Президент аралашгандагина

тартиб-интизом ўрнатилди. Хўш, жиддий чора-тадбирлар кўришингиз учун нима тўсқинлик қиляпти сизга?

– Ишлаймиз.

– Агентингиз ўлдирилган бўлса, қамоқдаги режа тузувчиларнинг кимлиги номаълум бўлиб қолаверадими энди? Гапиринг!

– Аниқлаймиз!

– Шаҳардаги кўпоровчиларни-чи?

– Уларни ҳам топамиз.

– Сизга бир ҳафта муҳлат.

– Тушундим.

– Навбатни генералларга ҳам берайлик. Чегара кўшинларида вазият қандай? Жиноятчиларнинг кўлида қурол, портловчи моддалар бор, тўғрими? Улар қаердан пайдо бўляпти, деб ўзингизга савол берасизми? Қани, марҳамат, Қурбонниёз Нуралиевич! – Бош вазир шундай деб жойига ўтирди.

– Бугунги кўпоровчилик ҳаракатидан яна бир бор аччиқ хулоса чиқарилди, – деди Чегара кўшинлари генерал-майори ўрнидан тураркан. – Жиноий гуруҳнинг очикдан-очик ҳаракати мени ҳам қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Юрт тинчлиги, одамларимизнинг осойишта ҳаёт кечиришлари учун бундан кейин барча чегараларда назорат янада кучайтирилади.

– Ваъда беришнинг ҳадисини олмаяпмизми? Ҳар гал кучайтирамиз деб ваъда берасизлар. Аммо мамлакат ичкарасига жосус ҳам, қурол-яроғ ҳам бемалол кириб келаверади. Қачон амалий ишга ўтасизлар?! Қани, айтинг-чи, танкка қарши ишлатиладиган қурол жиноятчиларнинг кўлига қаердан тушиб қолди?

– Аниқлаймиз.

– Албатта, аниқлайсиз. Агар ташқаридан олиб кирилмаган бўлса, унда бирор ҳарбий қисмдан йўқолгандир? Балки ўғирлангандир? Ҳарбий прокуратура

тизими нима иш қияпти? Инвентаризация масалалари билан қачон шуғулланишади? Ёки уларга ҳам алоҳида кўрсатма керакми?

– Эртагаёқ текширишни бошлаймиз!

– Агар ҳарбий қисмлардан ўқ-дори ва қурол ўғрилик содир этилиб, бу фактлар биздан атай яширилган бўлса, бошингиз билан жавоб берасиз! Тушунарлими?

– Худди шундай.

– Иккингиздан ҳам ҳисобот кутаман. Тушунтириш хатини илова қилишни унутманг! – Бош вазир шундай деб Мудофаа ва Ички ишлар вазирига нигоҳ ташлаб қўйди. Кейин полковник Бўроновга юзланди. – Зийрак ва ҳушёр ходимларингизга ташаккур билдириб қўйинг!

– Хўп бўлади!

## XV. ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА

Кечки соат ўн.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қабулхонаси. Давлат бошлиғи бу ерга Бош вазир ҳамда Мудофаа, Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирлари, шунингдек, Миллий хавфсизлик кенгаши раисининг ўринбосари ва бир қатор масъул ходимларни чақиртирган. Асосий масала – пойтахтда бугун содир этилган қўпоровчилик.

Ички ишлар вазирининг қисқача маълумоти тингланди. Полковник Бўронов масалага ойдинлик киритди. Мудофаа вазири қурол хусусида аниқ бир нарса дея олмади. Экспертиза хулосалари асосида текширув олиб бораётганини айтишдан нарига ўтмади.

Эшитганларини мулоҳаза қилиб ўтирган Президентнинг қошлари хиёл чимирилди. Қўлидаги ручкани столга қўйarkan вазминлик билан гап бошлади:

– Хўш, бу ишни ким қандай баҳолайди?

Вазирлар бир-бирига қарашди, сўнг Дилшод Аҳмадбековга юзланишди. Бош вазир ноилож ўрнидан турди.

– Бу бизнинг камчилигимиз, деб баҳолайман.

– Аниқроқ гапираверинг.

– Шахсан менинг камчилигим, муҳтарам Президент.

Президент Мудофаа вазирига кўз қирини ташлади.

– Бу меням камчилигим. – Айбдорман, – деди Ички ишлар вазири ўткир нигоҳларга дош беролмай.

– Мана бу жавоб тўғри бўлди. Бугунги мудҳиш ҳодисага бўлган муносабат сизлардаги камчилик эмас, балки зиммангизга топширилган вазифага лоқайд, эътиборсиз бўлганингиз – бу жиддий хато. Хатога йўл қўйган одам айбини тан олиши керак. Аввало, биз ўзимиз одамларнинг тинчлигини сақлаш, юртимизнинг тараққий этган мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаши учун бор куч-қувватимизни сарфламас эканмиз, ҳаммаси бекор гап. Фидокорлик, жасорат ва ташаббускорлик етишмаса, бир жойда депсиниб тураверамиз. Бундан фойдаланган турли гуруҳлар, оқимлар эса истган ишини бемалол амалга ошираверади. Ёшларнинг онгини кимлар заҳарляпти, уларни мавжуд тузумга қарши бош кўтаришга кимлар даъват қиляпти; ҳар хил фаҳш фильмлар, зўравонликни тарғиб қилувчи қўлланма ва адабиётлар қаердан пайдо бўляпти? Қурол-чи, қурол? Улар жинойтчиларнинг қўлига қандай тушиб қоляпти? Хўш, бу саволларга аниқ жавобимиз борми?

Президентнинг нигоҳидан Мудофаа ва Ички ишлар вазирлари ичларидан зил кетгандай бўлишди. Бири дарҳол нималарнидир ёзишга тутинди, бири эса бошини ҳам қилди.

– Нимага индамайсизлар? – гапида давом этди Президент индамай ўтирган генералларга ҳам назар ташлаб олганидан сўнг. – Жинойтчилар кечасию кун-

дузи ухлмасдан мамлакатдаги тинч, осойишта ҳаётни издан чиқариш учун ҳаракат қилишяпти. Сизлар-чи? Эндигина қўлга киритган мустақиллигимизни сақлаб қолиш учун, уни келгуси авлодларга, яъни ўз фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришдек эзгу ишда кунни тунга улаб ишляпсизларми? Виждонан айтадиган бўлсак, хотиржамликка берилиб қолдик. Мана, бугунги кўпуровчилик гапимга яққол мисол. Қўлингизда бутун бир армия, сизда эса минглаб ички ишлар ходимлари бор. Мамлакат ичкарига кириб олган ёки шу юртнинг ўзидаги бир гуруҳ жиноятчилар пул ҳам, қурол ҳам топяпти. Биз эса буни кўрмаяпмиз, пайқамаяпмиз! Агар ожизлик қилаётган бўлсангиз, беринг ўрнингизни ёшларга! Мамлакатга фидойилар керак. Яна қайтариб айтаман, халқини, юртини севадиган, унинг тинчлиги ва тараққиёти учун жонини қурбон қилишга тайёр довюрак инсонлар керак. Билсангиз агар, бугун азиз жонини фидо қилган йигитлар ҳаммамизга ўрناق бўлиши лозим! Кўрдингизми, қандай фарзандларимиз бор. Қани, айтинглар-чи, улар нима учун, кимлар учун ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, ўлимга тик боришди?

Президент бир зум сукут қилди. Балки, кўз ўнгидан ҳеч иккиланмай машинани бошқаришга ўтирган йигитлар ўтгандир? Уларнинг юрагидаги шижоатни, ватанига бўлган чексиз муҳаббатни, озод юртга раҳна солиш ниятида юрганларга эса аёвсиз эканлигини ҳис қилгандир. Ҳа, айнан шу туйғуларни хаёлидан ўтказган эди.

– Бугун оғир кун бўлди. Агар ўзингизга хулоса чиқарган бўлсангиз, ишланг! Шундай ишлангки, амалга оширган эзгу ишларингиз одамларнинг хотирасида бир умр сақланиб қолсин. Энг қийин пайтларда масъул вазифада ишлаган, халқнинг тинчлигини сақлаш, фаровонлигини ошириш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида мана бу, мана бу бунёдкорлик ишларини рўёб-

га чиқарган деб алқасин. Ўзбекистоннинг келажаги буюк деб такрор-такрор айтаман. Ана шу буюкликка муносиб бўлайлик.

Президент сўзидан тўхтаб, донишмандларга хос нигоҳ билан ўтирганларга юзланди. Мажлис бошида уларнинг кўзларида ғамгинлик, жонсараклик сезганди, энди бироз жонланиш – ялт этган учқунни илғагандай бўлди. Кўнгли кўтарилган Президент мажлисни давом эттиришга киришди.

– Мархум йигитларнинг кўрсатган жасоратлари муносиб тақдирлансин, уларнинг оила аъзоларига ёрдам берилсин. Шундай ботир ўғлонларни дунёга келтирган, таълим-тарбия берган ота-оналарга таъзия билдириш баробарида ватан уларни ҳеч қачон унутмаслигини таъкидланг, албатта.

Ана энди навбатдаги масалага ўтамиз! Кейинги ҳафта юртимизга Россия давлатининг ҳукумат раҳбари бошчилигидаги делегация ташриф буюряпти. Учрашувда Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик, минтақанинг жанубий чегараларидаги вазият ва Афғонистондаги нотинч аҳвол ҳақида гап боради. Шунингдек, Россия Федерациясининг Федерал чегара хизмати директори билан суҳбат бўлиб ўтади. Шу ўринда таъкидлашим керакки, НАТО Бош котибининг мамлакатимизга келиши айрим давлатларнинг раҳбарларини таажжуб ва хавотирга солган. Уларнинг кўнглидан нималар кечаётганини билиш унчалар мушкул эмас. Аммо биз эса бировнинг ортидан эмас, аксинча, ўзимиз танлаган йўлдан дадил кетаётганимизни, бизнинг интилишимизга хайрихоҳ давлатлар билан эса ҳамкорлик қилишга доим шай эканлигимизни яна бир бора қатъий баён этишимиз учун кенгашиб олишимиз зарур. Доно халқимиз «Кенгашли тўй тарқамас» деб бежизга айтмаган! Шундай қилиб...

## XVI. МЕҲМОН

Уйга кеч қайтган Элёр эшик олдида анча вақт туриб қолди. Сўнг истамай калитни тикди, бурашга шошилмади. У авваллари ўйлаб ўтирмасдан кўнғироқ тугмасини босарди: битта узун, иккита қисқа. Сал фурсат ўтмай ичкаридан Муҳаббатнинг аста эшик олдида келиши эшитилади. Ана у кичкина ойнали тирқишдан мўраламоқда, кўнгли таскин топди чоғи, калит буралди. Кейин рафиқасининг ёқимли чехрасига кўзи тушади. Бу дилрабонинг «Бугун сал кеч қолдингизми?» дегандай қора қошларининг бироз чимирилиши, унинг меҳр-муҳаббат тўла нигоҳлари, ял-ял ёниб турган ой юзлари, юпқа зар рўмоли остидан чаккасига тушиб турган тим-қора сочлари соясида хира тортиб, деярли сезилмай кетарди. Баъзида Жалолиддинни кўтариб пешвоз чиқарди, ана шунда унинг чиройига сўз тополмасди. Биринчи фарзанди дунёга келган барча аёллар каби Муҳаббатнинг юз-кўзларида бахтдан сармастлик зоҳир эди. Элёр унга оталик шарафини келтирган ўғилчасини бағрига олганда, Муҳаббатнинг ёноқларида майин ва ширин табассум пайдо бўларди. Унинг шу ҳолатини кўрган Элёрнинг меҳри тобланиб кетар, бутун чарчоқларини унутиб, кутиб олган ёрининг юзидан аста ўпиб қўйганини ўзи ҳам билмай қоларди. Бироқ эшик очиқ бўлса ёки ичкаридаги қадам товушлари бироз ҳаялласа, негадир юраги орқасига тортиб, сабабини билгунча, хадиги босилгунча ғалати аҳволга тушарди.

Энди-чи? Энди паривашининг жамоли ҳам, ўзининг ноўрин хадиги ҳам йўқ. Эшикка рўпара келганда беихтиёр тўхтади: гоҳ боши билан, гоҳ кўли билан суяниб бир муддат туриб қолади. Ичкарида ҳеч ким йўқлигини сезиб, юраги зирқирайди, киргиси келмайди. Шундай пайтларда бир зумда кўз ўнгида белига портловчи



модда боғланган Муҳаббат намоён бўлади. У титраган қўллари билан бағридаги гўдагини узатади: «Жалоллидинни эҳтиёт қилинг. Уни ёлғизлатиб қўйманг!» Миясига қўрғошиндай қуйилган бу сўзлар қалбини титратади, бошини эшикка уради, беҳол суянади, кейин Муҳаббатнинг Фарғонага бориб келмаймизми деган охирги илтимосини эслайди. Илтижо билан боққан нигоҳлари юрагида муҳрланиб қолган. Қишлоққа боришди, аммо қайтишда... Муҳаббатсиз ёлғиз ўзи, бўм-бўш юрак билан келди. Ўшанда хотини Зулфияникига меҳмонга боргунча ҳам негадир шошди. Улар нималар ҳақида гаплашгани ҳамон номаълум. Энг таажжубланарлиси, Муҳаббатнинг ўлимини эшитган Зулфиянинг ҳушидан айрилиши ва уни уйга кўтариб киргани. Бу ҳодисадан сўнг анча вақтгача ўзини кечиролмай юрди: наздида уятли иш бўлганди, у эмас, бошқа бир киши қилса ҳам бўларди-ку? Нега у ўйлаб ўтирмай, шунча одамнинг тикилиб турганига эътибор қилмасдан шарт кўтариб уйга олиб кирди? Қўшнилардан биронтасининг уйига олиб кириши ҳам мумкин эди. Нега хаёлига келмади экан? Азали уй бўлса, ичкарида бир талай хотин-халаж ўз дардини айтиб, йиғи келмаган кўзларига (ўз яқинларидан бошқа) совуқдан нам тортган рўмолчаларини босганча, ким нима қилаётганини ўғринча нигоҳ билан кузатиб «йиғлаётган» бўлса-ю, у тап тортмай... Қишлоқда анча гап-сўз бўлгандир? Ёки биров билиб, бирови сезмай қолдимикин?

У бу ҳақда яна беихтиёр хаёлга берилди. Кейинги пайтларда негадир шундай бўляпти: аввал Муҳаббатдан айрилганини эзилиб эслайди, сўнг марҳумани Фарғонага борайлик деганини, эртаси куни эса Зулфияникига ўтайлик деб илтимос қилгани эсига тушади. Муҳаббатдан бошланган ўй нечундир Зулфияга келиб тақалади. Шу билан тугаса майли эди. Элёр-

ни бошқа бир хотира ҳам қийнайди. Анча йиллар олдин кўрган туши, ўлим билан олишаётган Ботирнинг «Зулфия сенга омонат!» деган сўнги гапи яна ва яна хаёлидан ўтади. «Қанақасига омонат бўлади?» – беихтиёр эшикка суянаркан, бу гапнинг моҳиятига тушунолмаб қийналади. Энди уни эрга узатиш керакми ёки иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туриши лозимми?

Элёр, ниҳоят, қаддини ростлаб калитни буради. Лекин... негадир буралмади. Иккинчи марта қаттиқроқ бураганда ҳам қимир этмади: бироқ олдинга ... эшик қулфланди. Шу онда уйга ўғри тушдимикин деган фикрга борди. «Йўғ-э», – деди ишонгиси келмай. Ичкарига қулоқ тутаркан, кўнғироқ тугмасини босди. Салдан кейин энгил оёқ товуши эшитилди. Элёрнинг юраги дукиллаб кетди: худди марҳума хотинининг аста келиб ташқарига мўралашига ўхшатиб юборди. «Кўнғироқ чалишимдан биласан-ку, нега, барибир, қараб кўясан?» – сўради Элёр ўшандай пайтларда кулимсираб. «Билмадим, ўрганиш бўлиб қолган», – дерди Муҳаббат тўғриси айтишдан қочиб. Бироқ бунинг сирини Элёр билади. Билса-да, атай сўраб кўради. Муҳаббат охир-оқибат айтган: «Ўзингизни кўрганимдан кейингина кўнглим тинчийди». Элёр бу гапдан кейин бошқа савол бермасди, «Яхши ўтирибсанми?» деб юзидан ўпиб кўярди, холос. Аслида эса худди шундай вазият юзасидан Муҳаббат билан гаплашгиси келарди. Кузатув тешикчасидан мени кўришинг, мен хавф остида эмаслигимни билдирмайди, балки ортимда душман яширинган бўлиши мумкин, агар шундай ҳолат бўлиб қолса нима қилардинг, деб сўрамоқчи бўларди. Лекин Муҳаббатга ортиқча асабийлашиш мумкин эмас. У дарҳол фикридан қайтар ва жилмайганча хонадонига қадам босарди. Алқисса, Муҳаббатнинг кўнглини хавотирга соладиган гаплардан ҳимоя этгани билан унинг ўзини асраб қололмади...

Ҳа, ташқарига қараш учун қилинган махсус тешикчадан кимнингдир мўралаганини аниқ сездим. «Қизиқ, қараган ким бўлдийкин? Уйдагилар келишдимикан? Ҳа, бўлди, ўшалар келишган. Унда, нега эшикни очишга шошилишмаяпти?» – Элёрнинг кўнгли сал жойига тушди. Негаки калит фақат ота-онасида бор эди, холос: мабодо мен ишдалигимда келиб қолсаларингиз, бемалол кириб ўтириб тураверасизлар деб бирини бериб келганди. Таскин узоққа чўзилмади. Эшик олдига келган одамнинг кимлигини топишга қизиқиши кучайди. Дадасими? Йўқ, агар дадаси бўлса, қадам олишидан сезарди; онаси тешикка қараб ўтирмай, «Элёржон, сенмисан, болам?» деб овоз берарди. Синглиси «Ака, ўзизми?» дейди шошиб. Ажабо, ким бўлдийкин, бу индамай турган меҳмон?

Элёр бир қадам ортга чекиниб, бутун қад-бастини кўрсатган бўлди. Шунда ҳам эшик дарҳол очилавермади. «Ташқарида мен эканлигимни билди-ку, нега оча қолмаяптийкин? Нима учун бунчалар имилляпти?»

Ниҳоят, темир илгакнинг орқага сурилгани эшитилди.

– Зулфия... опа, – деди Элёр кўзларига ишонмай. У шу тобда хурсанд бўлишни ҳам, бўлмасликни ҳам билолмай қолди. Аммо биров ҳайрат ичида айтилган сўздан Зулфиянинг юзлари анор янглиғ тус олди.

– Яхшимисиз? – дея олди Зулфия ички бир ҳаяжонда.

Шу пайт ичкарида «Элёржонми?» деб онаси чиқиб келди. Зулфия ўзини ичкарига олди. Она ўз соғинчини боласини меҳр билан кучоқлаб, елкаларини силаб изҳор қилди. Онаизорнинг кўз ёшларини ҳис этган Элёр сўзлашга қийналди.

– Жалолиддин сени кута-кута ухлаб қолди, – деди Тўхтаҳон ая йўлақдан меҳмонхонага ўтаркан.

– Ў-ў, полвонтой ҳам келдими? – Элёрнинг юзларига табассум югурди.

– Дадамга бораман деб хархаша қилаверганди, – деди Тўхтагон ая Зулфияга кўз қирини ташлаб, – опке-лавердик.

Элёр болалар хонасидаги каравотда мириқиб ухлаётган ўғлининг олдига чўккалади. Анча вақт жимгина тикилиб турди, аммо соғинчини, меҳр-муҳаббатини ортиқ ушлаб турулмади: аввал жажжи қўлларидан, сўнг юзларидан ўпди. Бола юзига томган ёшни сезиб, лабини учуриб қўйди. Элёр бармоғининг учи билан аста артганди, болакай уйқусига халақит қилган нарсадан ғашланиб, қимирлади, кўзларини хиёл очгандай бўлди, аммо куни билан ҳам юриб, ҳам гапириб чарчаган кичкинтой ширин оромдан воз кечмади.

– Қўй, ухласин, – деди эшик олдида фарзандига мунгли нигоҳ ташлаб турган она. – Ё, уйғотайми? Бир пас гапласанми?

Элёр кўз ёшларини яшириш учун ўғилчасининг қўлларига юзини босди. Шу ҳолатда анча турди. Кейин меҳмонларни хижолатга қўймаслик учун ўрнидан кўзгалди.

Тўхтагон ая эл-юртга, фарзанду набираларига тинчлик-омонлик, тансиҳатлик, узоқ умр тилаб дуо қилди.

– Тузукмисан, болам. Яхши бўлиб кетдингми? Дарров ишга ҳам қайтибсан-да. Сен боравермаганингга хавотир олиб ўзимиз келавердик, – деди Тўхтагон ая дуодан сўнг. – Келаётиб, Қўқонга меҳмон бўлиб тушгандик, бу эрка полвонтойинг Зулфияхоннинг этагига маҳкам ёпишиб олса бўладими. Қўярда-қўймай бошлаб келди дегин.

Элёр онасининг гапларига жилмайиб қўйди. Сўнг:

– Сизларни бир айлантриб келай дебди-да миттивой, – деб аввал волидасидан, сўнг эса ўғли «этагига маҳкам ёпишиб олган» Зулфиядан ҳол-аҳвол сўради.

– Жалолиддин қайсарликда... ўзингизга тортибди, – дея жавоб қилди Зулфия қисқа кўз уриштирувдан кейин нигоҳларини дастурхонга тикиб.

Элёр мийиғида кулди. Зулфиянинг нима демоқчилигини, ўғлини кимга менгзаганини тушунди. Кейин телефон қилмабсизлар-да, ўзим кутиб олардим, деди Элёр онасининг йўлига пешвоз чиқмаганидан хижолат тортиб.

– Сени уринтирмайлик дедим-да.

Бироз олдин онаси «Тузукмисан, яхши бўлиб қолдингми?» деб сўраганда унчалар аҳамият бермаганди, энди эса яна шунга ўхшаш савол. Нима бирортаси уни касал ётибди дедимикан? Элёр «ялт» этиб волидасига қараб, сирни ошкор қилиб қўйди. Зулфия ҳеч нарсани пайқамагандай «иссиқ чой дамлаб келаман» деб ўрнидан турди.

– Мазаси йўқ дегандим, – пичирлаб гапирди Тўхтаҳон ая Зулфиянинг ортидан.

– Нега?

– Шундай демасам, кўнмасди-да, болам, – деди онаизор янаям паст овозда ошхона томонга ишора қиларкан. – Келишга зўрға кўндирдим ўзи.

– Овора қилибсиз-да.

– Унақа дема. Агар билсанг, шу аёл менгаям, ўғлинггаям ёқиб қолди. Бу ерда бошқасини топиб олмагин деб... Атай бошлаб келдим. Энди тушундингми?

– Қўйсангиз-чи, мен уйланаман деётганим йўқ-ку, – деди Элёр иложи борича овозини пасайтириб.

– Бўлди, ёлғиз юришингни бас қил энди. Мана шу Зулфияхонга уйланасан, билдингми? Бошқасига асло рози эмасман! – астойдил куйиниб гапирди Тўхтаҳон ая.

– Менга тегишгаям кўндирдингизми? – Элёр онасининг қатъий гапидан кейин тортиниб ўтирмади.

– Вой, ўлай, буни ҳали айтолганим йўқ.

– Биратўла розилигини олмабсиз-да.  
– Олдин сендан... бир оғиз сўрай деб... Бунақалигини билганимда... ростданам бирийўла совчиликка бориб...

– Ҳазиллашяпман, она.

– Ҳазилингам бор бўлсин сен болани! Энди мендан эшит, уйларига бориб тутумини кўрдим. Ҳамма нарсаси жой-жойида, озода, покиза. Қисқаси, таъбинг хира бўладиган жойнинг ўзи йўқ. Шундан кейин кўни-кўшниларидан суриштирдим. Биров ёмон демади. Кўнглим жойига тушгач... сал ҳийла ишлатиб, бошлаб келавердим.

– Иҳм!

Тўхтагон ая ўғлининг томоқ қирганини эшитиб, гапидан тўхтади. Хонага чой кўтариб Зулфия кириб келди.

\* \* \*

– Менинг келганимни бошқача тушунманг, – деди Зулфия эртаси куни тушликка келган Элёрга. Кечадан бери ўзини ноқулай сезаётган Зулфиянинг бу гаплари минг хижолатда айтилгани сезилиб турарди. – Онангизнинг гапларини икки қилолмаганимдан... келдим.

Бу пайтда Тўхтагон ая набирасини олиб пастда – болалар майдончасида биров айлантириб келаман, деб етаклаб чиқиб кетганди.

– Нега ундай дейсиз? Сиздай азиз инсон учун эшигим доимо очик, – деди Элёр кеча онаси билан бўлган гапдан ўзини беҳабардай тутиб.

– Аям, бизга шерик бўлинг, Элёримнинг тоби йўққа ўхшайди, дегани учун...

– Бўлмаса, бизни йўқлаб келмас экансиз-да?

– Муҳаббат бўлганда... бошқа гап эди.

– Муҳаббат, Муҳаббат! У мени саҳрода ёлғиз қолдириб кетди. Бу дунёда яна битта Мажнун пайдо бўлди.

– Ундай деманг.

– Уни унутолмасам керак.

– Унутолмайсиз ҳам.

– Аммо онам...

– Аслида, мен Муҳаббатнинг Элёр акамдан хабар олиб туринг, деган илтимосини эслаб... Кеча Тўхтагон аямнинг сизга айтган гапи қулоғимга чалингандай бўлди. Ишонсангиз, кечаси билан мижага қоқмай чиқдим. Мен... мен бу ниятда келмагандим, ишонинг.

– Хижолат бўлманг. Аммо Муҳаббат нега бу нарсани сиздан илтимос қилди? Нима, у ўлими тўғрисида гапирганмиди? Илтимос, яширмасдан айтаверинг.

– Йўқ. Лекин... мен шу ерда қолсам керак, деб айтганди. Ўшанда бу гапнинг маъносига тушунмагандим. Бирор ҳафта туриб кейинроқ кетаркан-да, деб ўйлабман. Эртаси куни сизларникига борганимда...

– У ёғи эсимда.

– Уялтирманг.

– Узр.

– Ҳечқиси йўқ. Бироқ бу ўхшашлик ва тасодифларни англолмай ҳамон лолман, – деб битта нуқтага тикилганча гапира бошлади Зулфия. Элёр зимдан назар ташлаб турди, у деярли киприк қоқмасди. – Ўша охирги суҳбатимизда сиз ҳақингизда гапириб, негадир қийналиб қолмасмикинлар, деб бир неча марта такрорлади. Жалолиддиннинг бошини силаб, йиғлаб-йиғлаб олди. Ҳаётининг сўнгги кунини яшаётганини билдиргиси келмаса-да, баъзи гап-сўзлари билан бунга ишора қилган экан. Ўшанда Муҳаббатнинг сўзларига эътибор қилмаганимдан жуда афсусдаман. Бирор ҳафтада қийналиб қолмас, деб ўзимча кўнглини кўтарибман.

– Мен нодон ҳам жуда бепарволик қилдим. У ҳамма нарсанинг ҳисоб-китобини қилган... Янгикўрғонда

қолишини ҳам... Агар бу ерда бўлса... яқинларини ор-тиқча уринтиришни истамаган. Ҳа, бировга малол кел-майдиган йўл тутган. Қабри узоқда бўлишини ҳам... Ҳаммасини олдиндан ўйлаган. Мени унутиши осон бўлади деб... Эҳ, қанийди бу нарсаларнинг бирортасини олдинроқ сезганимда...

– Муҳаббат ўта зийрак аёл эди. Жойи жаннатда бўл-син.

Элёр кўз ёшини яшириш учун бошини ҳам қилди. Орадаги сукутни Зулфиянинг заиф ва титроқ овози бўлди.

– Сиз иродали йигитсиз. Бошингизга тушган қайғу жуда оғир, аммо енгиб ўтишингизга ишонаман. Бундай пайтларда бахт тилаш жуда ғалати туюлади, аммо биз тириклар яшашга мажбур эканмиз, ўзимизни кўлга олишимиз лозим. Шунинг учун... Сиз ўзингиз ёқтирган аёл билан...

– Мен ёқтирган аёл...

– Биладан.

– Муҳаббатнинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди.

– Ҳа.

– Мен билан яшайдиган аёлга жуда қийин бўлади.

– Балки...

– Очиғи, ишим жуда хавфли. Яна бир аёл бахтсиз бў-лишини истамайман.

– Ишингизни ўзгартира олмайсизми?

– Муҳаббат шунақа деганда... қулоқ солмагандим.

Энди маъно йўқ.

Эшик қўнғироғи чалинганди, Зулфия шошиб ўрни-дан турди. Элёр нима деб жавоб қилиш ҳақида ўйлай бошлади.

– Биз эртага эрталаб қайтамиз, – деди Тўхтагон ая тузук-қуруқ овқатланмаган ўғлини ишга кузатаркан. – Кечгача бир тўхтама келарсан-а?



Элёр онасини кучоқлаб, ширин энтикди: болалик дамларини эслади, бу иссиқ ва оромбахш бағирга бош қўйилса бас, ҳар қандай чарчоқ ёзилади, муаммолар барҳам топади. У нимадир демоқчи бўлди, аммо гапиролмади, муштипарининг йиллар ўз изини қолдирган юзларидан ўпди, холос. Аммо унинг дилида айтадиган гаплари кўп эди.

Жалолиддин дадасига ёпишди.

– Дада, сиз ҳам биз билан кетинг.

Элёр ўғлини қўлига олди.

– Мен билан қолмайсанми?

– Бувим кетамиз, деяпти-ку?

– Эшитмадингми, сени менга ташлаб кетаркан.

– Зулфия холамни-чи?

Элёр нима дейишни билмай ўғлини бағрига босди. Тўхтагон ая бу пайтда кўз қирини Зулфияга ташлади. Дув қизарган Зулфия юзини дераза томонга бурди. Маҳмадона Жалолиддин саволини яна қайтарди.

– Ана, ўзидан сўра, ўғлим, – деди Элёр Зулфияга яширин нигоҳ ташлаб.

– Зулфия хола, сизам қоласизми?

Зулфия бу саволга нима деб жавоб қайтаришни билмай каловланиб қолганини сездириб қўйди. Ноқулай ҳолатдан чиқиш учун бирдан Жалолиддинга ўгирилиб юзидан оҳиста чимдалаб, тезгина ошхона томонга ўтиб кетди.

Тўхтагон ая набирасига қўл чўзди:

– Ке, энди, даданг ишдан кеч қолмасин-а.

– Зулфия хола қоладими, буви?

– Зулфия хола десанг... қолармикин?

– Унда, ая дейми? – деди Жалолиддин бувисининг кучоғига ўтгач секингина.

Кетишга чоғланган Элёр бу гапни эшитиб, онасига қараб қўйди.

– Дадангдан сўра-чи, нима деркин?

– Дада, ая десам майлими?

Элёр жавобдан қочди: ўғлини ўпиб, эшикка қараб юрди.

\* \* \*

Ташқарига чиққан Элёр бироз юргач, ортидан кимдир келаётганини пайқади. Илдам қадамлари беихтиёр сал секинлашди. У бирор машина тўхтатиб тезроқ ишхонага етиб олишни ўйлаб кетаётганди. Ҳатто ҳозиргина хайрлашган меҳмонларни ҳам эсдан чиқарувди. Ким бўлди экан? Ногоҳ хаёли бўлинди. Эрталабдан таъқиб бошландими? Балки шунчаки йўловчидир? Ниманидир баҳона қилиб орқасига қарашни ўйлаб турганди, бирдан исмини эшитиб таққа тўхтади. Овоз таниш эди. Демак, чақирган киши бегона эмас.

– Ие, Нормат ака, сизмисиз?

Элёр марҳум Азизнинг дадасини дарров таниди, аммо бу одамнинг эти суягига ёпишиб, жуда озиб кетганидан ҳайрон қолди. Кейин хаёлидан қаттиқ касал бўлиб ётиб қолдимикан, деган савол ўтди. Шунча пайдан бери бирор марта бориб йўқламаганидан хижолат тортди.

Нормат ака салом бериб қўлини узатди. Унинг томирлари бўртиб чиққан қўллари жуда заифлашиб қолганини сезган Элёр баттар ўзини койиди: одам деганлари ҳам шунчалар бепарво бўладими, ярим соат вақт ажратиб ҳолидан хабар олса, осмон узилиб ерга тушармиди? Нега шу ишни қилмади? Мана энди уятли бўлди.

Нормат ака Элёрнинг қалбидан кечаётган туйғуларни сезди чоғи, мулзам бўлмасин, деб гапни илиб кетди. Аммо унинг ҳамма гаплари, барибир, таънага ўхшаб кетаверди.

– Қаерда туришингизни аниқ-тиниқ сўраб ҳам олман эканман. Базўр топдим денг.

– Нега уйга чиқа қолмадингиз? Кўчада турганингизни қаранг.

– Кўшнингиз кеча қишлоқдан меҳмонлар келганини айтувди, хижолат қилгим келмади, – деди Нормат ака узр сўраб.

– Бу ишингиз яхши эмас, ахир биз – деб астойдил гап бошлаган Элёр бирдан тутилиб қолди, «қадрдон-миз-ку» демоқчи эди-да. Бирдан бу сўзни ноҳўя ишла-тишини англаб, томоғига нимадир тиқилгандай бўлди. Ахир қанақасига қадрдон бўласан, қачонки, бечора отадан ҳол-аҳвол сўраш хотирангдан кўтарилган бўлса, деб ўзидан баттар ранжиди. Бу гапни асло кераги йўқ, манзират қилмасдан гапиравер.

– Аслида, бу келишим ҳам ноўрин бўлгандир, бироқ ўғлимнинг ўлими сабабини аниқ билолмай ҳамон доғдаман. Шунинг учун сизни яна қора тортиб келавердим. Балки бирор нарсани аниқлаштирган бўлсангиз...

Элёр тилини тишлади. Тўғри-да, мархум Азиз ҳақида ўйлашга фурсат топгани йўқ. Унинг «дело»сини кўраман, материаллар билан танишаман деб дилига тугиб қўйганди, бироқ... бошига мусибат тушиб, ўзидан ортмади. Бунинг устига, Нормат аканинг ўзи ҳам жим бўлиб кетди. Кейин бу ишлар орқага сурилди ва аста-секин эсдан чиқди.

– Келганингиз жуда яхши бўлди, Нормат ака. Қани, уйга марҳамат, – деди Элёр меҳмоннинг қўлтиғидан аста ушлаб. У шу тобда оиласи тортган азоб-уқубатлар ҳақида гапириб, Азиз ҳақида суриштиришга вақти бўлмаганини айтгиси келмади. Нормат ака эшитмаган экан, майли, бу сирлигича қола қолсин.

– Таклиф учун раҳмат, ука. Бошқа сафар.

– Нега ундай дейсиз? Бир пиёла чойимизни ичмай кетасизми?

– Худо хоҳласа, албатта, ичамиз. Ҳозир сизни ишдан қўймай. Агар бирор нарсани айтишни маъқул топсангиз, уйимизга бирров кириб ўтарсиз, – деди Нормат ака ўткинчиларга халақит бермаслик мақсадида ўзини четроққа олиб.

– Хўп, Нормат ака. Мен Азизнинг «дело»сини яна бир қўриб чиқаман. Уни билган, кўрган одамлар бўлса, албатта, сўраб-суриштираман.

– Раҳмат, ука. Умрингиздан барака топинг. Катта йўл бўйига чиқмоқчисиз чоғи, юринг, гаплашиб кетамиз.

– Уйга кириб суҳбатлашсак ҳам бўлади-ку, Нормат ака. Уйда сиз тортинадиган бегона одам йўқ, – деди Элёр чин дилдан. Лекин у охирги жумлани бехосдан айтиб юборди.

Нормат ака индамай йўл бошлади. Элёр меҳмоннинг кўнглини сал бўлса-да кўтариш илинжида гап бошлади:

– Сизга бир нарсани аниқ айтишим мумкин, Нормат ака. Азизни алдашган, унинг соддалигидан, очиққўнгил йигит эканидан фойдаланишган. Ўғлингиз, аслида, бетгачопар, ота-онасининг юзига оёқ босадиган йигит эмасди. Исломни ўргатамиз деб, уни худбинликка, жоҳилликка етаклашган.

– Балки гапингиз ўринлидир, – деди Нормат ака Элёрни йўлдан қўяётганидан хижолат тортиб.

– Ҳозир ҳам шундай ҳодисалар бўляпти, Нормат ака. Яхши ниятда эндигина намозни бошлаган баъзи ёшлар турли гуруҳларнинг таъсирига тушиб, ўзлари билмаган ҳолда боши берк кўчага кириб қоляпти. Оқибатда ёшгина умри Азизникидан ҳам аянчлироқ якун топяпти.

– Ҳа, сизлар ўзимиздан чиққан бало-қазоларга қарши курашяпсизлар, юрт тинчлигини ҳимоя қиляпсиз-

лар, аммо биз ота-оналар ўз фарзандларимиз тақдирига бепарво қараяпмиз. Уларни ёмон кўзлардан асрай олмаяпмиз.

– Ҳамма гап шунда-да, Нормат ака. Диний эркиликни айрим ўсмирлар бошқача тушунишяпти. Ислом динини ниқоб қилиб олган ёвуз кимсалар эса бундан усталик билан фойдаланишяпти. Лекин биз курашни тўхтатмаймиз. Ёшларнинг онгини заҳарлаётган, тўғри йўлдан оздириб ўз ота-онасига, туғилган юртига, миллатига қарши қўйишга уринаётган хоинларни топиб, албатта, жазосини берамиз. Уларга бизнинг диёримизда жой йўқ.

Бошини қимирлатиб келаётган Нормат ака Элёрнинг елкасига аста-аста уриб қўйди. Улар гап билан бўлиб катта кўчага чиқиб қолганини сезишмади.

– Шу ерда сиз билан хайрлашамиз, – деди Нормат ака ўзини дадил тутиб. – Ишдан қўйганим учун минг бор узр.

– Атай келганингизда меҳмон қилолмаганим учун мен кечирим сўрашим керак.

Нормат ака бу сафар Элёрнинг билагидан ушлаб «Ҳечқиси йўқ, сиз билан ҳали кўп бора учрашамиз» деди. Элёр ноилож машина тўхтади, Нормат акани ўтиришга ундади.

– Сиз бемалол ишингизга кетаверинг, мен яна бир жойга ўтишим керак, – деб Нормат ака таклифга унамади.

– Худди ўша жойга ташлаб ўтаман. Қани, чиқинг, Нормат ака, – деди Элёр бу сафар қатъий туриб.

Нормат ака Элёрни кўндира олмаслигига кўзи етиб, шундоқ ёнгинасида тўхтаган машинага ўтирди.

## XVII. КУШАНДАЛАР

Тўйтепа маҳалласи. Кечқурунги соат ўн.

Айтилган вақтда ҳамма йиғилди. Дарвозага ичкаридан қулф солинди. Чироқлар ўчирилиб, кенг ҳовлида юрган одамни таниб бўлмади қолди.

– Жуда зимистон қилиб юборма, – деди уй эгаси ичкарига кириб кетиш олдидан.

– Хўп, биттасини қолдираман, – дея жавоб қилди уй ишларига қарашиб юрадиган Чори.

Чап оёғи бироз оқсайдиган бу йигит Хидирниёзнинг уйига яқинда ишга келган ва содиқ ит каби хизмат қила бошлаган эди. Баъзи-баъзида тутилиб қолишини айтмаса, гап-сўзлари жойида, атрофда бўлаётган ишларга деярли аралашмас, айниқса, айтилган-айтилмаган ишларни ўзи билиб қилиши билан уйдагиларнинг ишончини оқлаётган эди. Бозорда арава тортиб юрадиган бу йигитни савдо билан шуғулланадиган бир таниши тавсия қилган ва ҳар замонда ўзи ҳам келиб хабар олиб турарди.

Аслида, бугун меҳмонга келувчиларнинг энг охириги бўлиб қадам ранжида қилгани ўша савдогар Шермат эди. У Чори билан қуюқ кўришиб, эринмай ҳол-аҳвол сўради. Йигитнинг туриш-турмуши, ишлари яхши эканлигини эшитгач, елкасига аста қоқиб қўйди. Сўнг меҳмонхонага киришдан олдин истехзоли тиржайиб деди:

– Яхши ишласанг, хўжайининг ўзим уйлаб қўяман деяпти, шу ростми?

Бу гапни энди эшитиб турган Чорининг оғзидан таноби қочди. Бирдан кайфияти кўтарилиб, қўлини кўксига қўйди. Нимадир демоқчи бўлди, аммо бирдан дудқланиб қолди.

Негаки бу пайтда ичкаридан хўжайини чиқиб келган ва Шермат билан қучоқлашиб кўришгач, иршайган,

лекин бирдан жиддий тортган Чорига нигоҳ ташлаган эди.

– Меҳмонлар келиб бўлди, Чори.

Ана шу гапдан кейин дарвоза ёпилган ва чор атрофдаги чироқлар бирин-кетин ўчирилган эди. Чори ошхона томонга юрганда, уй эгаси Шерматга юзланди.

– Чорига нима дединг, оғзи қулоғида?

Шермат ичкарига кираркан остонада тўхтаб, Чорига айтган гапини такрорлади. Кейин таъкид билан қўшиб қўйди:

– Биларсан, йигирма олтига кирапти, лекин савобнинг тагида қолардинг-да.

Уй эгаси паст кетишни истамади:

– Кейинги пайтларда ўзим ҳам шу ҳақда ўйлаб юргандим. Қаердан била қолдинг ниятимни?

– Савдогарлар шунақа сезгир бўлиши керак, биродар.

– Гапинг тўғри. Қани, марҳабо!

Меҳмонхона эшиги ёпилгач, ҳовли сукунатга чўмди. Ошхонага кирган Чори ширин энтикканича очиқ деразадан ғира-шира ёришиб турган атрофга тикилди. Ҳали ранг олмаган хурмо мевалари қорайиб кўринади. Бассейндаги сувда янги чиққан ойнинг акси кўзга ташланади, салдан кейин қайсидир ҳашаротнинг қанотлари ҳўл бўлди чоғи, сув юзида оймомо лип-лип суза бошлади.

\* \* \*

Меҳмонхона ўртасидаги узун хонтахта устидаги дастурхон турли ноз-неъматлар билан тўла. Лекин таажжубланарлиси, тўкин дастурхонга бири оқ, бири қизил узун шишалар қўйилган бўлиб, диққат билан қараган одам булар оддий ичимликлар эмаслигини албатта, пайқарди. Дастурхон меҳмонларга мунтазир

эди. Бироқ ичкари хонадонга ташриф буюрган йигирмага яқин киши қани? Қизиқ, бу одамлар меҳмондорчиликка келишмаганми ёки... Сиз ҳам ҳайрон бўла бошладингизми? Ҳозир топамиз уларни, қани, мана бу шкафага ўхшаш эшикни очайлик-чи. Ҳм-ҳм, шкаф ичида яна эшик кўриняпти-ку. Бекорга таажжубланмаган экансиз, хонадонга ташриф буюрганлар аллақачон ертўлага тушиб, мажлис ўтказиш учун қилинган жойни эгаллаб бўлган, фақат раиснинг юқорига ўтишини кутишаётган эди. Келинг, уларни кузатишда давом этамиз. Қизиқ-да, тепада шундай катта очил дастурхон турса-ю, булар ертўлада қуруқдан-қуруқ ўтиришса?

Шермат кеч келгани боис қуйида қолди, уй эгаси, яъни, Хидирниёз Наҳимов виқор билан тўрдаги жойни эгаллади. Сўнг йиғилганларга салом бериб, сохта бошиқлик билан сўз бошлади.

– Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғдир. Ўтган гал бой берилган имкониятни омадсизлик ёхуд қоронғулик десак, бу сафар қўлга киритган маълумотимиз ва амалга оширажак режамиз ёруғлик бўлади.

Ўтирганлар қандай муҳим маълумотлигига қизиқиб, бир-бирларига қараб қўйишди. Сўнг раиснинг оғзига термилишди.

– Аввало, маълумотдан бошласам. Эрта-индин юртимизга Америка давлатининг жуда катта миқдордаги, яъни йигирма икки миллион долларлик инсонпарварлик ёрдами келиши кутилмоқда экан. Бу тунов кунги учрашувнинг натижаси бўлиши ҳам мумкин. НАТО билан Американинг тили бир. Демак, мақсадлари аниқ: улар бизни ўз таъсири остига олмоқчи. Балки, иккинчи Афғонистон қилишни кўзлашгандир. Шунинг учун келадиган дори-дармон ва тиббий асбоб-ускуналарнинг кулини кўкка совуришимиз керак. Худо билади,



самолётда яна нималар бор? Балки ичи тўла қурол-яроғдир. Шундай экан, бизга номаълум бўлган юкни самолётдан тушмасданоқ йўқ қилишимиз лозим. Бунинг икки йўли бор: биринчиси, самолётни аэропортнинг ўзидаёқ портлатиб ташлаш ёки бўлмаса, юк ташишга жалб қилинган машиналарни аэропортдан чиқишини пойлаб, йўлда бирма-бир қўлга киритишимиз зарур. Бизга Американинг ҳеч қандай ёрдами керак эмас. Европага интилиш бизни ҳалокатга етаклайди. Туркия, Афғонистон, Миср, Саудия Арабистони ва Эрондан ҳар қанча кўмак бўлса, жон деб қабул қиламиз. Чунки бу давлатларнинг айрим гуруҳ ва партиялари бизга хайрихоҳ. Айниқса, Ўзбекистонда халифалик ўрнатилишидан жуда манфаатдор кучлар бор. Демак, олдимизда битта йўл турибди: Европа давлатлари, айниқса, Американинг яқинлашишига асло йўл қўймаслигимиз керак!

Раис гапини тугатгандай ортига суянди. Ертўладаги жой меҳмонхона узунлигида бўлиб, ерга бир текисда похол, унинг устидан эса қалин гилам тўшалган эди. Бир қараган одамга спорт машқлари, аниқроғи, кураш ёки самбо мусобақалари ўтказилаётган манзарани эслатарди. Йиғилганлар гилам четида айлана ҳосил қилганларича, тиззалаб ўтиришар, биргина раиснинг тагида тахтиравонга ўхшаш курси бор эди. У шу туришида мусобақа ҳакамини эслатар эди.

Аслида ҳам бундай кўринишдан шу мақсад кўзланганди. Мабодо бирортаси бостириб келиб қолган тақдирда дарҳол ўртага икки киши чиқиши ва курашиб турган ҳолатни акс эттириши керак эди. Бу ерда ҳеч қанақа йиғин, махфий учрашув, давлат сиёсатига қарши гап-сўз бўлаётгани йўқ. Одатдаги маишатдан олдин улфатларнинг баҳси бўйича куч синашиляпти, холос. Қани, бу ерда бирон шубҳали китоб ёки қўлланма борми? Ёки телевизор

бормидики, беҳаё фильмлар намоиш этилаётган бўлса. Эркаклар куч синашяпти. Бунинг нимаси ёмон?

Қисқаси, бериладиган ҳар қандай саволга ўз қўнгилларида жавоб тайёрлаб қўйишган. Шунданми, раис бу томондан деярли хотиржам эди. Энг асосийси, гуруҳида сотқин бўлмаса, ҳеч ким ҳеч нарсадан шубҳа қилмайди. Ҳовли атрофи, уй ичлари, ертўла электр ишларини яхши тушунадиган гуруҳ аъзоси Яшин томонидан ниҳоятда синчковлик билан текшириб чиқилган, бирор ерда гумонга асос бўладиган сим, кабель, овоз эшитиш ёки ёзиб олиш мосламаси ўрнатилмаган. Буни ўзи ҳам текшириб чиққан Хидирниёз Наҳимов махфий суҳбат учун меҳмонхонанинг тагида махсус ертўла қаздирган эди. У ўтган сафарги муваффақиятсизликдан кейин махсус хизмат вакилларининг назарига тушмаслик учун дастурхон устига турли хил алкоголь ичимликларни ҳам қўйдирган эди. Мабодо суриштирув жиддий тус оладиган бўлса, ҳатто баъзилари ичишга ҳам шай эди. Шу тариқа икки ёрдамчисини огоҳлантириб, қадаҳ сўзларигача ёдлатиб қўйганди. Шундоқ ҳам унда-бунда отиб юрадиган Муқим Ғаниев билан Насим Тўраев бирпасда булбулигўёга айланди-қолди. Қўйиб берса, соқийлар соатлаб гапиришга тайёр эди. Муҳими, қўлга тушишмаса, бас!

– Бу жуда жиддий масала! – дея сўзида давом этди раис. – Агар режани амалга оширсак, Американинг жаҳли чиқиши ва тўнини тескари кийиб олиши аниқ. Бизга эса худди шу нарса керак. Ана ундан кейин Туркиядаги Нурчиларнинг, араб мамлакатларида фаолият олиб бораётган ваҳҳобийчиларнинг, Афғонистон ва Эрондаги биродарларимизнинг юртимизга кириб келиши осонлашади. Зеро, улар бизларга мадад кўрсатишга тайёр турибдилар. Уларнинг бу ерда ишончли ҳамкор қидиришаётгани ва биз билан мустақкам алоқа

ўрнатганлиги ҳақидаги маълумот – бу сизларга етказмоқчи бўлган иккинчи қувончли хабаримдир. Турли оқимларнинг ҳаракати мамлакатдаги тинчликни издан чиқиришда, алғов-далғов, таҳликали вазиятларни юзага келтиришда асосий омил бўлади. Энг асосийси, биз эътиборда бўлмаймиз. Махсус хизмат ҳам, мелиса ҳам четдан келган гуруҳларнинг кетидан пойлаб юрган бир пайтда ўзимизнинг асосий режамизни амалга оширамиз. Пойтахтнинг бир неча жойида портлашлар уюштирамиз ва мақсадимизга етамиз!

– Шу мақсадни биз ҳам билсак бўладими? – сўради тиззалаганича қаддини кўтарган Холбек исмли йигит.

Хидирниёз Наҳимов ўқотар қуролларнинг устаси бўлган бу йигитга, бевақт савол берса-да, жилмайиб нигоҳ ташлади. Бу пайтда баъзилар чап юзида бир неча холи бор йигитга хавотир билан қараб қўйишди.

– Ҳали сўзимни тугатмаган бўлсам-да, саволингга жавоб бераман, – деди мажлис раиси овозини бироз кўтариб. – Мақсадимиз Ўзбекистонни Ислом республикаси қилиш ва Халифаликни жорий этиш. Америкадан ёрдам келадиган юкни самолёти билан бирга йўқ қилиш – бу режамиздаги биринчи масала. Иккинчи масала: эрта-индин Афғонистон орқали жиҳод йўлида ўзини портлатиб юборишга тайёр ўнлаб аёллар келишади, уларни кутиб олишимиз ва портлашни қаерларда амалга оширишларини кўрса тишимиз керак. Учинчи асосий ва ҳал қилувчи масала, майда-чуйда портлашлардан фойдаланиб, ниҳоятда пухта тайёргарлик кўриш ва Тошкентнинг қоқ марказида бирданига кўплаб портлашлар уюштириш. Ана шу портлашларнинг бири Халифаликка қарши бўлаётган давлат раҳбарига қаратилган бўлади! Мана шу учинчи зарба ўз вақтида ва жуда аниқлик билан амалга оширилиши шарт! Шунда ҳамма масалага мана бун-

дай (Хидирниёз муштини кўрсатди) нуқта қўямиз ва ғалабага эришамиз. Қирол ўлди, яшасин, Халифаи замон! Хўш, яна саволлар борми?

– Шу пайтгача Халифалик учун кураш олиб бораётган мавжуд кучлар бирорта давлатда бу ишни амалга оширилган эмас, – дея савол берди Садир. – Бизда ҳам шунга ўхшаш уринишлар бўлди, аммо Президентни кўришлари биланоқ негадир жуфтакни ростлаб қолишди. Четдан туриб йўл кўрсатиш осон. Пул, қурол ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлашар. Аммо амалдаги тузумни ўзгартириш бу ерда ўтирганларнинг қўлидан келармикин?

– Чумчуқдан кўрққан тариқ экмайди, деган мақол бор. Биздан аввалги гуруҳларнинг қўлидан иш келмаганининг сабаби, уларга жонлари ширин кўринди. Мақсад учун курашиш ўрнига жанг майдонини ташлаб қочишди. Бироқ биз ҳар қандай тўсиққа қарамай, охиригача курашамиз ва бутун дунёга нималарга қодир эканлигимизни кўрсатиб қўямиз. Агар ниятимизга эришолсак, бир ойга қолмай барча араб давлатларида Халифалик учун кураш бошланади. Ана ундан кейин Европанинг таслим бўлишини томоша қиламиз. Аҳолиси орасида шундоқ ҳам мусулмонлар кундан-кунга кўпаяётган Франция биринчи бўлиб Ислон давлатига айланади. Германияни эса турклар эгаллаб бўлди, улар бирдан бош кўтарса, Иккинчи жаҳон урушида енгилиб, юрагини олдириб қўйган немислар сўзсиз таслим бўлишади.

– Бу ҳақда кимлардир бош қотирыяптими? – тоқатсизлик билан сўради Садир.

– Бўлмасам-чи?! Бутун дунёда жуда катта уламолар бош қотирыпти. Агар биз ташаббусни қўлга олиб, Халифаликни биринчи бўлиб жорий қилишга эришсак, Маккаю Мадинадан кейинги энг табаррук жой

бизнинг юртимиз бўлади. Имом ал-Бухорий ватани деб эъзозда бўласизлар. Бутун дунёнинг мусулмонлари муқаддас ҳаж сафаридан кейин тўғри Ўзбекистонга келишади ва бизларнинг қўлларимизни ўпиб, тавоф этишади. Хўш, бу курашишга, қўлга қурол олишга арзимайдими? Арзийди! Ҳозир мамлакатда диний эркинлик берилган бир пайтда минглаб ёшлар қаёққа бош уришни билмай гангиб юришибди. Ислом динини тушуниш учун масжидларга қатнаётган ўсмирлардан фойдаланиб қолишимиз керак. Улар катта куч! Ёшлар бош кўтарса, пойтахтда Фарғонанинг куни келади. Халифаликни истамаганлар месхети турклардай ё мамлакатдан чиқиб кетишади, ёки таслим бўлишади. Ҳар икки ҳолат ҳам бизларни қониқтиради!

Биз муқаддас ишга ишонишимиз лозим. Энди янглишишимиз мумкин эмас. Ҳар биримиз ваъда қилинган бойликка, юксак мартаба ва мавқега эга бўлиш учун ҳеч нарсадан тап тортмасдан курашга бел боғлашимиз керак. Ана шундагина олдимизга қўйган ниятимизга етамиз. Бу йўлда Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин!

Ўтирганлар бирданига «Омин» дейишди.

– Энди Америкадан келадиган юкни йўқ қилишнинг режасини тузаск. Кимда қандай таклиф бор?

\* \* \*

– Аэропорт ходимлари ёки хизматчилари орасида ишончли одамимиз борми? – сўради Сайфулло Жиянов хирилдоқ овозда.

– Автобус ҳайдовчиларидан бири бизга хайрихоҳлардан.

– Унда, автобусга портловчи механизмни ўрнатиб, самолёт келиши билан унинг яқинига борилади ва узоқдан туриб...

– Гап бомбани аэропорт ичига олиб киришда, – чўтир юзли Сайфуллонинг гапини бўлди Муқим Ғаниев. У ўйга толган раиснинг хаёлини бўлишни истамай деярли паст овозда гапирди.

– Ҳайдовчилар иложини қилса бўлади. Бирорта янги эҳтиёт қисмларнинг ичига солиб олиб кириши мумкин, – фикрини давом эттирди Сайфулло. Бу сафар гапи анча ишончли чиқди.

– Биринчидан, барча асбоб-ускуна омбордан берилди, – бу гапга дарҳол эътироз билдирди Фурқат Каттахўжаев деган тепакал киши. – Иккинчидан, махсус хизмат ходимлари Америка самолётининг олдига ҳеч нимани яқинлаштирамайди.

– Демак, сенингча, самолётни аэропортда портлатишнинг иложи йўқ, шундайми? – сўради Хидирниёз Наҳимов пешанасини тириштириб.

– Жуда қийин иш.

– Унда бирор юк машинасининг ҳайдовчисини қўлга оламиз, – деди раис ўйлаб ўтирмай.

– Қандай?

– Пул билан! – раиснинг нигоҳи бир пайтлар учувчи бўлган, аммо чет элдан ноқонуний нарса олиб келишда айбланиб ишдан бўшатишган, янаям аниқроғи, авиациядан ҳайдалган Фурқат Каттахўжаевга қадалди.

– «Инсонпарварлик ёрдами» деб аталган махсус юкларни Ички ишлар вазирлигининг синовидан ўтиб, унинг рўйхатида турган ёки Мудофаа вазирлигига қарашли базанинг ҳайдовчилари ташиши мумкин. Уларни пул билан авраб бўлмайди, – деди Фурқат Каттахўжаев хотиржамлик билан.

– Пулга сотилмайдиган одам борми?

– Мен айтган ҳайдовчилар билан тил топишолмаймиз. Улар сиримизни керакли жойга дарров етказиши мумкин.

– Унда автобусни портлатиб, уни самолётга обориб уриш керак!

Раиснинг бу гапидан собиқ учувчи сергак тортди. Кейин «Ўйлаб гапиряптими?» дегандай энсаси қотди.

– Аммо бу портлаш ниҳоятда катта самолётга таъсир қилмаслиги мумкин.

– Хўш, унда нима қилиш керак?

– Автобуснинг портлаши самолётга ёнилғи қуйилаётган пайтга тўғри келса, айти муддао бўларди. Агар бензин ташувчи машина автобус билан бирга портласа, самолётга жиддий зарар етиши турган гап. Балки ундан ҳеч вақо қолмас.

– Ҳа, тўғри.

– Менимча, самолётни қўнаётганда уриш керак. Шунда аэропорт ичига киришга ҳам ҳожат қолмайди, – деди Садир жим ўтиришни ўзига эп кўрмай.

– Гранатомёт билан аэропортга яқинлашиб бўларканми?

– Эпласа бўлади, – Сайфуллонинг гапига парво қилмади Садир.

– Узоқдан туриб эплаш қийин, – баҳс тизгинини ўз қўлига олди раис. – Энг яхши вариант автобусни портлатиш ва самолётни заправка қилишга келган бензовозга бориб уриш.

– Ўлимга тик борадиган шундай мард борми ичимизда? – совуқ тиржайди Садир.

– Ҳайдовчи автобусдан тушиб қолса, уни қутқариб оламиз. Шу кафолат билан вазифани бажаришга кўндиришлар. Демак, бу масала ҳал бўлди.

– Йўқ, шошманглар, яна бир гап бор, – деди собиқ учувчи хаёлига келган фикрни ўртага ташлашни кўзлаб. – Агар самолёт ҳарбий аэродромга қўнса-чи? Кўпинча шундай йўл тугилади. Унда нима қиламиз?

Раис бир зум тин олди.

– Ҳа-я, – деди Садир тиззасига шаппалатиб. – Бу вариантням ўйлаб қўйишимиз лозим.

– Самолёт ҳарбий аэродромга қўнадиган бўлса, юк ташийдиган машиналарга ҳужум уюштирамиз, – дея гап бошлади раис ўртада саросима, иккиланиш бошланмаслиги учун. – Қандай бўлмасин, келтирилган нарсаларга жиддий талафот етказишимиз шарт! Демак, самолёт халқаро аэропортга қўнадиган бўлса, келишганимиздай уни портлатиб юборамиз. Мабодо ҳарбий аэродромга тушса, юк ташувчи машиналарга бирин-кетин ҳужум уюштирамиз.

– Унда икки гуруҳга бўлинарканмиз-да? – сўради Сайфулло Жиянов бирортасига етакчилик қилиш умиди билан.

– Ҳа, шундай қилишимизга тўғри келади. Лекин ишончим комилки, ҳар икки вариантда ҳам режани охиригача бажаришимиз шарт. Шунда бу сафар омад биз тарафда бўлади. Ва дастлабки ғалабамизни нишонлашга жуда яқин турибмиз. Қани, бор кучингизни кўрсатинг, бўлажак янги тузумда ўзингизга муносиб лавозимларнинг бирини эгалланг! Ғалабани нишонлашга эса яна шу ерда тўпланамиз ва жасорат кўрсатганларни муносиб тақдирлаш маросимини ўтказамиз!

Аввал раиснинг, сўнг атрофдагиларнинг юзида хурсандчилик аломатлари зоҳир бўлди. Худди мукофотлаш тадбирига келишгандай ҳис этишди ўзларини. Кайфият кўтарилганидан фойдаланиб, раис мажлис аҳлини зиёфатга ундади. «Мана бу бошқа гап!» деганлар астойдил ўринларидан қўзғалишди.

\* \* \*

Дастурхонда қўнгил тусаган барча ноз-неъматлар муҳайё эди. Йиғилганлар ўзларини шоҳона зиёфатда



ҳис этишиб, бирам яйрадиларки, ҳар замонда «Бундан буён худди шундай яшайсизлар!», «Ризқингиз ва мартабангиз яна зиёда бўлғай!» деб луқма ташлаб турган раиснинг гапига ишониб қолишди. Айниқса, қуюқ меҳмондорчиликдан сўнг тарқатилган конверт хуш кўнгилларни янада тўлқинлантириб юборди.

Зиёфатдан сўнг Хидирниёз икки ёрдамчисини қолишга имлади.

– Мана бу режа билан яхшилаб танишиб чиққач, ёқиб юборинг, – деб раис Муқим Ғаниевга икки букланган қоғоз тутқазди. – Кейин вазифани ишончли одамга топшириб, ҳозироқ Наманганга жўнатынг. Кўрсатилган манзилда, албатта, отишма содир бўлиши керак. Отишмада эса... юборган одамнинг, яъни уй қоровули «шаҳид» кетади. Аммо буни ўзи билмаслиги керак, тушундингми?

– Уни ким...

– Қўлга олиш гуруҳида одамимиз бўлади.

– Тушундим. Лекин мабодо...

– Кўрсатмани яхшилаб ўқинг. Режа бўйича иш кетса, отишмада бизнинг вакилимиз «қўлга олинади». У қамоқда Болтани йўқ қилади. Кейин унинг ўзини гумдон қилишга бошқа одамни юборамиз. Хўш, вазифа тушунарли бўлдими?

– Ҳа, албатта.

Энди бизга «Ҳоқим»ларнинг кераги йўқ. Салдан кейин Маматқулнинг ҳам баҳридан ўтамыз. Атрофида милиция ўралашиб қолди. Уларга ишлаётган бўлиши мумкин.

– Пухта ўйлабсиз.

– Ана энди сизга ҳам муҳим вазифа берамиз, – деб Насим Тўраевга юзланди раис. Мақтов ёқса-да, жиддий қиёфасини ўзгартирмади.

– Бош устига!

– Икки «Ҳоким»ни тинчитганимиздан сўнг, давлат қамокдагиларни ва афв этилганларни бирма-бир ўлдиришни бошлади деган, уйдирма тарқатасиз, – босиқлик билан сўзини давом эттирди Хидирниёз Наҳимов.

– Одамлар ҳибсга олинган фарзандларининг тақдирдан хавотирга тушиб, кўчага чиқишлари керак. Ана шундай тўполонларда битта-яримтаси ўзига ўт қўйса, аъло иш бўларди. Имкон топиб шу ишларни амалга оширишимиз зарур. Шундагина шубҳадан холи бўлиб, бемалол ишлаймиз.

– Эрлари қийноққа солинаётган беш-олтита хотинни кўз остимга олиб қўйганман. Улар дардини кимга айтишни билолмай маҳкама биносининг атрофида ўралашиб юришибди, – деди Насим Тўраев оғзини тўлдириб.

– Ана ўшаларни гиж-гижлашимиз керак.

– Унда эртадан ишга киришаман, муҳтарам раис.

– Офарин. Энди сизларга аталган мана бу совғани олинглар, – раис шундай деб узун ҳаворанг халатининг чўнтагидан иккита конверт олди-да, ёрдамчиларига узатди. – Яна бир марта ёдингизга солиб қўйишни лозим топдим: ҳар қандай шароитда ҳам фақат иккин-гизга ишонаман. Ким нима деб алжирамасин, сизлар менинг энг яқин ва содиқ маслақдошимсиз. Имонимни ўртага қўйиб, қасам ичаманки, ғалабага эришгач, бу Халифалик давлатини фақат шу уч киши бошқаради. Дастлаб тузган шу «Учлик» гуруҳимиз энг олий бошқарув органи бўлиб қолади!

– Иншооллоҳ! – деди Муртазо.

– Омин! – деди Нажмиддин.

– Ана энди тарақаламиз.

Хидирниёз шундай деб ёрдамчиларини ҳовлига бошлади. Дарвоза томон юраётган Насим нигоҳи ҳовли четидаги паррандахонага тушиб, анчадан буён дилига тугиб қўйган саволига шу тобда жавоб олишни истаб қолди.

– Сўраганнинг айби йўқ, дейишади. Уйда нечун канарейка боқишингизнинг сабабини билсам бўладими?

Хидирниёз Насимдан бу саволни кутмаган эди. Аммо қушлари ҳақида гап очилгани боис, тўхтаб ортига буриларкан, мийиғида кулиб қўйди. Буни ўзича тунгунган Насим жим тура олмади.

– Ишқибозликми ёки бизнес? Лекин, аминманки, сиздай зот бу ажойиб қушларни сотиб тирикчилик қилмайди.

Хидирниёз яна жилмайди. Кейин меҳмонларни майда сим тўр билан ўралган, ичида ранг-баранг қушлар ингичка узун шохларда тизилиб турган севимли жойига бошлаб келди. Жонсарақ канарейкаларнинг баъзилари питирлаб қолишди, сўнг бегона одамлардан чўчигандай учиб новдадан новдага қўна бошлади.

– Қизиқиб қолдиларинг-а? Ҳа, майли, бунинг сирини сизларга ошкор қилганим бўлсин, – деб вазминлик билан сўз бошлади Хидирниёз қушларига ҳавас билан тикилиб турган Насимнинг елкасига қўл ташлаб. – Кейинги пайтларда кўп ишлаганимданми, қон босимим ошганга ўхшаяпти. Қайсидир журналда канарейка одамнинг қон босимини туширади, деб ўқигандим. Лекин ростданам шунақа экан. Кунора хуфтондан кейин ўн беш-йигирма дақиқа мана бу стулда уларга термилиб ўтираман. Аллоҳнинг иродаси билан энди бошланаётган дарддан халос бўлдим.

– Ана мўъжиза!

– Агар истасангиз, бир жуфтдан совға қиламан.

– Менда қон босими ошмайди-ю, аммо асабларим чарчаганини аниқ биламан. Дам олишга эса... вақт йўқ.

– Нолиманг, биродари азиз. Бу касалнинг давоси бир-иккита саъва боқиш, – Хидирниёз қушшунос олимлардай салмоқ билан жавоб қилди.

– Ростданми? – деди Муқим Ғаниев канарейкаларнинг бундай чиройли бўлишини биринчи марта қўриб тургандай ҳайратланиб. У бармоқларини тўрдан ўтказиб қушларнинг қўнишини истар, аммо безовта канарейкалар унга яқинлашмасди.

– Илмий исботланган деб ёзилган, – дарҳол жавоб қилди Хидирниёз.

– Саъва қанақа қуш ўзи? Топса бўладими?

– Бозорга чиқсанг топасан, албатта. Саъванинг сайраши неврозга чалинган кишиларнинг асабини тинчлантиради, кайфиятини кўтариб, янгидан-янги ишларга ундайди.

– Сенга жуда керак экан, – деди Муқим Ғаниев.

– Ўзинг-чи, ўзинг. Юрак ўйноқи бўлиб қолдим деб шикоят қилаётгандинг-ку!

– Бунинг давоси оддий, – деди Хидирниёз бамайлихотирлик билан.

Ўринбосарларнинг иккиси ҳам унинг оғзига тикилишди.

– Уйда уч-тўртта тўтиқуш боқиб қўй, олам гулистон!

– Йўғ-э? – дея бу соҳада ожизлигини яшириб ўтирмади Муқим Ғаниев.

– Тўтиқуш боқсанг, юрак касали яқинингга йўламайди.

– Эртагаёқ топтириб келаман.

– Ҳа, яна фойдали томонларини эшит: мабодо ошқозонингда яра бўлса, ҳар куни ярим соатдан сал кўпроқ қушлар парвариши билан шуғуллансанг, тамом-вассалом, тез кунда оғриқдан асар ҳам қолмайди.

– Бу нарсаларни қаердан биласиз? – деди Насим қафасдаги қушлардан кўзини олиб, мезбонга юзланаркан.

– Газета ва журнал ўқиб туриш керак, биродар.

– Дўхтирлардан қолишмас экан-да?

– Бўлмасам-чи! Вақтида дон-сувини бериб турсанг бас. Бунақа текин даво қаерда бор? Ҳозирги пайтда

табибларга ишониб бўладими? Дўхтирлар эса йўқ касални топиб бошингни қотиришади. Демак, иккисидан ҳам воз кечдим.

Насим билан Муқим «Тўғри, ростдан» дейишиб бош қимирлатишди. Сухбатни ортиқ чўзиб ўтиришни истамаган Хидирниёз «Мана шунақа гаплар, азиз биродарлар!» деб уларни дарвоза томон бошлади.

### **XVIII. КАЛАВАНИНГ УЧИ ҚАЕРДА?**

Элёрга капитан, Жалил Очиловга эса подполковник унвони берилиб, хавфсизлик хизмати ходимларининг ишига ташаккурнома эълон қилинганига ҳам бир ҳафта бўлиб қолди. Шогирдларини янги унвонда кўриш полковник Бўронов учун хурсандчилик эди, албатта. У Элёрнинг таклифи билан қанчалар катта хавф ва ғалвага чек қўйилганини чуқур ҳис қиларди-ю, лекин мабодо шундай вариантни қўлламаганимизда нима бўларди, деб ўзига ўзи савол бергандаёқ юраги орқасига тортиб кетарди.

Ҳа, дунёнинг энг буюк давлатларининг Ўзбекистонга бўлган ишончи йўқоларди. Бу эса «Ўзбек модели» билан жаҳонга юз тутаётган мамлакат учун анчагина муаммолар келтириб чиқариши мумкин эди. Мамлакатда тартиб-интизомни сақлаш учун ўз инсонпарварлик кучларини киритишга шай бўлиб турган давлатлар дарҳол ғимирлаб қолишарди. Ёки шу ернинг ўзида яширин тарзда иш олиб бораётган диний экстремистик гуруҳлар янада фаоллашиб, бузғунчиликни кучайтириб юборишарди. Полковник бундай гуруҳ ёки турли оқимларнинг фаолиятдан хавфсираётгани йўқ эди. Уларни бостиришга давлатнинг кучи ҳам, қудрати ҳам етади. Уни ўйлантирган, ташвишга солган нарса жаҳон

ҳамжамиятида шу кунгача дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган улуғ юрти ҳақида салбий фикр туғилиши мумкинлиги эди. Чунки биргина фожиа етакчи мамлакатларнинг муносабати ўзгаришига сабаб бўлиб, энди-энди бошланаётган дўстона алоқаларга путур етарди. Бундан ташқари, мамлакат Президентининг Ички ишлар вазирлиги ва хавфсизлик хизмати ходимларига ишончи йўқолиши эса ҳақиқий фожиа эди. Хайриятки, бундай нохуш ҳол юз бермади.

Полковник кечаги топшириқнинг жавобини эшитиш учун Жалил Очиловни хонасига таклиф қилган ва у келгунча шу нарсалар ҳақида бош қотириб ўтирганди. Аслида, полковник бу тўғрида жуда кўп ўйлаган ва ҳар гал тамомила оқарган сочларини силаб, бошини маъюс қимирлатиб қўйиш билан содир бўлмаган, аммо қалбини титратган хаёлларга чек қўярди. Бу сафар Жалил Очилов киришга рухсат сўрагандагина фикри бўлинди.

– Қани, ўтир, – саломлашгандан кейин буюрди полковник Бўронов. – Ҳўш, у ёқда нима гаплар?

– Янги «Ҳоким» билан учрашдим. Ҳеч нимадан хабарим йўқ деб туриб олди.

– Кимийди у? Ҳа, Маматқул деганимиди?

– Йўқ, Маматқул эски «Ҳоким». У қўлга тушганидан кейин бу лавозим Болта Деҳқонов деган кимсага ваъда қилинган. Бухоро аэропортидаги чап қулоғи бироз букилган йигитни эсладингизми? Ҳа, худди ўша. Аммо агентлардан сўраб-суриштириб, унинг ими-жимидида иш олиб бораётганини билиб олдим.

– Қанақа иш? – полковникнинг қошлари туташди.

– Ташқари билан алоқа ўрнатгани ростга ўхшайди.

– Менга худди шу керак эди. Ортидан одам қўй. Унинг ҳар бир ҳаракатидан хабардор бўлишимиз керак. Агар кечаги босқинчи гуруҳ билан алоқаси бўлса, калаванинг учи топилди деявер.

– Хўп бўлади.

– Қидирув ишлари самара бермаётган бир пайтда жиноятчиларнинг изини топишимиз жуда муҳим.

– Шаҳар ички ишлар бошқармаси тунов кунги ўқ отилган хонадон эгасини «Жиноятчиларни атай ижарага қўйгансан» деб, вақтинча қамаб қўйишибди.

– Эшитдим. Лекин ростданам унинг жинойи гуруҳ билан алоқаси бўлмаса, бундан натижа чиқмайди, – деди полковник Бўронов ручкани столга уриб. Кейин Жалил Очиловга кўз қирини ташларкан, сўради: – Ҳа, айтгандай, ўлган одамнинг шахсини ҳалиям аниқлаша олишмадимиз?

– Менимча, у бизнинг фуқаро эмас, – дея жавоб қилди Жалил Очилов қўлидаги дафтарга нигоҳ ташлаб олгач. – Ёнида бирор хужжати бўлмагани ёки шу пайтгача яқинларидан ариза тушмагани мурданинг шахсини билишга тўсқинлик қилаётганга ўхшайди. Архивда унинг бармоқ излари ҳам топилмаган.

– Унинг суратини Болта Деҳқоновга кўрсатдингми?

– Кўрсатдим. Аммо танимайман, деди.

– Хўш, Одиловнинг ишлари қалай?

– Наманганга юборсамми, дегандим.

– Нега? – полковник кўз қири билан Жалилга қаради.

– Кечаси кимдир Мустафонинг киоскасини ёқиб кетибди. Гумони «Қилич» лақабли паттачилар бошлиғидан экан, – тезда янги маълумотнинг хабарини берди Очилов.

– У ерда одамларинг бор-ку?

– Ҳакимовни алмаштирмақчиман. Умид Наманганда ишлолмаяпти. Бунинг устига, берилган топшириқни бажаришни жуда чўзиб юборяпти.

– Ўрнига Элёрни жўнатмоқчимисан? – полковник энди росмана Очиловга юзланди.

– Йўқ. Одиловни воқеани ўрганиш учун юбормоқчиман, холос. Ундан кейин онаси келин топганмиш,

биратўла кўриб кела қолсин дегандим. Агар бошқа топшириқ бўлмаса, албатта, – деди бироз жонланган Жалил Очилов. Шу тобда унинг жиддий юзига салгина ним табассум югурган эди.

– Шунақами? – деди ўрнидан турган полковник қўлларини ёзиб. Бу хабар айна пайтда Бўроновнинг ҳам кайфиятини кўтариб юборди. – Яхши. Унда Элёрга тайинла, аввал уйига борсин, қайтишда эса Наманганга. У ерда Маматқул билан, албатта, учрашсин. Афв этилгандан кейин нима ишлар билан шуғулланиб юрганини ўз кўзи билан кўрсин. Мана бу расм Наманганга юборилганми?

– Ҳа.

– Нима, у ердагилар ҳам танишмас эканми?

– Худди шундай.

– Бундай бўлиши мумкин эмас. Шу бугуноқ Ички ишлар вазирлиги билан гаплаш: уюшган жиноий гуруҳ аъзоси, бир неча йилдан бери қидирилаётган кимса қўлга тушгани, уни таниган-билган одамлар, ундан жабр кўрган шахслар ўзлари яшаб турган жойларидаги милиция бўлимларига хабар беришларини сўраймиз деб суратини газетага беришсин. Телевидениега ўзим тайинлайман. Элёр суриштиришда, унинг гўё Маматқул номини тилга олганини ва буни аниқлаштиришга келганини, агар тўғриси айтмаса, яна қамалишини айтсин. Ёдингда тут, баъзан марҳумлар ҳам «гапиради».

– Тушундим. Лекин...

– Нима?

– Суратда... жиноятчининг ўлгани билиниб турибди-ку? – деди Жалил Очилов иккиланиб. – Ундан кейин Маматқулга бу суратни кўрсатишган.

– Ҳечқиси йўқ. У бир ойлик комадан кейин «ўзига келган». Кечадан бошлаб кўрсатма бера бошлади. Элёр эса ана шу кўрсатмаларни текшириш учун Наманганга келган бўлади. Сурат масаласига тўхталсак,



– деди полковник столи устидаги шахси аниқланмаган мархумнинг суратига тикиларкан. – Бунинг ҳеч қандай муаммоли жойи йўқ. Компьютерда ишловчи рассомларга айтсанг, кўзини сал очиб беришади. Кейин унинг калласини касалхонада ётган бирор эркакнинг боши ўрнига ёпиштирсанг, олам гулистон! Шуниям ўргатайми сенга? Изланиш керак, ўртоқ подполковник! Айёрликка қарши маккорлик ишлатишга тўғри келяпти, дердинг-ку. Нега бу сафар шаштинг паст?

– Ҳаммаси жойида ўртоқ полковник!

– Шундай бўлсин! Ҳа, айтгандай, бошқа афв этилганлар билан ҳам шу тарзда гаплашиш керак. Бири бўлма-са, бири таниши мумкин.

– Ҳўп бўлади.

– Бўпти, ишларингга омад!

Подполковник Жалил Очилов бошлиқ билан хайрлашиб, хонани тарк этди.

\* \* \*

Фарғона.

Элёр қишлоққа оқшом пайти кириб борди. Ўғлининг эрталаб кетишини эшитган Тўхтаҳон ая вақтни беҳуда ўтказишни истамади: овқатдан сўнг уйланишдан гап очиб, масалани яна кўндаланг қўйди. Эрназар ака бу сафар «Эркак кишининг бундай узоқ азада юриши яхши эмас», деди бироз ғамгин қиёфада. Ота-онасини тинглаган Элёр чурқ этмади: худди узоқ ўйга толгандай ўтираверди. Бунга сари онаизор: «Шунча кундан бери ўйлашга вақтинг бўлмадимми, болам» деб гина қилишга ўтди.

– Бўпти, йўлдан келган, даммини олсин, эртагаям кун бор-ку, – деди ота, ниҳоят, суҳбатга яқун ясаб.

– Тонг сахарда чиқиб кетса-чи? – дея эрига мўлтираб қаради Тўхтаҳон ая.

– Хавотир олма, жавобини айтмай ҳеч қаёққа кетмайди. Қани, тур, жойини қилиб бер.

Онанинг кўнгли тинчиб, астойдил ўрнидан кўзғалди.

Элёр ўғилчасини биров ўйнатган бўлди, аммо кичкинтой жойда бир зумда ухлаб қолди. Тўхтагон ая Элёрни бемалол дам олсин деб набирасини олиб чиқиб кетди.

Эрталаб муштипар онаси билан хайрлашаркан, унинг иссиқ бағрида борлиқ ифорлардан-да аъло, ширин, қадрдон ҳидни туяркан, бош кўтаролмай бир зум туриб қолди, тўйиб-тўйиб ҳидлади, ажралишни истамади. Аммо кетиши керак, бормаса бўлмайди. Она бағридан нари бўлиш ҳамиша оғир, юракни ўртайди, ҳар куни ёхуд ҳафтада бир бор келиб тавоф қилиб кетолмаслигинг охир-оқибат афсусга айланади ва ўксик қалбинг бор вужудингни оғирлаштириб юборади. Айти пайтда эса – бошинг она бағрида экан - жамики аламли, андуҳли, армонли ҳис-туйғулар хаёлингни тарк этган. Тананг енгил, ўйларинг тиниқ, сен учун азиз инсоннинг меҳрини қаттиқроқ туйганинг сари кўзларингдаги маъюслик йўқолиб, нигоҳларинг яна равшан тортганини сезасан. Қандай яхши. Бу гўшадан-да тинч, оромбахш, саодатли ва нурли жой бормикин? Элёр шундагина ватанга нисбатан она сўзи қўшиб ишлатилишининг маъносини англагандай бўлди. Биргина она қучоғи шунчалар қадрли экан, демак, беқиёс Ватаннинг бағри ундан-да азиз, ундан-да улуғвор. Уларнинг ҳар иккиси учун жафо чексанг, кўксингни қалқон қилсанг, бутун умрингни бағишласанг арзийди ва бу ишинг учун ҳеч қачон афсусланмайсан.

Элёр, ниҳоят, бошини кўтарди. Аммо онасининг ҳадик ила боқиб турган кўзларига қарай олмади. Сўлгин

юзларидан ўпди ва бир оғизгина сўзлади: «Нимаям дердим, ўзингиз биласиз».

Онаизор енгил тин олди. Ўғил нафасини ичига ютди.

Хайрлашиш шу тариқа илиқ ва айни чоғда ғамгин кечди. Айб иш қилиб қўйгандай бағри эзилган Элёр ён-верига қарамай тўғри қабристон томон оғир қадам ташлади. Эски темир дарвозадан ўтиб, таниш қабрга яқинлашаркан, бояги гапи учун энди қаттиқ афсусланди. Гўё Муҳаббат бўлаётган ишларни билиб тургандай қабрига тик қарай олмади. Худди унга хиёнат қилгандай, оғзидан «кечир» деган сўз тушмади. Тиловат қиларкан, шўр ва тахир кўз ёши қуйилиб, дилини янаям хуфтон қилди: эплаб, бир текисда, чиройли қилиб ўқий олмаганига ўкинди. Дуо ҳам қисқа бўлди: «Мени кечир. Жойинг жаннатда бўлсин!»

Ўрнидан тураркан мункиб кетди, аранг қаддини ростлади. Хайрлашиш бундан-да оғир бўлди. Айниқса, қабрга тескари ўгирилиб чиқиб кетишини ҳечам сингдиролмади. Муҳаббат билан бутунлай видолашиб, энди унга орқасини ўгиргандай туюлиб, ғалати бир аҳволга тушиб қолди. Қабристон дарвозаси олдида анча қолиб кетди...

\* \* \*

Наманган.

Маматкул бир пайтлар дарвозанинг чап томонида жойлашган пичоқ цехини қайта тиклаган, қўшни қишлоқлик бир йигитчани шогирд қилиб ишлаётган эди. Ногоҳ Элёрга кўзи тушди, аммо бунга ортиқча аҳамият бермагандай ишини давом эттирди. Аслида, у безовталигини шу тарзда ниқобламоқчи бўлганди. Ниҳоят, атрофга учкун сачратган тош гириллаб айланишдан тўхтади. Маматкул пичоқнинг ўткирлигини аввал кўз билан чамалади, сўнг чарх олдида турган эски дафтардан бир варағини олиб ўртасига солди: пичоқ қоғозни

сариегдай кесди. Пичоқни сувга ботиргач, қорайиб кетган қалин мато билан обдан артди. Атрофга синчков нигоҳ ташлаётган Элёрга ўтириш учун жой кўрсатаркан, унинг бу ташрифидан негадир кўнгли ғашланди. Буни сездирмаслик учун қўлини қайта-қайта сочиққа артди, кейин аста ўрнидан туриб оловга яқинроқ турган чойнакни олди. Тик турганича пиёлага чой қуйди ва индамай меҳмонга узатди. Сўнг унинг қаршисидан жой эгаллади. Бу ишларни бажаргунча Маматкулнинг ҳаловатини йўқотган нигоҳлари Элёрни зимдан таъқиб этди.

Рости, бошини қимирлатиб саломлашган, кейин уста-шогирднинг ишини шошмасдан кузатган Элёрнинг сиполиги, хотиржам хатти-ҳаракатлари Маматкулнинг юрагига ғулғула солганди: «Бекордан бекорга келмаган. Ўзини кузатаётгандай кўрсатгани билан нияти бошқа. Ҳа, булар ментлардек дўқ-пўписа билан келмайди. Бақир-чақир ҳам қилмайди. Индамай туриб иш битиришади».

– Ишлар яхши-ку, – деди, ниҳоят, Элёр қайноқ чойни қўлига оларкан.

– Худого шукур, қора қозонни қайтатиб турибмиз. Лекин сиздан ўтиниб сўрайман, гапни чўзмай мақсадга ўтсангиз. Кейинги пайтларда негадир миям бирдан сиқадиган бўлиб қолган, – деб Маматкул пешонасини тириштирди ва қўлидаги пиёлани супачага солинган шолча устига «дўқ» этиб қўйди.

– Нимадан безовтасиз? – сўради Элёр бу кўнгилхираликнинг тагига етмоқ ниятида.

Маматкул кунда-кунора участка нозирининг келиши асабига тегаётгани, қисқа савол-сўроғи дағдаға билан ўтишини, худди харидор каби пичоқларини қўлга олиб у ёқ-бу ёғини кўриб кетишини ғижиниб, аламзадалик билан гапирди. Унинг узун ва озғин бармоқлари мушт бўлиб тугилганида қирсиллаб кетди.

– Бирор нима тама қиялтимми? – деди Элёр асаблари таранглашган Маматқулнинг ўзини ғалати тутаётганини назаридан қочирмай.

– Тама қилиб ўтирмайди. Аммо бу кетишда ўзимга жавоб беролмай қоламан, деб қўрқаман.

– Яна қамалиб кетишдан қўрқмайсизми?

– Баъзида кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолади.

– Бу борада шошмасангиз ҳам бўлади.

– Тушунмадим. Бу билан нима демоқчисиз? – кўнгли ғашланган Маматқулнинг кўз қорачиқлари катталашди. Шу заҳоти хаёлидан «Айтмабмидим, бекорга келмаган», деган фикр ўтди ва пиёлани бармоқлари билан беихтиёр сиққанди, «тирс» этган товуш эшитилди. Бироқ Маматқул буни пайқамади. Унинг ўйчан, ҳадик билан боқаётган нигоҳи, бир зумда шубҳага тўлган хаёли кутилмаганда пайдо бўлган махсус хизмат вакилида эди. У ўзини ҳарчанд босишга ҳаракат қилса-да, аллақачон асабийлаша бошлаган эди. Элёр буларни назардан қочирмади, албатта.

– Яқинда Тошкентга келган чет эллик меҳмонларга куролли ҳужум уюштирилди, – деди Элёр босиқлик билан. – Эшитгандирсиз?

– Бунинг менга нима алоқаси бор? – шу заҳоти кескин жавоб қайтарди Маматқул.

– Эшитибсиз-да? – деб Элёр таажжубланган Маматқулнинг кўзларига тик боқди.

– Ҳеч нарсани эшитганим йўқ! Бирор ерга бормасам, чиқмасам, эрталабдан кечгача шу ерданман-ку. Ишонмасангиз, анави... «қулоқ»лардан сўранг.

– Керак бўлса, сўрайман. Сиз, аввало, гапнинг давомини эшитинг, – деди Элёр тап тортмай гапирётган Маматқулдан кўз узмай. У шу кўйи ўрнашиб олгач, НАТО Бош қотибига қилинган ҳужумни, бу ишни амалга оширган жинойтчиларнинг бири қўлга

олиниб, сўроқ қилинганда унинг номини эслаганини хотиржам сўзлаб берди. Бу гаплардан Маматқулнинг пешонаси тиришди. Ўтирган жойида олдига тутилган қалин матони ечди ва «тап» этказиб супа устига ташлади.

– Шу чўпчакни айтгани Тошкентдан овора бўлиб келиб ўтирибсизми?! – деди Маматқул жаҳл билан. – Демак, шуғулланадиган тузукроқ ишларинг қолмабдида! Нима, планларинг тўлмаяптими?

Шу пайт ўтиб қолган «Москвич» машинаси ортидан энгил чанг кўтарилди. Маматқул чангга аллергияси бор одамдай шогирдига ўшқирди: – Шухрат, ўласанми, кўчага сув сепиб қўйсанг!

– Эрталаб сепдим-ку, – дея мўлтираган кўзларини олиб қочди ўсмир йигит.

– Бор, яна сеп!

Йигитчанинг юзида норозилик аломатлари пайдо бўлди. Аммо шу тобда дадасининг «Устознинг ҳар қандай гапини икки қилмайсан, уқдингми?» деган дағдағаси ёдига тушиб қўлига челақни олди-да, ариқ томон кетди.

– Лаллаймай, чаққон-чаққон ҳаракат қил!

Шогирд ортига қараб қўяркан, «хўп» деди эшитилар-эшитилмас овозда. Кейин челақни шарт сувга ботириб, ишга киришиб кетди.

– Юзлаштиришимни истайсизми? – дея сўради Элёр устанинг шогирдига қилган дўғига парво қилмай.

– Юзлаштирасизми-йўқми, билганингизни қилинг! Аммо мақсадингиз мени қамаш бўлса, мана, тайёрман. Нимага қараб турибсиз, қўлимга кишан солмайсизми? – Маматқул шундай деб иссиқдан қизарган қўлларини чўзди. – Бекорга келмаганингизни бошиданоқ сезгандим.

– Айбингиз исботланса, шундоқ ҳам қамалишингиз аниқ, – деди Элёр бамайлихотир. – Сўроқ бераётган

жиноятчи нафақат сизни, балки, ўрнингизга тайинланган «Ҳоким»нинг номини ҳам тилга олган.

– Уни қамоқда дейишганди-ку?

Маматқулнинг саволи бу сафар аранг эшитилди. Негаки, велосипедини учиртириб келиб, айнан унинг ёнида бирдан тормоз берган ўн-ўн бир ёшлардаги боланинг «Тоға, пичоғимизни ўткирлаб қўйдингизми?» дейиши овозини пасайтиришга сабаб бўлганди. Элёр Маматқулнинг ниятини сизди: бу ердаги гап-сўзларни қариндош-уруғлари эшитишини истамаяпти.

– Пичоқ кўтаришга сендан бошқа одам йўқми? – Маматқул чап томонида қалин қоғозга ўралган, ёғоч дастаси чиқиб турган учта пичоққа кўз ташлаб қўйди.

– Опам ҳали мактабдан келмади, – жавоб қилди Элёрга зимдан қараб қўйган йигитча.

– Мактабдан қайтишида олиб кетади. Бўптими? Қани энди, жўна бу ердан!

Бола уйга боришдан қутулганига хурсанд бўлиб, анча нарида копток кўтариб турган ўртоқларига қўшилди ва улар мактаб стадиони томонга ўтиб кетишди.

Гапи бўлиниб қолган Элёр саволни такрорлади. Кейин қўшимча қилиб деди: – Қўпорувчи гуруҳлар билан алоқани узмаганингизга қараганда ҳамон нимадандир умидворга ўхшаяпсиз?

– Бир марта тавба қилганимни билиб туриб, шу гапни айтяпсизми?

– Демакки, ўзингиз қамоққа шошаётган экансиз, айбингизни тан оларсиз.

– Тан олишим шартми? Тўқилган миш-мишга асосан олиб кетавермайсизми! – Маматқул бехосдан кафтини пиёла устига босганди, дарз кетган идиш яна «тирс» этиб иккига бўлинди.

– Мабодо қамоқдаги собиқ ҳамтовоқларингизни қўмсаб қолмадингизми? – деди Элёр ўртасидан тенг

иккига бўлинган пиёлани «Палакат!» дея бир четга улоқтирган пичоқчига синчков назар ташлаб. – Ёки улар ёнларига чақирешяптими? Ақли жойида одам ҳеч қачон қамоққа тушишни хоҳламайди. Майнавозчиликни бас қилинг-да, мана бу суратга қаранг! Хўш, танидингизми? Шундоқ кўраверинг.

Кўли қуруқ қайтган Маматкул жиддий тортди, суратга тикиларкан, чап қовоғи уча бошлади. Кейин «Йўқ, танимайман» дегандай бошини тебратди.

– Яхшилаб қаранг! – деди Элёр «Танимайман!» дея афтини буриштирган Маматкулнинг жавобидан қониқмай. – Агар юзлаштирганимда сизни танишини, жиноят содир этишдан олдин ёнингизга келиб кетганини тилга олса ёки шерикларингиз орқали уларга кўрсатма берганингиз қайд этилса, қамоққа ўзим кузатиб қўяман. Аммо у ерда сизни хотиржам ҳаёт кутаётгани йўқ: ё шерикларингизнинг қўлида ўлиб кетасиз ёки «икки букилиб» хизматида бўласиз.

– Ростдан ҳам танимайман, – деди синган пиёлани беҳосиятлиқка йўйиб, кўнгли баттар ғашланган Маматкул. Кейин бирдан шогирдига юзланди ва унинг динг қулоқлиги ёдига тушиб, дўкондан сигарет олиб келишни буюрди.

– Исмини ва қаерда яшашини айтинг!

– Танимасам, қаердан билай.

– Наманганлик-ку!

– Билмадим, – деб елкасини қисди Маматкул. – Биринчи кўришим. Агар таниганимда, дарров айтган бўлардим.

– Унда, ким таниши мумкин? – сўради Элёр.

– Мен қаёқдан билай.

– Ёлғон кўрсатма учун жавобгарлик борлигини эслатишимнинг ҳожати йўқ, тўғрими? – деб Элёр суратни кўйлагининг чўнтагига жойлагач, ўрнидан тур-



ди. – Шаҳардан ташқарига чиқмай турасиз. Соғайиши билан юзлаштиришга чақиртираман.

– Тинчгина ишлашга қўймас экансизлар-да!

– Унда гапингизга ёлғон аралаштирманг!

– Ёлғони йўқ. Танимайман деяпман-ку.

– Лекин у танийман деб турибди-ку.

– Падарига минг лаънат ўша аблаҳни. Қўлга тушгандан кейин таниса-танимаса, «Ҳа, биламан, кўрганман» деяётган бўлса керак-да. Биламан, бунақа пайтларда мендан кўра унинг гапларига ишонасизлар.

– Нега жаҳлингиз чиқяпти, маълумотларни текшириб кўришимиз керакми-йўқми? Ёки нима қилиш кераклигини сиздан сўрайликми? Ишляпман, энди мендан ҳеч ким шубҳаланмайди, деб ўйласангиз, хато қиласиз. Сиз мана шу туғилган ерингизга хиёнат қилдингиз. Буни унутиш осон деб ўйлайсизми?

– Беайб – парвардигор.

– Бошқа нима ҳам дердингиз.

– Тавба қилганим, кечирим сўраганим инobatга ўтмайдими? Нима энди бу тавқи лаънатни бир умр бўйнимга осиб юраманми? Ахир Президент мени афв этди-ку!

– Орангиздан бу бағрикенглик ва раҳмдилликка кўрнамаклик қилаётганлар ҳам чиқяпти. Шундан билапмизки, сизларни назоратсиз қолдириб бўлмас экан.

– Э, билганингизни қилинг! – ғудранди Маматқул. – Сизлардан ўлиб қутуламан, шекилли...

Элёр бу гапга эътибор бермай Маматқулнинг кўзларига жиддий тикилди ва шаҳардан рухсатсиз чиқмаслигини яна бир бор тайинлаб ортига қайтди.

Боши ғовлаб кетган Маматқул жойига ўтиролмади. Элёрнинг ортидан ғазаб билан тикиларкан, жиянига бериб юбормаган пичоқларнинг бирини шартта суғириб олди-да, шитоб билан тўрт метрлар чамаси нари-

да турган эски устунга отди. Пичоқ «тўқ» этиб дарвоза устунига қадалди.

\* \* \*

Бозор худудидаги киоска электр симларининг қисқа туташувидан ёниб кетган деган хулосага Элёр ишонмади. Аммо аллақачон далолатнома тузилиб, бозор маъмурияти ва ходимлари томонидан имзоланган, энг муҳими, масала деярли ижобий ҳал қилинган эди: Мустафога энди бозор ичидан эмас, ташқарисидан, шундоқ катта йўл бўйидаги бекат ёнидан жой ажратилиб, уч кун ичида янги киоск ҳам қўйиб беришга қарор қилинганди. Бозорга тескари туриш, бунинг устида кираверишдан сал берида жойлашиш Мустафонинг ғашини келтирган бўлса-да, ноилож рози бўлди. Йўқ деса, ўрнига одам тайин. Аммо у таниш-билишларини ишга солиб, аввалги жойига қайтишга умид қиларди. Паттачилар бошлиғининг бурнини ерга ишқаб қўйиш фикридан асло воз кечмаган эди. Нега у бозор дарвозасидан ўтишда пул тўлаши керак? Энди бу камлик қилгандай, ҳожатхонага кирганда ҳам ундан пул талаб қилишаётганди. Бу ҳақда ким кўрсатма бергани билан қизиққанди, ходимлар Наим акани кўрсатишди. Мустафо дарров тушунди: Наим аканинг югурдаклари иккинчи марта беш-олтита қимматбаҳо ручка ва усти чармли «Блокнот» сўраб келганда «Аввалгисига майли, лекин бу сафар пулини тўлаб олинглар» деб бермаганди, демак, ўша рад жавобнинг аламини оляпти экан-да, деган хаёлга борди. Боплаб сўқди. Кимдир буни дарров бошлиғига етказди. Орадан бир ҳафта ўтиб, ярим кечаси киоскага ўт кетди ва борлиқ нарса ёниб кул бўлди. Уч кун ишсиз ўтирган Мустафонинг пайтавасига қурт тушди: шаҳардаги энг катта кийим-кечак бозорининг темир дарвозасидан пул тўлаб ич-

карига кираётган харидорларнинг ўртача сонини ҳисоблаб чиқди; бунга теварак-атрофдаги ёймачилардан олинадиган патта пулини ҳам қўшиб хомчўт қилганда, бир кунлик йиғим салмоқли сумма бўлишини билиб, қоғоздаги рақамларга қараб анграйиб қолди. Анча пайтгача ўзига келолмагани айни ҳақиқат. Эртаси кун эски оғайнисидан бозорга кунлик кириш қилинган маблағни аста суриштириб билиб олди-да, «Қўлга тушдингми, очопат!» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ичи қизиби, миясига келган фикрларни, қўлга киритган фактларни ўз билганича қоғозга тушираркан, тинмай ўзи билан ўзи гаплашди: «Бунинг тагига етиш керак! Давлат ғазнасига ярми ҳам тушмаётган миллионлаб нақд пуллар қаёққа гумдон бўляпти? Бу пуллар бир ойда, ярим йилда қанча бўлади? – Натижаларни ҳисоблаб, охири рақамларни кўрганидан буён ўзига келолмаган Мустафо ҳамон ҳаяжонда эди. – Италоғи тилладан бўлса керак бу бозор раҳбарларининг. Шунинг учун битта киоскани йўқ қилиб юбориш ҳеч нарса эмас-да оддий паттачига ҳам. Битта бозордаки шунча пул чўнтагига тушиб турса, улар қутурмай ким қутурсин? Эҳ-ҳе!»

Уч кунлик ҳисоб-китобни яхшилаб қоғозга тушириб, пойтахтга йўл олмоқчи бўлиб турганда эса... бошига қора ниқоб кийган аскарлар қўлига кишан солинган Наим акани бозордан олиб чиқиб кетаётганини кўриб, яна бир бор ҳанг-манг бўлиб қолди. «Астафируллоҳ» демоқчи бўлди, аммо тили айланмади. Аскарларни, уларнинг қўлида ранг-рўйи ўчган паттачиларнинг бошлиғини бозор дарвозасигача унсиз кузатиб қолди, холос. Сал ўтмай бозорда гап тарқалди: Наим ака янги уйида қурол ва ваҳҳобийликка даъват қилувчи китоблар сақларкан, милициядагилар уйини тинтув қилишга боришса, шогирди ичкарига киритмай иккита аскарни шартта отиб

ташлабди; аммо қаттиқ отишмада ўша йигитнинг ўзи ҳам ўлибди. Шунинг учун Наим акани ушлаб кетишди.

Ҳали ўзига келиб улгурмаган Мустафо яна бошқа бир гапдан ёқасини ушлади: бу «Қилич» деганлари Намангандаги уюшган жинойи гуруҳнинг бошлиғи эмиш, аввалги ҳамтовоқлари амалга оширолмаган ишни давом эттирмаман деб, қуролланаётган экан, милициядагилар унинг кетидан тушиб, мана, охири қўлга олишибди. Уйдаги ертўласидан жуда катта миқдорда пул ва қурол-яроғ чиқибди. Гуруҳидаги бир йигит уйда қоровул бўлиб тураркан, ҳеч нарсани топширмайман деб қаршилиқ кўрсатган экан, отишмада тил тортмай ўлибди.

Мустафо шу куни қўлида бир даста қоғоз билан бозорда қолиб кетди.

## **XIX. ҚОРА БУЛУТ**

Наманган.

Осмоннинг бир чеккасида кўз илғар-илғамас қорамтир бир нарса пайдо бўлди. Бир тутамгина бу нарса қора булут бўлиб, дарҳақиқат, бепарво қараган кишининг нигоҳини тортмас, борди-ю, пайқаган тақдирда ҳам, жиддий эътибор беришга арзимайдиган кўринишда эди. Ахир, эҳ-ҳе, не-не довулли, бўронли, қиш-қировли кунларни кўрмадими улар? Барчасига чидаш берди. Энди орзиқиб кутилган ёруғ кунлар нашидасини сураётган вақтида қаердандир пайдо бўлган озгина қора булут нима бўпти? Салгина шамол турса, етарли – аллақаяқларга учириб кетади ёки тўзғитиб юборади. Тиниқ, мусаффо осмон бағрида ундан ном-нишон қолдирмайди.

Шундай ўй, шундай кайфият билан қора булут назар-писанд қилинмади.

Шаҳар чеккасидаги Холжўранинг уйи.

– Хўш, бугунги жиҳодга неча киши тайёр? – сўради Хидирниёз Наҳимов икки ёрдамчиси етиб келганидан сўнг мақсадга ўтиб. У бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўлса-да, ҳужумдан олдин яна бир карра эшитиб, кўнглига таскин бермоқчи эди.

– Икки аёл буйруғимизни кутиб турибди, – деди Муқим Ғаниев дарҳол жавоб қайтариб.

– Қаерга боришлари тайинланганми?

– Албатта. Ҳар иккиси ҳам менинг назоратим остида бўлади. Операция тўлиқ амалга ошганлигига ишонч ҳосил қилгач, сизга ўзим хабар қиламан! – дея гердайдди Муқим Ғаниев. Қаддини ғоз тутиб, бироз кибрланганининг боиси бугунги қўпоровчилик ишлари шахсан унга ишониб топширилган эди.

Раис Муқимнинг тутадиган йўлини алқади. Бу гапдан кейин унинг бўйи бир қарич ўсди.

– Бу ишлар бажарилгач, сизларга алоҳида ҳадя бор.

Муқим ёнида турган Насим Тўраевга елкаси оша нигоҳ ташлаб қўйди.

– Лекин мукофотнинг катта-кичиклиги портлашнинг кўлами кенглиги, яъни қурбон бўлганларнинг сонига қараб белгиланади!

– Ташвишланманг! Анойилардан эмасман.

– Яхши. Хўш, ташвиқот ишлари қандай кетяпти?

Насим Тўраев паст кетгиси келмади. Яширин йўллар билан кириб келган турли китоб ва брошюраларни ёшлар ўртасида тарқатилаётганини мақтаниб гапирди. Текин берилаётгани учун кўпчилик қизиқиб олаётганини алоҳида таъкидлади.

– Ёшлар ўртасида ваҳҳобийликка қизиқиш ортаётгани бизни қувонтиради, албатта. Тарафдорларимиз қанча кўпайса, биз шунча кучли бўламиз. Ана шунда ҳеч ким хаёлига келтирмаган портлашларни амалга оширайликки, давлат сиёсати тубдан ўзгариб, ҳокимият бизнинг қўлимизга ўтсин.

Хидирниёз катта нотиклардай бир зум тин олди, оғзига тикилиб турган ҳамроҳларига назар ташлагач, сўзини давом эттирди:

– Ҳар иккинги ҳам жуда эҳтиёткорлик билан иш кўришини лозим. Такрор айтаман, менинг ишонган кишиларим сизлар. Ҳар қандай вазиятда ҳам қўлга тушмасликнинг чорасини кўриб юринглар. Бизнинг олдимизда бундан-да катта ишлар турибди! Ҳали уларни рўёбга чиқаришимиз керак! Ташқаридаги биродарларимизнинг умиди биздан. Ёдингизда бўлсин, агар режадаги ишларни амалга оширсак, бу юртнинг бутун бойлиги кафтимизда бўлади. Саволлар борми?

– Шу ишни пойтахтда амалга оширганимизда зўр бўларди-да! – деди Насим кафтини бир-бирига ишқаб.

– Шундоқ ҳам ҳал қилувчи портлаш Тошкентда бўлади.

– Кечаги отишма Наманган учун етарлимиди? – дея фикрини баён қилишга уринди Холжўра. Насимнинг гапи унга туртки бўлган эди. – Бунақада Наманганни бутунлай ёмонотлиқ қилиб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

– Бу яна қанақа гумон?! Тўнка Садирнинг гапини гапиришга уялмайсизларми? Менинг режамга заррача шубҳа бўлмаслиги керак! Бир нарсани билгандирманки, шу ерни танлаганман. Автостанция ва Жаҳон бозоридаги портлашлар «Қилич»нинг одамлари борлигини, улар катта кучга эгалигини, энди қасдма-қасдга иш тутаётганини тасдиқлайди. Қарабсизки, ҳукуматнинг асосий эътибори водийга қаратилади. Нега шу оддий ҳақиқатни тушунмайсизлар! Ҳозир деярли барча вилоятларда ишончли одамларимиз бор. Улар буйруғимизни кутиб туришибди. Шундайми?

– Ҳа, – деди Муқим раиснинг кўнглини кўтаришга шошилиб. – Бизга эргашганлар қўлларига қурол олишга шай.

– Демак, бугун кўзланган мақсад йўлидаги илк қадам ташланади, – деди тантанавор оҳангда раис. – Биз милиция ходимлари кўп юрадиган ёки тўпланадиган жойларни атай танладик. Аввало, ҳуқуқ посбонларининг юрагига ваҳима солишимиз даркор. Ватанпарварлик ғоялари ҳали улар онгига жудаям сингдирилгани йўқ. Совет даврини қўмсаганлари қанча бўлса, мустақилликка ҳамон ишонқирамаганлари ҳам шунча. Бугунги портлаш билан уларнинг юрагини ларзага соламиз. Ҳамкасбларининг ўлимини эшитиб, саросимага тушиб қолишлари аниқ. Кўзига даҳшатли ўлим кўринади ва кўрқиб ўзини четга ола бошлайди. Мана шундай вазиятларда биз кўпам қаршиликка учрамаймиз. Уч-тўрт ерда портлаш содир этсак, сичқоннинг уйи минг танга бўлиб кетади. Оломонни эса кўрқитишнинг ҳожати йўқ. Улар ҳозир шундоқ ҳам нима қиларини билмай, гангиб юришибди. Отни биринчи бўлиб қамчиласак, марра бизники! Иккиланиб, сусткашликка йўл қўйсак, аввалгиларнинг қисмати бизнинг ҳам бошимизга тушади.

– Мен буни хоҳламаган бўлардим.

– Шунинг учун мардонавор ишга киришимиз лозим. Бошқа саволлар йўқми? Унда, қани дуо қилайлик: хайрли ишимизда Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин! Аллоҳу акбар!

Муқим Ғаниев билан Насим Тўраев дуога жўр бўлишди. Шундан сўнг Хидирниёз ёрдамчиларини тамад-дихонага бошлади.

\* \* \*

Шаҳар автошоҳбекати.

Эрталабки иш вақти бўлаётгани учун бу ерда одам гавжум. Кимдир шошиб автобусдан тушяпти, кимдир тезроқ чиқиб олишга интилмоқда. Шошаётганларнинг ҳаракатлари асабий: имиллаб тушаётганларга ёвқараш

қилади, қани биров индамаса-ю, қўлидан шарт тортиб тушириб қўйса. Бекатга яқинроқ жойда енгил машиналар қаторлашиб турибди. Киракашларнинг бири қўйиб, бири «такси-такси»лаб ўтган-кетганларнинг диққатини тортишга уринишади. Сал четроқда турган машиналарнинг эгалари индашмайди, афтидан, уларнинг мижози аниқ. Бирпас кузатишса бўлди, қаердадир пайдо бўлган йўловчи ҳайдовчига енгил бош силкиб қўяди-да, ортиқча гап-сўзсиз машинага ўтиради.

Мижоз топишга қизғин ҳаракат кетаётган бир паллада бекатга келиб тўхтаган қайсидир автобусдан тушган тўладан келган икки аёл ҳам тўғри бориб сариқ «Жигули»нинг орқа ўриндиғидан жой эгаллади. Озғин, эллик ёшлар чамасидаги киши уларга қараб жилмайиб қўйди, холос. Машина тезда жойидан кўзғалди.

Салдан кейин бекат ёнида қош-қовоғига қора мато ўраган, ўрта бўйли, қорни бироз дўппайиб турган аёл пайдо бўлди. У кўпчиликнинг диққатини деярли тортмади. Одамларнинг бефарқ нигоҳлари бу ҳолатга аста кўникиб бораётганидан далолат эди. Боиси кейинги пайтларда бундай ўраниб юрувчи аёлларни шаҳарнинг деярли ҳамма бурчагида учратиш мумкин эди. Диний эркинликни бошдан-оёқ ўраниш деб тушунган эркаклар хотин-халажни аллақачон қора ёхуд сиёхранг матога худди чирмовикдай ўраб ташлашганди. Хотини ёки қизининг шундай юришини кўрган эркаклар негадир кеккайишни бошлади: улар унда-бунда қулоғига кирган эрлик вазифаларга оид маърузаларга амал қилиб, ожизалар олдидаги бурчларини қойилмақом бажариб қўйдик деб, ўйлашаётган эди. Шунданми, кўча-кўйда учрайдиган ҳижобли заифаларга бошқача, ўранмаган аёлларга эса тамомила ўзгача муносабат пайдо бўлганди.

Шоҳбекатга кириб келган ҳижобли аёлнинг олазарак боқаётган кўзларини кўриш амримаҳол эди. Бу-



нинг устига, одамлар ҳамон қаёққадир шошилишар, бир чеккада беозоргина, ҳатто бироз қунишиб олган аёлга синчков назар ташлашга ботинолмай йўлларида давом этишарди. Фақат ҳар нарсага қизиқувчи ўсмирларгина бир-бирига аёлни кўрсатиб имо қилишарди-ю, лекин уларнинг беғубор қарашлари, болаликнинг шўх-шодон кунларидан лиммо-лим тўлган покиза қалблари ҳеч қандай хавотирни, рўй бериши мумкин бўлган хавф-хатарни сезмас, улар ўйинқароқ, тўғрироғи, эркинликка эришган юртнинг эрка ва танги фарзандлари эди.

Болалар шу яқин ўртадаги мактаб томон ўтиб кетишди. Салдан кейин ўнга яқин милиция кийимидаги йигитлар бекат сари яқинлаша бошлади. Бугунги топшириқни ўзларича муҳокама қилиб, бир-бирига гап бермай келаётган Ички ишлар вазирлиги ходимлари тўсатдан ёнларига яқинлашиб қолган аёлни – қора булут парчасини умуман сезмай қолишди...

Бирдан қулоқларни қоматга келтириб нимадир портлади. Одамларга ўрганиб кетганидан бекат бўйлаб емиш излаб бемалол юрган ёввойи каптарлар, мусича ва чумчуқлар патиллаб ҳавога кўтарилди. Кимдир турган жойида қотиб қолди, кимдир нима бўлганини англолмай анграйди; биров бошини беркитиб ўтириб олди, биров ўзини таппа ерга ташлади.

Бекатга эндигина кириб келган автобус ҳайдовчиси илқис тормоз берди; одамлар бир-бирларига суяниб қолишди. Ови юришмаган киссавур тушишда фойдаланиб қолмоқчи эди, олдидаги киши мункиб кетганда чўнтакка тушган бармоқлари қуруқ қайтди. Шовқинсуронда буни ҳеч ким пайқамади.

Гумбурлаган овоз атрофни тутди. Бу пайтда ўзини портлатиб юборган аёлнинг ҳолатига кўзи тушган одамларнинг баъзилари бу аянчли манзарага тоқат

қилолмай дарҳол нигоҳларини олиб қочди; кимдир қўллари билан ёнидаги боласининг кўзларини тўсди, кимдир юзи ва пешонасини тириштирганча, қанчалар даҳшатли бўлмасин, охиригача тикилиб турди, биров кўрқиб кетганидан бақириб юборди, биров кафтини оғзига босди. Нафаси ичига тушиб кетганлар бақрайганича анчагача ўзига келолмади. Чақалоғини бағрига босган аёл унинг чинқираб йиғлаб юборганини дарҳол эшитмади. Ёш она нигоҳларига ўрнашиб бораётган мудҳиш ҳодисаларни ақлига сиғдиролмай ҳангу манг бўлиб қолган эди...

Тасаввур қилгандирсиз: ўзини портлатиб юборган аёлнинг танаси шарт белидан бўлиниб, икки тарафга отилди. Яқин атрофдагиларнинг уст-боши қонга бўялди. Бошқаларга нисбатан сал орқароқда турган икки посбон бомбанинг зарбидан олдинга юзтубан йиқилди. Йигитлар бошига, елка ва белларига бирдан катта куч билан қадалган мих, темир парчалари ҳамда порохнинг захридан ҳушига келмай жон таслим қилишди. Улар шу тобда қандай ҳодиса рўй берганини аниқ-тиниқ англашга улгуришмади. Кутилмаган зарбдан ерга йиқилиш асносида шу яқин атрофда қаттиқ портлашга ўхшаш нимадир содир бўлганини ҳис қилишди, аммо бу нарса онгида акс-садо бергунча, надоматлар бўлсинки, жон танани тарк этди.

Ўлмай қолган яна бир милиция ходими оғриқнинг азобидан ерда юмалай бошлади. Сал нарида турган шериги унга ёрдамга шошилди. Ўзини йўқотмаган сержант билибми, билмайми ёнини пайпаслади. Аммо, афсуски, унинг қўллари хаёлидан ўтган нарсани тополмади. «Отишма бўлиб қолса, нима қиламиз?» – ўйлади у ён-верига шошганича нигоҳ ташларкан. Ярадор шеригига кўмак бераётган оддий ходим «Тез ёрдам»га телефон қилиш керак», деб бақирди. Ҳамон тевааракка

синчковлик билан боқаетган сержантнинг диққати бўлинди. Белида рация борлиги ёдига тушиб, шу заҳоти бошқармага хабар берди.

– Тез ёрдамни кутолмаймиз, Ирисматовни касалхонага обориш керак! – бақирди оддий ходим гуруҳ командирига.

– Аҳволи оғирми? – сўради сержант Сатторов инграётган Ирисматовнинг тепасига келиб.

Оддий ходим Малик Шокиров жароҳат олган шеригининг қулоғидан тўхтовсиз қон келаётганини тушунтирди.

Бирор шубҳали шахсга кўзи тушмаган сержант киракашларнинг бирини чақирди. Жони омон қолган ҳайдовчи ўйлаб ўтирмай, машинасини хизматга ҳозирлади.

– Дарҳол касалхонага олиб боринг! – буюрди сержант.

– Уларни-чи? – деди Малик Шокиров жонсиз ётган шерикларига ишора қилиб.

– Раҳбариятни ва дўхтирларни кутамиз.

– Яна портлаб қолса-чи? – деди портлаш пайтида ёқ ўзини ерга ташлаган Ҳошим Латипов бошини аста кўтариб.

Жаҳли чиққан сержантнинг ғазабдан юзлари кўкарди: Латиповга еб қўйгудек бўлиб қараркан, сўкишдан аранг ўзини тийди. Сержант Сатторов ҳар қанча хушёрлик қилмасин, ёвни пайқаш учун зарур бўлган асосий сонияларни қўлдан бой берган эди: барча одамлар каби танаси бўлиниб кетган нотаниш аёлга юзлангани боис портлаш содир этилган заҳоти анча наридаги «Жигули»нинг жойидан қўзғалганини кўрмай қолди. Аслида, «Жигули»нинг ён ва орқа ойналари махсус қорайтирилган, ногоҳ қараган одам ҳам унинг ичида кимлар борлигини кўролмасди. Лекин йўл четида ми-

жоз пойлаган ҳайдовчилардан кимдир айна портлашдан сўнг бирдан ҳаракатга тушган машинага эътиборини қаратган, ҳатто рақамини ҳам кўришга улгурган эди. Қора кўзойнак таққан ҳайдовчининг юзини эслаб қололмаса-да, унинг қалин мўйлови ва соқолига аҳамият берган экан. Айниқса, қора соқоли аниқ эсида.

Кўз ўнгида бўлиб ўтган даҳшатдан жабр чекаётган одамларни кўриб, ҳайдовчи жим туролмади. Атрофга термилётган сержантнинг ниятини сезиб, олдига борди. Олтмишни қоралаган, уйда ўтиргандан кўра рўзғор учун уч-тўрт сўм топиш илинжида кўчага чиқа бошлаган киши кўнглидан ўтган шубҳани яшириб ўтирмади. Гувоҳдан муҳим маълумотни қўлга киритган сержант рация орқали зудлик билан милиция бўлимларига хабар беришга киришди. Аммо у кейинги бурилишда – одамлардан холироқ жойда шубҳали кўринган машинанинг ичидаги икки кишининг ясама соқол-мўйлабини юзидан кўчириб ташлаб, аллақачон автобусга ўтириб кетганидан, автомобилнинг давлат рақами дарҳол бошқасига алмаштирилиб, орқа ойнага тақилган қора тўр пардалар олиб ташлангани ва рулни энди ёшроқ бир йигит бошқараётганидан беҳабар эди. Кўзни чалғитувчи буюмлар гумдон қилинган (ҳайдовчи қора елим халтани олдиндан кўзлаб қўйган шу атрофдаги ахлат идишга ташлаб юборди), машинанинг русуми ва рангини айтмаса, бошқа кўрсатмалар мутлақо тўғри келмайдиган даражада ўзгартирилганди...

\* \* \*

Шаҳар четидаги Жаҳон бозори.

Айни шу вақтда шаҳарнинг энг катта ва гавжум бозорида ҳам худди шундай қабих иш амалга оширилган, бу ерда талафот кўрганлар бир мунча кўп эди. Эрталабки йўқламадан сўнг белгиланган манзилларга тезроқ

йўл олиш учун бир-бирлари билан шошганича хайр-лашаётган милиция ходимлари ёнларига яқинлашган ажални – қора ҳижоб кийган аёлни пайқамай қолдилар; тўсатдан рўй берган портлашдан тўрт кишининг кўзлари очиқ қолди. Уларнинг иккитаси ҳали кўллари-ни ажратиб улгурмаганди – шу зайлда йиқилишди ва жон таслим этишди.

Жаҳон бозоридаги портлаш ва бунинг оқибати-да тўрт нафар милиция ходимининг ўлгани ҳақидаги хабар бир зумда атрофга тарқалди ва одамлар тезроқ бозорни тарк эта бошладилар. Саросимага тушган аҳоли орасидан шубҳали шахсларни қидириш мушкул эди. Ҳамманинг кўзи олазарак, бири иккинчисидан ҳадиксираган, бошдан-оёқ ўранган аёл кишига кўзи тушгудек бўлса, иложи борича тезда нарироқ кетишга ошиққан.

Мудҳиш ҳодиса ҳақидаги гап-сўзлар оғиздан-оғизга кўчган сари ваҳимаси ортиб борар, бу портлашга шахсан гувоҳ бўлмасалар-да, худди ўз кўзлари билан кўргандек ёки бевосита иштирок этгандай, ҳатто баъзилар бу даҳшатли воқеа шундоқ ёнгинасида бўлгандай ҳис-ҳаяжонда, бироз бўрттириб сўзлар, гапирганда эса теварак-атрофдан кўз узмас, гўё яна содир бўлиб қолиши мумкиндай ниҳоятда безовта эди.

Шу пайт кимдир шунга ўхшаш портлаш шаҳарнинг автошоҳбекатида ҳам рўй бергани, у ердаям айнан милиция ходимларига ҳужум бўлгани ва бунинг оқибатида бир неча формали йигитлар ҳаётдан кўз юмгани хусусида нафаси бўғзига тикилгудек бўлиб гапириб қолди. Бундан чиқдики, кўнгилсиз хабар жуда тез тарқаётган эди. Кимлардир эса атай шошилиш суратда тарқатаётган ҳам эди. Лекин бу тўполонда уларнинг иккисини бир-биридан фарқлаш жуда мушкул эди.

– Милисанинг куни битганга ўхшайди, – деди кимдир овозини баланд қўйиб. Аммо шу ондаёқ у ўзини тўплана бошлаган одамлар ичига урди ва қўздан ғойиб бўлди.

– Милисада нима гуноҳ? – дея ёнига ўгирилганича қолаверди кекса бир отахон. У қулоғига чалинган гапга ҳеч ким муносиб жавоб қайтармаганидан жим туролмаган эди. – Ана шундақа-да, нега деган сўровга жавоб беришдан қочасан! Қанисан, қорангни кўрсатмайсанми?

Отахоннинг ўзи билан ўзи гаплашганига жаҳли чиқди. Шундай бўлса-да, оломон тўпланаётган жойга аста яқинлашаркан кўнглидагини яшириб ўтирмади: – Мард бўлиб гапирдингми, саволга жавоб бер.

Бироқ тўс-тўполонда бу гапларга ҳеч ким қулоқ тутмас, ҳамма ўзи билан ўзи овора эди.

Дунёни бежиз бозорга ўхшатишмайди. Кимдир нимадир сотади, кимдир ўша нарсани олади. Биров қиммат нарсасини эплаб сотолмай бир пулга амаллаб ўтказади. Биров арзимаган буюминини бир дунё гап билан фалон сўмга пуллайди. Мард ҳам бор бу ерда, номард ҳам; ҳалол ҳам шу ерда, ҳаром ҳам. Нокас юради аланг-жаланг қилиб, юлғич туради елкасини қисиб; камтар, камсуқум, дили пок эса бировга озор бериб қўйишдан, ўзганинг ҳақи ногоҳ ўтиб қолишидан ҳайиқиб аста қадам ташлайди.

Кутилмаган портлаш бозордаги одамларнинг кимлигини, характери, дили, юзи ва юрагини, қисқаси, қандай инсон эканлигини яна бир бор билдириб қўйди.

Кимдир дарвозадан кирмасданоқ ортига бурилди, кимдир яна бирор нарсани эшитиш ёки кўриш умидида бир-икки қадам олдинга босди: биров портлаш содир этилган жойга қараб чопди, биров ўзини панага олди. Қайсидир сотувчи қўлидаги матони кўтарасига шартлашиб, қўлига тутқазилган пулни санаб ҳам ўтирмай апил-тапил чўнтакка жойлаб, жой ҳақини беришни

унутиб жуфтакни ростлади. Буни кўриб қолиб, паттачи унинг орқасидан чопди. Яна бир сотувчи эса растадаги эркаклар туфлисининг устига тагидаги эски тўшагини ташлади-да, ўзини харидор кўрсатиб, бошқаларнинг молига кўз олайтира бошлади. Эгасиз қолган пальтоларнинг бирини олиб қўлтиққа урди...

Сал нарида эса тамомила бошқа бир манзара. Озгин, бироқ қарашлари ўткир, ўрта ёшлардаги киши жабрланганларнинг бирига ёрдам беришга шошилди: қўлидаги елим халтани дуч келган ерга қўйди, афтидан, у тайинли жойга қўйиш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмади, қўйди – тамом-вассалом. Яна кимдир аллақачон қўйлагини шарт ечиб, майкачан ҳолда қўлидан тўхтовсиз қон оқаётган милиция ходимининг очилиб кетган жароҳатини боғлашга киришиб кетди. Йигирма беш ёшлар чамасидаги, қош-кўзлари қора, қулоғи ёнида ортиғи кўзга ташланаётган йигит ҳушини йўқотмаган бўлса-да, чап юзи ва қўли нима учун қонга беланганини, нотаниш киши нега унга кўмак бераётганини англолмас, афтидан, аянчли ҳолатидан ҳамон ўзига келолмагани билиниб турарди.

– Яна бироз чида, – дейди ёрдам бераётган киши ачиниш билан.

Жароҳат олган йигит тамшаниб, соғ қўлини олдинга чўзади, нимадир демоқчи бўлади, аммо гапиролмайди.

– Ҳозир дўхтир етиб келади. Ўзингни қўлга ол.

Йигитнинг қулоғига бу гаплар элас-элас эшитилади.

Вожаб, кимдир бу ерга интилса, кимдир тезроқ кетиш пайида эди.

Вожаб, биров ваҳима ичида қўлидагини ташлаб қочса, яна биров қаровсиз қолган нарсани йўл-йўлакай ўмаради.

Хайриятки, баъзи бир инсонлар жабр кўрганларга ёрдам бериш учун шошиляпти: йиқилганни турғазиб қўйяпти, жароҳатланганнинг ярасини боғляяпти.

Хайриятки, айримлар одамларни бу кўйга солганларни ичида ёмон кўриб турибди.

## XX. ТАШВИШЛИ КУНЛАР

Ички ишлар вазирлиги.

Соат эрталабки ўн.

Бу пайтда вазир хонасида шошилиш йиғилиш чақиртирилган. Зудлик билан пойтахтга етиб келган Наманган вилояти ички ишлар бошқармасининг раҳбари бугун шаҳарнинг икки жойида содир этилган портлаш ҳақида маълумот бермоқда. Аслида, бу йиғин яна бир ярим соатдан кейин Вазирлар Маҳкамасида бўладиган мажлисда шу масала юзасидан кўрилган чоралар хусусида бериладиган ҳисоботга тайёргарлик эди. Йиғилганларнинг юзлари тунд, биров-бирова қарамайди, ҳаммаларининг ён дафтарчасида қандайдир муҳим нарсалар қайд этилган-у, агарда кимдир сўраб қолгудек бўлса, ногоҳ эсдан чиқариб қўймаслик учун ёзувга қаттиқ тикилишган. Бу масъул кишилар аттестациядан ўтиш учун комиссия олдида кирганларида ҳам бунчалар жиддий, ўтирмаган эдилар.

Нафсиламрни айтганда, айна пайтдаги йиғилиш ҳар қандай аттестация ва имтиҳондан муҳимроқ эди. Буни деярли ҳамма ҳис этиб турарди..

– Кутилмаган портлаш олти кишининг ҳаётига зомин бўлди. Ўлганларнинг барчаси ёш ҳамкасбларимиз, – дея гапирмоқда эди вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Тўрақулов. – Тинч аҳоли орасидан ўлганлар йўқ, аммо жароҳат олганлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг барчаси зудлик билан шаҳар касалхонасига ётқизилган. Ҳозирда малакали врачлар томонидан зарурий



чоралар кўрилган, натижаларидан эса хабардор бўлиб турибмиз...

– Жиноятчиларнинг изига тушилдими? Улар тўғри-сида қандай маълумотлар бор? – сўради Ички ишлар вазири Набижон Тўхтасинов берилиб маъруза қилаётган полковникнинг жарангдор сўзини бўлиб.

– Қидиряпмиз.

– Шу жавобдан ўзингиз қониқасизми?

– Йўқ, албатта, – деб жавоб қайтарди полковник ва-зирнинг қошлари туташганидан баттар сергак тортиб.

– Менга натижа керак! Вилоятингизда «Қилич» деганлари пайдо бўлиб, икки-уч йилдан бери зимдан иш олиб борса-ю, сиз бундан беҳабармисиз? Нима учун барча мудҳиш ҳодисалар Наманганда содир этиляпти?

– ...

– Нега индамайсиз? Демак, сиз ўз вазифангизни эплотмаяпсиз! Шунинг учун жинойи гуруҳ Наманганда ин қуриб олган.

– Топамиз! – дея олди бир амаллаб бошқарма бош-лиғи.

– Қачон?

– Эртага, албатта, натижа бўлади.

– Шундайми? Унда эртага кечқурун аризангиз билан кирасиз!

Вазир илкис жойидан кўзғалди ва икки қўлини столга тираганича жимгина йиғилганларга разм сола бошлади. Ҳатто бу гал ёши бир жойга бориб қолган, ҳаддан зиёд семириб кетган тепакал майорнинг пишиллаб нафас олиши ҳам эшитилмасди. Кўпчилик хавотирдан бўлса керак, кадрлар билан ишлаш бошқармасининг бошлиғи-га зимдан нигоҳ ташлади. Лекин хаёлга ғарқ бўлган ма-йор бу ўғринча қарашларга парво қилмасди. Аксарият ходимларнинг бир қўзи вазирда эди. Уларнинг безовта ҳолатини кўриб, «Ҳозир мендан сўраса керак» деган ҳа-

дик ва ташвишда эканлигини пайқаш мумкин. Вазирнинг сирли, айна пайтда нимадандир қониқмаётганини ифодалаб турган ғазабнок нигоҳи шаҳар ички ишлар бошқармасининг бошлиғига тушгач, ҳаракатдан тўхтади. Подполковник унвонидаги тўладан келган, оқ-сарик, ўрта бўйли киши дарҳол «дик» этиб ўрнидан турди.

– Сиз нима дейсиз?

– Ўша заҳотиёқ қидирувни бошлаб юборганмиз.

– Унгача кўзингиз қаёқда эди? Наҳот, сиз ҳам бирор маълумотга эга бўлмасангиз? – вазир шундай дея столни муштлади.

– Ўзини портлатган аёлларнинг иккаласи ҳам бегона эканлиги...

– Чет элдан келган демоқчимисиз?

– Худди шундай.

– Унда портлагичлар-чи? Улар ҳам четдан келганми?

– Аниқлаяпмиз...

– Нимасини аниқлайсиз? Уларнинг ҳаммаси шу ерда тайёрланган! Сизлар хонангизда лақиллаб ўтирибсиз, душманлар эса қайсидир уйларнинг ертўласида ўқ-дори тайёрлаяпти. Қаерда, қачон портлаш ўтказиш ҳақида режа тузаяпти. Бутун бир тизим эса бу каби аянчли фактлар тўғрисида ҳеч нима билмайди. Бу – сиз ва бошқармангиз ишига берилган баҳо! Хотиржамликка берилганингизни тан оларсиз? Нега шу пайтгача уюшган жиноий гуруҳ ҳақида маълумот йўқ? Вилоятдаги портлашларни кимлар амалга оширяпти? Уларнинг орқасида қандай кимсалар турибди? Нега кўпорувчилар Наманганда бемалол юрибди ва истаган пайтида бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлишяпти? Хўш, бу саволларга ким жавоб бериши керак? Сизми?

– Худди шундай!

– Гапиринг унда!

– Бу гуруҳ яқинда пайдо бўлган, шекилли...

– Уят! Шуюм жавобми? Эртага сизни ҳам кутаман!

– Бироз аввал Миллий хавфсизлик хизмати билан боғлангандим, – дея аранг сўзини давом эттирди подполковник. – Улардаям...

– Хавфсизлик хизматини қўйиб туринг! Сиз ўзингиз учун жавоб беринг! Мамлакат ичидаги осойишталик, тартиб-интизом ва жиноятлар учун мен жавоб бераман! Менинг ўринбосарларим ва жойлардаги бошқарма бошлиқларининг орасида жонини жабборга бериб ишлайдиганларнинг ўзи йўқ! Аммо буйруқ беришга келганда уларнинг олдига тушиб бўлмайди. Жабр кўрган, ўлимга рўпара келганлар эса оддий ходимлар, сиз билан мен эмас, оддий ходимларимиз! Буни ҳис қилиясизларми ўзи!

Вазирнинг тамомила жаҳли чиқиб кетди. У айна пайтда Вазирлар Маҳкамасида ҳозиргина оғзидан чиққан саволлар ўзига ҳам берилиши ҳақида ўйлар, қўл остидагиларнинг қониқарсиз жавобларидан бирор хулосага келолмай хуноби ошаётган эди.

– Қани, ким гапиради? – вазир ўтирганларга юзланди. Ҳеч ким чурқ этмади.

\* \* \*

Дарҳақиқат, худди шу маҳалда Миллий хавфсизлик хизматида ҳам қизгин муҳокама кетаётган эди. Бу ерда ўтирганларга одамлар орасида қўрқув уйғотган, турли ваҳимали миш-мишларга сабаб бўлаётган бугунги хуружнинг сабаби аён эди. Асосий гап унинг кимлар томонидан амалга оширилганлигини ва уларнинг қаердан пайдо бўлганлигини аниқлашда қолганди. Бироқ икки номаълум мурданинг ёнидан ҳеч қанақа ҳужжат топилмаган, фақат уларнинг аёл жинсидан эканлиги маълум эди, холос. Бош қисми дарҳол суратга туширилиб, қидириляётган ёки қамоқда сақланаётган маҳбус

аёлларники билан солиштириб кўрилди. Бундан бирор натижа чиқмади. Шундан кейин кўпчилик изкуварлар жиноят содир этган бу икки аёлни чет элдан келгани ҳақида ишонч билан гапира бошладилар.

– Чет элга ишлаш ёки ўқиш учун кетганларнинг барчаси текширилдими? – сўради полковник Бўронов суҳбат якунида. – Балки тижорат ёки саёҳат қилгани хорижга чиққанлар орасидан кимлардир қайтмаган бўлиши мумкинми?

– Бу ҳақда суриштирув олиб боряпмиз, – дея ҳозир-жавоблик қилди подполковник Жалил Очилов. У ўрнидан турмоқчи эди, полковник ишора билан ўтириб гапиришга рухсат берди. – Бироқ марҳум жиноятчиларга айнан ўхшаш аёллар ҳақида ҳозирча аниқ маълумот ололганимиз йўқ. Кейинги икки ой ичида аэропорт орқали бунақа аёллар кириб келмаган.

– Демак, улар яширин йўллар билан ўтиб келишган.

– Бизда ҳам шундай тахмин бор.

– Портловчи моддалар шу ерда тайёрлангани аниқми? – полковник Бўроновнинг қошлари туташди.

– Ҳа, намуналар бўйича ўзимизда тайёрланган. Шунинг учун яна қандайдир қўпоровчиликка ҳозирлик кўриляпти, деб гумон қиляпмиз.

– Шунчаки қўпоровчиликми ёки...

– Аниқ жавоб беролмайман, ўртоқ полковник. Лекин биз ҳар қандай хужумга тайёр туришимиз керак.

– Батафсилроқ гапир!

– Қўлга тушмай қочиб юрган жиноятчилар аввалги ҳаракатлари зое кетганидан талвасага тушганга ўхшайди. Бугунги қабиҳ ишлари билан тинч аҳоли ўртасида ваҳима кўтаришга, милиция ходимларининг юрагига ғулғула солишга, улар сафида парокандалик келтириб чиқаришга уринишларига қараганда, газандалар бу сафар каттароқ режани ошкора амалга оширмоқчи, – Жалил Очилов кўп гапириб

юбормадимми дегандай сўзлашдан тўхтаб полковникка юзланди.

– Давом эт.

– Ўзларининг ёвуз ниятларини аёллар кучидан фойдаланиб рўёбга чиқаришни кўзлаган экан, энди кўчада ҳижоб ўранган шубҳали хотин-қизларнинг ҳар бирини текширишга тўғри келади. Бу эса жуда қийин иш. Балки улар шундай қилишимизни атай кутиб туришгандир. «Мана, Ўзбекистонда демократия йўқ, мусулмон аёллар кўчада тинч юра олмай қолди!» деб аюҳаннос солишлариям мумкин. Мақсади ғаразлик бўлганидан кейин...

– Булар майда-чуйда ишлар. Сен чалғима. Портлашни амалга оширганларнинг асосий режаси бу эмас.

– Биламан, мамлакатдаги сиёсий тузумни ўзгартириш, – Жалил Очилов ҳали дилидан ўтган, аммо айтолмаган сўзини гапиришга мажбур бўлди.

– Ниманинг ҳисобига?

– Улар ҳукумат доирасида бўлаётган ва бўладиган режалардан хабардор, – гапини давом эттирди Жалил Очилов. – Намангандаги портлашлар эса сиз айтгандай шунчаки...

– Ҳа, одамларни кўрқувда ушлаш, бизни эса чалғитиш учун қилаётган найрангга ўхшайди, – деди полковник Бўронов Жалил Очиловнинг сўзини бўлиб. – Биз нима учун кўпоровчиларнинг изига тушолмаяпмиз? Негаки улар янги-янги маълумотлар ҳисобига бизлардан олдинда юришибди. Тутқич бермаётганининг асосий сабаби ана шунда. Бундай ишлаш мени қониқтирмапти. Зудлик билан барча кучлар душманни ёки унинг айғоқчиларини топишга жалб қилинсин! Мен у аблахларнинг асл қора ниятини билишим керак!

Мажлисга йиғилганлар бу сўзни эшитиб, бир-бирларига қараб қўйишди. Элёрнинг томоғига нимадир

тиқилгандай бўлди, қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилди. Хаёлига келган сўзни қайта-қайта такрорлади: суиқасд. Наҳот, шунга журъат қилишса?

\* \* \*

Агар якшанба куни Қибрай постида яна бир портлаш бўлмаганида бу ҳафта тинч ўтаётганди...

Эрталаб одатдагидай пойтахтга кириб келаётган машиналар оқими кўпайган. Айниқса, давлат автомобиль нazorати постидан тезроқ ўтиш илинжида орага суқилаётган бесабр ҳайдовчилар бир қаторлик ўтиш жойида шундай тартибсизликни пайдо қилган эдики, машиналарни текшириб ўтказиш эмас, балки уларни бир-бирига йўл беришини тартибга солиш муаммо бўлиб борарди. Икки нафар ДАН ходими аллақачон ишга киришиб кетган, ҳуштак тинимсиз чуриллар, унга эса орқадаги машиналарнинг бири тўхтатса, бошқаси чалаётган сигналлари кўшилиб, бутунлай ғалати – кўнгилсиз манзара кашф этган: гўё машиналар оркестрига ДАН ходими нўноқлик билан дирижёрлик қиляпти-ю, ҳар ким хоҳлаган куйини истаганча ижро қилмоқда. Ажабланарли томони, бундай ғайритабиий ҳолат кейинги кунларда тез-тез кўзга ташланмоқда эди. Сабаби, шаҳарда содир этилган портлашдан сўнг барча назорат постларида шубҳали шахсларни текшириш кучайтирилган, айниқса, машиналарнинг юкхоналарини кўздан кечириш жиддий вазифа қилиб топширилган эди. Аммо бунақа тартибсизликда ҳар қандай милиция ходими ҳам ҳушёрликни йўқотиб, бошқа ишга чалғиши турган гап. Шунданми, икки назоратчининг бири аллақачон дирижёрлик қилгани киришиб кетган, бақирганга бақириб, сигнал берганга икки лунжини ичига тортганча ҳуштагини чуриллатиб жавоб қиларди. Тер қуйилаётган пешонасини кафти билан артиб олишга аранг вақти бор. У қанчалар куйиб-пишма-

син, ҳайдовчиларнинг бесабрлигидан аччиқланмасин, ўз ишини эплолмаганда айбланиб, диққати ошган, тоқати тоқ бўлаётган ғазабнок башараларга ҳар қадамда дуч келарди. Алам қиладигани ана шу афти бужмайган, кўзлари олайган одамларнинг ҳаммасига ҳам ўқрайиб қарай олмайди, худди ҳеч нарса юз бермагандай самимий ва чиройли муомала қилиши керак.

Сал берида, постнинг бошида эса тамомила ўзга манзара. Қулоқни қоматга келтирувчи ҳар хил сигналларга, орқаваротдан эшитилаётган бақир-чақирларга заррача эътибор бермай, ўз ишини аста бажараётган элик-элик беш ёшлардаги старшинанинг асаби темирданмикин деб ўйлайсиз. У ўзини таништиргач, аввал машина ичига синчков назар ташлар, йўловчилардан гумонсирамаса, бошқа гапириб ўтирмасди: ҳайдовчига бошмалдоғи билан «Орқа капотни очинг!» дегандай ишора қиларди. Юкхона бўш бўлса, қизил таёғини ишга солади: кетавер. Мабодо катта-кичик сумка, тугун, қутилар бўлса, кафтини уларнинг устига қўяди ёки сал қимирлатиб кўради; гўё қўлида рентген нурлари бору, уларнинг ичида нима борлигини аниқ биладигандай.

Навбатдаги машина «STOP» белгиси ёнидан ўтиб, пост нозирининг рўпарасида тўхтади.

– Старшина Мадиев.

Ҳайдовчи сигарет тутатаётиб, унинг юзига кўз қирини ташлаб қўйди, холос. Кейин сўрамаса ҳам ҳайдовчилик гувоҳномасини чўнтагидан олди. Бу орада машинага газ ҳам бериб юборди. Бир қарашда ҳаммаси табиий ҳол эди, албатта. Навбат кутиб, диққинафасликдан чекиш, қаергадир шошаётганидан тегишли ҳужжатларни тайёр ҳолда ушлаш ва дарҳол йўлга тушиб, орқадаги машинага жойни бўшатиш. Лекин ҳайдовчининг хатти-ҳаракатидаги нотабиий аломатларни Ёдгор Мадиевнинг ўткир ва сезгир нигоҳи пайқашга улгурган эди.

Кўнглидаги илк шубҳани сездирмай, орқа ўриндикдаги икки аёлни кўздан кечирди. Улар бир-бирларига жилмайганларича бир нималар ҳақида гаплашиб ўтиришарди. Шунда Ёдгор Мадиёров янада сергак тортди. Анчагина вақтини навбат кутиб ўтказган одам, айниқса, аёл киши, наҳот, шунчалар беғам ва бепарво бўлса? Одатда, бунақа пайтларда ҳайдовчидан кўра йўловчилар шошилаётганини сездириб қўйишади: ё норози қиёфасини кўрсатишади, ё кесатиб гап ташлайди. Ахир битта кичик постда қанча вақтини беҳуда сарфлашди? Бетоқат бўлишлари табиий. Бироқ мана бу икки аёл... Наҳот, улар ярим соатдан кўпроқ йўқотган вақтига заррача ачинишмаса? Ёки уларнинг шошадиган ери йўқмикин? Қизиқ, шундай танг вазиятда...

– Марҳамат қилиб, ҳужжатларингизни кўрсатсангиз!

– Ўртоқ начальник, кўриб турибсиз-ку бизлар бир лўли бўлсак, ҳужжат нима қилсин, – дея дарҳол жавоб қилди қорачадан келган аёл.

Жувонлар, дарҳақиқат, лўли хотинлардай кийинган, кўнғир ва жамалак узун сочлари бошларига ташлаган юпқа рўмоллари остидан чиқиб турарди. Билак ва бармоқларида ростдан ҳам турли рангдаги тақинчоқлар бўлиб, бундай қаторлашган билагузукларни фақат лўли аёлларгина тақарди. Ўзбекчани бироз бузиб гапириш ҳам уларга хос эди. Доимий хушчақчақлик, одамнинг юзига тик боқиб тортинмай сўзлаш, бир пайтнинг ўзида айёрона нигоҳ билан мунгли қиёфага кириш ёки бирдан сапчиб қолиш каби хусусиятлар айнан лўлиларда яққол намоён бўлади. Ҳа, ишдан чарчаган ёки асабни бузмайдиган киши бўлса, шу аёллар билан тортишиб ўтираманми, деб машинани ўтказиб юборган бўларди. Аммо юраги ниманидир сезган старшинанинг бу каби табиий кўринишга уриниш, ишвали



нигоҳлар, кишини чалғитувчи гаплар ақлини ўғирлай олмади. Ҳайдовчига юзланиб:

– Машинани четга ол! – деб буюрди.

Озғин ҳайдовчи йигит бир зум каловланиб қолди. Старшина сал нарида елкасига автомат осган аскарга маъноли қараб қўйди. Буни пайқаган аёллардан бирининг кўзлари жавдиради, ранги ўзгариб, нимчасининг бир дона тугмасини бир тортиб узди-да, белига айлан-тириб ўралган қандайдир мосламага ёпишди. Старшина аёлнинг қўлида портлагични ишга туширадиган, худди уяли телефонга ўхшаб кетадиган пультни кўриб, нафаси ичига тушиб кетди. Бунга жавобан аёл совуқ тиржайди, кейин «Сенга хужжат керакми?» деди писандалик билан афтини бужмайтириб. Старшина, ниҳоят, ўзига келиб кўзларини юмди. «Ҳаммаси тамом!» деган фикр хаёлидан ўтди-ю, автоматини отишга ҳозирлаб тобора яқинлашиб келаётган ёш аскарга ўгирилганича «Яшнар, орқага!» деб бақирди. Бироқ бирдан гум-бурлаган бомбанинг кучли зарби уни турган жойидан орқасига улоқтириб ташлади. «Москвич»нинг олди капоти осмонга кўтарилди. Кетидан учиб чиққан аккумулятор страшинанинг қарашидан машинада шубҳали шахслар бор, шекилли, деган ўйга борган, аммо портлашни умуман хаёлига келтирмаган Яшнар Дўстмуҳамедовнинг кўксига шундай куч билан келиб урилдики, йигитни бетон тўсиққа ёпиштириб қўйди. Инсон танаси унча-мунча зарбни кўтариши мумкин, лекин бош... Орқа мия билан бетонга урилган Яшнар икки томонлама олган жароҳатни кўтара олмади – боши «шилқ» этиб елкасига тушди ва шу заҳоти жон таслим қилди.

Портлаган «Москвич»ни бир зумда аланга ямлади. Ундан чиққан олов ён-верига ҳамла қила бошлади. Ойналари чил-чил бўлган машиналар хавф остида қолди. Шундагина ДАН ходимларига бақираётган, гапирги-

си келмай тинимсиз сигнал чалаётган ҳайдовчиларнинг уни ўчди: нигоҳлари даҳшатдан қотди, кимдир турган жойида, кимдир машинаси ойнасидан бошини чиқарганича туриб қолди. Бу орада кимдир кетма-кет «Қочиб қол!», «Яна портлайди!» деб бақирди. Бирдан ўзига келган ҳайдовчилар, уларга қўшилиб йўловчилар ҳам қочишга тушишди. Ҳайқирӣқ қайси томондан келгани, уни ким айтгани билан бировнинг иши бўлмади. Яна портлаш бўлса, демак қочиш керак! Атрофдагиларнинг фикру хаёлида биргина шу ўй эди. Жон талвасасида бири-бирини туртиб, итариб, катталар машиналар орасидан, баъзи чаққон ёшлар эса автомобилларнинг устида чопиб боришарди. Ҳеч кимнинг ортига қарашга юраги дов бермас, аммо нечундир юз-кўзларидаги кўрқувни бошқалардан яширишга ҳаракат қилишарди. Тавба. Ана-мана дегунча постда қўлидан таёғи тушган «дирижёр» ҳанг-манг бўлганича ёлғиз ўзи қолди.

\* \* \*

Намангандаги икки портлашдан кейинги сокинлик, аслида, миллий хавфсизлик ва милиция ходимларини ташвишга солганди. Бу қутурган шамолнинг бироз нафас ростлашига ўхшаб кетарди. Қидирув бирон-бир натижа бермаётган шу кунларда қўпоровчилик уюштирган кимсаларнинг кумга тушган сувдек ғойиб бўлиши ва бугун бирдан яна бош кўтариб, энди Қибрайда навбатдаги портлашни содир этиши соҳа раҳбарларининг гумонини тасдиқлаб, ана энди чинакамига хавотирга солиб қўйди.

Қамоқдаги агентнинг номаълум тарзда ўлдирилиши вазиятни чигаллаштирди. Балконда отиб кетилган мерганнинг шахсини аниқлашнинг ҳамон иложи бўлмапти. Бу ҳақда Интерполга маълумот юборилди. Бироқ улардан тайинли жавоб олинмади. Башарасига

кислота сепиб таниб бўлмас даражага келтирилган жосуснинг бармоқ излари ва қон таҳлилидан унинг кимлигини билиб бўлмаётган эди. Натижада жиноят оламига кирмаган ёки кирган бўлса ҳам шу пайтгача қўлга тушмаган шахс эканлиги қайд этилди, холос. Криминалистлар, одамнинг бош суяги асосида унинг юз қисми тахминан қандай бўлганлигини тикловчи рассомлар компьютерда қотилнинг юз тузилишини чизиб беришди. Сурат деярли ҳамма объектларга юборилди. Турли оғир жиноятлар содир этиб ички ишлар вазирлиги рўйхатига тушганлар хоҳ қамоқда, хоҳ озодликка чиқарилган бўлсин, афтини буриштирганича «Билмайман», «Танимайман», «Аввал кўрмаганман»дан нарига ўтишмади. Балки атай шундай деяётгандир деб, турли усулларни қўллаб ҳам кўришди. Бу уринишларда кишининг ёлғон гапираётганини сезувчи мутахассис ҳам иштирок этди. Аммо ҳозирча бирор ижобий натижага эришиб бўлмаётган эди. Демак, сурат жиноятчига деярли ўхшамаган. Ёки уни ростдан ҳам аввал ҳеч ким кўрмаган. Балки қўпоровчиликни уюштирган гуруҳ бошлиқлари атай шундай одамни излаб топишгандир? Охирги тахмин эса оддий: ёлланма киллер яна хориждан таклиф қилинган бўлиши мумкин? Бу гал аэропорт орқали эмас, қўшни давлатлардан ўтиб келган. Саволлар кўп ва қайта-қайта такрорланарди. Бироқ жавобсиз эди. Милиция ходимлари жиноятнинг ортида ким турганлигини, уларнинг ини қаердалигини куну тун қидираётган маҳалда шаҳар чегарасидаги постда яна бир портлаш содир этилганди...

Эрталабки бу нохуш хабар бир зумда пойтахтга тарқалди. Шаҳарда назорат кучайтирилди. Энди ҳамма жойда милиция ходимларини учратиш мумкин эди. Одамлар одатдагидай турмуш ташвишлари билан қаергадир шошаётган бўлса-да, уларнинг нигоҳлари-

дан, бегоналарга қилаётган муомаласидан хавотирда эканлигини пайқаш қийин эмасди. Авваллари атрофда посбонларнинг бўлиши кўнгилга хотиржамлик солса, энди уларга бошқача назар билан қараш пайдо бўлган, одамлар сездирмасдан иложи борича узоқроқ юриш пайида бўлишарди. Уларга яна хужум уюштирилади, деган гаплар оғиздан-оғизга кўчиб юрарди. Ким ҳам бирдан майиб бўлиб қолишни ёки ўлиб кетишни истайди. Уларга буни кимдир қаттиқ тайинлагандек ҳар бир қадамини ўйлаб босишади, атрофга олазарак боқишади. Йўлда учратган таниш-билишлари билан гап-сўзлари қисқа: омонмисан, яхши юрибсанми, майли, кўришгунча, салом айт.

Тинчиган тўлқиндай осойишта кўринган кўча-кўйда яна бир нохуш манзарага гувоҳ бўласиз.

– Марҳамат, шахсингизни тасдиқловчи хужжатингизни кўрсатсангиз, – деб сўрайди милиция ходими ўзини таништиргандан сўнг қора либосга ўраниб олган аёлдан.

– Қанақа хужжат? Нима, энди айланишгаям паспорт кўтариб чиқамизми? – сержантни жеркиб ташлайди аёл.

Ёнидаги дугонаси унга қўшилади:

– Қўлингизни нари торт, беномус!

Яқинда хизматга кирган сержант йигит аёлнинг кўзларидаги важоҳатни кўриб, ноилож бир қадам ортга чекинади. Аммо дилидан ўтган гапни яшириб ўтирмайди:

– Ҳеч бўлмаса юзингизни очиб юрмайсанми?

– Сенга нима?! Бошимда эрим бор хўжайинлик қилдиган, билдингми?

– Одамларга ўхшаб кийиниб юр-да, – тутоқиб кетди тунов кунги портлашда яқин дўстидан айрилган сержант.

– Ҳой, йигит, кўриб турибсан-ку мўмин-муслмон аёл эканини, – ўртага қўшилади ўткинчи қария.

Бу таънага қарши нима дейиш мумкин? Гап қайтарса, отахон ҳам ғазабланиб кетиб, бир нима деб юбориши мумкин. Кейин бу томошага бошқалар ҳам қўшилади-да, билиб-билмай милицияни ёмонлай бошлайди. Начора, сержант вазиятни чамалаб, нари кетишга мажбур. Аммо бунга қоникмаган аёлларнинг анчагача жағи тинмайди.

Аслида, бошдан-оёқ қора либосга ўранган хотин-қизлар одамларни бироз ҳадиксиратиб қўйганди. Бошига чиройли рўмол ташлаган, хушбичим кийинган аёллар гўзал, латофатли кўринар ва уларда ибо, иффат, шарм-ҳаё шундоқ барқ уриб турардики, бу опа-сингилларга фақат самимий муомала қилиш мумкин. Уларга қараганда ҳар қандай шубҳага, ҳирсга, эҳтиросга ўрин қолмайди. Қинғир хаёлга боришга киши ўзидан уялади. Аёлларнинг нигоҳлари ва муомаласида ҳам асло макр-ҳийладан нишона йўқ эди. Аммо кечаги портлашдан кейин фақат кўзларинигина очиқ қолдириб кийинган заифалар, улар қанчалар маъсума, қанчалар покдомон бўлмасин, ёлланган жосус аёллар шундай кийинган ҳолда хунрезликлар содир этгани боис, бунинг устига, яна бўлармиш деган гап-сўзлар бот-бот такрорланиб турганиданми, уларга ўзгача бир муносабат пайдо бўлди. Айниқса, милиция ходимлари уларни кўриши билан дарҳол сергак тортишар, қарашларида қаҳр-ғазаб учкунлари зоҳир бўлганини ўзлари ҳам сезмай қолишарди.

Бундай миш-мишларга эътибор қилинмаса, ҳафта тинч ўтарди. Бироқ барча каби Элёрнинг ҳам ороми йўқолган, ишдан кейинги вақтларини гоҳ рингда бокс тушиб, гоҳ кутубхонада тил ўрганиш билан ўтказса-да, кўнгли ҳаловатсиз, кечалари уйқусиз эди. У

ёқда эса онаси телефон қилиб, тинчлигини сўрашни, тезроқ келиб Зулфия билан никоҳ ўқитиб қўйишни тайинлагани-тайинлаган.

Онаизор ҳозир бу нарсалар ўғлининг кўнглига сиғмаётганини қаердан ҳам билсин? Тошкентга охириги марта Зулфия билан келиб кетиш асносида «Фарғонадаги ўша гап гапми?» деб сўради. Элёр қишлоқдан қайтишда онаси билан хайрлашаётиб айтган гапини эсласа-да, ўзини билмаганга солди. «Ўзингиз биласиз» деганингни айтяпман», деди Тўхтаҳон ая жилмайиб. «Эҳ, ўзимнинг ғамхўр онажоним. Мени уйлантирмагунча тинчмайсиз, шекилли». Ўғлининг бу эътирозига жавоб ҳам тайёр эди: «Онам мени ўз ҳолимга ташлаб қўяди, деб ўйловмидинг? Кечирасан, мен унақа бепарво аёллардан эмасман. Ундан кейин яна бир гап, ёлғизлик Эгамга хос». «Ҳа, бу сафар таслим бўлишдан ўзга чорам йўқ, шекилли». Онанинг юзида севинч пайдо бўлди. Розилик аломатидай айтилган гапдан кейин уйга келиши биланоқ қанот боғлаб ҳаракатни бошлаб юборган кўринади. Никоҳ ҳақида гап очиляптики, совчилар ишни пишитиб келишган, фақат куёвнинг келишини кутишяпти.

Элёр уйланиш масаласида шошаётган онасини айблай олмасди. Бу ердаги портлашларни, балки, эшитмагандир. Ёхуд уйида аёли бўлса, ишдан сўнг оиласининг олдига шошар деб жони ҳалақдир. Ким ҳам фарзандига ёмонлик истайди. Аммо шу кунларда ростдан ҳам унинг кайфияти тунд. Разилликнинг ошкора тус олиш хавфи уни чўчитаётган эди. Яна қандай қабих ишга қўл уришмоқчи? Йўқ, у ўз ҳаётидан эмас, бегуноҳ, тинч, осуда кун кечираётган одамлардан, айниқса, шу юртининг келажаги учун жон куйдираётган Президент учун кўпроқ ташвишда эди.

Кундан-кун жўшиб меҳнат қилаётган инсонларнинг кўзларида эртанги кунига пайдо бўлаётган ишонч,

билакларидаги куч-қувват, хатти-ҳаракатидаги ғайрат-шижоат кимларгадир ёқмаётгани аниқ. Улар ўз мақсадига эришиш учун одамларнинг тинчини бузиши, ораларига низо солиб, мамлакатда тартибсизлик пайдо қилиши, ҳукумат раҳбарларига нисбатан норозилик келтириб чиқаришлари керак. Яқинда рўй берган портлашлардан ана шундай хулоса келиб чиқади. Милиция ходимларига ҳужум бошлашдими, демак, Миллий хавфсизлик хизматидагилар ҳам нишонга олинган. Шаҳарда бемалол юришган экан, истаган вақтларида унинг ҳаётига ҳам чанг солишлари мумкин. Ёки не умидлар билан келиши кутилаётган Зулфияга...ўғлига... Йўқ, Элёр бундай айрилиқни, жабру жафони энди ортиқ кўтаролмайди. Демак, босқинчиларга қарши курашиш керак, уларнинг йўлини тўсиш лозим, разилликка, қабоҳатга қаратилган ҳаракатларига чек қўйилиши шарт!

Шундай экан, қандай уйланади? Билиб туриб яқинлари яна азият чекишига йўл қўядими? Агар жигарбанди Жалололдинга бир нима бўлса, қайтиб ўзини кечира оладими? Ёки Зулфиянинг ҳаётини хавф остида қолдирса, бу аёлни унга омонат деган марҳум Ботирга нима деб жавоб беради? Балки, унинг руҳи Зулфиянинг бахтли турмушидан шодланар, аммо жонига озор етганини кўрса-чи? Таҳликали вазиятда қолса, чинқирмасмикан? Ундан норози бўлмасмикан?

Пешонаси терга ботган Элёрнинг кўзларидан уйқу қочади. Эртага ҳаётининг қандай кечишини тасаввур қилолмай қийналади. Ўрнидан туриб тунги спорт клубига йўл олади. У ердан чиқиб Анҳор бўйида ўтирмақчи бўлади. Аммо онаси телефон қилиб қолишини ўйлаб, уйга қайтади. Душда қанчалар кўп турмасин, енгил тортмайди, кейин ўзини диванга ташлаб, яна хаёллар гирдобига ғарқ бўлади.

Ёлғизликда бу ўпқондан чиқиш жуда қийин. Олдинга тирмашасан, бироқ орқага кетаётгандай бўласан. Баъзида инон-ихтиёрингни топшириб қўйганингни билмай қоласан. Бироқ инсонга Аллоҳ юксак ақл-идрок берган, уни барча мавжудотлар ичида азизу мукаррам қилиб яратган. Ана шу олий тафаккурни эзгу ишларга бағишлаган одам ақлини йўқотишни, уни хароб қилувчи салбий таъсирларга таслим бўлишни истамайди. Бунинг оқибати хавfli эканлигини яхши билади.

Элёр гирдоб қаърига тушиб бораркан, қулоғига қандайдир ғалати овоз эшитила бошлади. «Ким у сўзлаётган?» Элёр ҳадиксираганича овоз эгасини танишга ҳаракат қилади. Бироқ чир айланаётган хаёллар оқими уни ўз домига тортишда давом этади. Худди шу пайт-ни пойлаган Шайтон энг шимариб ишга тушади: «Қўйсанг-чи, шу ишларингни, – дейди у одамизодга хуш ёқадиган сўзларни топиб. – Асабларинг тугаб бўпти-ку. Ҳадеб жонингни қийнайверасанми? Севган ёрингдан айрилганинг камми? Жудолик туфайли тортаётган жабру жафонг-чи? Нечун ўғлингнинг келажагига бефарқсан? Ахир у тукқан онасининг меҳрини кўрмай ўсаётганини билиб турибсан-ку. Ҳаётинг давомчиси бўлган зурриётингни, Муҳаббатдан қолган ёлғиз ёдгорингни ўз ҳолига ташлаб қўйганингни қара. Ота дегани ҳам шунчалар шафқатсиз бўладими? Кўзингни каттароқ оч! Ҳечкурса энди Зулфия билан тинч-тотув, бахтиёр умр кечирмайсанми? Уларнинг ҳаётини хавф остига қўйишга виждонинг қандай чидайди? Билиб қўй, бу ишингни ташламас экансан, сен ҳам, яқинларинг ҳам тинч яшай олмайди. Шундай экан, ўз оромингни, ўйла. Беҳаловат кунларга чек қўй. Энди менга қулоқ солгин-да, бориб ароқ топиб кел, кейин маза қилиб ичиб, кайфу сафо қил; ҳа, агарда уйланишни истамасанг, жононлардан бирини топгин-да, айшингни суриб юравер».



Элёр бу ундовларга қулоқ тутаркан, ўпқон тубини кўргандай бўлди. У ерда юз-кўзлари маънисиз, хатти-ҳаракатлари ғалати, ғашни келтирувчи, бадбўй ҳидли, оғзидан иғво ва ҳасаддан иборат ғудранишлар эшитилаётган турли ёшдаги башараларни кўриб, бирдан хушёр тортди. Уларнинг айримлари ўйин-кулгу билан овора, баъзилари тўпланишиб кимнингдир ғийбатини қилишиб, каттагина чоҳ қазишарди; яна бировлари ҳаётдан нолиган, унинг бу кўйга тушишига биров айбдор-у, бу жабрдийда эса ўшанинг гўрига ғишт қаларди. Элёр иллатдан иборат бу тоифа кимсаларни қаердадир учратганини эслади ва чирмовиқ каби бутун баданини ўраб, ақл-заковатини ўғирлаб, энг даҳшатлиси, тобора хиралаштириб, ўтмаслаштириб бораётган нохуш ўй-хаёлларини чилпарчин қилиб юборди.

Ҳа, Элёр иродасизлик қилса, ғира-ширада кўринаётган кимсалар орасида бўлишини ўйлаб, дарҳол ўзини қўлга олди. Муздек сувда ювингач, Фарғонага телефон қилди.

Она ўғлининг яқин кунларда келиб қолишини эшитиб, хурсанд бўлиб кетди.

## **XXI. ТАҚДИРИДА БОР ЭКАН**

Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ бўлгани каби, Элёрнинг бошига тушган мусибат ихчамгина ўтган ниқоҳ маросимидан сўнг бироз аригандай бўлди. Айниқса, ўғлининг хатти-ҳаракатлари унинг кўнглига таскин берарди. Зулфияни бегонасирамай, худди ўз онасидай муомала қилишлари унинг барча хавотирларини ортга чекинтирди. Эртаси куни Элёр Тошкентга қайтишини оила-аъзоларига маълум қилди. Буни эшитган жажжи фарзанди хурсанд бўлиб кетди.

– Энди Тошкентда яшаймизми? – савол беришдан тўхтамасди Жалолиддин. – Ҳозир кетамизми?

Элёр кулимсираб бош силкийди. Барча боланинг бийрон сўзларига маҳлиё бўлиб жилмаяди.

– Буви, биз билан кетмайсизми?

– Энди сен ота-онанг билан катта шаҳарда яшайсан, болажоним, – Тўхтаҳон ая набирасининг бошини силаркан, қайта-қайта пешонасидан ўпади. – Мен эса сизларни кўргани бориб тураман, хўпми, арслоним.

– Давронни ҳам олиб боринг, мен унга ҳайвонот боғини кўрсатаман, – дейди Жалолиддин ўйнагани чиққан ўртоғининг елкасига қўл ташлаб. – Борасан-а, Даврон?

Кечаёқ ҳамма гапдан хабар топган беш ёшли Даврон кўзларини жовдиратиб Тўхтаҳон аяга қарайди.

– Албатта, олиб бораман Давронжонни ҳам. Қани энди, хайрлашайлик-чи, болажоним.

Жалолиддин бувисининг кучоғига отилди.

Эрназар ака Элёрнинг елкаларини силаб, ишларига омад тилади. Сўнг ўғлининг қулоғига аста шивирлайди:

– Онангни тез-тез йўқлаб тур.

Тўхтаҳон ая ўғлини анчагача бағридан қўйиб юбормади.

Синглиси «Биз қачон Тошкентга борамиз, акажон?» деб ўпкаланди. Укаси Дилёр хайрлашаётиб дадасидан эшитган гапни такрорлади:

– Ака, мен сиз билан фахрланаман.

Элёр Андижон тиббиёт институтида таҳсил олаётган укаси катта йигит бўлиб қолганини ҳис қилди. Шу пайтгача бемалол ўтириб, дилдан суҳбатлашмаганига афсусланди. У иш, укаси эса ўқиш билан банд бўлди. Аммо улар меҳр-оқибат борасида бир-биридан узоқлашмаган эдилар.

– Яна бир йилдан кейин шифокор бўласан. Шундай ишлагинки, биз ҳам сен билан доимо фахрланиб юрайлик, – деди Элёр укасини меҳр билан кучиб.

– Кеча айтган гапларингиз эсимда.

– Шундай бўлсин.

– Албатта.

Элёрнинг Тошкентга қайтаётганини эшитган қариндош-уруғлар, кўни-кўшнилар бирин-кетин кириб келишди. Улар билан хайр-хўшлашиш, ота-онанинг дуо-си узоқ чўзилди.

Ниҳоят, машина йўлга тушди.

\* \* \*

Элёр кўзга ташлана бошлаган қир-адирларга, са-лобатли тоғларга тикиларкан, бир пайтлар Муҳаббат билан худди шундай йўловчи машинанинг орқа ўриндиғида ёнма-ён ўтиргани эсига тушди. Шунда ногоҳ кўзига Муҳаббат кўриниб, ўзини ғалати ҳис қилди. Худди айб иш устида қўлга тушгандай ранги ўзгарди. Кейин беихтиёр пешонасини ойнага босди ва ўзига келгунча миқ этмади.

Зулфия зийрак ва сезгир эмасми, Элёрдаги ўзгариш-ни аллақачон пайқаган бўлса-да, ўзини билмаганга солди. Тиззаларига бош қўйиб уйқуга кетган Жалолиддиннинг тим қора сочларини оҳиста силаркан, унинг бу руҳий ҳолатига ўзини айбдор ҳис қилиб, бошланган янги оилавий ҳаёти ҳақида бироз хавотирли ўйга берилди. Элёр наҳот ҳар қадамда Муҳаббатни ўйлаб эзилса, юрганда ҳам, турганда ҳам уни эслаб сиқилса? Бир-икки ой яшаганидан сўнг, «Бундай яшашим сизга ёқмаса, майли, кета қолинг» деб қолмасмикин? Ёки унинг ўзи бу юриш-туришга кўника олмай қайтиб кетишга мажбур бўлса-чи? Наҳот, пешонасига фақат шундай аччиқ қисматлар ёзилган? Унда нима қилади? Қан-

дай йўл тутади? Жонажон қишлоғига қайси юз билан кириб боради? Одамлар у тўғрида яна нима деб ўйлайди? Шундоқ ҳам қўлини бигиз қилиб кўрсатаётган собиқ қайнанасига Худо беради-ку. «Ўғлим сен туфайли майиб-мажруҳ бўлгани етмагандай, бевақт ўлиб кетди. Бу ҳаётда ҳеч нарса кўрмади. Мени зурриётимдан маҳрум қилдинг. Унга тегиб ўзимни оқладим деб ўйла-япсанми? Сен палакатсан! Борган жойингга ташвиш ва офат келтирасан! Сендан асло рози эмасман!» дегани қизнинг эсида.

Тўйга рози бўлиб чакки қилди-ёв. Лекин Тўхтаҳон ая ҳоли-жонига қўймади-да. Тўғриси, бу ширинсухан аёл унинг кўнглига йўл топганди. Шундай борди-келдилар орасида жажжи Жалолиддинга меҳри тушиб қолди. Тақдирнинг тухфасини қарангки, болакай ҳам ундан ётсирамади, худди йўқотган онасини топиб олгандай, ҳар гал кўришганда қучоғига отиларди. Ана ундан кейин шундай ширинтой фарзандга она бўлиш туйғуси аста-секин устун келиб, Элёрнинг таклифини қабул қилганди.

Нафсиламрни айтганда, бусиз ҳам қишлоқдан кетишни ўйлагани-ўйлаган эди. Боши очик деб катта ёшли кишилардан совчилар келарди. Ажрашиб улгурмаган ёшлар эса йўлини пойлагани-пойлаган. Одамни номусга қўяётгани билан заррача ишлари йўқ. Турмушга чиқмайман деса, уялмай-нетмай учрашиб туришни таклиф қилишади. Кейинги пайтларда яшашдан ҳам тўйиб кетганди ва охир-оқибат бу аламли тазйиқлардан ҳеч кимнинг эри ўлмасин экан, деб юборганини ўзи ҳам билмай қоларди.

Яратганнинг унга раҳми келди, шекилли, Элёрни рўбарў қилди. Иложсизликдан эмас, ўзидан бир-икки ёш кичик бўлса-да, ҳаётнинг аёвсиз зарбаларига дуч келган ва уни сабр ила енгиб ўтаётган таниш бева йигитдан

совчи келгани боис, уларнинг раъйини қайтаролмади. Боз устига, Элёрнинг ўғлига кўникиб қолган эди.

Бироқ куёвнинг айна чоғдаги маъюс ҳолати гўё бу никоҳдан хурсанд эмасдек таассурот қолдирардики, бу сукут, бу тушкун кайфият Зулфиянинг пурвиқор тоғлар ҳавосидан эмин-эркин нафас олиб бироз бўлса-да илиган юраги ногоҳ эсган шамолда титраган япроқ мисоли ўзини ҳар ён ура бошлади. Ички туғённи сездирмаслик учун эса гирёна кўзларини теварак-атрофга тикди. Аммо на юксакка бўй чўзган тоғлар, на бир сиқим қорни авайлаб ушлаб турган чўққилару унинг бағридан оқиб тушаётган ирмоқ ва на турли шакл-шамойилларга кираётган оппоқ булутлар унинг аста-секинлик билан гирдобга айлана бошлаган шубҳалардан халос эта олмади. Ҳатто ўлжасини пойлаб бир текисда учаётган, кейин шиддат билан пастга ўқдек отилган бургут ҳам аёл диққатини тортолмади. Салгина қувонч ўрнини шундай паришонлик, тобора кучайиб бораётган маҳзунлик эгаллаб борардики, Зулфия болакайнинг бошини силаётган қўллари тўхтаб қолганини сезмади. Не ажабки, гоҳ-гоҳида машинанинг силкинишлари ҳам уни турли ўйлар исканжасидан халос қилишга ожизлик қиларди.

Ҳар замонда ўғлига кўз қирини ташлаб қўяётган Элёр Зулфиянинг бармоқлари билинар-билинемас титраётганини сезиб қолди. Сергак тортиб аёлига юзланди ва унинг хомуш тортган қиёфасини кўриб, эркак номига номуносиб иш тутаётганидан хижолат тортди. Зулфиянинг кўнглини кўтариш ўрнига бу нима қилгани? Эҳ, у ҳали қандай ўй-хаёлларга бордийкин? Бу ўтиришини бефарқликка йўйиб яримта кўнглини баттар эзган бўлса-я? Беихтиёр пастки лабларини тишлади. Гапни нимадан бошлашни билмай қийналди. Оббо, бирор маънили сўз ҳам кела қолмаганини қаранг.

Бир вақтлар Муҳаббатга айтган илиқ гапларни айтсамикин?

«Ҳой, йигит, тўхта, яна Муҳаббатми?! назарида, кимдир унинг қулоғига шивирлагандай бўлди. – «Яна жоним, азизам, муҳаббатим деб юборма!»

«Э-ҳа, – дея ичида такрорлади Элёр ўзини қўлга олиб. – Зулфия нотўғри тушуниши мумкин. Бу сўзлар қанчалар ширин, қанчалар ёқимли бўлмасин, ҳозир мавриди эмас». Унда нима қилиши керак? Йўл узоқ бўлса, оғзига толқон солган одамдай жим кетавермайди-ку?

– Ухлаб қолибди-да, – деди Элёр минг хижолатда ўғлининг пешонасини силаш баҳонасида Зулфиянинг бармоқлари устига қўлини қўяркан.

Зулфия сесканиб тушди ва дарҳол қўлини тортиб олди. Кейин қалтис ҳаракат қилганини сезди, шекилли, нима дедингиз, дегандай ёнидаги эркакка қаради. Лекин бу киши энди унга бегона эмасди. Уч кун аввал ўқилган никоҳ бир-бирларидан тортинишга, ётсирашга, энг асосийси, уялишга нуқта қўйган эди. Бироқ Зулфиянинг қалби ҳали-ҳануз очилмаган бир ғунча эди. Ота-онасининг олдида хотини билан қўшилишга тортинган Элёр бу ишни кечиктиргани учун ҳам ҳозирча ёнидаги гўзал аёлнинг иффати, ибо ва ҳаёси гулғунча янглиғ нафис, тоза эканлигидан умуман беҳабар эди.

– Ухлаб қолибди, сизни чарчатиб қўймадимми? – деди Элёр ўзини хуркиган кийикдай тутаётган Зулфияга.

– Ухлаганига анча бўлди, – деди Зулфия ноқулай вазиятдан чиқиш чораларини ахтараётган Элёрнинг хатти-ҳаракатларини сезиб, бироз майин оҳангда.

Лекин Элёр ҳам анойилардан эмас-да, гапнинг оҳанги қанчалар майин бўлмасин, унинг тагида бошқа бир маъно ётганлигини дарҳол англади-ю юзларига ним табассум югурди. «Наҳот, аразлаган бўлса? Юзимни салгина бурганимга гина қияпти чоғи. Лекин нотўғри

иш тутганим рост. Нима бўлганда ҳам янги келин деган номи бор, ундан юз ўгирмай ўтиришим керак эди. Энди вазиятни ўнглашим лозим. Кўнглига йўл топишим учун гапни нимадан бошласам экан?»

– Қаранг, худди онасининг бағрида ётгандай...

Элёрнинг гапи чала қолди. Шуми кечирим сўраш баҳонасида бошлаган гапи? Нималар деяётгани бирдан миясига уриб, ўсал бўлди ва чечанлик билан гапни гўё бошқа ёққа бурди:

– Сизга ўз онасидай кўникиб кетганидан хурсандман. Шундан жуда хавотирда эдим.

– Узр сўрашга ҳожат йўқ.

– Унда... нега...

– Сиз ўзингизни яхши тутяпсиз. Тўғрисиям, биз қўл ушлашиб юрадиган ёки бирор панароқ жойга бориб ўтирадиган севги ёшидан ўтганмиз.

Зулфиянинг гаплари самимий эди, аммо бироз жиддий тус берилганиданми, куёв йигит яна ўнғайсиз ҳолатга тушди.

– Тўғри, у ёшдан ўтганмиз. Юракларимиз эса айрилик дарди билан лиммо-лим. Бироқ тақдир бизларни учраштирган экан, бир-биримизнинг эзилган қалбимизга малҳам қўйиб яшашимиз керак. Шундагина кўрган азобларимизни унутиб, яна дуч келишимиз мумкин бўлган машаққатларни биргаликда енгиб ўтамиз. Акс ҳолда... бешафқат ҳаёт синовларига бардош беролмай, мағлуб бўламиз. Мен эса мағлуб бўлишни истамайман. Эшитяпсизми, истамайман!

Элёр бироз тин олди. Зулфия нимадир дейишга шайланди ва кўз қирини Элёрга ташлаганди, ҳали унинг гапи тугамаганини пайқади.

– Сиз энди рафиқамсиз. Олдинлари опа деган бўлсам, энди Зулфия деб чақиришимга кўникишингиз керак. Уйдаги Муҳаббатнинг расмларини эса йўқо-

толмайман. Баъзида уларга кўзингиз тушиб қолса, уйланганига афсусда экан деган хаёлга борманг. Гоҳида тушларимда Муҳаббатни кўриб, уйқумда унинг исмини айтишим, яна бир нималар деб гапириб юборишим мумкин. Буни ҳам нотўғри тушунманг, ҳозиргидай қалбингизни ҳадик ва гумон эгалламасин. Балки йиллар ўтса-да, мен сизни севиб қолдим деб айтолмасман. Аммо яхши эр, меҳрибон ота бўлишга ваъда бераман. Сиз ҳам ҳис-туйғуларингизни, ширин ва ачиқ хотираларингизни мендан мажбуран яширишга уринманг. Биз энди муқаддас никоҳдаги эр-хотинлармиз. Пешонамизда бирга бўлиш ёзилган экан, бундан қочиб қутулолмасдик, албатта.

Элёрнинг юрак тубидан чиққан гаплардан Зулфиянинг фикрини банд этган шубҳали ўйлар, ташвишга солган хаёллар чилпарчин бўлган, ҳозиргина айтишга чоғланган фикридан асар ҳам қолмаган эди. У ҳаётини боғлаган эркак ўйлаганидан ҳам ортиқ оғир-босиқ, мулоҳазали, гап-сўзлари таъсирли, аёл қалбини тушунадиган, унга зиён-заҳмат етишига йўл қўймайдиган кап-катта киши экан-ку. Зулфия уни ёш деб ўйлабди-я. Никоҳ кунигача анча таниш бўлса-да, ўзимдан кичик йигит билан қандай яшайман, у мени тушунармикин, Ботирнинг севгисини хор қилгансан деб юзимга солмасмикин, Муҳаббатдек сева олмаса ҳам, озгина меҳрибон бўла олармикин деб минг бир хаёлга борган эди. Тўғри, бу никоҳ катталарнинг ҳаракатлари билан бўлди. Аммо уларнинг иккисидан бири истамаганда асло рўёбга чиқмас эди. Демак, Элёр ҳам у каби турли хил мулоҳазага борган, онасининг таклифига анча вақтгача рўйхушлик бермаган. Ҳар томонлама ўйлаб кўргандан кейин майли деган.

Мана энди улар ёнма-ён ўтиришиб, азим Тошкентга кетишяпти. Бироз суҳбатлашиб ҳам олишди. Дарвоқе,



бу суҳбатда гапириш навбати унга келганди-ку. Ҳа-я, нимадир дейиши керакмиди?

Зулфиянинг хаёлида сўрашга на савол, қайтаришга на бир жавоб бор эди. Унинг қалби бирдан ёришиб кетди ва тоғнинг мусаффо ҳавосидай тиниқлашди. Илҳомбахш сўзлар эса ҳилпираб турган юрагига далда, нам торта бошлаган кўзларига малҳам бўлди. Энди ҳар қандай сўз, ҳар қандай ибора ортиқчадай туюлди. Уларнинг ўрнини босувчи биргина нарса бор эди. Худди ана шу муносабат Элёрнинг гапларига муносиб жавоб эди: Зулфия эрининг кенг елкасига аста бош қўйди...

\* \* \*

Тонг саҳарда эр-хотин ўртасида қисқагина, ғалати, айни чоғда ширин суҳбат бўлиб ўтди.

– Мен сизни...

– Тиссс!

Зулфия шундай деб бармоқларини Элёрнинг лабларига босди.

– Наҳот...

– Бўлди.

– Унда аёл бўлганингиз билан табриклайман.

– Одамни уялтирмасангиз-чи?

– Ақлим лол...

– Қани, ўрнингиздан тура қолинг, ишга кеч қоласиз.

– Демак...

Зулфия шошганича хонани тарк этди.

## XXII. РЕЖА

Бир қарашда атроф тинч, осойишта. Аммо одамларнинг кўнгли-чи? Кўнгилда ҳаловат йўқ эди. «Яна портлармиш», «Энди каттароғи бўларкан», «Марказий банк

билан Ички ишлар вазирлигининг биноси йўқ қилинармиш», деган миш-мишлар шундай нохуш кайфият туғдирар, улар урчигани сайин кишилардаги ҳадик ва безовталик кучайиб борарди. Бу каби ваҳимали гапларни эшитган одамлар индамай қўя қолмасдан дарҳол ёнидагиларга шипширди. Уларнинг бу ҳаракатидан таажжубланмай бўладими! Гапирган одамнинг оғзини ёпиш ўрнига, қайтага ёнига қўшиб бошқа бировга етказишади. Аслида, жиноятчиларнинг ошкора ҳаракати шу мақсадга қаратилган ва улар маълум маънода одамларнинг тинчини, ҳузур-ҳаловатини бузишга эришганди.

Шунданми, бугун жинойий гуруҳ етакчиларининг димоғлари чоғ, гап-сўзлари ҳам шунга яраша эди.

– Учта портлашдан кейин одамлар бутунлай саросимада, – деб суҳбатни бошлади Хидирниёз Наҳимов ҳузурланиб. – Кеча шаҳар айланиб уларнинг юрагидаги ваҳимани юз-кўзларидан сезиб турдим. Буни ҳис қилганим сари, ғайратим жўшиб, ниятимизга тезроқ етгим келяпти. Ҳа, оламшумул воқеага оз қолди. Яқинда ғалаба байроғини баланд кўтарамиз!

– Ўзиям зап ишни амалга оширдик-да, – дея раиснинг сўзларини маъқуллади Муқим Ғаниев. – Буни Жигархун деганлари ҳам, у ярамас фатво берган «Ҳоким»-лари ҳам эпложмаганди. Мана биз улуғ бир жиҳодни бошладикки, ҳаракатимизга иккиланиб турган биродарларимиз ёрдамга ошиқиб қолишди.

– Бу муқаддас ишимиз бошқа исломий давлатларда шов-шув бўлаётгани-чи! – жим ўтиришни ўзига эп кўрмади Насим Тўраев. – Айниқса, «Озодлик» радиоси булбулигўё бўлиб кетган.

– Водийдаги режамиз аъло даражада бажарилди! – оғзининг таноби қочди Муқим Ғаниевнинг. – Нишонни яна Наманганга тўғрилаб қўйдик ҳисоб. Ички ишлар маҳкамасидаги тўралар Қибрай постидаги қўпоров-

чилик Наманганда туриб бошқариляпти, деб ўйлай бошлашибди.

– Ҳа, азиз биродарларим! Биз катта ва ўта масъулиятли, шу билан бирга динимиз учун шарафли бўлган муқаддас жиҳодни бошладик, – деди Хидирниёз Наҳимов икки томонида ўтирган ёрдамчиларнинг елкаларига бирдан қўл ташлаб. – Ҳали бизга бутун дунё мусулмонлари ҳавас қилишади ва, албатта, ўрناق олишади. Яқин кунларда бизлар эришажак мақом Араб давлатларидаги энг улуғ шайхларниқидан кам бўлмайди. Биз амалга оширган ишлар эса уларга ибрат бўлади. Ҳа, азиз ва муҳтарам зотлар, ана шундай муборак кунларга оз қолди. Энди ақл билан иш тутиб, қолган режаларимизни бирма-бир рўёбга чиқарсак бўлди.

– Кенгашнинг қуйи бўғинига сараланган йигирма бир киши аъзо қилиб олинди. Уларни уч гуруҳга ажратдик. Қувонарли томони, баъзи гуруҳлар ўзларининг «Тўфон» деб номланган отрядини тузиб олишди. Беш кишидан иборат отряд ҳақиқий тўфондек кучга эга. Йўлида дуч келган ҳар қандай нарсани илдиз-пилдизи билан қўпориб ташлашга шай туришибди. Буйруғимизни сўзсиз бажаришга Аллоҳни ўртага қўйиб онт ичишган. Энди уларни ваъда қилинган қурол ва маблағ билан таъминласак, бас!

Муқим Ғаниев гапини тугатгач, ён дафтаридан учта гуруҳ ва улар тузган отряддаги жангариларнинг рўйхатини кўрсатди. Кейин «Тўфон-1» отряди биринчи гуруҳга, «Тўфон-2» иккинчи гуруҳга, «Тўфон-3» эса учинчи гуруҳга тегишли эканлигини, гуруҳ ва отряд бошлиқлари этиб кимлар тайинланганини бирма-бир айтиб ўтди.

– Бу хабардан бошимиз кўкка етди, биродарим Муртазо, – Муродбахш шундай деб Муқим Ғаниевга юзланди. – Кеча олинган қурол-яроғларни ана шу отрядларга

беринг. Пулни аяманг. Эртанги режаларимизда уларнинг учаласини ҳам синаб кўрамиз.

– Яна нималарни ўйлаб кўйдингиз?

– Матқобил Эшонназар бошчилигидаги «Тўфон-1»га қамоқдаги Болта Деҳқоновни тинчителишни топширинг. Шермат Бозоровнинг «Тўфон-2»сига Маматқулни гумдон қилишни буюринг. Ўша гап, бизга собиқ «Ҳоким»ларнинг кераги йўқ. Энди уларнинг тиригидан кўра ўлиги кўпроқ асқатади, – деб бироз тин олди Хидирниёз Наҳимов.

– «Тўфон-3»га қандай кўрсатма бўлади? – сўради сабри чидамаган Муқим Ғаниев. Аслида, бу сабрсизликнинг тагида бошқа маъно бор эди: айнан шу отрядни унинг ўзи шакллантирган, бошқаларга қараганда жисмонан кучли ва эпчил йигитларни саралаб олганди. Бу махсус отряд айтилган буйруқдан ташқари яна бир муҳим вазифани ҳам адо этиши кўзда тутилганди, яъни Муқим Ғаниевнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш. Вазият танг ҳолларда Кенгашнинг юқори ва қуйи бўғин аъзоларини эмас, фақат Муртазо жанобларининг жонини сақлаб қолиш. Аммо бу нарса бошқалардан сир тутилган. Сирни эса икки киши: отряд бошлиғи ва Муқим Ғаниевнинг ўзигина биларди, холос. Улар шунга келишишган эди, сардор шунга яраша маблағ билан таъминланарди.

Хавфсизлигини пухта ўйлаб иш тутаётган Муқим Ғаниев бир кўнгли ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ишни қилдим деб баъзида кўрсайишни истаб қоларди, аммо туллагликда ундан ўтадигани бўлмагани боис, шайтонга ҳай берарди: сохта камтарлик ниқобини ечмасди. Бир ҳисобда у пайт пойларди, кўзланган режалар амалга ошгудек бўлса, раис ўрнини эгаллашни бир қадам деб ҳисобларди. Насимдан чўчимасди. Уни рақиб ўрнида кўрмасди, лекин шу билан бирга иста-

ган пайтда қайириб олишнинг режасини тузиб қўйган. Хавф-хатар сезса бас. Ана энди ўзига ишончли бўлган отрядни тузиб олгач, Хидирниёздан ҳам сесканмай қолди. Унинг ақлига, айёрлигига ичида тан берса-да, назарида, негадир хавfli эмасдек туюла бошлади. Бунинг устига, у ҳали керак эди. Буюк режаларни амалга ошириш учун зарур. Ҳозирча иккинчи бўлиб туради, шундай бўлгани маъқул.

Бироқ у Хидирниёзнинг хаёлидаги режаларнинг ўндан бирини ҳам билмас, унинг сирли ва қаҳрли нигоҳларида қандай мақсадлар яширинганига ақли етмасди. Бироз олдин ўзи билмаган ҳолда «Яна нималарни ўйлаб қўйдингиз?» дея ажабланиб берган саволи эса бунга далил эди.

– Эшитишимга қараганда, «Тўфон-3»га бошқа отрядларга қараганда ҳеч нимадан тап тортмайдиган энг жанговар йигитлар жам бўлганмиш, – деди раис.

Муртазо сергак тортди. Юзида зоҳир бўлган ифода-ни сездирмаслик учун айёрона кулимсиради.

– Отрядларнинг ҳаммасига ҳам жайдари йигитлар тўпланган. Уларни бир-биридан ортиқ қўйишга сира-ям ҳожат йўқ.

– Шундай бўлса-да, «Тўфон-3»га энг муҳим ва ўта масъулиятли вазифани юклаймиз.

– Улар амрингизга мунтазир!

– Ундай бўлса, «Тўфон-3»ни аэропортга ташлаймиз.

– Самолётнинг қаерга қўниши аниқми?

– Ҳа. Биз ўзларини жуда ақлли ва инсонпарвар санаган меҳмонларни халқаро аэропортда мунгли куй садолари остида кутиб оламиз. Энг кучли отрядни бу хавfli операцияни бажаришга тайёрлашимиз керак.

Муртазо кутилмаган қарордан ҳайрон бўлди.

– «Тўфон» ўз номи билан тўфон. У кутилмаган ерда пайдо бўлади-да, ўйлаб ўтирмай, йўлида дуч келган

нарсани ер билан яксон қилиб кетаверади. Сиз уларга умуман ўйлашга, фикр-мулоҳаза қилишга имкон берманг. Аниқ бир объектни кўрсатиб, шуни гумдон қилиш керак денг, тамом-вассалом! Режани биз ўйлаймиз, улар эмас. Ақл биз, улар эмас.

– Ақлийизга тасанно! Агар бу иш амалга ошса борми, ҳақиқий сенсация бўлади, – деди ўзини назардан четда қолаётгандек ҳис қилган Насим ялтоқланиб. Бироқ унинг лутфида мақтовдан кўра кўпроқ пичинг ва киноя, амалга ошириш мураккаб бўлган юмушга рағбат яширинган эди.

– Йўқ, унчалик эмас, – қатъий фикр билдирди раис. – Ҳақиқий сенсация кейинроқ бўлади. Бу ҳал қилувчи ҳужум олдидан бўладиган шунчаки машқ, холос. Демак, эртага...

### XXIII. ҲУЖУМ

Тошкент халқаро аэропорти.

Бир неча дақиқалардан сўнг Америка Қўшма Штатларининг юк ташувчи энг улкан самолётларидан бири айнан шу ерга қўниши керак. Бу ерда инсонпарварлик ёрдами ортилган ҳаво лайнерини бир томондан юк ташишга келган ҳарбий машиналар ва махсус қисмнинг қуролланган аскарлари, иккинчи томондан эса ҳеч кимнинг хаёлига келмаган Хидирниёз Наҳимовнинг бандитлар шайкаси кутиб турарди. Ҳарбий техника ва аскарлар аллақачон қўниш майдончасида ўз жойларини эгаллаб бўлган, «Тўфон-3» деб ном олган банда эса ташқарида – машиналарни қўйиш учун ажратилган майдонда эди. Бу орада унинг шундоқ ёнгинасига олди ойнасида «Телевидение» деган ёрлиғи бор, оппоқ рангдаги яна бир «ГАЗель» келиб тўхтади.

Тележурналистлар машинадан тушиб дарвоза томон йўл олдилар. Постдаги текширувга бироз вақт кетди. Аввал йигитларнинг ҳужжатлари ва суратга олиш учун берилган рухсатнома, сўнгра иккита камера ҳамда каттагина сумка обдан назоратдан ўтказилди. Кейин кўриқчиларнинг бири қаергадир телефон қилди ва рухсат олинди чоғи, эрталаб ташлаб кетилган рўйхатга мувофиқ уч мухбирнинг ичкарига кириши учун изн берилди.

Бу жараёни анча нарида – «ГАЗель»дан бошқа бир машинада кузатиб ўтирган Хидирниёзнинг пешонаси баттар тиришди. Пастки лабини тишлаганча ғижинди: «Аттанг, фурсатни қўлдан бой бердик. Энди биринчи вариант бўйича иш тутадиغان бўлсак, сиримиз ошкор бўлиб қолиши мумкин. «Тошкент» телеканали рўйхатда йўқ деб ўтказишмайди. Афсус, отни қамчиласам бўларкан. «Тўфон-3» биринчи каналнинг ўрнига бизни юборишди, мана буйруқ деб ичкарига кириб олиши керак эди. Эҳ, кеч қолдик! Энди сохта ҳужжатларимиз иш бермаслиги мумкин. «Тўфон-3» постдан тинч йўл билан ўта олмайди. Постдагиларни эса тинчиттиш осон эмас. Мабодо отишма ўша ернинг ўзида бошланиб қолса, самолётга етиб бориш ва уни портлатиш амримаҳол. Бутун бир операция барбод бўлади. Унда, иккинчи вариантни қўллашга мажбурман».

Хидирниёзнинг бу режасига кўра кутилаётган самолёт ерга қўниб, юк тушириш бошланиши биланоқ «ГАЗел» орқаси билан юриб аэропорт ичкарисига киради. Постдаги кўриқчиларга аҳамият бериб ўтирмайди. Улар керакли жойга қўнғироқ қилиб, кўрсатма олгунча «Тўфон-3»нинг сардори самолётни гранатомётдан ўққа тутади. Нишон – ёнилғи қуйиш баки. Қолган тўрт йигит бу ишга қаршилиқ қилишга уринган аскарларни автоматдан беомон қириб ташлайди. Астойдил ҳа-

ракат қилишса, ёрдамчи кучлар етиб келгунча аэропорт ҳудудидан чиқиб кетишга бемалол улгуришади. Темир дарвоза ёпилиши, у ерда қуролланган қўриқчилар кутиб туришини ҳам инобатга олишган: кетма-кет отилган иккита граната тўрт кишини ер тишлатиш учун етарли, дарвозадаги қулф эса «Тўфон-3»нинг йўлини тўсишга ожизлик қилади. Агарда бу ерда қаршилик кўрсатувчилар кўпайиб кетса, Муртазо билан Нажмиддин орқа томондан ҳужумга ўтиб, уларни саросимага солиб қўяди. Икки томондан ёғилиб турган ўққа ким ҳам чидаш бера оларди. Бу ишларни бажариш учун атиги беш дақиқа ажратилган. Шу муддатда «Тўфон-3» операцияни тугатишга улгуриши лозим. Ташқарига чиқиб олса бўлди, уларни қидириб топа олишмайди. Яшириниш ва ниқобланиш йўллари ҳам ўйлаб қўйилган. Энг муҳими, нишон йўқ қилиниши керак. Мақсад шу. Объектнинг каттагина талафот кўриши ҳам қониқтирмайди. АҚШ самолёти қайтиб учиб кетмаслиги шарт. Тамом-вассалом!

Бу ўтган сафар амалга оширилмаган режа учун энг муносиб жавоб бўлади. Ўшанда НАТО вакиллари омон қолганди, аммо бу гал самолёт (балки у НАТОга тегишлидир) аниқ яксон қилинади. Энди янглишиш мумкин эмас! «Тўфон-3»ни қурбон қилиб бўлса-да, уни асфаласофилинга жўнатади.

Ҳаммасини миридан-сиригача ҳисобга олганига ишонган Хидирниёзнинг кўнгли салгина аввал ҳам хотиржам эди. Негаки банда аъзолари бир овоздан «Ўлсак ҳам бу ишни амалга оширамыз!» деб қасамёд қилганди. Бироқ постдаги ҳолатга нигоҳи тушиб таъби бироз хира тортди. Шундай бўлса-да, у афтодаҳол бир алпозда ўтиришни ўзига раво кўрмасди. Шу боис хаёлида бошқа бир режанинг тараддудини кўраётган эди. – Самолёт қўнди.

Рақиядаги хабар Хидирниёзнинг фикрини бўлди.



– Жанговар ҳолат эълон қилайми? – деди «Жигули» машинасининг олд ўриндиғида жойлашган Муртазо бирдан ҳаяжонга тушиб.

– Менимча, ҳали вақт бор, – дея соатига кўз ташлаганча эътироз билдирди Нажмиддин.

Муртазо ортига ўгирилиб Нажмиддинга ёвқараш қилди.

– Кейин афсусланмаслик учун қулай фурсатни кутган маъқулроқ, – деб жавоб қилди Нажмиддин нигоҳларини соат милларидан узмай. Кейин «Сиз нима дейсиз?» дегандай ёнида ўтирган Хидирниёзга кўз ташлади.

Хидирниёзнинг афт-ангорида қилт этган ўзгариш сезилмади. У бир муддат шу тарзда ўтирди-да, бирдан Муртазога юзланиб:

– Телевидение машинаси турибдими? – деб сўради.

Муртазо эшикни очиб, бир оёғида турганича тепага чўзилди. Кейин қайтиб жойига ўтираркан, «Турибди» деди кутилмаган саволдан ҳайрон бўлганича.

– Ҳайдовчи нима қиляпти?

– Ҳайдовчи... – Муртазо яна ўрнидан кўзғалди.

Нажмиддиннинг эсига қайсидир ривоят тушиб кетди, шекилли, бошини аста тебратиб қўйди.

– Хўш?

– Мудраб ётибди.

– Уни олдимга бошлаб кел!

Бу буйруқдан Муртазонинг энсаси қотди, ҳозироқ сабабини билгиси келди, аммо муҳим операция олди-дан ортиқча савол бериб раиснинг кайфиятини бузишни истамасди. Бунинг устига Нажмиддин гап қистиришга шай тургандай кўринди. «Бу баднафасдан ҳар нарсани кутиш мумкин. «Айтгани қилсанг-чи» деб дакки беришдан ҳам тоймайди». Хаёлидан кечган фикрдан хушёр тортган Муртазо жимгина машинани тарк этди.

– Оббо, беданабознинг ўгли-ей, – Нажмиддин, барибир, жим туролмади.

Хидирниёздан садо чиқмади. Шундан сўнг Нажмиддин ҳам жим бўлди. Аслида, у ҳам тактик ўзгаришдан таажжубда эди. Аммо Муртазонинг машинадан қайта-қайта туриши унга нашъа қилган ва бу хумордан ҳамон қутулолмаганди.

Орадан кўп фурсат ўтмади.

– Менда нима ишийиз бор? – деб семиз, бағбақадор, бўйчан, олтмиш ёшлардаги тепакал киши «Жигули»нинг орқа эшигини очди.

– Ўтир!

– Тушунмадим, – деди қорамағиз ҳайдовчи буйруқ қилган ким бўлдийкин дегандай олдинга бироз энгашиб.

– Ўтир, дедим сенга!

Буйруқ иккинчи бор такрорлангач, ичига ғулғула тушган ҳайдовчи ўнг қўлини ҳар эҳтимолга қарши деб капотга тиради. Бироқ пешонасига қўйилган тўппончадан бадани музлаб, оёқларидан мадор қочди. Тушунмади. Нималар бўляпти бу ерда? Ҳойнаҳой, бу шубҳали одамлар уни кимгадир ўхшатишди-ёв?

– Кимсизлар ўзи?

Ҳайдовчи шундай деб амаллаб ёнига ўтирилганди, уни бошлаб келган йигитнинг совуқ башарасига кўзи тушди-ю, юраги қандайдир хавфни сезиб, нафаси бўғзига тикилди. Бу орада ўтирганича ҳукмини ўтказаетган ўрта ёшлардаги кишининг бақувват қўли ёқасида пайдо бўлди. Кейин нима бўлганини англолмай – «тиқ» этган товушни ё эшитиб, ё эшитмай – овози чиқмайдиган мосламали тўппонча ўқидан жон таслим қилди. Хидирниёз семиз гавдани аранг ичкарига тортди. Агарда Муртазо мурдани вақтида орқасидан ушлаб қолмаганда, барзанги ҳайдовчининг жонсиз танаси ерга қулаши аниқ эди.

Операцияга шахсан бошчилик қилишни ўз зиммасига олган Хидирниёзнинг бу каромати ёрдамчиларини баттар ҳайрон қолдирди. Йўқ, улар эсанкираб ўзларини йўқотиб қўйишмади. Фақат режада умуман бўлмаган қотиллик содир этилганидан баб-баравар ҳайратга тушган, ҳеч нимадан тап тортмай совуққонлик билан қилинган хатти-ҳаракатдан сергакланиб, раиснинг олдида ўзларини бир қадар ожиз сезишган, буни ичларида тан олган сари Хидирниёздан ҳадиги ошиб, унинг савлати, салоҳияти, азму қароридан ўзларини анча кичрайиб, кучсизланиб қолгандай ҳис этишди.

– Йигитларга айт, телевидение машинасига ўтишин!

Ўзини қўлга олган Муртазо рация орқали «Тўфон-3»га кўрсатма берди. Нажмиддин Хидирниёзнинг сирли режасини сал-пал тушунгандай бўлди, айти пайтда топқирлиги ва фаросати жойида эканлигини билдирмоқ учун чоғланди: аммо «Тўфон-3» алоқага чиқиб, унинг шаштини қайтарди.

– «Тўфон-3» айтилган жойда.

– Жанговар ҳолат!

– Есть, жанговар ҳолатга ўтилди.

– Кейинги командани кутинг!

Муртазо дарҳол алоқани тўхтатиб, Хидирниёзга юзланди. Раис Нажмиддинни туртди:

– Мурданинг қўлидан тушган калитни олиб йигитларга элтиб бер. Кейин қара-чи, Садир йигитлари билан шу ердамикин?

Муртазо Садир билан боғланганди, у яна беш дақиқадан сўнг етиб боришини айтди. Бу хабарни эшитган Хидирниёзнинг жаҳли чиқиб кетди.

– Галварс!

Муртазо ноилож машинага ўтирди. Кейин аста орқасига ўгирилди: у ҳозиргина бу фоний дунёни тарк

этган кишининг қўлини ушлаб, юраги урмаётганига ишонч ҳосил қилмоқчи эди. Айни шу сонияларда эшикка суяб қўйилган мурданинг боши илкис олдинга тушиб, бўғзидан «Иййқ» деган ғайритабийй товуш отилиб чиқди. Кутилмаган бу овоздан Муртазо чўчиб тушди: назарида, ўликнинг кўзи очилиб юмилгандай бўлди ва у қўлини тортиб оламан деб калласини рўпарада турадиган кичик ойнага уриб олди. Хидирниёз ҳам сесканиб кетди, ахир бу бўғиқ, хириллашга ўхшаган ғалати овоз шундоқ қулоғи олдида эшитилгандида, аммо абгор ҳолатини ўзгаларга билдирмаслик учун «Ана, энди жони узилди!» деб Нажмиддинни туртиб қўйди. Бу нарса сал бўлса-да, нари турган Нажмиддинга унчалар таъсир қилмаганди. Лекин бошқалардан кўра художўйлигини билдириб қўйиш учун қулай фурсат эканлигини дарҳол фаҳмлаб, калима қайтарди: инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун.

Бир пайт рациядан самолётнинг орқа люки очилгани ва биринчи машина юк ортишга қўйилгани ҳақида хабар келди. «Ҳа, вақт бўлди!» – ичидан келган нидога қулоқ солган Хидирниёз мурдани унутиб, Муртазога «Операцияни бошла!» дегандай ишора қилди.

– «Тўфон-3», командани эшит! Сизлар ҳам телевидениедан келгансизлар. Фақат бошқа каналдан. Бироқ сизларни ичкарига киритишмайди. Шунинг учун сардор буйруқ кўрсатиб, постга киради, раҳбарият билан гаплашиш мақсадида. Рухсат берилмаса, сардор, постдагиларни иложи борича шовқин-сурон кўтармасдан тинчитасан. Машина ичкарига киради. Хужум режаси ўша-ўша, фақат машина алмаштирилди, холос. Қани, олға, йигитлар! Сизларга Яратганнинг ўзи мадаккор бўлсин! Аллоҳу акбар!

Шу заҳоти рациядан жавоб олинди:

– «Тўфон-3» топшириқни бажаришга киришди.

Нимадир ёдига тушган Хидирниёз Муртазонинг елкасига қўлини ташлаб пичирлади:

– Снаряд солинган қутини олишни унутишмасин!

Қисқа алоқада сардор берилган қути ўзларида эканини таъкидлади.

– Сиз жиҳод сари отландингиз, демак, Аллоҳнинг паноҳидасиз! Қани, азаматлар, жаннат сари олға!

Ҳа, бу орада «ГАЗель» дарвозага яқинлашди. Рулни бошқараётган Воситхон «Нима қилай?» дегандай сардорга қараб қўйди. «Тўфон–3» сардори Миролим машинадан тушиб, бамайлихотир юриб борди-да, қия турган дарвозанинг занжирини илгақдан туширди. Бўйнига автомат осиб олган қўриқчи «Ҳой, тўхта!» деб бақиргунча «ГАЗель» ичкарига киришга улгурди.

– Кўрмаяпсанми, телевидениеданмиз! – Миролим шундай деб машина йўлига ғов бўлган баланд бўйли, елкадор йигитга ойнага ёпиштирилган ёзувни кўрсатди.

– Мумкин эмас, қани, орқага!

– Қўлимизда буйруқ бор. Тадбирни бир эмас иккита канал ёритиши керак экан.

– Машина билан мумкин эмас.

Автоматини орқага ташлаган қўриқчи машина ойнасига қўлини қўйди. Жонли тўсиқни ваҳима кўтармасдан тинчитишнинг ягона йўли уни пост ичига олиб кириш эди. Бироқ соқчи жойидан қимирламади. Гумдон қилиш кераклигини пайқаган сардор бошқа илож йўқлигидан: «Ичкарига киришга рухсатимиз бор, мана кўр!» деб қўриқчини машинанинг ён томонига олиб ўтди ва эшикни очиб, қуролланган тўрт кишини кўрсатди. Кейинги пайтда пойтахтда юз берган портлашлардан яхши хабардор бўлган қўриқчи кимлар билан рўбарў келганлигини англаб, бунинг устига, кўкраги нишонда турганини кўриб, юраги орқасига тортиб кет-

ди ва хаёлидан «Менсимай дўқ қилишининг сабаби бу ёқда экан-да» деган ўй кечди.

– Воҳидов, нима гап?

Постдаги очик ойнадан бақирган ўрта бўйли, елка ва кўкрак мускуллари кўйлагини туртиб чиққан кўриқчи юзага келган қалтис вазиятни билмаса-да, бир зум жим бўлиб қолган шеригидан бироз хавотир олганди. Дарвоқе, оқ парда тутилган машинанинг ён томондаги эшиги постга тескари тургани боис, унинг ичида нималар борлиги-ю, кимлар ўтирганини билиш амримаҳол эди. Қолаверса, куппа-кундузи аэропортга ҳужум бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳеч қандай хабар йўқ. Ҳаттоки тахминий ҳам огоҳлантирилмаган. Давлат ташкилотига қарашли қандайдир машина адашиб кирган бўлса, дарҳол ортига қайтариб юборишади. Шуюм муаммоми?

Фамилиясини эшитиб, ичи салгина ёришган кўриқчи ўзини қўлга олишга уринди. Демак, шериклари уни кўришмаса-да, кузатиб туришибди, агарда бирор ноҳўй ҳаракат бошланса, шу ондаёқ ёнида ҳозир унозир бўлишади. Лекин айни пайтда нима қилиш керак? Ортида турган фирибгар бандитни уриб йиқитгани билан тўртта автоматнинг ўқларидан қочиб қутула олармикин? Йўқ, бири бўлмаса, иккинчиси бутун баданини илма-тешик қилиши турган гап. Қуроуланиб шу ерга келишибдим, демак, аяб ўтиришмайди. «Ҳаммаси жойида» деб машинани ўтказиб юборса, жони омон қолармикин? Тирик гувоҳ керакмас деб, барибир, отиб кетса-чи? Наҳот вазиятдан чиқиб кетишнинг ҳечам имкони бўлмаса? «Ўғлимга ақиқа тўйи қилмоқчи эдим. Ўлиб кетадиган бўлсам...Афсус!»

Иккинчи кўриқчининг бир нимадан шубҳаланганини сезган сардор ёнидан шартта қуролини чиқарди-да, ўйлаб ўтирмасдан ҳимояга шайланаётган йигитнинг орқа миясидан ўқ узди.

– Ҳайда! – деди сардор «шилқ» этиб йиқилган қўриқчининг устидан бир сакраб ўтиб, ўзини кабинага ураркан.

Мудҳиш ҳодиса рўй бергани тўғрисидаги хабар бир зумда аэропорт маъмуриятига ва махсус қўриқлаш хизмати ходимларига етказилди. Бошлиқлар бу совуқ хабардан бир зум саросимага тушганича бутун кучни оёққа турғазди.

Йўқ қилиниши мўлжалланган объект координатаси маълумлиги учун «ГАЗель» тўғри аэропортнинг кунчиқар томонида турган баҳайбат самолёт томон йўл олди. Ортидан чопишга киришган қўриқчилардан бири ҳавога ўқ узиб, атрофдаги одамлар ва ҳарбий аскарларнинг диққатини тортишга ҳаракат қилди. Аммо ҳеч қанча юрмасданоқ қаердандир учиб келган дайди ўқдан гурсиллаб ерга қулади.

Қизиқ, наҳот «Тўфон-3»дан ташқари бу ерга снайперчилар ҳам ташланган бўлса? Ҳа, Хидирниёз бир неча кундан бери тунни кунга улаб, режасини пухта бўлишини таъминлаган кўринади. Унда снайперчи қаердан туриб ўқ узди? Аэропорт биносининг бирор жойига яшириниб олганмикин? Рация орқали ичкарида туриб маълумот бераётган номаълум киши, балки, шу снайперчидир? Ёки ташқаридамикин-а? Дарвоза ва унинг ён-вери яхшигина кўриниб турган экан, демак, у шу яқин атрофда. Фақат кўз илғамаслик учун усталик билан ниқобланган. Э, бўлди, у топилди: ана, тўхташ жойида икки ён тарафига «Бутун дунёдан озиқ-овқат маҳсулотлари» деб катта ҳарфлар билан ёзилган усти ёпиқ юк машинасини кўрдингизми? Олди томонидаги ҳаво алмашиб туриши учун мўлжалланган тешикчани-чи? Йўғон учи салгина чиқиб турган қурол худди шу ердан ичкарига тортиб олинди. Демак, Хидирниёз ҳар эҳтимолга қарши деб ёрдамчи кучларни ҳам жалб қилгани рост экан. Бироқ бундан на Муртазонинг, на Нажмиддиннинг хабари бор.

Эндигина аэропорт ичида юривчи автобусдан тушиб, дарвозага юра бошлаган йўловчилар йўлда икки кўриқчи йигитнинг узала ётган жасадини кўриб кўриб кетишди. Нималар бўляпти бу ерда? Демак, пойтахтдаги портлашлар ҳақидаги миш-мишлар тўғри экан-да. Наҳотки, навбатдаги портлаш шу ерда амалга оширилса? Анаву «ГАЗель» нега ғизиллаганича ичкарига кириб кетди? Одамлар бир-бирига тикилишар, савол беришар, аммо ҳеч ким жавоб берай демасди. Кимлардир тўхтаб ортига ўгирилишди, ҳозир нимадир рўй беришини англашди, атрофни юрагидаги хавотирга қарамай қизиқиш билан кузата бошладилар; жони ширин кўринганлар, тўполон ва жанжалга тоби йўқлар, бойлиги кўзга кўриниб ичига ғулғула тушганлар тезроқ кетишни маъқул топди, шекилли, ташқарига шошилишди. Бироздан кейин аэропортнинг этагида ўқ овозлари эшитилганда энди ҳамма бирдай ҳолатга тушди: бир-бирини туртиб, итариб олдинга югургилаб қолишди. Шу тобда уларнинг бирдан-бир мақсадлари аэропорт ҳудудини тарк этиш эди. Энди ҳеч ким тева-рак-атрофга назар солмас, ён-верида чопаётганларга эътибор ҳам бермас, ишқилиб, бир амаллаб хавфсиз жойга – ташқарига чиқиб олса бўлди эди. Одамларнинг наздида темир дарвозанинг у томони тинч ва бежавотир туюларди.

Ҳа, ичкарида росмана отишма бошланганди. «ГАЗель»ни ён томонлама қўйган босқинчилар эшикни очибоқ автоматларини ишга солишди. Жобир гранатомётни олиб, самолётнинг ёқилғи турадиган жойини мўлжаллашга олишга ҳаракат қилди. Бироқ юк ортиш учун қўйилган ҳарбий машина унинг мўлжалига тўсқинлик қиларди. У пастга тушиб, сал нарига боришга кўрқди. Қарши ҳужумни бошлаб юборган ҳарбий аскарлар уни очикда кўришлари билан ерга



қулатишади. Бу эса операцияни хавф остида қолдириш билан баробар. Шунданми, Жобир аввал машинани йўқ қилишга аҳд қилди: снаряд машинани ағдариб ташлади. Бир зумда аланга олган юк машинасидан ҳайдовчи чиқишга уринди, аммо ҳарчанд ҳаракат қилмасин, темирлари қийшайиб кетган эшикни очолмади. Аскарлардан бири бақриқ овозини эшитиб, унга ёрдамга шошилди, бироқ оёғига ўқ тегиб мункиб кетди. Энди унинг ўзи нажотга муҳтож қўйга тушди. Аскарлар гуруҳи командири Илҳомов машина орасидаги масофани чамалаб кўрди-да, ёнида турган кичик сержант Ориповга юзланди:

– Комил, мени ҳимоя қил!

Командир шундай деб машинадан ўт ўчириш мосламасини суғуриб олди-да, уни танаси билан беркитиб, ёна бошлаган кабина томон энгашиганича чопиб кетди.

Самолётга ҳужум бўлишини кутмаган экипажнинг юк топширувчи гуруҳи бир зумлик саросимадан сўнг, ёнларидан қуролларини чиқариб, «ГАЗель»ни нишонга ола бошладилар. Бир зумда икки бандитни ерга қулатишди. Олти кишидан иборат гуруҳнинг бунчалар қалин кийиниб олганининг сабаби энди маълум бўлди: улар кейинги пайтларда Тошкентдаги вазиятдан яхши хабардор ва шунга яраша жанговар ҳолатда келишган. Вазиятнинг танглигини дарҳол ҳис қилишди чоғи, машина эшигида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай қолаётган босқинчилар билан муросасиз жангга киришди. Гуруҳ командири гранатомётчининг мақсадини англаб етганди, у ўзи паналаб юк кўтарганча тўхтаб қолган кара томон чопди, сониялар ичида ҳайдовчини нари суриб рулга ўтирди-да, газни босди: карани кўндаланг қўйди.

Бу пайтда ҳарбий аскарлар машинани ўраб яқинлашиб қолганди. Улар қамал қилинган ўлжани қўлдан

чиқармаслик учун ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ҳаракат бошладилар. Негаки «Босқинчилар имкони борича тириклайин қўлга олинсин!» деган буйруқ ҳар бир аскар-га етказилгани боис ҳарбийлар машинага қарата ўқ узиш-мас, фақатгина жиддий хавфни сезишгандагина душман-ни ярадор қилишнинг пайида бўлишарди. Шу отишмада кимдир америкаликларни ҳам огоҳлантиришга улгурди.

– Жобир нима қилиб турибсан, отмайсанми? – ғазаб билан буйруқ берди Миролим.

– Кўз очиришга қўйишмаяпти-ку!

– От дедим сенга!

– Кара нишонни тўсиб қўйди.

– Восит, ҳайда, машинани!

– Қаёққа!

– Бироз олдинга ол! Сен эса мўлжаллаб тур!

«ГАЗель» зўриқиб олдинга интилди. Ерга ёпиш-ган шиналар тутай бошлади. Негаки аскарлар машина филдирақларини аллақачон илма-тешиқ қилишга улгур-ган эди. Ўн метрлар чамаси йўл юрилгач, самолётнинг филдирақлари кўрина бошлади. Жобир отишга тайёр-ланди: яна икки-уч метр. Бироқ шу пайт «ГАЗель»нинг ичида қаттиқ портлаш содир бўлди-ю, темир парчалари атрофга сочилиб, ундан ном-нишон қолмади. Машинага яқин келиб қолган аскарлар ҳаво зарбидан ерга чалқан-часига йиқилишди. Уларнинг айримлари – бироз олдин-гилари ўша заҳоти ҳушларини йўқотишди. Нокаут ҳола-тига тушганлар ўрнидан туришга ошиқди, аммо гангиб кетиб оёқда туролмадилар.

Америкалик ҳарбийлар нима бўлганини англолмай ҳайрон. Машинани ким портлатиб юборди? Нега? Ахир у шундоқ ҳам ҳеч қаерга қочиб кетолмасди-ку! Атроф-га аланглашди, гранатомёт кўтарган аскарни кўриш-мади; осмонда вертолёт йўқ, демак, тепадан ҳам ўққа тугтилмади. Унда нима ҳодиса рўй берган бўлиши мум-

кин? Босқинчиларнинг отолмаган снаряди машинанинг ичида портлаб кетдимикан? Ёки улар тириклайин қўлга тушишни истамасдан ўзларини портлатиб юбордимикин? Хорижлик меҳмонлар даҳшатли хотиманинг сирини билолмай қолдилар. Кейин бошқотирманинг тагига етиш учун мезбонларга юзланишди: хужумни кузатиб турган раҳбарлардан тайинли гап олишолмади. Турли тахминлар бўлди, аммо қай бири аниқ ҳақиқат эканлиги мавҳумлигича қолаверди. Лекин якуний хулосада, барибир, бир тўхтамга келинди ва америкаликларга уқтирилди: душман асир тушишни истамай, ўлимни афзал кўрди.

Бошқа изоҳ берилмади.

Аслида ҳам шундайми?

Чақирилган ёрдам кучлари етиб келганда, «ГАЗель»дан қорайган, қийшайиб йиртилиб кетган ва атрофга сочилган темир парчаларию куйиб кетганидан қора куйиндига айланган, ким ва нималигини аниқлаш қийин бўлган тана бўлаклари қолганди, холос. Бу пайтда эса ташқаридаги банда бирин-кетин юк машинаси ва «ГАЗель»да аэропорт худудини тарк этиб улгуришган эди. Орадан сал ўтмай тепакал ҳайдовчининг жасади қолдирилган «Жигули» ҳам дафъатан портлаб, яқинларини кутиб олишга ёки кузатишга ҳадиксираб келаётган одамларнинг юрагини баттар ваҳимага тўлдирди.

#### **XXIV. БАРБОД БЎЛГАН РЕЖА**

«ГАЗель» Қўйлиқ массиви томон шитоб билан елиб борарди. Анча йўл юрилгач, Муртазо юракни эзаётган бу сукунатга чидай олмай, титраган овози билан жимликни бузди.

– Ҳаммаси тўғри, ҳатто аъло даражада кетаётган эди. Нега «Тўфон-3»нинг машинаси бирдан портлаб кетди? Шу жойига сираям тушунмаяпман, – гап бошлади Муртазо қалбини яралаган мудҳиш ҳодисанинг тагига етмоқ мақсадида. Бироқ шерикларидан садо чиқмагач, асабийлашганича хаёлига келган тусмол хулосаларини ўртага ташлай бошлади: – Йигитлар машинани сўнгги чора сифатида ўз ихтиёрлари билан портлатиб юбордими ёки уларни ҳарбийлар йўқ қилдимикан? Нега асир олишни ишташмади? Балки, тириклайин қўлга олишга кўзи етмай...

– Аллоҳ биродарларимизнинг жаннатдаги мартабаларини шаҳид кетганлар қаторида қилсин, – деди машинани бошқариб бораётган Нажмиддин йўлдан кўз узмай. Кейин қўлларини очиб тезгина юзига тортди.

– Омин.

Муртазо бу қайғуга, шундай катта бир йўқотишга биргина сўз билан муносабат билдирган Хидирниёзга «ялт» этиб қаради. Бошини ҳам қилганича келаётган раиснинг юз-кўзларини кўрмоқчи эди, наҳот, жиҳодга бел боғлаб жангга кирган ва бу беаёв тўқнашувда жон берган биродарларига заррача ачинмаётган бўлса? Демак, қачондир уларнинг тақдирида ҳам шундай ўлим топиш битилган бўлса, аҳвол шу экан-да. «Жаноза, қабр, тиловат деган тадбирлар, амаллар қаёқда қолади? Нима бало, биродарларимизнинг гўрига бир сиқим тупроқ ташламаймизми? Шаҳид кетди деб, бу маросимларни ўтказмасак ҳам бўлаверадими, энди? Ё, алҳазар, одам боласи ҳам шунчалар тошюрак бўладими?»

Саволларига жавоб тополмаган сари Муртазонинг бутун вужуди титрай бошлади. У ғуссага ботган юрагида сафдоши Хидирниёзга нисбатан биринчи марта нафрат туйғусини туйди ва ғазабдан титраётган лаблари кўкариб, тишлари ғижирлаб кетди. Қўллари

мушт бўлиб тугилди, бўйнидаги томирлар бўртиб, юзи гезарди, аммо аламини ичига ютди.

Унингумиди пучга чиққанди. Ҳимоямга содиқ йигитларни тўпладим, энди унча-мунчасидан хавфсирасам, чўчимасам бўлади, деб ўйлаганди. Чучварани хом санабди-ку. Бутун бир отряддан айрилса ҳам пинагини бузмай жимгина келаётган Хидирниёз ундан кўра айёр, пихини ёрган, шафқатсиз ва тажовузкор экан. Ҳа, у раҳбаридан қанчалар нафратланмасин, ўзидан устун жиҳатлари борлигига тан берди. «Бу ярамас, «Жигули»га бомба қўйишга қачон улгурди экан? Анаву орқада – Садир бошқариб келаётган юк машинасининг ичида нима борийкин? Қурол-яроғми, ўқ-дорими ёки зарур пайтда «Тўфон-3»га ёрдам бериши мўлжалланган қўшимча кучларми? Балки, раиснинг ишонган шайкаси яширингандир? Ҳа, ҳаммаси бўлиши мумкин. Бундан чиқди, унинг миясидаги режадан бизлар юзаки танишмиз, холос. Миридан-сиригача фақат ўзию ёлғиз Худо биледи. Бу туллакни истаган пайтда йўқ қиламан десам, ниятим даргумонга ўхшаб қолди. Қўл остидагиларни киши билмас, ўзи билан ҳисоблашишга мажбур қиляпти, ярамас. Садирнинг мулла минган эшақдай мулойим тортиб қолгани бежизмас, шекилли. Ахир у...»

– Операция яна барбод бўлдими?

Нажмиддиннинг саволи Муртазонинг ярасига туз сепгандай бўлди. Хаёли бўлингани майли, ҳали бутун айбни унга ағдариб, майна қилишмаса эди. Нима деб жавоб қилишни билмай турганда тасбеҳини ўгирганча бошини аста тебратиб келаётган Хидирниёз кутилмаганда кафти билан пешонасига «шап» этиб ураркан, «Барбод бўлди!» деди ғижиниб.

– Ачинарли ҳол.

Муртазо Нажмиддинга ғалати қараш қилди: «Бу ҳезимкаш қачон одам бўларкин? Мабодо операция

кўнгилдагидай ўтганда нима дерди? Менинг йигитларимни эмас, ҳойнаҳой, «Тасанно, қойил!» деб раисни алқармиди? Билиб, кўриб туриб берган саволини қаранг! Тул拉克ликда бир-биридан қолишмайди булар. Майли, бизнинг кўчадаям хуррамлик бўлиб қолар».

– Мен ҳамон тушунмаяпман ахир. Йигитлар осонликча таслим бўлишмасди. Улар самолётни йўқ қилишга аҳд қилишганди! Ҳар қандай вазиятда ҳам охирига-ча жанг қилишмоқчийди, – деди тутақиб кетган Муртазо. Шу тобда ҳеч ким унингчалик қайғуга ботмаган эди.

Хидирниёз беихтиёр қўйнига қўл солиб, халатининг ички чўнтагидаги мосламани ушлаб қўйди. Ёнида эканидан кўнгли тўлди чоғи, Муртазога кўз қирини ташлаган қўйи ғам тортаётган киши қиёфасида деди:

– Бўлар иш бўлди. Аслида, улар менинг буйруғимни олмасдан туриб, ортга қайтмаслиги керак эди. Ҳарбийлар йигитларни қочишга тушди дея тахмин қилиб, портлатиб юборган.

– Аскарларда гранатомёт нима қилсин! Уларнинг қўлида автоматдан бошқа қуроли йўқ эди.

– Балки машинасида бордир.

– Билмадим. Ақлим етмаяпти.

– Балки америкаликлар ўққа тутгандир? – луқма ташлади Нажмиддин.

– Балки. Лекин, барибир...

– Тахмин қилишни бас қил! Сен, яхшиси, уларни дуо қилиш пайида бўл, – деб мавзуга чек қўйди Хидирниёз.

Шундан кейин ўртага яна жимлик чўкди. Қўйлик бозорига яқинлашиб қолган Нажмиддин рўпарасидаги кўзгудан Хидирниёзга бир қараб олди-да, сўради:

– Қаерга борамиз?

– Тарқаламиз!

– Ҳа, ортимиздан из олишмасдан туриб тарқалганимиз маъқул.

- Ҳеч ким бесабаб кўча-кўйга чиқмасин!
- Ҳўп, барчани огоҳлантираман.
- Марҳум биродарларимиз ҳақида уйдагиларга хабар берамизми? – жим ўтира олмади Муртазо.
- Эсинг жойидами? – Хидирниёзнинг қовоғи осилди.
- Жигаргўшаларидан айрилган яқинлари алам устида бизни сотиб қўйишлари мумкин-ку, – деди Нажмиддин қулай фурсатни бой бермай.
- Хидирниёз «Мана гап қаерда» дегандай Муртазога ёвқараш қилди.
- Унда қачон кўришамиз? – деб тишини тишига босди Муртазо.
- Ўзим хабар бераман.
- Гаплашиб олмасак бўлмайди.
- Икки-уч кундан кейин.
- Тўйтепага ҳайдайми?
- Мени кўприк ёнида тушириб қолдир. У ёғига ўзим кетаман. Садирга тайинла, машинани яшириб қўйсин. Ўзинг ҳам номерни жойига тақиб қўйишни унутма.
- Ҳўп, – деди Нажмиддин.
- Муртазодан садо чиқмади.
- Улар шу тарзда хайрлашдилар.

\* \* \*

Хидирниёз уйига қайтаркан, йўлда ўйлади: «Шубҳаланди, мараз. Аммо ақли етмади. Етмайдиём. Ишонган одамларидан айрилгани алам қиляпти. Энди бошқа отряд тузишга уринади. Майли, ҳаракат қилаверсин, аммо мен «Тўфон-3»га кимлар киришини аллақачон белгилаб қўйганман. Энди унинг юриш-туришию гап-сўзларидан хабардор бўлиб туришим зарур. Етакчи бўлармиш. Ҳм, туя ҳаммомни орзу қилибди-да».

\* \* \*

Муртазо «Роҳат» кўлига яқин қолганда машинадан тушиб қолди. У уйига эмас, анчадан бери учрашиб юрадиган тул хотинниқига қараб йўл олди. Аста қадам ташларкан хаёлга берилди: «Ўзини Муродбахш деб эълон қилса, хурсанд бўлибман-а, аслида, унга «Чирмовиқ» деган лақаб мос экан. Ён-веридаги одамларга чирмашиб, танасидаги бутун куч-қувватни сўриб олади, вужуди қуриган таянчни тарк этиб, бошқасига ёпишади. Ундан ниҳоятда эҳтиёт бўлишим керак. Ниятимни сезиб қолса, тинчителиб юбориши ҳеч гапмас. Отни қамчилай десам, ҳали бунга вақт бор: бу тулладан фойдаланиб, асосий мақсадни амалга ошириб олишим керак. Ана ундан кейин баҳридан ўтсам бўлади. Учинчи шеригимиз муаммо эмас. Нажмиддин, аввал айтганимдай, «не рыба и не мяса».

\* \* \*

Нажмиддин ўзи қолгач, машинани тозалатиш учун йўл бўйида челак ва латта кўтариб турган болаларнинг олдида тўхтади. Бу ерда машинадан кўра мижоз кутиб турган ўсмирлар кўп эди. Бир зумда атрофини ўраб олишди. Икки йигитча билан келишгач, сал нарига бориб ўйга берилди: «Иккиси худди ит-мушук. Аслида, тез-тез низога бориб тургани маъқул. Вақти-соати келганда, бир-бирининг қўлидан «ўлим» топишади ва бутун ҳокимият менга қолади. Майли, ҳозирча мени назар-писанд қилмай тураверишсин. Унгача китоб ва варақаларни тарқатиб, атрофимга ишончли одамларни тўплаб оламан. Даъватимни эшитганлар аста-секин қанотим остига киришяпти-ку. Куч билимда деб бекорга айтишмаган. Менга эргашганларни ҳам руҳан, ҳам маънан шундай жиҳодга тайёрлайки, ҳар бир буйруғимга сўзсиз итоат этишсин. Мендан бошқасини тан



олишмасин. Бу мен учун зўр имконият бўлади. Аммо ҳозирча уларнинг йўриғига юришга мажбурман. Вақти келиб, икковининг кучи ҳам, қудрати ҳам сусайиб, менинг билимимга эҳтиёж сезишади. Ана шунда ким ландавур эканлигини кўрсатиб қўяман. Жўжани кузда саянаймиз, биродарлар!»

## XXV. ДУНЁ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

Ташқи ишлар вазирлиги.

Европа телевидениесининг кечки янгиликларида, айниқса, Америка телеканалларида Тошкент аэропортида бўлган қўпоровчилик ҳаракати ҳақида қайта-қайта гапиришди. Оммага тарқатаётган хабарларига кўра, бўлиб ўтган ҳодиса диний экстремистик кучлар ёки террорчилик ҳаракати аъзоларининг эмас, гўё оппозицион кучлар, мамлакатда янги сиёсий режим ўрнатишга уринаётган демократик партиянинг уринишлари сифатида талқин этилаётганди. Юкни топширишга келган америкаликлар орасида кимдир бу ҳодисани камерага туширишга улгурган экан, аэропортга «тинчгина» кириб келган – янги тизим вакиллари жойлашган «ГАЗель» машинасининг портлаб кетганини янгиликлар вақти тугагунча бир неча бор кўрсатиб ўтишди. Энг таажжубланарлиси, америкалик кузатувчиларнинг тўсатдан бўлган ҳужумдан эсанкираб қолиб, дарҳол жанговар ҳолатга ўтишгани ва «ГАЗель»га қараб ўқ узишгани кадрларда йўқ эди. Такрор ва такрор урғу берилаётган жиҳат – ҳукуматнинг махсус ҳарбий қисм аскарларининг «ГАЗель»га қарата нечун бирдан ҳужум уюштиргани ва охир-оқибатда қарши томонни тириклайин қўлга олиш имконияти бўла туриб, машинани портлатиб юборгани эди.

– Во ажабо! Нималар дейишяпти булар? – таажжубдан бошини сарак-сарак қилди Ташқи ишлар вазири. – Ана талқину мана талқин! Бу журналистлар ҳақиқатни гапиришадими ўзи-йўқми?! Уларнинг дўстлигини ҳам, душманлигини ҳам билиб бўлмайди-я?

– Уларга сенсация керак! – деди вазирнинг биринчи ўринбосари Улуғмурод Тошматов анча босиқлик билан. – Менимча, бунақа шов-шувларга эътибор қилмаслик лозим. Бир-икки вайсашади-да, кейин унутишади.

– Россия телевидениеси хабарларида бироз ҳақиқат бор, аммо улар ҳам бўрттириб юборишяпти. Ахир у ерда пресса йўқ эди-ку. Воқеани худди ўз кўзлари билан кўргандай гапиришаётганига ҳайрон қоляпман. Агар жимгина қараб ўтираверсак, демак, воқеа худди шундай экан-да, деб ўйлашмайдими бошқалар?

– Раддия бермоқчимисиз?

– Биз ўз фикримизни билдиришимиз зарур, – деди вазир қатъий бир қарорга келгандай.

– Балки Ички ишлар вазирлигида аллақачон жавоб тайёрлаб қўйишгандир? – Улуғмурод Тошматов шундай деб раҳбарига юзланди.

– Албатта, улар билан маслаҳатлашамиз.

– Юкни ҳарбий аскарлар қўриқлагани чиқишган, шундай экан, Мудофаа вазирлиги масъул ходимининг чиқиши ҳақиқатга мос келади. Биратўла бирор аскардан интервью олинса, манба янада ишончли тус олади.

– Ташқи ишлар вазирлигининг ҳам ўз фикри бўлиши керак.

– Журналистлар лозим топишса, албатта, бизга мурожаат қилишади.

– Ҳа, яхши. Ҳар эҳтимолга қарши жавоб тайёрлаб қўй, – деди вазир ўзидан анча ёш ўринбосарига кўрсатма бериб.

Калта сочини қўли билан орқага тараб қўйган Улуғмурод Тошматов «дик» этиб ўрнидан тураркан, «Албатта» деди.

– Эрталабки газеталарни кузатишни унутма. Айниқса, чет эл матбуотини. «Нью-Йорк Таймс»ни кўр-чи, бу ҳақда нима деб ёзишди экан.

– Хўп бўлади.

– Ҳа, айтгандай, «Озодлик» ва «Би-би-си» хабар беришни бошлаганда менга ҳам эслатиб қўй. Улар нима деб сайрашини эшитишим керак. Балки аллақачон материал тайёрлаб, қайта-қайта ўқиб эшиттиришётгандир.

Улуғмурод Тошматов бу топшириқни ҳам зиммасига олиб, вазирнинг муздек хонасидан чиқди.

\* \* \*

Дарҳақиқат, айна пайтда Ички ишлар ва Мудофаа вазирликларида ҳам худди шунга ўхшаш гап-сўзлар бўлаётган эди. Айниқса, Миллий хавфсизлик хизматидаги муҳокама қизгин тус олган.

Матбуот масалаларига иши тушмаган капитан Элёр Одилов дарҳол чет эллик журналистларни йиғиб, ҳақиқатни ойдинлаштириб олишни таклиф этмоқда. Подполковник уни қўллаб-қувватласа-да, бу ишда шошма-шошарлик қилмаслик кераклигини уқтиряпти. Аэропортдаги МХХ ходими катта лейтенат Алижон Қурбонов бу воқеаларни ўз кўзи билан кўргангани, «ГАЗель» машинасини ҳеч ким портлатиб юбормагани, балки ўзи портлаб кетганини таъкидлаш билан овора.

– Нима учун гапимга ишонмайсизлар, ҳарбий аскарларда гранатомёт йўқ эди, деяпман-ку!

– Балки америкаликлар...

– Уларни ҳам кузатиб тургандим. Отишма бошлангандагина қўлларига пистолет олишди.

– Демак...

– Ҳа-да! «ГАЗель» аввалига олдинга юрди, кейин чапга бурила бошлаганда тўсатдан портлаб кетди. Бандитлар қўлга тушишни ишташмади. Бу аниқ!

– Бу сенинг тахмининг, – деди Жалил Очилов Алижоннинг елкасига қўлини ташлаб. Унинг бу ҳаракати ходимини тинчлантиришга қаратилган эди. – Комиссия хулосасини олгач, ҳақиқатни билиб оламиз.

– Улар камида бир ҳафта ишлашади! Унгача манави иғво гапларни эшитиб ўтираверамизми? – Алижоннинг юзларида бир зумда норозилик ифодаси пайдо бўлди.

– Тўғри, бу уйдирма гапларга муносиб жавоб қилишимиз керак, – деди ўзини аранг босиб ўтирган Элёр. У инглиз тилида берилаётган хабарларни бемалол тушуниб тургани боис ҳам тинмай тишини тишига босар, салдан кейин бу нарса асабларини жиловлашга камлик қилгандай муштини лабларига босарди. Дарҳақиқат, «Европа янгиликлари» телеканалда ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотлар ҳам бисёр эди.

– Бас! – деб Жалил Очилов столга кафтини ташлади. – Мен сизларни бу масалани муҳокама қилишга эмас, зудлик билан жинойий гуруҳнинг ортига тушиш кераклиги ҳақида гаплашишга чақирганман. Хорижликлар нима деб валдираса, уларнинг иши! Биз ҳақиқатни қарор топтириш учун душманнинг изига тушишимиз керак! Мана, асосий масала қаерда! Шаҳарда қанча портлаш бўлди? Бирорта жиноятчи қўлга тушдими? Йўқ! Нега? Чунки яхши ишламаямпиз! Халқ тинчлиги, мамлакат хавфсизлиги бизга ишониб топширилган. Биз айнан шу иш билан шуғулланиш ўрнига қуруқ гап сотиб ўтирибмиз! Рақибларимиз эса бошқа бир разиллик ҳақида режа тузиб, бизларни яна доғда қолдириш пайида юрибди. Чет эл телевидениеси ва оммавий ахборот воситаларининг хабарларига муносиб жавоб берадиган сиёсий арбобла-

римиз бор. Бу ҳақда улар бош қотиришяпти. Сиз билан биз қўйнимизда юрган илонни топиб, калласини янчиб ташлашимиз зарур. Мақсад тушунарлими?

– Ички ишлар вазирлигида ҳам бирор янгилик йўқ. Улар ўша кунги телефон қўнғироқларини текшириш билан овора, – деди Элёр бошлиғининг бироз тин олганидан фойдаланиб.

– Ундай эмас. Уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш бўлимидагилар бир неча шубҳали шахсларнинг ортидан тушишган. Шошилмаётганлари сабаби – уларни жиноят устида қўлга туширишмоқчи.

– Буни ўзлари айтишдими?

– Элмира деган аёл хабар берибди.

– Элмира?

– Нима, сен уни танийсанми?

– Тайёрлов курсида бирга ўқигандик.

– Ў-хў, бу ёғи қизиқ бўлди-ку, – деб Жалил Очилов бутун диққат-эътиборини Элёрга қаратди. – Элмира курсдошинг экан, нега биринчи бўлиб сенга айтмади?

– Ахир у Ички ишлар вазирлиги ходими, – деди Элёр ҳозиржавоблик билан.

– Тўғри. Лекин қандайдир масала юзасидан сен билан боғланган.

– Тушунмадим.

– Ўзингни гўлликка солма, – деди Жалил Очилов бирдан сергак тортган капитанга синчков нигоҳ ташлаб.

Элёр нима дейишни билолмай қолди. Бошлиқ ходимидан жавоб беришини талаб қилди. Элёр қизнинг илтимосини эслади. Демак, мавриди келган экан, бор ҳақиқатни ошкор қилмаса бўлмас.

– У бизнинг ташкилотга ўтиб ишлаш истагини айтганди. Раҳбарият билан гаплашиб кўраман, дегандим. Узр, ёдимдан кўтарилибди, – дея ўзини айбдор санади Элёр.

– Тўғриси айт. Сенинг ёдингдан чиқмаган, буни ўзинг хоҳламаётган кўринадан.

– Нега бундай деяпсиз?

– Нима учунлигини ҳозир айтаман. Столинг устидаги йиртма календарда Элмиранинг илтимоси юзасидан ёзиб қўйган эслатманг турибди, шундайми? Сен менга бундай қарама, иш жойингни титкилайдиган одатим йўқ, кимгадир хонангдаги телефондан кўнғироқ қилмоқчи бўлиб киргандим, ногоҳ кўзим тушиб қолди. Бир пайтлар шунақа исмли аёлни анча муддат сўроқ қилганим учун қоғоздаги ёзувинг эсимга тушди. Хўш, қани, курсдошингнинг илтимосини безътибор қолдирганинг сабабини айт-чи!

Элёр масалага ойдинлик киритиб олмаса бўлмаслигини англаб, бор гапни очиқчасига айтди-қўйди:

– Бу тўғрисида гап очмаётганимнинг сабаби, у менга бефарқ эмас. Мен эса иккинчи марта уйландим. Ортиқча гап-сўз бўлишини истамайман. Ҳа, у иш масаласида менга учрашган эди.

– Демак, Элмира сенга учрашиб юришни...

– Шундай деса ҳам бўлади, – деди Элёр бошлиғининг гапини бўлиб. – Мен унинг таклифини рад қилдим. Балки эркак киши учун бу гапни ошқора айтиш уятдир. Аммо ҳамма билиб қўйишини истайман: Элмира билан бирга ишласак, ҳар хил мишмишлар пайдо бўлиши мумкин. Мен эса Зулфиянинг кўнглини оғритмоқчи эмасман. Иш масаласида сиз билан гаплашишни орқага чўзиб юрганимнинг боиси ана шу.

– Тушунарли. Демак, бу ҳақда бошқа гаплашмаймиз.

– Лекин оила манфаатини деб...

– Ташвиш қилма. Жиноий гуруҳнинг изига тушишда бизнинг ҳам ўз тактикамиз бор. Қани, йигитлар, диққатни жамлаб гапимга қулоқ солинглар...

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### XXVI. ПРЕЗИДЕНТ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА

1998 йилнинг ёзи. Борлиқ жониворлар соя-салқинга талпинади. Аммо бу жазирама иссиқда баравж дала экинлари майин эсаётган шаббодада аста тебраниб роҳат қилаётгандай таассурот уйғотади. Айниқса, кўм-кўк ғўзалар дарҳол эътиборни тортади. Эндигина очила бошлаган пушти, сарғиш, оқ гулларга кўзингиз тушиб, беихтиёр баҳри-дилингиз яйрайди. Ўзини пахтакор деб атаган ҳар бир киши меҳнатининг зое кетмаётганидан севинади. Чигит ерга қадалгач, униб чиққанини кўриб, юзларига кулгу югуради, барглар пайдо бўлгач, яна кўнгли кўтарилади, ғўзалар кўсак таққанда, биринчи оппоқ пахта очилганда росмана шодликдан энтикиб кетади. Балки бу туйғулар ҳар йили такрорланар, аммо деҳқон келгуси йили бу манзараларни худди биринчи марта кўраётгандай яна ва яна қувонади.

Оқтепа қишлоғидан ўтиб, Олтинкўл тумани марказига яқинлашгач, катта йўл бўйида бир зум тўхтаб чор атрофга назар ташласангиз, чошгоҳ бўлишига қарамай эгат оралаб бораётган сарвқомат аёлга кўзингиз тушади. Юзи офтобда қорайган, қадоқ қўллари рангбаранг гулларни меҳр билан силаётган Эъзога опа Абдуллаевани дарров танийсиз. Олтмишга кирганига қарамай, қадами илдам, қараши тийрак, гап-сўзлари бурро Эъзо-

за опа экинларнинг авжи баландлигидан бир севиноса, яна бироз муддатдан сўнг бу ерга Президентнинг шахсан ўзлари ташриф буюришидан боши осмонда. Оддий бир пахтакорнинг ҳолидан хабар олгани, қувончига шерик бўлгани мамлакат раҳбари келаётган бўлса-ю, қўнгли фаҳрга, тўлмайдими!

Аслида, Эъзога опа эрталабдан йўқлаб келган туман ва вилоят ҳокимларининг учрашувга оид панднасихатларини, кўрсатма ва мажбуриятларини сал бўлса-да, унутиш учун пахтазорга кириб кетганди. Ортидан «Қаёққа? Қайтинг ахир!» деб бақариб қолган раҳбарларга парво ҳам қилмади. «Нима дейишингиз кераклигини бизнинг олдимизда такрорланг! Ўзингизча яна бир нималар деб юборманг!» дея ортидан етиб келган туман ҳокимига «Хўп» деди-ю, йўлида давом этди. «Тавба, шу пайтда далада нима борийкин бу аёлга?» – ичида ғудраниб қўйди ҳоким. Кейин ноилож вилоят раҳбарларининг олдига қайтди.

– Қайтармадингизми?

– Қайтмаса, нима қилай?

– Топган вақтини қаранг.

Эъзога опа ғўза гулларига тикилиб, турли кўрсатмалардан ғовлаган фикрларини жамлагандай, шунча гап-сўзни сиғдириб титраган қалбини эса тинчлантиргандай бўлди. Анча таскин топган вужуд экинларнидосини ҳис қила бошлади. «Сиз у киши билан кўп бор учрашгансиз. Шундаям, барибир, ҳаяжонланяпсизми?» деб саволга тутгандай бўлди ғўзаларнинг сарғиш гуллари. «Ҳа», – дейди Эъзога опа гулларни оҳиста силаркан, хаёлини банд этган ажиб ўйлар оғушида. «Кўпам энтикманг, ҳаммаси жойида бўлади. Самимий фикрларингизни бемалол ифода этинг, машаққатли ва тинимсиз меҳнатингиз, ёнингиздаги меҳнаткаш, сизга кўмакчи ва суянчиқ бўлаётган одамлар ҳақида сўзланг.



Оилангиз ва орзу-умидларингиз хусусида гапиринг. Мабодо гапни нимадан бошлашни билмай қолсангиз, далаларга кўз ташланг, биз япроқларимизни силкитиб сизга далда бўламиз, ана шунда тўлқинланиб сўзлай бошлайсиз», деяётгандай эди пуштиранг гуллар офтобда ажиб товланиб. Буни сезгандай Эъзога опанинг юзида табассум, руҳида тетиклик пайдо бўлади. Ана энди у Президент билан билан учрашишга тайёр...

\* \* \*

Қува. Ўзбек халқининг буюк бобокалонларидан бири Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан катта мажмуа барпо этилмоқда. Президент бу ерда қурилиш ишларини кўздан кечирар экан, одамларнинг ғайрат-шижоатидан, бугунги яратувчилик ва ўзларининг, фарзандлари ҳамда набираларининг эртанги порлоқ келажаги учун ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга тайёр эканлигидан кўнгли тоғдай кўтарилди. «Миллатимизнинг ўтмиши буюк эди ва келажаги ҳам шундай бўлади. Ўз тарихини яхши билган, эъозлаган, ундан ибратланган халқ ҳамиша эҳтиромга лойиқ. Биз халқимиз орасидан етишиб чиққан ва миллатнинг доврўғини бутун оламга ёйган, дунё цивилизациясига муносиб улуш қўшган буюк аждодларимизни ҳеч қачон унутмаймиз. Уларнинг эзгу ишлари, ёзиб қолдирган илмий ва маданий мероси бундан буён мустақил юртимиз одамларининг дастуруламали бўлади. Ҳар бир шаҳар ва вилоятда мана шундай мажмуалар ва зиёратгоҳлар бунёд этилади. Аслида, бу юртнинг ўзи муқаддас зиёратгоҳларнинг бири эмасми?!»

Президент олиб борилаётган ишлардан кўнгли тўлиб, пойтахтга қайтади.

Яқинда водий аҳолисининг улуғвор ишларига гувоҳ бўлиб, уларнинг самимий суҳбатларидан, эзгу тилакларидан руҳланиб қайтган Президент бугун яна Фарғонада. Бироқ бу гал унинг юзларидаги майин табассум ўрнини қайғу, ғам, ачиниш ҳисси эгаллаган. Тонг саҳардаги совуқ хабарни эшитгандаёқ табиий офатдан зарар кўрган Шоҳимардон қишлоғининг одамлари бошига тушган мусибатдан руҳи эзилди. Азият чеккан кишиларнинг дардига шерик, ўксик қалбига малҳам бўлиш, оғирини енгил қилишга шошилди.

Қаттиқ сел туфайли тоғдаги сув омборининг сатҳи кўтарилган ва тўғондан ошиб, қишлоқни деярли ювиб кетганди. Кечагина одамларнинг дилини яйратиб хуш кайфият тақдим этган табиатнинг дилтортар, оромижон, гўзал манзарасидан асар ҳам қолмаган. Инсон юрагини эзиб қайғуга ботирувчи маҳзун кўринишга боқиб, дилингдан «сув балосидан ўзинг асра» деб бекорга айтилмас экан-да, деган фикр ўтади. Негаки бу ерда росмана фалокат рўй берганди: айрим уйлар таг-туғи билан кўпорилган, баъзиларининг синчлари очилиб, тепасидаги томи бир томонга қийшайиб қолган, сал қаттиқроқ шамол эсса, қулаб тушади; тепароқдаги қўра ва оғилхоналардаги мол-қўйлардан умуман дарак йўқ, айрим жойларда танаси бақувват дарахтларнинг шохларида ногоҳ юз берган мудҳиш ҳодисани тушунолмайд қунишиб олган товуқлар, бўйинини салгина кўтариб-кўтариб, атрофга шубҳали нигоҳ ташлаётган хўрозлар, мусича ва жонсарак чумчуқлар кўзга ташланади. Жони омон қолган одамлар куёш нури туша бошлаган қишлоғининг аянчли ҳолатини кўриб, ширин уйкуда нима рўй берганини англаб-англамай ёнида йўқ яқинларини қаердан излашни билолмай, ёш тўла кўзларини жавдиратганича у ёқдан бу ёққа зир югу-

рар, Худодан жигарбандлари ва ҳамқишлоқларини ўз паноҳида асрашни сўрар, ёлворар, карахт ҳолга тушганларидан шундан ортиғига ярамас, оёғи тойиб йиқилиб тушганда эса қаддини тиклолмаганидан бошини ерга уриб нола қиларди.

Кимдир оқим четга чиқариб ташлаган нотаниш кишининг юзтубан ётганини кўриб ногоҳ бақариб юборди, Яратганнинг инояти билан тирик қолган эркакдир, хотиндир «гув» этиб ўша томонга югуради. Гандираклар келаётганларнинг кўзларида умид учқунлари порлайди, лаблари титраб нимадир деб пичирлайди: эриммикин, укажоним бўлса-я, наҳот, ўғлим топилди?! Ҳар каллада ҳар хил хаёл деганларидай, ким қайси бир яқинини излаётган бўлса, ўша инсонни кўнглидан ўтказади. Бундай саросима, кўрқув ва ҳаяжонда топилган одамнинг олдига қандай бориб қолганларини ҳам сезишмайди.

– Вой, бу Мардон акам-ку!

Бирдан қичқириб юборади ҳаммадан аввал етиб келган ўрта ёшлардаги аёл қўлида чақалоғи борлигини ҳам унутиб.

– Ҳой, дадаси, сизга нима бўлди? Турсайиз-чи ўрни-издан! Одамлар, ёрдам беринглар, бу менинг эрим экан!

Аёл бир қўли билан эрини турткилайди, чалқанча ётқизмоқчи бўлади, аммо унда мадор нима қилсин.

Қўшни хотин ҳайрон: бутун баданидан тортиб ички кийимларигача лой, ялангоёқ, дабдурустдан қараганда кимлигини билиб бўлмайдиган бу нотаниш эркакни Зебинисо эри эканлигини қандай билдийкин? Наҳот эрини бир алпозда ҳам таниган бўлса? Бу саволлар кўнглидан ўтган Ҳабиба Мардоннинг лойга беланган оёғидаги бармоқларга зеҳн солмаган бўлса, унинг чин-чалоғи иккиталигини қаердан ҳам билсин. Зебинисо

эса энг аввал кўшбармоққа кўз ташлаган ва беихтиёр бақириб юборган эди. Бу орада бир-биридан ўтиб етиб келган ўнга яқин қишлоқ одамлари «Мардонмикин?», «Йўғ-э, унга ўхшамайди-ку», «Зеби таниган бўлса, демак, Мардон», «Шундай аҳволда таниганини қаранглар, қойил!» дейишиб пичирлаб қолишди. Аммо кимдир эркакнинг гавдасини ўнглаб, бошини олиб тиззасига қўйганда йиғилганларнинг кўпчилиги Зебинисога қараб яна бир бор «Қойил» дегандай бошини қимирлатиб қўйишди. Мардоннинг тириклигини, фақат хушини йўқотганини билишгач, бошқаларни қидириш учун пастга қараб яна югургилаб кетишди.

Президент бу ерга етиб келганда кўнгилни ўртовчи худди шундай нохуш манзара намоён бўлаётган эди. Икки ўғли эсигаям келмай, жажжи набирасини қидириб жони ҳалак бўлаётган онахон ўзи томон келаётган Президентни кўриб, ёш боладай хўнграб йиғлаб юборди. У уй-жойига, мол-ҳолига эмас, эндигина уч ёшни қаршилаган жигаргўшасидан айрилиб қолганига ичи ёниб кетаётганини аранг гапира олди. Президент онахоннинг титраётган елкасидан меҳр билан кучди, айни пайтдаги ҳар қандай таскин бу жонсарак, набираси учун жонини беришга тайёр турган онахоннинг кўнглини кўтара олмаслигини билса-да, сабрли бўлишга, топилишига умид қилишга ундади. Бир зумда одамлар тўпланди. Уларнинг уст-боши бир аҳволда эди. Аммо бунга ҳеч ким аҳамият бермасди, тўғриси, эътибор қиладиган вазият эмасди.

Президент шоҳимардонликларнинг бошига тушган кулфатни уларнинг нигоҳларидан ҳам яққол сезиб турарди. Ғамгин, мунгли, ёш тўлган кўзларга қараб туриб сўзлашнинг ўзи қийин. Бироқ мамлакат Президенти вазият қанчалар оғир бўлмасин жабрдийда одамларни бу мусибатни биргаликда енгишга чақирди.

Фалокатдан жони омон қолган одамлар ўз ҳолига ташлаб қўйилмаганидан, ёнларида шахсан Юртбошининг ўзи турганидан кўнгиллари кўтарилиб, енг шимариб ишга киришдилар. Орадан бироз вақт ўтиб осмонда вертолётлар кўринди, уларда биринчи галда зарур бўладиган дори-дармонлар, озиқ-овқатлар ва кийим-кечак бор эди. Сал кейинроқ махсус машиналарда кечаси тунаш учун палаткалар, кўрпа-тўшаклар олиб келингани ҳақида маълум қилишди.

\* \* \*

Қамчиқ довони.

Тоғдаги Тошкент–Ўш автомобиль йўлининг энг баланд нуқтаси. Президент ана шу тепаликда атрофни жимгина кузатиб бораркан, бирдан машинани тўхтатишни буюрди. Кутилмаган бу қарордан кўриқчилар сергак тортишди. Айниқса, довондаги қурилиш ишларига бош бўлган Искандаров Борис Игнатович бесаранжомлана бошлади. Президент Шоҳимардондан қайтишда уни сўраттиргандаёқ хаёлидан нелар ўтмади, дейсиз. Етиб келгунча берилиши мумкин бўлган барча саволларга ўзича жавоб қидирган ва ҳатто топгандай ҳам бўлганди. Бироқ ҳозир унинг ғовлаган бошида ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетганди.

– Тошкентдан келаётган барча машиналарнинг йўлини очишсин! Хиёл ўтмай бошқа машинадан тушиб келган Бош вазирга буюрди Президент: – Сизлар эса машиналарни анави панароқ ерга қўйиб туринглар.

Бош вазир ҳам, Миллий хавфсизлик хизмати вакиллари ҳам бундай кўзда тутилмаган ҳолатларга кўникиб қолишган бўлса-да, бу галги қарор довоннинг салкам чўққисиди қабул қилингани боис бир-бирларига хавотир ила қарадилар. «Ахир бу хавфли-ку! Шундай

баландликда-я?!» Бу фикр атрофдаги деярли барчанинг хаёлидан ўтди.

– Бирор режангиз борми, жаноб Президент? – сўрашга жазм қилди Бош вазир атрофга синчков назар ташлаётган мамлакат раҳбарига бироз яқинроқ келиб.

– Асакадан чиқаётган машиналарнинг довондан ўтишини кўрмоқчиман, – деди Президент атрофга хотиржамлик билан боқиб.

– Ахир...

– Биладан, биладан, – дея Бош вазирнинг гапини бўлди Президент. – Машиналар аллақачон синовдан ўтганлигини, бу каби баландликларга чиқишда ўзини оқлаганини айтмоқчисиз. Яхши. Яна бир карра кўздан кечирсак, зиён қилмайди.

– Тўғри-ку-я, лекин ҳайдовчилар сизни кўришлари билан тўхтаб, салом-алик қилиб кетишса-чи? Ахир уларнинг орасида ҳар хиллари бор, – деди Ички ишлар вазири хавотирини ортиқ яширолмай. – Балки бошқа ерда туриб кузатармиз.

– Худди мана шу ер энг қулайи экан. Ҳайдовчи ва йўловчиларнинг эътиборини тортмаслик учун бироз ишлаб турсак, ҳеч нима қилмайди. Борис Игнатович, бошимизга каска, қўлимизга белкурак беринг.

Президентнинг таклифидан ғалати аҳволга тушишди. Нима, улар оддий ишчилардек йўл тозалаб туришадими? Бу ёғи қизиқ бўлди-ку?

Бу пайтда Борис Игнатович «Мен ҳозир «есть» қиламан» деди-да, оёғини қўлига олди. Вазирлар киши билмас кўз уриштирдилар. Уларнинг кўнгилларидан айни дамда нималар кечмасин, айтилган гап бажарилиши керак. Негаки Президент сафарга чиққан вақтларида кўрқа-писа иш тутишни ёқтирмаслигини улар жуда яхши билишади.

Лекин ҳукумат вакилларининг ташвишларини ҳам ўринсиз деб бўлмасди. Ахир вазият қалтис. Пойтахт-

даги турли портлашлар, аэропортдаги босқинчилик – буларни назардан қочириб бўлармиди? Бу каби хунрезликлар шунчаки пўписами, кўрқитишми? Балки олдинда бўладиган қандайдир жиддий хатардан огоҳлантиришдир? Шундай экан, тоғнинг тепасида очиқ ҳолда юриш... Бунинг устига, машинасиз – жуда хавфли, бу ҳақиқат.

– Майлига, ишламасангиз ҳам ўзингизни ишлаётгандай кўрсатиб турасиз!

Президентнинг бу гапани ҳамма ҳар хил тушунди.

«Кўнгилга келган ишни қиладиган пайтмас-ку ҳозир» дея пешонасини тириштирди Ички ишлар вазири пойтахтдан келаётган машиналарнинг йўлини очишга шошилмай. У Президент қароридан воз кечмаслигини аниқ билса-да, ҳар эҳтимолга қарши вақтни чўзишга интиларди. Умиди Бош вазирдан эди. Аммо Дилшод Аҳмадбековнинг елка қисганини кўргач, ноилож рация орқали кўрсатма берди.

– Ходимларингизга тайинланг! Ҳайдовчиларни секинроқ, тартиб билан юришлари ҳақида огоҳлантирмасин. Ҳаммаси табиий ҳолда бўлиши керак.

– Хўп, бўлади.

Орадан бироз вақт ўтиб, Борис Игнатович бошга кийиш учун беш-олтита сариқ каска, белкурак ва тиадалит олиб келди.

– Мана буни яхши ўйлабсиз, – деди Президент йўлнинг паст-баландлигини текширадиган асбобга кўзи тушиб. – Уни кўтариб олсак, бизларни ҳам йўлсозлар деб ўйлашлади. Қани, йигитлар, Қамчиқ доводинадаги йўл қурилишига биз ҳам озгина ҳиссамизни қўшайлик-чи! Уялмай олаверинглар, ахир расмий кийимда эмасмиз-ку.

Президент шундай деб бошига каска кийди ва пастга қараб аста юра бошлади. Бироз нарида ётган катта-

роқ харсанг тошни даст кўтариб йўлнинг четига олиб қўйди.

– Йўл қурган ёки тозалаган одамга катта савоб борлигини эшитмаганмисизлар?

Бу гапдан кейин Борис Игнатовичнинг кўнглига ёруғлик кирди. «Демак, қурилиш ишларидан кўнгли тўқ» дея ўзича хулоса қилиб, ғайрат билан ишга киришиб кетди. Қолганлар ҳам қўлларига белкурак олиб йўлга тушишди.

Президент ортидаги икки қўриқчини белкуракни қурол кўтаргандай олиб юришини кўриб кулимсаради.

– Ҳой, барака топқурлар, нима юриш бу? Ҳеч бўлмаса елкаларингга қўйиб олинглар. Шунда кеккайиб юришларинг ҳам унчалик билинмайди.

Мулзам тортган қўриқчилар қаддини ишчилардек бироз букиб юришлари кераклигини тушунишди.

Ярим соат чамаси вақт ўтиб довонга чиқиш жойида бир-бирини қувган машиналар кўринди. Биринчи тепаликдан ҳеч қийналмай ўтишди. Иккинчи тепалик ҳам осонлик билан забт этилди. Учинчи – энг баланд тепаликдан биринчи бўлиб «Нексия» автомашиналари ғизиллаганича ўтиб кетди. Кетидан кичкинтой «Тико» кўзга ташланди. Анчадан кейин «Жигули» кўринди. «Москвич» ва «Волга»ларнинг радиаторида сув қайнаб кетиб, йўл четига чиқишга мажбур бўлишди. «Дамас» бироз секинроқ юрса-да, қийналмай келарди. Оғир юк машиналарнинг юриши деярли билинмасди. Чумоли каби тепага ўрмалаётган «КамАЗ»ларнинг тезлиги жуда паст, улар хавfli бурилишлардан жуда қийналиб ўтарди.

Буларнинг барини зимдан кузатиб келаётган Президент бирдан «Уҳ!» тортиб юборди. Учинчи тепаликка чиқиб келаётган «КамАЗ» машинаси негадир бирдан пастга қулади. Кейин катта харсанг тошга урилиб ағдарилди. Юкхона мажақланиб, қандайдир қутилар отила



бошлади. Кутилардан эса бананга ўхшаш (аслида ҳам банан эди) нарсалар сочилиб сариқ из қолдирди. «КамАЗ» биринчи тепаликнинг йўлида қирғоққа урилгандан сўнг тўхтади. Хайриятки, портлаш рўй бермади.

– Ҳайдовчи ухлаб қолди, шекилли.

Ички ишлар вазирининг гапи аранг эшитилди. Бу ҳақиқатан ҳам даҳшатли манзара эди. Уни ачинмай кузатиш мумкин эмасди.

– Бу каби бахтсиз ҳодисалар тез-тез бўлиб туради чоғи? – Ички ишлар вазирига юзланди Президент. – Нима бўлдикин?

– Ҳа, – деди Ички ишлар вазири тушкун кайфиятда. – Бироқ ҳайдовчиларда ҳам айб катта. Тузук-қуруқ дам олмай йўлга чиқиб кетаверишади.

Президент ёнидан ўтиб бораётган машиналарга парво қилмай ўйга толди. «Демак, учинчи тепалик жуда хавфли. Уни ёпиш керак. Бунинг учун эса Қамчиқ довонига тоннель қуришимиз зарур. Бу ишни қанчалар тез ва сифатли бажарсак, шунча яхши! Аввало, йўловчиларнинг хавфсизлиги таъминланади. Қиш-қировли кунларда рўй бериши мумкин бўлган ҳалокат ва бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинади. Йўлга кетадиган вақт анча қисқаради. Бундай қулай шарт-шароитни таъминлашни асло кечиктириб бўлмайди».

– Борис Игнатович!

– Эшитаман, жаноб Президент.

– Қани, ишхонангизга бошланг-чи бизни!

– Ҳўп бўлади.

## **XXVII. ҚУРОЛ ОМБОРИДАГИ ЁНҒИН**

Қўпоровчи гуруҳ қўлидаги қуроллар масаласи тезлик билан ўз ечимини топиши керак эди. Барча савол-

лар, тахмин ва мавҳум жавоблар ўртага ташлангач, Вазирлар Маҳкамасида айрим вилоятларда жойлашган ҳарбий қисмлар ва қурол-яроғ сақланадиган омборларни текширувдан ўтказиш учун махсус комиссия тузилди. Комиссия эрта-индин имзоланадиган қарорни олиб, ишни бошлаши лозим. Комиссияга вазирлик ва идораларнинг энг ишончли ходимлари жалб қилиниб, унинг таркиби, режаси ва муддати ҳозирча сир сақланаётган эди.

Бош вазирга аниқ маълумот керак. Экстремистик гуруҳ аъзолари гранатомётларни қаердан оляпти? Уларда бундай қуроллар шунчалик кўпмидики, ишлатиб бўлгач, бемалол балконда қолдириб кетса? Аэропортда эса ўзлари билан бирга портлатиб юборса? Бундай даҳшатли қуроллар ё ўғирланган, ё четдан яширинча йўллар билан олиб кирилган. Биринчи вариантни текшириб кўриш мумкин. Бунинг учун қўлидаги қарорга имзо чекса, бас. Ҳаммаси кундай равшан бўлади-қолади. Бироқ иккинчи тахминнинг тўғрилигини билиш анча мушкул. Жавобгарлик масъулияти катта бўлгани учун тегишли вазирликлардан аниқ маълумот олиш қийин. Демак, кун тартибидаги биринчи масалани энди кечиктириш мумкин эмас. Кейинги йиғилишда Президентга ҳисобот бериши зарур. Ҳа, шошилиш керак. Комиссия тезроқ ишни бошласин.

Қарорнинг имзо учун тайёрланган охириги варианты кўздан кечириб ўтирган Бош вазирнинг фавқуллодда ҳолатларда Мудофаа вазирлиги томонидан бўладиган қўнғироқдан хаёли бўлинди.

- Бухородаги қурол омборида ёнғин содир бўлибди!
- Қанақа ёнғин?! Бош вазир ўзини тута олмай бақириб юборди.
- Электр линиясидаги носозликдан келиб чиққанмиш.

– Бас, қилинг, чўпчак айтишни!

Орага сукут чўкди. Бош вазир оғир нафас олди. Сўнг гўшакни маҳкам сиққанича сўради:

– Давом этинг!

– Муддати ўтган ўқ-дорилар, айниқса, снарядлар ис-  
сиқдан бирин-кетин отила бошлаганмиш.

– Қанча қурол ва ўқ-дори йўқ бўлган?

Мудофаа вазири бу саволдан довдираб қолди. Нима  
деб жавоб қилишни билмади чоғи, жимгина тураверди.

– Сиздан сўраяпман!

– Текширишяпти. Аниқ бўлиши билан дарҳол маъ-  
лум қиламан.

– Бу сафар шахсан Президентга кириб айтасиз.

– Ахир...

– Текширув комиссияси тузилганидан хабарингиз  
бормиди? Борийди. Қўлимдаги мана бу қарорнинг бу-  
гун ё эрта имзоланишидан-чи? Буниям яхши билардин-  
гиз. Демак, террор уюштираётган жиноий гуруҳлар-  
нинг қўлларидаги қуроллар, айниқса, гранатомётлар  
айнан Бухородаги омбордан ўғирланган. Хўш, сизнинг  
бу совуқ хабарингиздан шундай хулоса чиқаришга  
ҳақлиманми?

– Шубҳага боришингиз ўринли, аммо...

– Яна нима?

– Бу тасодиф ҳам бўлиши мумкин.

– Худди ана шу «тасодиф»ни шахсан ўзларига тушун-  
тирасиз, дедим-ку. Аммо билиб қўйинг, комиссия иш  
бошлашидан олдин содир бўлган ёнғиннинг сабабини  
изоҳлаш сизга жуда қимматга тушиши мумкин!

Бош вазирнинг асаблари таранг тортилди. Гўшак-  
ни тарақлатиб жойига қўяркан, пешонасини ушлади.  
«Нималар бўляпти ўзи? – хаёлга толди Бош вазир. – Ко-  
миссия тузилгани саноқли ходимларгагина маълум-ку.  
Наҳот, шуларнинг ичида ҳам сотқин бўлса? Кимлар

билан ишляпмиз ўзи? Ишни Намангандан бошлаш-ни режалаб тургандим. Демак, нотўғри хулоса қилибман. Намангандаги барча кўнгилсиз ҳодисалар бизни чалғитиш учун ўйлаб топилган ва амалга оширилганга ўхшайди. Нега орқадамиз? Нега?»

– Мени полковник Бўронов билан уланг! – деди бироздан кейин Бош вазир махсус телефон аппаратининг тугмасини босиб.

– Эшитаман, Дилшод Аҳмадбекович!

– Бухородаги ЧПдан хабар топгандирсиз?

– Ҳа.

– Хўш, нима дейсиз?

– Ақлимга сиғдиролмаяман. Атай уюштирилган дейишга тилим бормайди.

– Таклифингиз?

– Зудлик билан комиссия юбориш керак. Балки вазиятни ўз кўзимиз билан кўрганимиз маъқулдир.

– Ҳа, фикримиз бир жойдан чиқди.

\* \* \*

Айни шу куни. Тошкентнинг Оқлон маҳалласи.

Шаҳарликлар бу машҳур маҳаллани азал-азалдан яхши билишади. Мабодо йўлингиз тушса, ўзбекона ҳаёт тарзига, урф-одатларнинг хилма-хиллигига, тошкентча муомала маданиятига гувоҳ бўласиз. Энг муҳими – тинч. Шу вақтгача шов-шув бўладиган бирор жанжал-тўполон, қўйди-чиқди бўлмаган. Балки шу каби арзимас хатти-ҳаракатлар кузатилгандир, аммо юзага келган муаммога ўша вақтнинг ўзида нуқта қўйилгани боис овози чиқмаган. Оқлондан қиз олиш жуда мушкул бўлган, яхши қиз маҳалладан чиқмайди, деган мақол айнан шу ҳудудга тегишлидай унга қатъий амал қилишган. Катталар орасида ҳатто баъзи миш-мишлар ҳам юради: Бешёғоч томондаги Бўрижар деган кичик-

роқ маҳалладан, тўғрироғи, тор бўлмаса-да, анчагина қинғир-қийшиқ кўчадан совчи келса, тузук-қуруқ гаплашмасдан қайтариб юборишган экан. «Номининг совуқлигини қаранглар» дейишибди оқлонликлар совчиларнинг ортидан. Улар мана шунақа, жойнинг номигача эътибор қилишган. Уй сотса, қўни-қўшнисига сотишган, мол олса, ўз атрофидан қидиришган. Юборган совчилари қуруқ қайтиб мулзам бўлган йигит маҳалласининг номини ўзгартираман деб кўп югурган экан, аммо саъй-ҳаракатлари зое кетганмиш. Бошқа жойга кўчишга эса унинг ота-онаси рози бўлмабди: «Майлига, эски бўлсаям ўзимизнинг маҳалла, – дейишибди ор-номусни баланд тутишиб, – ҳали бу жойлар шундай обод бўлиб кетсин, ана ўшанда саломлашамиз улар билан. Нима, Тошкентда қиз қуриб қолибдими, Оқлондан бўлмаса, бошқа жойдан оламиз!» Бу гаплар деярли унутилиб кетгандир. Бироқ Оқлон Оқлонлигича, Бўрижар Бўрижарлигича турибди. Аммо куни кеча содир бўлган хунук ва ташвишли ҳодиса оқлонликларнинг қаддини букиб қўйди. Кўпчилик ҳайрон:

«Йўғ-э, бўлиши мумкин эмас, бизнинг маҳаллада-я?».

«Наҳотки! Бу ёғи қандоғ бўлди? Энди одамлар биз ҳақимизда нима деб ўйлашади?»

«Кўзимиз қаёқда эди, шундай бурнимиз тагида ғаламислар яшириниб ётса-ю, биз ҳеч нарсани сезмасак?»

«Бу ғафлат, ҳа, ғафлатдан бошқа нарса эмас!»

Дилни хуфтон, кўнгилни вайрон қилган ҳодиса эса мана бундай бошланган эди.

Дугонаси билан Чорсу бозоридан чиқаётган Элмирага бироз олдинда бораётган ўрта ёшлардаги нота ниш кишининг хатти-ҳаракати, қўлидаги елим халта негадир шубҳа уйғотди. Кейинги пайтларда одамлар-

нинг юриш-туришига эътибор берадиган бўлиб қолган Элмира кўнглидан ўтган гумонга бефарқ қарай олмади. Дугонаси билан хайрлашиб, шубҳа остига олинган шахснинг ортидан юрди. Нотаниш киши кўлидаги кўйнинг териси шилиб олинган тўртта туёғи кўзга ташланадиган оддий елим халтани маҳкам сиққанча борарди. Бозорга тушиб калла-поча ёки оддий туёқ сотиб олган киши халтани бунчалар сиқиб ушламас, юриши ҳам сезиладиган даражада бежо бўлмасди. Демак, унда туёқдан ташқари яна нимадир бор! Аммо нима? Элмиранинг диққатини жалб этган нарса, аслида, шу фикр эди. Бунинг устига, ён-верига тез-тез кўз ташлаб кўяётганини орқада келаётган Элмира аллақачон пайқаганди. Юзини иссиқдан тўсиб пешонасига елпиғичини кўйиб олгани зимдан кузатишга кўл келаётганди. Аммо бир пайт нотаниш киши тўсатдан ортига шартта ўгирилиб қолди. Унинг юзида қора кўзойнак бор эди. Элмира елпиғичини сал тушириб, кўзларини тўсишга аранг улгурди, холос. Таъқиб қилаётган одам йўқлигига иқроп бўлди чоғи, бозор дарвозаси олдида турган, ўзидан беш-олти ёшлар чамаси кичик йигитнинг кафтига саломлашиш баҳонасида бир парча қоғозни қистирди. Бу иш шунчалар тез бўлдики, зийраклигини йўқотмаган Элмиранинг ўзи зўрға илғаб қолди. Ингичка мўйлаб кўйган, озғинлигидан кўзлари киртайиб, кўлларидаги томирлари билиниб турган йигит қоғозни кўк рангли кўйлагининг кўкрак чўнтагига усталик билан жойлади ва тезда нари кетди. Уларнинг бир оғиз ҳам гаплашмаганлари ғалати туюлди Элмирага. Кейин шошиб қолди. Қайси бирининг ортидан борса экан? Шубҳали кўринган кишининг қаерга боришини кузатсинми ёки қандайдир сирли қоғозча олган йигитнинг изидан тушсамикан? Қоғозда нима ёзилган бўлиши мумкин? Балки шунчаки ёзувдир, балки кимнингдир

манзилдир. Агарда у ўйлаган нарса бўлмаса, иккаласини ҳам қўлдан чиқаради. Нима қилса экан? Лекин вазият ўйланишни эмас, тезроқ бир қарорга келишни тақозо этарди. Чунки нотаниш кишилар қарама-қарши томонга кета бошлашган эди.

Элмира аниқ фактга эга бўлиш учун йигитнинг изидан боришни танлади. «Бир амаллаб қоғозни қўлга киритиш керак, – деб ўйлади хаёлида. – Йигит автобусга чиқса-ку, бунга эплайман, бироқ дуч келган машинани тўхтатиб жўнаб қолса...» Ўйлаганидай бўлди, йигит қўл кўтармасданоқ ёнида тўхтаган «Волга» машинасига шарт ўтирди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Аттанг. Аммо афсус чекиб ўтирмади: шарт йўлнинг нариги тарафига ўтди. Негаки у ҳар эҳтимолга қарши деб кўзининг қирини ташлаб келаётган кўзойнакли киши Кўкча томонга кетадиган йўлни мўлжаллаб борарди. Хайриятки, у ҳам йўловчи машинага ўтириб жўнаб қолмади. Бурилишга яқинлашиб қолган автобусни кўриб, унга чиқишнинг пайида бўлди. Бу Элмира учун айти муддао эди: қадамини тезлаштириб, автобуснинг орқа эшигига ўзини урди.

Кўзойнакли киши автобусда деярли атрофига назар ташламади. Пешонасидан қўйилаётган терга парво қилмай кетаверди. Туш вақти бўлишига қарамай, автобусда одам кўп. Йўловчилар иссиқдан иложи бори-ча бир-бирларига тегмасликка ҳаракат қилишар, аммо тиқилинчда бунинг сираям имкони йўқ эди. Айниқса, автобуснинг орқа тарафи жуда исиб кетганди. Элмира елпиғични ишлатишга уриниб кўрди, аммо эпини қилолмади. Бир қўлида сумка, бир қўли билан темир тутқични аранг ушлаб турибди. Чидаш керак, деди ўзига ўзи. Кейин нотаниш кишининг қаерда тушиши ҳақида ўйлай бошлади. Ҳали бирор тахминга келмасдан туриб, кўзойнакли киши Оқлон бекатида тушишга тарадуд кўриб қолди. «Хайрият!»

У шошмасдан катта йўлнинг нариги томонига ўтди-да, маҳалла ичига қараб юрди. Кўчада одам сийрак эди. Аммо дуч келган деярли ҳар бир киши билан саломлашиб ўтарди. Дарвозаси олдидаги тарвақайлаб кетган қари мажнунтолнинг тагида – ихчам ва бежирим супачада суҳбатлашиб ўтирган қарияларни кўриб, улар билан қўл олишиб саломлашди, кейин елим халтасининг тагидан сарғиш қоғозга ўроғлиқ бир парча гўшт олиб, уларнинг бирига тортиқ қилди, хижолат тортган отахонга эса «Биласиз-ку, деҳқончилик, дуо қилиб қўйсаларингиз етарли» деб йўлига равона бўлди. Элмира оқсоқоллар ёнидан ўтаркан, киши билмас, уларнинг гапларига қулоқ тутади.

– Танидингми? Шоназирникида ижара турадиган йигит-да, – ёнидаги ҳамроҳига тушунтирди ҳадя олган чол. – Чорсунинг гўшт бозорида ишлаб тирикчилик қилади. Оиласида кўпчилик бўлгани учун Тошкентга келиб ишлаётган экан, бечора.

– Нега танитай, ўтган сафар менгаям берди-ку бир пайса гўштни?

– Эсингда бор экан-а.

– Ўлибманми, унутиб. Аммо қаердан келганини эсдан чиқариб қўйдим. Ўратепамиди ё Тўйтепадан деганмиди.

– Тўйтепадан деганди.

– Ҳа, ана, сал-пал ёдимда турибди-да. Нима у ерлардаям тузук-қуруқ иш йўқмикин-а?

– Шунақа бўлса керак-да, бўлмаса бировнинг уйида ётиб, ишлаш осонми?

– Ҳа, барака топсин. Маҳалладагилардан ярим кило гўштни аямайди. Келганигаям анча бўлиб қолди-а?

– Ярим йилдан ошди, чамамда.

– Ҳа, ана, унча-мунча эсимда турибди-да.



Элмиранинг кўнгли, барибир, жойига тушмади. Кўзойнакли кишини ижарада турадиган уйигача кузатиб борди. Кейин ўйга толганича ортига қайтди. Тўй-тепадан келиб гўшт бозорида ишлаётгани аниқ бўлди. Аммо у бозорда учраган йигит билан нега бир оғиз гаплашмади? Берган қоғозида нима деб ёзилган?

Элмира қассобни кузатишга аҳд қилди. Маҳалладаги қарияларнинг дуосини олаётган киши эрталаб Чорсу бозорининг ертўласидаги гўшт сақлашга ва улгуржи сотишга мўлжалланган павильонга кириб соатлаб йўқ бўлиб кетарди. Кейин бекат яқинида кутиб турган оқ рангли «Жигули»га ўтириб, Оқлонга жўнарди. Элмира сездириб қўймаслик учун турли кийим ва имиждарда пайдо бўлар ҳамда кузатувни давом эттирарди. У ҳар гал кўзойнакли кишининг қўлида бир хил елим халта ва унинг ичида териси шилиб олинган тўртта туёқ кўрарди. Кун ичида у бозор дарвозаси олдида кўрган озғин йигитни яна учратди. Бу сафар йигит унга қоғоз тутқазди. Элмира имкониятни қўлдан чиқаришни истамасди. Уялиб ўтирмай қассобнинг шундоқ биқинига туриб олди. Эркак кишидан ўзини олиб қочмаган аёлнинг бу қилиғи шубҳа уйғотмаган бўлса-да, кўзойнакли киши шимининг чўнтагига қўл узатиб қўйди. Аммо шу пайт автобуснинг светофорда берган тормозидан қалқиб кетиб олдидаги кишига урилиб кетди. Элмира имкониятни бой бермади. Ортига ўгирилди ва қоғозга кўз ташлади: «Ойнинг 21-сида кечқурун меҳмонларни кут».

Энди қоғозни жойига қўйиб қўйса ҳам бўлади. Тажрибали психолог учун бу нарса қийинчилик туғдирмади. «Ҳозир тушмайсизми?» деб сўраш баҳонасида ишни ўхшатди. Автобусдан тушгач, енгил нафас олди. Дуч келган дўконга кириб муздек сув ичди, баттар терлади. Аммо бунга парво қилмади.

«Қанақа меҳмонларни? Нега айнан душанба куни?» – Элмира ишхонага қайтаркан, турли ўй-фикрларнинг қамровидан қутулолмади. Бу ҳақда Элёрга айтишга қўп бора чоғланди. Айниқса, йигит турган хонадонга эртаси куни кечқурун уч-тўртта соқол қўйган нотаниш кишилар кириб кетганидан сўнг юраги бу шубҳали одамларнинг қандайдир ғараз мақсадини пайқагандай унга тинчлик бермай қўйди. Ҳадиги тобора кучайиб бораётган Элмира агар кўнглидаги гумонлари тасдиқланса, янги ишга жойлашиш учун яхшигина имконият деб ўйларди. Бироқ Элёрдан дарак йўқ. У бошлиқлари билан ё гаплаша олмаган, ё рад жавобини эшитган-у, унга айтишга тили бормаяпти. Яна эслатсамикан? Йўқ, қиз бошқа ялингиси келмади. Бунинг устига, Элёр энди бўйдоқ ҳам эмас. Иккинчи марта уйланган кишилар бошқа аёллар билан кўнгилхушлик қилишга нечундир кўрқиб қолади деб эшитганди. Бундай эркакларга хуштор хотинларнинг баъзилари ниятига етолмаганларидан пешонасини тириштириб «Пули қолмайди» дейишса, баъзилари алаmidан «Ҳоли келмайди» деб пичинг қилишаркан. Уларнинг заҳарханда кулгиси ўзларига нашъа қилиб, баттар кулишармиш. Хуморидан чиқиб олгунча мазах қиларкан. Демакки, аёллар ўртасида шундай гаплар юраркан, энди Элёрдан нима фойда? Ўзи ишлайдиган жойда манаман деган эркаклар йўқ эмас-ку? Салгина имо-ишора қилса, «Лаббай хоним?» деб турганда, яна Элёрнинг олдига борсинми? Йўқ, энди у билан дўстлашишни йиғиштиради. Бутунлай умидини узади. Ким бўлишидан қатъи назар, қайтиб йўқламайди. Энди эрга тегишнинг пайида бўлади. Мабодо эр олмаса, у ёғи бир гап бўлар.

Шундай қилиб, Элмира Ички ишлар вазирлигини танлади. Вазирликнинг уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш бўлинмасининг махсус гу-

руҳи унга ҳамроҳлик қила бошлади. Бу орада Элёрдан бир-икки қўнғироқ бўлди, аммо Элмира вақти йўқлигини рўкач қилиб, учрашишдан қочди. Аслида, умиди ҳамон сўнмаган эди. Агарда Элёр янги ишга ўтиш масаласида гаплашмоқчиман деб айтганда, балки кўнармиди, лекин у бу ҳақда умуман сўз очмаганидан кейин рўйхуш бермади. «Омади чопиб турганда ундан фойдаланмаган одам билан ишлаш қийин. Садқаи эркак кетсин!» деб ўзини овутди.

Белгиланган кун.

Соат миллари айтилган дақиқага яқинлашмоқда. Дарвоза қия очиқ. Ичкаридаги чироқ унча катта бўлмаган эски ҳовлини ёритиб турибди. Бу уйда Шоназир ака яшайди. Икки кундан буён унинг иссиғи чиқиб, кўрпа-тўшак қилиб олган. Кечкурунга қарайдиган одам борлиги учун қизларига хабар бермади. Муздек нарса ичиб қўйди-да, ўтиб кетар, жуда бўлмаса, дўхтир чақирар...

Икки қизини турмушга узатган Шоназир ака энди оёғимни узатиб роҳатда яшайман деб хаёл қилганди. Бироқ орадан беш-олти йил ўтиб тўсатдан хотини бандаликни бажо келтирди. Кўникмай иложи қанча – Шоназир ака тақдирга тан берди. Тенгдошлари уйлан дейишди, ҳатто қистовга ҳам олишди: «Ҳозир-ку илигингда қувват бор, юриб турибсан, лекин кучинг кетиб ётиб қолсанг, қизларинг келиб қарай олмайди, улар бировнинг хасми, тушундингми? Уй-жойимни қолдираман десанг, эридан тул қолган бирор хотинни топамиз. Ана у озик-овқатингга ҳам, уст-бошингга ҳам қарайди». Аммо қизлардан садо чиқмади. Шундан кейин Шоназир аканинг ўзи ҳам истиҳолага борди: қизларим, набираларим бемалол келиб-кетиб юрсин деб уйланиш ҳақида оғиз очмади. Тўғри ўйлаган экан, қизларининг меҳрини ушлаб қолди, улар бегоналашиб кетмади. Бироқ хабар олиш узоқлашгандай ту-

юла бошлади. Кейин тенгқурларининг гапига кириб, уйига одамларни ижара қўйишга ўтди. Қайсидир йили ёш эр-хотинни қўйганди, келин тушмагурнинг жағи жуда очиқ экан. Эрини бўлар-бўлмасга тергайвергандан кейин берган пулинг ҳам курсин деди-да, чиқариб юборди. Шундан сўнг тинчгина яшаб юрганди, бирдан анаву – айни дамда дарвоза ёнида у ёқдан бу ёққа бориб келаётган Ортиқали деган киши уйига жой сўраб келди-ю, уч-тўрт сўм илинжида бўлиб йўқ деёлмади.

Ортиқали анча сахий чиқиб қолди. Кунда-кунора гўшт, илик олиб келади. Буларга оғзи теккандан кейин рангига ранг қўшилиб, сўниб бораётган қуввати қайта тиклангандай бўлди. Чойхонага чиқиб тенгқурлари билан «гап» ўйнай бошлади. Баъзан уйланишдан гап очилса, энди қандай бўларкин деб бош эгиб туришга ўтди. Шундай кунларнинг бирида яна Ортиқали жонига оро кирди.

– Бизнинг тарафда эридан ажрашган бир аёл бор, гаплашиб кўрайми? – деди гапнинг индаллосига ўтиб.

– Қандай бўларкин?

– Агар рози бўлса, никоҳингизга оласиз-қўясиз. Ман топиб келган нарсаларни пишириб-куйдириб ўтирса, ёмонми? Келинг, манам сизга бир яхшилик қилай. Шоядки, савобга қолсам.

– Одамлар-ку тушунар, аммо қизларим ва набира-ларимга нима дейман. Дадам қариганда айниб қолибди, деб устимдан кулишса-чи?

– Ёлғизлик Эгамга хос. Ким нима деса, деяверсин. Зарарингиз тегмай турса, бир куни тушунишади. Сиз ҳеч кимга ҳисобот берманг, тамом-вассалом, – деди Ортиқали кўзойнагини қўлига оларкан катталарга хос қатъий овозда.

Бу таклиф «гап»даги улфатларига ҳам маъқул тушди. Расмини кўришиб, қирққа кирмаган бўлса, офати-

жон экан-да, деб ҳазил-мutoйиба қилишди. Исмини сўрашди. Ойдин, деди Шоназир ака оғзини тўлдириб. «Ҳа, омадинг бор экан, бўшашма энди. Ойдин кечаларда сайр қилиш учун белни бақувват қилавер. Фақат бизларни эсдан чиқариб қўймасанг бўлди». Бу гап-сўзлардан кейин Шоназир аканинг фикри бўлинди. Шундай кўҳликкина аёлни қўлдан чиқаргиси келмади. Рост-да, ҳали олтмишга кирмаган бўлса, бунинг устига, Ортиқали икки гапнинг бирида «Ёлғизлик Эгамга хос» деб таъкидлаб турса, нечун бундай маъқул гапларга қарши туриши керак?! Уйлангани бўлсин. Аммо аёл рози бўлармикин?

Ортиқали ожиза намозхон эканлигини, агар Шоназир ака ибодатга ўтса, никоҳга рози бўлишини айтди. Таҳорат қилишниям тузук-қуруқ билмайдиган Шоназир ака бир ҳафтада астойдил ҳаракат қилиб, беш вақт намозга кирди-қўйди. Инсоф бергани шу-да! Энди у аста-секин чойхонага боришни канда қила бошлади. Улфатлари очиқ-ойдин ҳазил қилсалар ҳам эшитмаганга олди, қўлига тасбеҳ ушлаб яқин атрофдаги масжидга қатнашни одат қилди. Ойдин ўйлаганидан ҳам кўра меҳрибон чиқиб қолди. Ортиқалига-ку гап йўқ. Уйга аёл киши келганидан кейин рўзғор қилишни қотира бошлади. Пешин намозидан келса, қўйини тўлдириб Ортиқали ҳам эндигина кириб келган, бир туп ишком тагига қўйилган кичикроқ супачада нафасини ростлаётган бўлади. Аёлининг олдига кирса, ҳозиргина ювиниб чиққан Ойдин уни хушрўй атирлар оғушида кутиб олади. Бу рўшноликдан эриб кетган Шоназир ака кўп ўтмай Ойдинни «Уй китоби»га доимий рўйхатга киришиб қўйди. Сал кейинроқ эса хонадонни ёш хотинига ҳадя қилганини ўзи ҳам билмай қолди.

Шундай кунларнинг бирида Ортиқали «Энди сизларни ёлғиз қолдирмасам бўлмайди, менга ноқулай

бўляпти» деб қолди. Шоназир ака учун бу кутилмаган таклиф эмасди. Ёш хотини билан холи яшаш ҳақида бот-бот ўйлай бошлаганди. Аммо Ортиқали кетса, рўзғор нима бўлади? Ўзи бирор жойда ишламаса, хотини бир сўм пул топмаса? Кетса-ку, жон дейди, ўзи кейинги пайтларда бироз қизғаниб рашки ҳам келаётганди. Лекин у чиқиб кетса, рўзғор бутлигига зиён эмасми? Хотинига сарф қилаётган ижара пулини қаердан олади?

Ўйига ўй қўшилган Шоназир ака тарозининг икки палласига тикилиб қолди. Кейин Ортиқалининг «Ойдин қўшни қишлоқдан, бунинг устига, тоғамларга яқин қариндош бўлади. Ака-сингилдай муомала қилганим шундан» деганини эслаб, шайтонга ҳай берди. Гумон имондан айиради, деган гаплар кўнглига бироз хотиржамлик бахш этди. Аслида, Ортиқали кетса, уйдаги паришта янглиғ аёл ҳам уни тарк этадиган туюлди. Юрагига тушган ғулғулани сездирмаса-да, ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Яна ёлғиз қоладими? Энди ўрганган пайтда-я? Икки ойлик кайфу сафодан чарчадими ёки юраги куйиб турганида иссиққа қарамай муздай айрондан мириқиб ичгани кифоя бўлдимиди, ростдан ҳам оғриб қолди. Ортиқали шундай кунда «Ислом дини учун хизмати сингган биродарларимни меҳмонга чақирдим, улар Ойдиннинг узоқ қариндошлари. Кўплари сафарда бўлгани учун сизларни йўқлаб келолмаганди. Бугун фурсати экан, ташриф буюришмоқчи. Балки мен ҳам улар билан бирга кетарман», деса бўладими? Жуда хижолат тортди. Наҳот унинг кулбасига диннинг улуғлари қадам ранжида қилсалар? Нима ётиш бу? Туриб уларни кутиб олмайдимиди, илтифот кўрсатиб хизматини қилмайдимиди? Уйига келаётган азиз меҳмонларни боши ёстикда кутиб олиш одобданми? Туришга уринди, аммо холи бўлмади. Ортиқали беморнинг кўнглини хотиржам қилди:

– Сиз ўрнингиздан қимирламанг, мусулмончиликда беморни кўриш жуда катта савоб амаллардан ҳисобланади, шунинг учун уларнинг ўзлари олдингизга киришиб, ҳол-аҳвол сўрашади, – деди Ортиқали уй эгасини хижолатдан қутқариб.

– Қандай бўларкин?

– Никоҳдан олдин ибодат йўлига кирганингизни эшитиб жуда хурсанд бўлишганди, дуосини олиб келамиз деб юришарди. Қаранг, бугун мавриди экан, қадам ранжида қилишяпти. Сизнинг бу йўлингиз кўпчилик қарияларга ибрат деб, алоҳида ташаккур билдиришса ҳам керак.

– Уларнинг олдида камина ким бўпти. Тўртта сура ни ёдладимми-йўқми... Одамни ноқулай аҳволга солмасангиз-чи. Аслида, сиз билан Ойдин қизим-ку менга тўғри йўлни кўрсатиб, кўзимни очган.

– Бизлар бир сабабчимиз, холос. Ихлос қилган – сиз. Ҳали қанча биродарларимиз бор кўзини очишни истаман. Уларни ҳам ҳидоятга бошлашимиз керак. Ойдин сабаб жаннатни топишингизга ишонаман.

Қалби малҳам топгандай бўлган мезбоннинг кўзлари намланди. Иситмаси борлигига қарамай ўрnidан туришга чоғланди.

– Жуда хунук иш бўлади-да, чўзилиб ётсам.

– Мен уларга сизнинг не аҳволда ётганингизни яхшилаб тушунтирганман. Ташвиш қилманг.

Ортиқали келаётган меҳмонларни дин йўлида заҳмат чекаётган Худонинг меҳрибон бандалари эканлигини яна бир бор таъкидлагач, беморни кўргани бориш учун отланган киши то уйдан чиқиб қайтиб келгунча Яратганнинг паноҳида бўлиши, бошига нур ёғилиб туриши хусусида қисқа, лекин таъсирли маъруза қилди. Гапининг сўнгида келиши кутилаётган меҳмонлар бу каби ибратли ҳадисларни қалбига жо қилган художўй

кишилар эканлигини айтганди, беморнинг меҳри товланиб кетди ва ўрnidан турмоқчи бўлган Ортиқалининг қўлини маҳкам сиқиб «Кетиш ҳақида ўйламай туринг» деди илтижолу оҳангда. Ортиқали истехзоли кулиб қўйди.

\* \* \*

Айтилган вақт етди. Бирин-кетин ташриф буюрганлар ҳовлининг чап томонидаги унча катта бўлмаган меҳмонхонага киришди. Хона кичик кўрингани билан ўн беш кишини бемалол бағрига сиғдирди. Қисқа дуодан сўнг Ортиқали билан Ойдин елиб-югуриб хизматга киришиб кетди. Бу орада соқолли уч киши Шоназир акадан кўнгил сўрагани киришди.

– Айбга буюрмайсизлар, ўрнимдан туриб кутиб ололмадим сизларни, – хижолат тортди Шоназир ака.

– Аллоҳ суйган бандасига касаллик беради. Ҳар бир тортган азобингиз, билиб-билмай қилиб қўйган аввалги гуноҳларингизга каффорат. Гуноҳлар охиратга қолмаётганига севининг, биродари азиз, – деди ўзи ёш бўлишига қарамай, қалин соқол қўйган, кенг пешонали, кўзлари катта, узун бурни ҳам ўзига ярашиб турган йигит босиқлик ва салобат билан.

– Худо мартабангизни зиёда қилсин. Биз бечораларнинг ҳолидан хабар олиб жуда хурсанд қилдингиз. Оёғингиз остига қўй сўйиб, хизматда бўлолмаганимдан жуда афсусдаман, – дея ҳалитдан буён ичида такрорлаган гапларини минг хижолат ичра баён қилди Шоназир ака.

– Уйингизда бир пиёла чой ичиб, Аллоҳнинг каломидан, Расули акрам саллоллоҳу алайҳи вассаламнинг суннатларидан икки оғиз лутф қилишимизга рози бўлганингиз учун биз сиздан миннатдормиз. Аллоҳ дардингизга шифо берсин, Ойдин синглимиз билан ис-



ломда, имонда умргузаронлик қилиш бахти насиб айласин.

Ортиқали яхши дуолар қилинаётганда «Омийн» деб туришни ўргатганди, эсига келиб «Омин» деди. Шундан кейин меҳмонлар мезбонни ёлғиз қолдиришди.

Шоназир ака «Тақсир» деб мурожаат қилган киши биродарларининг олдига киришдан олдин Ортиқалининг биллагидан тутиб «Бу ерга келтирилган қурол-яроғлар ишончли ерга яширилганми?» деб сўради.

– Бир қисми меҳмонхонада. Ўтган сафар келганингизда кўрсатган жойда. Яна озроғи ошхонада.

– Қариянинг қизлари хитламайдиган жойдами?

– Хавотирга ўрин йўқ.

– Тасанно. Сиз ишончимни оқладингиз.

Ортиқали кўлини кўксига кўйди.

– Ойдиннинг кайфияти қалай?

– У сизга содиқ аёллардан.

– Баъзан кўнглим тусаб қолади, қурмағурни.

– Эртага олдингизга жўнатайми?

– Йўлини қиларсан.

– Бош устига. Қани, марҳамат қилсинлар.

Бироз тамадди қилиб, нафсларини қондирганларидан сўнг асосий масалага ўтилди.

– Гарчи бугун Бухородаги ҳарбий қисмларнинг биридаги омборда рўй берган ёнғинда бизларнинг иштирокимиз бўлмаса-да, уни Ўзбекистонда Халифалик давлати қуриш учун кураш олиб бораётган исломий гуруҳ аъзолари уюштирган ва жуда катта миқдорда қурол-яроғ олиб чиқиб кетилган деб миш-миш тарқатишимиз зарур. Бу психологик зарба асл ҳодисадан хабари йўқ одамларни эсанкиратиб қўйиши аниқ.

Суҳбатни баландпарвоз сўзлар билан бошлаган шахсни дарров танидингиз. Ҳа, бу ўша «Нажмиддин» лақабли Насим Тўраев. У мухлислари ортиб бораётган

нидан боши осмонда. «Тўфон-3» талафот кўрганидан кейин Муқим Ғаниевнинг шашти пасайди. Муртазо ўзини руҳан тетик кўрсатгани билан Нажмиддин ҳам анойилардан эмас, ҳаммасини кўриб, сезиб, билиб турибди. Пайтдан фойдаланиб Хидирниёзнинг ўнг қўлига айланиб олса, бас. Мана бундай йиғилишлар унинг обрўсини ошириши турган гап. Атрофига виқор билан нигоҳ ташлаб кўйган Нажмиддин сўзлашда давом этди.

– Лекин бу шунчаки миш-миш эмас, биродарлар. Аслида ҳам омборда анчагина қурол талон-торож қилинган. Унинг бир қисми эса бизларга ҳам насиб этган. Чет эллик ҳомийлар ишончига киришимиз учун ҳам қурол, ҳам пул топишимизга тўғри келяпти. Тўғри, Бухородаги яна бир даромад манбаидан айрилдик, улар учинчи операцияда қўлга тушиб, бизни бироз қийнаб қўйди. Аммо қўлимиз калта эмас. Ўтказилган барча портлашлар бизнинг куч-қудратимиз кундан-кунга ортиб бораётганидан далолат беради. Мамлакатда тартибсизлик бошланди, одамларнинг давлатга бўлган ишончи пасаймоқда. Шундоқ ҳам ўранган аёллардан чўчиб қолган, кундан кун кўпайиб бораётган Халифаликни тарғиб қилувчи қўлланма ва кўрсатмалардан саросимага ботган милиция ходимлари тез орада ҳукуматни тарк этишади. Улар энди бизларга муносиб қаршилиқ кўрсатиша олмайди. Намангандаги иккита, Қибрайдаги битта портлаш бизнинг Ҳақ йўли сари ташлаган илк қадамларимиздир. Аэропортдаги ҳужумдан талафот кўрсак-да, кутилмаган зарбамиз давлат бошлиқларини ҳам ўйлантириб қўйди. Улар муҳим ва қаттиқ кўриқланадиган йирик объектлар нечоғлик ночор аҳволда эканлигини билиб олдилар. Эрта-индин радио ва телевидение биносида бўладиган портлаш эса...

Шу пайт хона эшиги тарақлаб очилиб, Нажмиддиннинг гапи оғзида қолди.

– Қанақа портлаш?!

Иситмадан қизариб-бўзариб кетган, қўллари дағ-дағ титраётган Шоназир аканинг бўғилган овози хона-ни тутди...

Айни сонияларда ташқарида бўлаётган ҳодисалардан хабарингиз борми? Уй атрофи Элмира ҳамроҳлик қилаётган махсус гуруҳ томонидан аллақачон ўраб олинган. Қўшни уйларнинг томи устига жойлашиб олган снайперчилар, дарвозанинг олдида ичкарига киришга шай турган гуруҳ аъзолари бошлиқнинг биргина буйруғини кутишарди, холос. Меҳмонхонадаги суҳбат ёзиб олинаётгани боис гуруҳ командири Иброҳим Турсунов шошмаётган эди. Аммо тарақлаган овоз уни шошириб қўйди. Бунинг устига ўнг томондаги уйнинг томига ўрнашган мерган хонада ўқ овози эшитгандай бўлганини айтганди, штурм қилишга команда бериб юборди.

Дарвоза каттагина темир болғанинг зарбига дош беролмади. Ҳовлига ёпирилиб кирган қўлга олиш гуруҳининг асосий қисми «меҳмонлар» ўтирган хона-ни нишонга олишди ва командир улардан қўлларини кўтарган ҳолда битта-битта чиқишларини талаб қилди. Уч киши уйнинг бошқа хоналарини кўздан кечириш учун шошилди. Ошхонага биринчи кирган лейтенант Избосар Кўчимов Ортиқалининг тўппончасидан ерга кулади. Ойдин ҳовлидагиларга қарата бирданига иккита граната ташлади. Юзига қора маска кийиб олган бир неча аскарлар ерга ётиб олишга ҳам улгуришмади – кетма-кет портлаган граната уларнинг баданларини илма-тешик қилиб юборди. Дарвозанинг чап томига босиб қўйилган хашакка ўт кетди. Бирдан гуриллаб ёнган олов ҳовлини ёритиб юборди. Кейин кўкиш тун чор атрофга ёйилди. Ана шундан кейин ўқ овози бироз пасайгандай бўлди. Буни кузатиб турган жиноий гуруҳ аъзолари меҳмонхонанинг эшиги ва дераза-

ларидан «Аллоху акбар!» деб бақирганларича отилиб чиқа бошладилар. Улар снайперчиларнинг нишонига дуч келса-да, отишга улгуриб қолар, ўлмай ярадор бўлганлари талвасада яна ўқ узишга шайланарди.

Ортиқали ошхона бурчагида Ойдинни бағрига тортди.

– Таслим бўлмаймиз.

– Ўлсак ҳам.

– Сени уларга қолдириб кетгим йўқ, азизам.

– Мен ҳам сиздан ажралишни истамайман, – деди

Ойдин овози титраб.

– Биз у дунёда ҳам бирга бўламиз.

– Иншооллоҳ!

Ойдин шундай деб икки вужуд ўртасига, шундоқ юракларининг олдига граната қўйди. Кейин «Тайёр-мисиз?» деб сўради. Ортиқали бошини салгина қимирлатди, холос.

– Унда калима қайтарайлик.

Бироқ Ортиқалининг тили айланмай жим туриб қолди. Титроқ босган қўллари билан аёлнинг белидан маҳкамроқ сиқмоқчи бўлди. Аммо Ойдин «Ла илаҳа...» деб бағрини бироз бўшатганди, темир идиш ичига жойлаштирилган мина ўз ишини қилди – икки танани ошхонанинг турли томонларига ирғитиб юборди. Бир-биридан айрилган вужудлар шу заҳоти жон таслим қилди.

Нажмиддиннинг бу ерга иккинчи марта келгани иш берди. Олдиндан шундай вазият бўлиб қолса, Ортиқали билан эҳтиёт чорасини кўриб қўйишганди. Нажмиддин тутундан фойдаланиб, ҳовли этагидаги омборга етиб олса бас. У ерда одам бемалол сиғадиган туйнук қазилган. Ҳеч қийналмай қўшни хонадонга ўтиб кетади. Сўнг яна бир уйдан ўтилса бўлди, катта кўчага чиқади. Тахминан ўн метрлар нарида ҳар эҳтимолга қарши деб қолдирган машина тайёр турибди. Кейинги

кўчани назорат қилиш қўлга олиш гуруҳининг хаёлига келмайди. Улар айтилган манзилни ишғол қилишади, холос. Бошқа ҳудуд билан ишлари йўқ. Буни Нажмиддин амалиётда кўп кўрган.

– Рустам, ортимдан юр! – деди хонадан охирида чиққан Нажмиддин тезлик билан ҳовлидаги вазиятни чамалаб кўргач. Кейин томга қарата бир-икки ўқ узди-да, энгашиб, ўзини у ёқдан бу ёққа уриб, омбор томонга ошиқди. Рустам ортидан келса, ҳам нишонга олувчини чалғитади, ҳам уни ўқдан ҳимоя қилади. Буни амалий машғулотларда синаб кўрган ва бошқалардан сир сақларди. Бундай усул яна икки кишига – Хидирниёз ва Муртазога ҳам аён. Улар қалтис вазиятларда қўл остидагиларининг жони эвазига қутулиб қолишнинг турли хил йўллари йўқиб ўрганишган, айримларини ўзлари ҳам ўйлаб топишган эди. Нажмиддин жон ҳолатда қочишига қарамай Рустамнинг ортидан келаётган яна бир шеригига ўқ текканини илғади. Лекин унинг кимлигини таний олмади. У ерга юзтубан йиқилди. Аммо инқиллаганича ўзини ўнглаб қувишга шайланган аскарларга қарата пала-партиш ўқ уза бошлади.

– Мана сенларга, эй, гумроҳлар!

Бир зумга тўхтаган махсус гуруҳ имкониятни қўлдан чиқарди. Орадан ўтган бир-икки дақиқа ўзларини омборга урган Нажмиддин билан Рустамнинг қочиб кетиши учун етарли бўлди.

## XXVIII. РАҚИБЛАР

Қотил жиноят қилган ерига, албатта, қайтиб келади деган нақл детектив асар ёзадиган ижодкорлар томонидан ўйлаб топилган гап деб юрардим. Йўқ,

ноҳақ бўлиб чиқдим. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Рустамни марҳум Шоназир аканинг кўчасида, аниқроғи, у яшаган уй ёнида учратиб, амин бўлдимки, жиноятчи қабихлик содир этган жойига эртами-кечми бир келиб кетаркан. Лекин Рустамни нима мажбур қилдийкин бу томонга келишга? Ахир маҳалланинг катта-кичиги кўчада бўлса, гумонсираган одами борки, керакли ташкилотга хабар етказиб туришибди. Маҳалланинг шунча йиллик мавқеига путур етганидан кейинги бу уринишлар ажабланарли эди, албатта. Энди ҳар не иш қилсаям тўкилган обрўни тиклаб бўлармикан? «Оқлонликлар давлат сиёсатига қарши бўлган жиноятчиларни яшириб келган» деган номуносиб таънадан қандай қутулишади? Одамлар бир-бирига қараб нимадир демоқчи бўлади. Аммо юраги сиқилиб тузукроқ гап айтолмайди. Мана шундай ғала-ғовур, нотинч вазият кимларнидир келиб кетиши учун балки қулай фурсат ҳисобланар. Отишма бўлган хонадонга ҳали у ташкилотдан, ҳали бу идорадан текширгани келганларнинг кети узилмаяпти ахир. Таъзия билдиргани эса марҳум Шоназир аканинг яқинлари, уч-тўртта қўни-қўшниси чиқишди, холос.

Рустам маҳалладаги мактаб яқинига борди. Стадион четидаги дарахтлар соясида чуғурлашиб турган ўқувчилар ёнидан ўтди. Афтидан беш ёки олтинчи синф ўқувчилари Шоназир аканинг уйида бўлган отишмани бир-бирига гап бермай муҳокама қилишарди. Улар мунозарага шунчалар берилиб кетгандики, олдиларидан аста-секин ўтаётган бегона киши билан ишлари бўлмади. Маҳмадоналарнинг парво қилмагани Рустамга қўл келди. Чўнтагидан нимадир қидирган бўлиб қадами ни янада секинлатди, мақсади болалардан кўпроқ гап олиш эди. Аммо уйдан қурол топилгани ва олиб чиқиб кетилгани ҳақида чурқ этишмасди. Қайси тарафдан

неча киши ўлгани, кимлар қўлга тушганию кимлар қочиб қолгани хусусида тахминлар ўртага ташланар, бири у деса, иккинчиси бу дерди. Бошқаси ўқ овозини эшитиб, ўша томонга бормоқчи бўлганини, аммо ойиси қўлидан тутиб қолиб, рухсат бермаганини қайта-қайта уқтирар, лекин унинг гапи қизиқ бўлмагани учунми, деярли ҳеч ким қулоқ солмасди.

Рустам болаларга тескари ўгирилган ҳолда юзидаги қора кўзойнакни олиб обдан артди, кейин бурнининг тепасига қўндириб чўнтақларидан нимадир қидирган бўлди, вақтни чўзди, аммо болалардан тайинли бир гап чиқмаслигига кўзи етиб, катта йўл бўйидаги дўконларни айланди. Гўё сочини олдирмоқчидай сартарошхонага, қандайдир малҳам қидириб икки-учта дорихоналарга кирди. Автобус бекатида анча ўтирди. Кейин яна таниш кўча томон кетди. У қандай бўлмасин топширилган вазифани бажариши керак эди.

Ортиқали беркитган қуроллар жойида турибдими ёки аллақачон ўлжа олинди? У, аввало, маҳалладагилардан бу ҳақда билмоқчи, ана ундан кейин вазиятга қараб ичкарига киришни мўлжаллаб қўйганди. Бу ерга келмасдан туриб, қайси идора вакили бўлишини кўп муҳокама қилишди: совуқ сувдан, газдан, мол-мулк ва ер солиғи бўйича, аммо буларнинг бирортаси ишончли чиқмади. Нима бўлишидан қатъи назар, кечагина ўлим юз берган хонадонга ўзбекчиликда бундай ташкилотлардан келишмайди. Кейин бир пайтлар туман ички ишлар бўлими томонидан штатсиз ходим деб олган «Гувоҳнома»си ёдига тушиб, қидириб топди-да, уни ишга солишдан бошқа иложи йўқлигига амин бўлди.

Азадор қизлар Рустамнинг ярим очилган ҳужжати-га назар ташлаб ўтиришмади. «Ҳамма жойни тинтув қилишди-ку» дейишди энсаси қотиб бир-бирларига тикилганларича. Қизларнинг каттаси Ситора «Ҳали

кўп текширасизлар, шекилли,» деб юборди аччиқ устида. Рустам ҳам бўш келмади. Уйда бегона киши йўқлигига амин бўлди чоғи, кескин ва дағдағали овозда гапирди:

– Қанча керак бўлса, шунча текширамыз. Агар уйда қурол бўла туриб айтмасангизлар, сизлар билан керакли жойда гаплашамиз. У ёққа боргандан кейин ортга қайтишингиз жуда қийин бўлади.

– Ҳеч қанақа қуролни билмаймыз. Қўрқитмай кўя қолинг. Отанинг айби учун фарзанд жавоб бермайди.

– Тем боле қиз бола! – Қўшиб кўйди Райҳона хаёлига келган гапни шартта айтиб.

– Ватан хоинининг қизлари деб суд қилишимизни хоҳлаяпсизларми? – баланддан келишини кўймади Рустам ичида бирортаси келиб қолмасин-да, деб хавотир олаётганига қарамай. У бундай кўрқитишларни қотирган бўларди, агарки ўзи қўлга тушиб қолиши эҳтимоли бўлмаганда.

Қизлар бирдан жим бўлиб қолишди.

– Қани, меҳмонхонага бошланг-чи? – деди Рустам вақтни бой беришни истамай.

– Ана уй, бемалол титкилайверинг. Мен кир-чирларни ювишим керак. Эртага адамнинг биринчи пайшанбаси.

Рустам ортиқча гапириб ўтирмади. Аввал ҳожатхонага, кейин ошхонага кўз ташлаб, уйда ростданам шубҳали одам йўқлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилгач, меҳмонхонага кирди. Гиламнинг четини қайирганидаёқ, полнинг тахтаси кўчирилганини сездди. Қайта қоқилган мих бироз қийшайиб жойига тушганди. Энди бу ерда туришнинг фойдаси йўқ эди. У ортига қайтди. Хайр-хўшни насия қилиб кўчага шошилди. Салдан кейин бошқа бир киши унинг кетидан чиқди.

Рустам атрофда алангламай, бир маромда кетиб боришига қараганда хотиржам кўринарди. Лекин у ўн



метрлар чамаси юргандаёқ изига одам тушганини сездди. Кўзойнакни артган бўлиб, ойнасидан ортига бирров назар ташлагани етарли бўлди. Бир киши эканлиги кўнглига унчалар ғулғула солмади: агарда тўхтатишга уринса, кучи етишига ишонди. Аммо олдинда тузоқ бўлса-чи? Унда нима қилади? Қочадими ёки қўлга тушмаслик учун охиригача қаршилиқ қиладими? Наҳот етиб келган манзили шу жой бўлса? Ахир унинг ниятлари бошқача эди-ку. Бундан ташқари, Хидирниёзнинг ўзи ҳам ундан умиди катта эканлигини неча марта такрорлаган. Мана энди Нажмиддин унга ишонч билдириб, ёнига олган эди. Уни бекорга чет элга юборишмади. Келажаги борлигига ишонганлари учун ҳам жангарилар олдига жўнатишди. У ерда оддий муомаладан тортиб, буйруқ беришни, қалтис вазиятлардан чиқиб кетишни: ўзини не кўйларга солиб бўлса-да, тирик қолиш ва асир тушмасликни, энг даҳшатлиси отишни, ўлдиришни ўрганди. Гапга кирмаган, йўлига юрмаган, сотқинлик қилган кишиларни шафқатсиз жазолаш йўлларини билиб олди. Ҳозирча бу усулларни қўллай олгани йўқ, лекин пайти келиб, у нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўяди.

Йўқ, у кўрқоқлардан эмас. Чет элда малака оширган-да кўрқувга, ундан-да ваҳшийроғи – ажалга тик боқишни ўрганди. Шундай қилсагина ўлим уни четлаб ўтади. Амалий машғулотлар ва катта-кичик операцияларда қатнашиб, бунга гувоҳ бўлди. Айни дамда йўлини тўсиб чиқувчи кучни ҳам назар писанд қилмай олдинга бораверди. У сигнал бераётган машиналарга парво қилмас, баъзида ёнига келиб тўхтаган таксичиларга «керакмас» дегандай қўл силкири, терлаган пешонасини бўйни аралаш тез-тез артиб кўярди. Катта йўлни кесиб ўтиш баҳонасида ортига қараб олди. Эллик метрлар чамаси нарида изига тушган киши турарди.

Шунда Рустамга унинг афт-ангори қандайдир танишга ўхшади. Айниқса, юриши – қадам ташлаши кимнидир эслатди. «Ким, ким бўлиши мумкин?» – ўйлай бошлади Рустам. Бироқ у ўзига душман ҳисоблайдиган милиция ходимлари орасидан тополмади. Кейин миллий хавфсизлик ходимларидан бирортасимикан, деб бош қотирди. Аммо улар ичида таниши йўқ-ку. «Тўхта, тўхта, ахир бу Элёр-ку! Ҳа, худди ўзи. Ҳм-ҳм, эски рақибим экан-да. Ҳа, яхши, унда клубга бора қоламан. Агар духи етса, ортимдан кирар, бўлмаса, қайтиб кетади. Жиноят устида қўлга олмоқчига ўхшайди, қани, кузатиб келаверсин-чи». Рустам шу яқин атрофда жойлашган бокс клубига қараб юрди.

Бир пайтлар шу ерда, Алишер аканинг қўлида машқ қилиб, клубнинг энг кучли боксчисига айланганди. Кейин Элёр келди-ю, унинг обрўсига путур етди. Бунинг устига, чемпионатда Элёрга мағлуб бўлди. Алам қилмайдими? Агарда у келмаганда, албатта, чемпионлик камари унга насиб қиларди. Ўшанда ҳаммаси бутунлай бошқача бўларди. Ички ишлар вазирлигига ишга ҳам жойлашиб, анави янги қурилган «Жар» спорт мажмуасида бокс йўналишини бошқариб юрармиди. Ҳа, шундай бўларди. Аммо энди-чи? Энди у ким? Ҳаёти бутунлай издан чиққан, аламзада бир инсонми ёки ўзича ҳақ деб билган оқимнинг жиҳодига отланган курашчими?..

Турли ўйлар гирдобида шаҳар марказий касалхонаси ёнидан ўнгга бурилди. Пастроқда жойлашган бир қаватли бино кўринди. Бу ўша изма-из келаётган кишига – Элёрга ҳам яхши таниш бўлган бокс клуби эди.

\* \* \*

Бино олдида етиб келган Элёр бир зум ўйланиб қолди. Нима қилса экан, ичкарига кириб Рустамни сўроқ қилсамикан ёки тезкор гуруҳни чақириб, уни қўлга ол-

гани маъқулмикан? Шу пайтда клубда кимлар бўлиши мумкин? Алишер аканинг шогирдларими ё бир тўда жиноятчилар? Рустам отишма бўлган хонадонга қурол қолган-қолмаганлигини текшириш учун келган экан, демак, мамлакатда яширин иш олиб бораётган бандага қўшилиб кетган. Балки ўша куни қочганларнинг бири у бўлса-чи? Унда бу клуб ҳам жинойи гуруҳнинг йиғиладиган масканига айланиб улгургандир. Балки қуролларини яширадиган муҳим объектдир. Наҳот шундай бўлса?

Элёрнинг ўйлаганича ҳам бор. Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Бироқ гумонлари ўринли бўлса, Рустам нега чўчимасдан уни бу ерга бошлаб келди? Изига тушганини фаҳламади деёлмайди, негаки турли усуллар билан ортига қараганини кўрди. Ким эканлигини ҳам билган. Демак, атай клубга бошлаб келган.

У икки йўлдан бирини танлаши керак. Ё клубга киради ёки кирмасдан ортига қайтади. Ичкарига кирса, бандитларнинг қўлига тушиши мумкин. Агарда ҳеч ким йўқ бўлса, эски рақиби билан юзма-юз келади. Бундан эса у қўрқмайди. Кирмаса, Рустамни қўлдан чиқариши мумкин. Балки клубнинг орқа томонидан захира эшиги бўлса, аллақачон жуфтакни ростлагандир?

Элёр вазиятни ўзича таҳлил қилаётганда эшик очилиб, ичкаридан бири қўлига, яна бири елкасида спорт буюмлари солишга мўлжалланган сумка кўтарган ўнга яқин ўсмир йигитлар чиқиб келишди. Уларнинг айримлари кийиниб ҳам улгурмаган эди. Терларини сочиққа йўл-йўлакай артаётган икки йигит рингдан ҳозиргина тушганини англаш Элёр учун қийин кечмади. Дарҳақиқат, улар машқни мажбуран тўхтатишган ва тренернинг бу қилиғидан ҳайрон бўлганларича норози қиёфада чиқиб келишаётган эди.

Соатига нигоҳ ташлаб қўйган Элёр бўлаётган хатти-ҳаракатлардан бир нарсани аниқ тушунди. Ичкарида

Алишер ака йўқ. Рустам бундан фойдаланибми, ҳаваскор боксчиларга клубни тарк этишлари учун уч дақиқа вақт берган. Демак, залда бир ўзи ёлғиз қолди. Энди унинг киришини кутяпти. Демак, ичкарига чор-ляяпти.

\* \* \*

– Собиқ чемпионга саломлар бўлсин!

Рингнинг чап бурчагида турган Рустам баралла овоз билан Элёрни қарши олди.

Элёр пичинг аралаш айтилган гапга эътибор қилмай олдинга юрди.

– Яна бир марта қойил қолдирдинг.

– Нега? – деди атрофга нигоҳ ташлаган Элёр.

– Киришга юрагинг дов бермаса керак деб ўйлагандим.

– Нима, бу ерга кириш хавфлими? – деб сўради Элёр мақтовдан ҳайрон бўлиб.

– Ахир ортимдан шунча жойгача кузатиб келдинг. Бунинг устига, мендан гумондасан, тўғрими?

– Ҳа, шубҳаланганим рост. Отишма бўлган уйга нега борганингни ҳам аниқ биламан. Ошхона билан ҳожатхонага назар ташладинг-у, аммо ўлик чиққан хонага киришга ботинолмадинг. Агар ўша жойга кирганингда, мени, албатта, кўрган бўлардинг.

– Демак, тажрибасизлик қилибман-да.

– Ҳўш, қурол топдингми?

– Йўқ, кимдир уларни аллақачон гумдон қилибди.

– Қурол бор-йўқлиги сенга нима учун керак бўлди?

– Хизматчилик.

– Кимга?

– Халққа, ватанга!

– Қайси йўл билан?

– Даҳрийликка барҳам бериш билан.

- Шу юртда-я?
- Албатга.
- Ҳиндистондан Афғонистонга ўтиб бир қанча муддат қолиб кетганингдан хабардорман.
- Ҳақ йўлида дунё кездим, – деди Рустам.
- Демак, ислом динидан ҳам анчагина билим олгансан. Шундайми?
- Қодир қилганича.
- Унда, қани, айт-чи, ислом дини қанақа дин?
- Ҳм, шуни билмасанг, қанақа мусулмонсан?
- Жавоб берасанми?
- Аллоҳнинг дини.
- Яна?
- Ҳақ дин.
- Яна?
- Нима яна?
- Асосийсини айт.
- Қуръон нозил қилинган дин.
- Яна?
- Энг асосийларини айтиб бўлдим.
- Ислом – аввало, одоб-ахлоқ, қолаверса, тинчлик дегани эмасми?
- Булар ҳам бор.
- Исломий одоб ва ахлоқ энг тараққий этган юртга мисол келтир.
- Арабистон.
- Йўқ, бизнинг Ўзбекистон.
- Шаккоклик қилма.
- Исрофгарчиликка йўл қўймайдиган мамлакатнинг номини айт-чи?
- Арабистон.
- Кечирасан, бу ҳам бизнинг ватанимиз.
- Ана энди тинчликсевар халқ номини айт?
- Ҳамма ҳам тинчлик бўлишини истайди.

– Ўзбекчалик эмас.

– Сен ўзингни кимман деб ҳисоблайсан? – Рустам мавзуни четга буриш учун савол бериш навбатини тортиб олди.

– Хўш, сенингча кимман?

– Қафасдаги тўти! – деди ихтиёрини беихтиёр бериб қўйганидан жаҳли чиққан Рустам.

– Сен ўзинг кимсан?

– Мен сенга ўхшаб саволга савол билан жавоб бермайман. Мен ҳақиқий ислом мамлакатини барпо этишни истаётган оқим тарафдориман. Бу йўлда жиҳод қилаётган бир бандаман, – дея кўзини лўқ қилиб гапирди Рустам.

– Сен ўзингга нотўғри таъриф бердинг, – деди Элёр рингга яқинроқ келиб. У Рустамнинг баланддан келатгани боисини билмоқчи бўлиб бурчакдаги хоналар томон киши билмас нигоҳ ташлади.

– Айтиб қўяй, сенинг фикринг мени заррача қизиқтирмайди.

– Лўттибозсан деган бўлардим-у, аммо бу сўз сенинг ҳақиқий башарангни очиб беришга камлик қиларкан. Сен туз еган тузлиғига тупурган кўрнамак Ризосан! Юрагинг тоза эмаслигидан омадсизсан, толеинг кулманидан аламзадасан. Энди эса кимларнингдир қўлидаги оддий лўттибоз қўғирчоқсан, холос. Нажмиддинни ҳали яхши билмабсан, у аэропортга қўпоровчилик қилиш учун киритган, аммо қўлга тушиб қолиш хавфи туғилганда, «ГАЗель» билан бирга портлатиб юборган ўз биродарлари сингари сени ҳам истаган пайтда йўқ қилиб юбориши мумкин. Сенга ўхшаганлар унга маълум бир режаларини амалга ошириш учунгина керак!

Шу пайт Рустам «Шошма!» дегандай ўнг қўлини кўтарди. Сўнг бу гапга «Машинани ҳарбийлар портлатиб юборган!» деб кескин муносабат билдирди.

- Шу гапга ишониб ўтирибсанми?
- Бу аниқ!
- Афсус, ҳеч нарсадан хабаринг йўқ экан. «ГАЗель»-ни портлатиб юбориш Нажмиддиндан ҳам юқорида турадиган шахснинг иши!
- Хидирниёзними? – Рустам жаҳл устида етакчиси номини тилга олганини билмай қолди.
- Ҳа, худди ўшанинг, – деди Элёр гўё бу исмни аввалдан биладигандай бепарво оҳангда.
- Ёлғон!
- Нажмиддин сендан кўра ақллироқ экан, у Хидирниёздан ўшандаёқ шубҳаланганини айтди.
- Нима, у қўлга тушдимми?
- Қочиб қаергайм борарди. Ўша куниёқ изларингга тушганмиз. Уни бугун эрталаб ҳибсга олдик. Сенга эса тегмаганимизнинг сабабини англаган бўлсанг керак.
- Мурувват кўрсатибсан-да, – дея истехзоли кулди Рустам.
- Мархум Шоназир аканинг уйига кимни юборишар экан деб ўйлагандик. Сен экансан. Демак, энди уларга керак эмассан, шунинг учун сени рўбарў қилишган. Ҳойнаҳой, менга муҳим топшириқ беришди, деб лўкиллаб боргандирсан?
- У ёғи билан ишинг бўлмасин! Сен мендан кўра ақллироқ бўлсанг, нега ортимдан келдинг? Ўзингни қахрамон қилиб кўрсатмоқчимисан? Ахир шу тобда пешонангдан дарча очиб қўйишим мумкин, – Рустам шундай деб белига қистирилган тўппончани шартта олди-да, Элёрга яқинлашди.
- Бир бошга бир ўлим.
- Агар ёрдамчи куч чақирмаганингда, бу ерга асло қадам босолмасдинг! Хўш, гапир, ким учун ўзингни қурбон қилмоқчисан? Ўлиб кетсам, менга ҳайкал қўйишади деб хомтама бўляпсанми? Намангандаги Жаҳон

бозорида, автостанцияда ва ниҳоят Дўрмондаги постда қанча милиция ходими ўлди? НАТОнинг Бош котиби келганда иккита шеригинг машинада портлаб кетди! Аэропортдаги ҳужумда, тунов кунги Оқлондаги отишмада-чи? Қайси бирига ҳайкал қўйилди? Қайси бирига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилляпти? Балки ўлимдан кейин қандайдир медалми, орденми бериб қўйишар. Аммо инсон ўлганидан кейин уларнинг кимга кераги бор?!

– Саволларингга жавоб берайми ёки тўхтамасдан гапираверасанми? – деди Элёр ўзини тўппончадан эсанкираб қолмагандай тутиб. Бу хотиржамлик Рустамнинг қонини қайнатиб юборди.

– Шошма, сўзларимни бўлма. Айтганларимнинг барчаси учун бирдан жавоб берасан, тушундингми?! – Рустам кутилмаганда тўппончанинг кети билан Элёрнинг лунжига туширди.

Лаби биров қонталаш бўлган Элёр бунга парво қилмади. Аммо оғзида қон таъмини сезиб, полга туфлади. Кўзлари ғазабга тўлган Рустам сал ортга чекиниб, гапида давом этди:

– Сенингча, мен кимларнингдир қўлида қўғирчоқдирман. Бироқ мен нима учун курашаётганимни биламан! Бу йўлда шаҳид кетишни ўзимга шараф деб биламан. Шунинг учун ўлимдан қўрқмайман!.. Энди сенга тўхталадиган бўлсак, собиқ чемпион, сенам зўрма-зўраки ташкил этилган давлатнинг қўлидаги қўғирчоқсан. Фақат сенинг мана бу чириган мияннга бошқача ғоя сингдирилган. Гўё мамлакатни ташқи душмандан сақляяпсан. Ташқи душман ким, менми? Мени, менга ўхшаганларни ким шу аҳволга солди? Бизларни одам ўрнида кўришдимми? Кучимиз, онгимиз керак пайтида обдон фойдаланишди, аммо иш сўрасак, беришмади, уй-жой берармикан десак, қўчага улоқтиришди. Энди ўзинг ўйлаб кўр, бунақа жамият бизга ке-



ракми? Асло! Шундай экан, билиб қўй, Ўзбекистоннинг бу Мустақиллиги узоққа чўзилмайди. Тез орада даврнинг алғов-далғов вазиятидан фойдаланиб, осонгина ҳукумат тепасига келиб олганларнинг умри тугайди. Уларнинг барчасини асфалософилинга жўнатишади! Демак, сенинг ҳам керагинг бўлмай қолади. Шундай экан, менинг қўлимда ўлим топганинг афзалроқ.

– Қуролсиз одамга ўқ узмақчимисан?

– Наҳот, ёнингда қурол бўлмаса? Ўзингга жуда ишониб юбормадингми? – деди Рустам кекирдагина олдинга чўзиб. – Ишонмайман сенга!

– Сенда ҳали имкон борлигини тушунтирмақчийдим. Алданганингга чин юракдан иқрор бўлсанг, сени кечиривари. Янгидан ҳаёт бошлашинг...

– Насиҳатингга зор эмасман! – Элёрнинг гапини бўлди Рустам. У ор-номуси топталгандай асабийлаша бошлаганди. Уни ким деб ўйлапти ўзи? Ҳалиям қўлидан бир иш келмайдиган ношуд, омади чопмаган бахтсиз Рустам деган хаёлдами? – Вақтни чўзаётганингни сезмаяпти деб ўйлаясанми? Яна неча дақиқадан сўнг шерикларинг етиб келишади? Билиб қўй, осонликча таслим бўладиган аҳмоқ йўқ. Аввал сени итдай отиб ташлайман, ана ундан кейин ўзимни.

– Ортимда ҳеч ким йўқ.

– Ишонмайман!

– Албатта. Негаки, қуrolинг бўла туриб, қўрқувдасан.

– Сенданми?

– Ўзингдан!

– Ҳа, яхши, унда рингга чиқамиз! Ютқазган таслим бўлади.

– Келишдик!

– Келишдик!

Рустам тўппончани ўқдондан бўшатди. Стволни залнинг у бурчагига, ўқларни эса бу бурчагига отди. Бориб

эшикни ичкаридан ёпди. Йўл-йўлакай оёқ кийими ва кўйлагини ечиб, жаҳл билан полга ташлади. Кейин девордаги илгакларда турли ранг ва катталиқда осилиб турган кўлқопларнинг олдига келиб Элёрга юзланди:

– Танла!

Элёр кўйлагини оқ рангли кўлқоп ўрнига илди. Туфлисини ечиб, пайпоқчан қолди. Рустам кўк кўлқоп танлади.

– Бошла! – деди Рустам рингга ишора қилиб.

Элёр меҳмон сифатида биринчи бўлиб рингга кўтарилди ва ўзи ёқтирган ўнг бурчакка ўтди.

– Бой без правила, розимисан?

– Мен ҳақиқий бокс тарафдориман.

– Начора, ўлимга маҳқум этилганларнинг охириги тилагини қондириш керак.

– Ўлимга ўйнаймизми?

– Тан бердим дегунча солишамиз. Аммо сен бугун бу ердан тирик чиқмайсан!

Элёр индамай ринг ўртасига келди.

\* \* \*

Элёр рингга охириги марта ўша чемпионлик камари учун кечган жангда чиққанди. Эҳ-ҳе, бунга ҳам анча йиллар бўлиб кетди. У энди ҳаяжонланмаслик, рингда ўзини бемалол ва эркин тутиш, рақибнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш, керак пайтида ҳимояда туриш, имкон топди дегунча бирдан ҳужумга ўтишнинг ҳадисини олганди. Энг муҳими, муштнинг кучини ҳис эта бошлаганди. Қутилмаган зарбни ўтказиб юборган рақибнинг сал эсанкираши унга етарли эди – кетма-кет ёғилган мушт охир-оқибат қарши томоннинг тинкасини қуритарди. Бу ғалаба эди. Бироқ ҳозир унинг эсида нималар қолди экан? Тўғри, эгаллаган усулларию орттирган тажрибасини бутунлай ёддан

чиқаргани йўқ, баъзида машқ қилиб эслаб турибди. Аммо ринг, барибир, бошқа. Унинг жозибаси, ишқи бор. Таърифлаш қийин бўлган сеҳри, салобати бор. Унга қадам босганинда битмас-туганмас қудратга тўласан, мухлисларнинг олқишидан эса тоғни уриб талқон қилишга қодирлигини сезасан. Лекин сени янчиб, эзғилаб ташлашга тайёр турган рақибингга беихтиёр кўзинг тушиши билан ҳаммаси ҳақиқатдан аён бўлади-қолади: ҳозиргина билакларингга кўпирган қон ё бирдан пасаяди, ё баттар тўлиб-тошади; кучингнинг меъерини сезгандай бўласан, ана шу туйғу юрагингни ё кўрқувга солади, ёки ботир қилади; бир сўз билан айтганда, сониялардаги ҳис-ҳаяжонда ўзингнинг ким эканлигингни англайсан, нималарга қодирлигинг аён бўлади, қолгани унчалар муҳим эмас – юрак уришига қараб тебранасан, холос.

Элёр хотиржам рингга кўтарилганда ана шуларни хаёлидан ўтказди. Бироқ айна дамда ўйлаганларининг бирортасини вужудида туймади. Аввалига «Нега?» дея ҳайрон ҳам бўлди. Кейин бу ҳақиқий бокс эмас, кўча-кўйда бўладиган муштлашишнинг рингдаги кўриниши эканлиги ёдига тушди. Бу ерда рефери йўқ, ажратиб қўйгани, бу ерда раунд тугаганини билдириб, бонг урилмайди. Ҳамма нарсага тайёр туришинг керак, тамом-вассалом.

Жанг бошланишидан олдин Элёрнинг яқинда бошлаган картинаси кўз ўнгидан ўтди. Фақатгина қораласини чизганди, холос. Анчадан буён қўлига қалам олмагани боис, дарров тугата олмади. Энди уни охирига етказиш учун имкон бўлармикан? Зулфияга берган ваъдасининг устидан чиқа олармикан? Элёр чизган барча расмларни кўздан кечириб ўтирган Зулфия «Мениям суратимни чизишга вақтингиз бўлармикан?» деб шундай оҳангда сўрадики, йўқ деёлмади. Зул-

фия бу сўзни шундай қиё боқиб туриб айтдики, унинг мафтункор ҳолати кўз ўнгида муҳрланиб қолди. Буни тасвирламаса бўлмасди, қалбини жиз этказган ажиб бир ҳолатни қоғозга туширмаса, ўзини кечира олмасди. Элёр шу кун қалб кечинмаларини ифодалашга жазм қилди. Картинани тез кунларда тамомласа, Зулфиянинг туғилган кунига ажойиб туҳфа бўлади. Қандай яхши! Кайфияти кўтарилди. Аммо бу узоққа чўзилмади. Бирдан кўнглида ғашлик пайдо бўлди. Сабабини дарров англолмади: Рустамнинг дағдағасидан кўрқиб кетдими ёки рингда ажал шарпасини сездими? Йўқ, у Рустамдан чўчимади, ўлимни-ку аллақачон бўйнига олган. Унда нима?

– Бошладик!

Рустамнинг овози баралла янгради ва кутилмаганда баланд сакраб Элёрнинг бошига кетма-кет мушт туширди. Учинчи зарба мўлжалга аниқ тегди, Элёр орқасига энгашиб, ўтириб қолишига бир баҳя қолди. Кўзи қонга тўлган рақиб, «ҳолинг шуми?» дегандай бош тебратди. Кейин қарши ҳужумни кутиб ўтирмай, яна шу усулда олдинга ташланди, лекин бу сафар ўнг эмас, чап қўлида қақшатқич зарба йўллади. Бу усул боксда тақиқланмаган, албатта. Бироқ Рустам бундай тарзда уришмасди-ку? Демак, ваҳшиёна калтаклашни ўрганган. Рақибнинг бошига уриб довдиратиб кўйиш ва ундан кейин истаганча жонига азоб беришнинг йўллари билди. Агар шу тобда қўлида қурол бўлганида, унинг қўндоғи билан мана шундай урган бўларди. Ҳозир унда меҳр-шафқатдан заррача йўқ эди – истаги азалий рақибини тезроқ тиз чўктириш. Буни сезган Элёр ортига чекиниб, ўзини қўлга олиш, фикрини жамлаш ва ҳамлага тайёр туришга салгина имкон яратди.

Профессионал боксчилар учун, балки, бу фурсат етарли бўлар, аммо Элёрга камлик қилди, у ўзини ҳу-

жум учун тайёр эмаслигини сезди ва яна ҳимояга ўтди. Муштга мушт қайтармаслик энди Рустамнинг жаҳлини чиқара бошлади. Ҳали шунақами, деб баттар ўчакишди: буқадек бўкириб олдинга ташланди. Рустамни шу тарзда чарчатсаммикан, деган хаёлга борган Элёр янглишганини билди, кўзи қонга тўлган рақиби чарчоқ нималигини билмайдиганга ўхшарди. Шунга қарамай тартибсиз ҳужум қилаётган, чиранган бакувват оёқларини ишга солишига шайланаётган Рустамга нисбатан испанча буқа жангини қўллашга қарор қилди. Жонивор қанча кучли бўлмасин, тореадорнинг чаптастлик билан қилган ҳаракати олдида ожиз. Абжирлик иш бера бошлади: чап томондан шиддат билан келган зарб мўлжалга тегмай ғувиллаганча ўтиб кетди, Рустамнинг ўзи олдинга энгашиб қолди. Элёрнинг дастлабки мушти – оперкот усулда берган зарбаси рақиблик бир зум довдиратиб қўйди. Буни кутмаган Рустам ғазаб отига минди, қўлларини шундай ишга солдики, тегса-тегмаса мушти дўлдай ёғилди. Элёр гоҳ энгашар, гоҳ бошини орқага олиб қочаркан, қарши ҳужум ҳақида ўйлолмай қолди. Тишини тишига қўйиб чидашга аҳд қилди. Кўзини очиринишга қўймаётганига қарамай, қулай фурсат туғилишини назардан қочирмасди. Ҳар замондаги спорт машғулотлари доимий машқлардан фарқ қилишини эшитганди, мана энди баданида синаб кўрди. Қаттиқроқ мушт тушган жойлар сал бўлса-да зирқирай бошлаганди. Навбатдаги ҳужумда Рустам яна мувозанатни йўқотди.

– Вой, аблаҳ-эй! – деди Рустам оғзидаги қонни туфлаб.

Худди шундай сонияларни кутган Элёр ўнг қўли билан чаккага мушт туширди. Рустам чап томонга гандираклар ринг арқонига суяниб қолди.

– Балки бўлди қилармиз?

– Таслим бўлмоқчимисан? – деди Рустам ҳансираб нафас оларкан.

– Аҳволинг яхши эмас.

– Ишинг бўлмасин.

– Яна бир неча дақиқага ярайсан, холос.

– Мен-а?!

– Ҳозир фақат Ризо ҳақида гап боряпти.

– Ризо эмасман! Мен Муҳаммад Ризоман! Рингда эса Рустамман! Рустам деб ном қозонганман.

– Булғанган исмингни пок номларга тиркама. Яхшиси, таслим бўл, кечирим сўра. Одамларга ўхшаб ҳаёт кечир.

– Сендан кечирим сўрайми?

– Мендан эмас, халқдан, Президентдан.

– Овора бўласан! Ҳеч қачон сўрамайман!

Рустам қисқа суҳбатдан фойдаланиб нафасини ростлаб олган кўринади, қизил рангни кўрган буқа сингари сапчиб жойидан кўзгалди. Тўғридан мушт тушира бошлади. Бу усул энди Элёрга таниш эди, бошини қўллари билан ҳимоя қилди. Шунча сарфлаган зарбалари нишонга тегмаганидан жаҳли чиққан Рустам бу сафар ортига чекиниб ўтирмади, ҳолатини ўзгартирди-да, чап қўлини ишга солди. Яна самарасиз уриниш бўлди. Фиғони фалакка кўтарилди, бошини тўсиб турган Элёрнинг ўнг биқини очиқ қолганди, буйрагини мўлжаллаб тепиб юборди. Элёр бир оёқда тиззалаб ўтириб қолди. Ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай боксчи рақибининг бундай ҳолатга тушганини кўриб, ҳужумни давом эттирмайди. Хоҳ мусобақада бўлсин, хоҳ оддий машғулотларда бўлсин, ўзини тияди. Бироқ Рустам ундай қилмади. Ён томондан келди-да, Элёрнинг жағига тизза қўйди. Оғриқни пасайтириш учун чуқур-чуқур нафас олаётган Элёр бу зарбни мутлақо кутмаганди. Рустамни салгина кўздан қочиргани унга панд бер-

ганини, афсуски, кеч пайқади: у орқаси билан рингга йиқилди.

– Хўш, нимангга ишониб бунчалар чирандинг? – деб Рустам Элёрнинг кўкрагига бир оёғини қўйди.

– Сен... сен шартни буздинг.

– Жаҳл чиққанда ақл кетади!

– Номарднинг иши бу, – деди Элёр бошини кўтариб.  
– Сен кўрқоқсан!

– Ўчир! Бўлмаса, биқинингдан дарча очиб қўяман!

– Ютқазишдан кўрқиб шундай йўл тутдинг. Бу сенинг охирги имкониятинг эди. Энди тамом бўлдинг.

– Шу ҳолингга яна бокс тушмоқчимисан?

– Мен сенинг муштингдан эмас, оёғингдан йиқилдим.

– Ҳа, яхши. Унда мана шу қўлларим билан ағдарганим бўлсин. Қани, тур! Тура оласанми ўзи?

Элёр айтарли куч тўплай олмади, аммо ўрнидан туриши керак эди. Шундай қилмаса, ор-номуси топталишини сизди. Тураётиб, гандираклаб кетди, Рустам «Ҳм!» деб тиржайиб қўйди. Унинг масхараомуз кулгисидан ўзига ишонганини пайқаш қийин эмасди. Бир оёғи билан тираниб туриши эса рақибни ўрнидан турар-турмас мушт тушириб қолиши мумкинлигидан дарак берарди. Энди уни асло назардан қочириб бўлмасди. Ҳар қандай вазиятга шай турмаса, оқибати ёмон бўлиши аниқ. Шартни бузган одамдан бундан кейин ҳам шафқат кутиш ғирт аҳмоқлик. Элёр ўйлагандек бўлди: энди қаддини тиклаётганди, Рустам у томон отилди. Элёр ҳамладан қутулиш учун рингга елка ташлади ва бир думалаб рақибнинг ортида пайдо бўлди. Ўзини ўнглаб улгуролмаган Рустам чакагига тушган муштан қалқиб кетди. Ўзини арқонга ташлаб тезлик олди-да, яна Элёрнинг устига ёпирилди. Бор кучи билан олдинга интилган эмасми, кутиб олган қарши зарба

уни мувозанатдан чиқарди. Йиқилмаслик учун ортига чекинди, аммо қаёқдандир пайдо бўлган муштан кутулиб қололмади: Рустам гандираклар рингнинг четига гурсиллаб йиқилди ва боши пастга осилиб қолди. Ўзига келмасдан туриб беихтиёр арқонни ушлаган эди, бутун оғирлиги билан рингдан қулаб тушди.

– Етарли бўлди-а? – деди Элёр рингнинг арқонига қўлларини қўйиб пастдан чалқанча ётган рақибига ачиниш билан нигоҳ ташларкан.

Рустам жавоб қайтаролмай, қўлқопини юзига босди.

## XXIX. ГУМОН ЙЎҚА ЧИҚДИ

Рустамнинг аэропортдаги кўнгилсизликлар ҳақидаги маълумотини Миллий хавфсизлик хизмати ходимидан олинганини эшитган Нажмиддин бирдан илҳомланиб кетди. Балки бу гап, аслида, тахминдир, аммо Хидирниёз билан Муқим Ғаниевнинг ўртасига яхшигина низо солиши мумкин ва улар баттар ўчакишиб, бир-бирини йўқ қилиш пайига тушишади. Нажмиддинга эса барибир, униси билан ҳам, буниси билан ҳам келишиб кетаверади. Қандай йўл билан бўлмасин, иккинчи рақамли етакчига айланса бас. У ёғи унчалар қийин эмас.

Хидирниёз режалаштирган оламшумул воқеани амалга оширгандан кейин, унинг ўзини йўқ қилишни ўйлаб кўради. Ҳозирча ҳеч нарсадан хабари йўқдай бир четда туриб иш бажаради. Ҳа, у шундай қилишни маъқул кўрди, кейин низо чиқариш мақсадини пайсалга солмай дарҳол Муртазони излаб топди. Унга Рустамдан эшитганларини оқизмай-томизмай гапириб берди. «Тўфон-3»дан айрилганига чидолмай аламзада бўлиб юрган Муртазо шундоқ ҳам бу ишда Хидирниёздан



гумон қилганди. Демак, юраги алдамаган экан. Мана энди ҳақиқатни ойдинлаштирадиган пайт келди.

Муртазонинг бемаҳал ташрифи Хидирниёзнинг кўнглига ғашлик солди. Оқлондаги портлашдан кейин «Алоқага чиқиш йўқ, зарурият бўлса, ўзим хабар бераман», деб тайинлаганди-ку, нега келдиди?

– Менинг уйдалигимни айтиб қўймадингми, ишқилиб? – деди Хидирниёз остонада қўл қовуштириб турган шотирига қовоқларини уйиб.

– Ўлибманми, ҳазрат! Ҳозир уйда йўқлар, қачон келишларини кеннойидан сўраб чиқишим мумкин, дедим.

– Офарин. Бу гал мени ранжитмадинг.

– Қуллуқ.

– Муртазога мени йўлда эканлигимни, яна ўн-ўн беш дақиқаларда келиб қолишимни айт. Агар кутиб тураман деса, кичик меҳмонхонага олиб кир, – ётиғи билан тушунтирди Хидирниёз. – Ўзинг сездирмай кўчага чиқ, муюлишдаги дўконга кирган бўлгин-да, атрофни кўздан кечириб чиқ. Аввал тайинлаганимдай ҳамма нарсага аҳамият қил: бегона машина, нотаниш одамлар, умуман, шубҳали бирор нарса назарингдан четда қолмасин. Тушундинг-а!

– Албатта.

– Борақол.

Муртазонинг мақсади Хидирниёзнинг кўзларига тикка боқиб, бор ҳақиқатни унинг ўзидан эшитиш эди. Наҳот, Рустамнинг айтганлари тўғри бўлса? Демак, Хидирниёз ҳеч кимга ишонмайди. Ҳар бир операцияни ўзи режалаштиради ва ўзи охири нуқтани қўяди. Майли ўзи режа қилсин, ўзи бошқарсин, аммо қўл остидаги жанговар одамларини ўлдиришнинг нима ҳожати бор? Ахир улар асирга тушган тақдирда ҳам шерикларини сотадиган оддий аскарлар эмас-ку! Қамалиб кетишарди, лекин, энг асосийси, тирик бўлишарди. Қамоқдан эса

қочиш ёки сохта кечирим сўраб яна озодликка чиқиб олиш мумкин. Мана қандай йўл тутиш керак. Бутун бир отрядни қириб ташлаб, номарднинг ишини қилибди. Йўқ, бу кечирилмас ҳол. У ким бўлишидан қатъи назар, йигитларнинг умрига зомин бўлмаслиги керак эди.

Бироқ бу гапга Хидирниёзнинг ўзи нима деркин? Рад қиладими ёки тан оладими?

Дарвозанинг чап томонидаги ихчамгина хонага кирган Муртазо хаёлидан ўтаётган саволларга ўзича жавоб изларди. Хўш, Хидирниёз ҳақиқатни тан олса, Муртазо нима қилади? Шу ернинг ўзида отиб ташлайдими? Кейин нима бўлади? У Хидирниёзнинг ишини қила оладими? Чет эллик гумашталар билан ким гаплашяпти? У! Барча музокараларни ким олиб боряпти? У! Олиб кирилган маблағ кимнинг қўлида? Унинг. Қуроллари-чи? Ҳукумат аъзоларини бир пайтда йўқ қилиш ва ҳокимиятни эгаллашнинг бош режасини ким тузаяпти? Бу оламшумул воқеани қаерда, қачон ўтказишни-чи? Бу ишларнинг ҳаммасини эплай оладими?

Муртазонинг юрагига биринчи марта ғулғула тушди. Хидирниёзни отиб ташлаш чўт эмас. Бироқ қолган ишнинг уддасидан чиқолмаса нима бўлади? Шарманда бўлиш билан чекланиб қолармикин? Йўқ, бирор ёлланма қотилнинг қўлида итдай ўлим топиши аниқ. Шундай экан, индамай қўя қолсинми? Хидирниёзга тан бериб, қўлини ўпсинми?

Хаёллар билан бўлган Муртазо орадан ўтган вақтни ҳам сезмай қолганди. Эшик ташқарисидаги таниш овоздан сергак тортди. «Нима ниятда келганимни билмайди-ку» дея ўзига тасалли берди. «Мардлик қилиб келдимми, бўш келиш йўқ!»

Улар бир-бирлари билан кучоқлашиб кўришдилар. Кейин диванга ўтиришиб, дуо қилишди. Мезбоннинг юз-кўзларида ҳадик сезилмас, меҳмон эса охириги

дақиқаларда кўнглидаги қўрқувни енгган ва ўзини эркин тута бошлаган эди.

– Ташрифнинг боиси не? – бирдан мақсадга ўтди Хидирниёз куттириб қўйгани учун узр сўраш ўрнига.

– Рустамни гуруҳга қабул қилаётганда «Унга кўз-қулоқ бўлиб юр, агар ментларга ишлаётган бўлса, нима қилишни ўзинг биласан» дегандингиз, – хотиржамлик билан гап бошлади Муртазо бошлиқнинг қўл остидаги одамлари олдида узр сўраб ўтирмаслигини фаҳмлаб.

– Ёдимда.

– Рустамнинг Миллий хавфсизлик хизмати билан алоқаси бор экан.

– Исбот?

– Исботи бор.

Муртазо ўрнашиброқ ўтириш баҳонасида Хидирниёзнинг ўзини тутишига разм солди. Жиддий, гап-сўзлари ҳам қисқа, лўнда. Демак, бу хислат бошлиқларга хос.

Муртазо гапни узоқдан бошлади. Бундан тўрт-беш йиллар аввал бўлиб ўтган бокс бўйича Ўзбекистон чемпионатини эслатди. Ўшанда Рустам билан Элёр деган йигит финалда қатнашган. Бироқ Рустамнинг омади чопмай мусобақада ютқазиб қўйган. Аслида, улар бир клубда машқ қилишган. Бир-бирини яхши билишган. Ўша чемпион йигит ҳозир Миллий хавфсизлик хизматида. Унвони капитан. Рустам эса биз билан. Улар боксда рақиб бўлсалар-да, хизмат юзасидан доимо алоқада бўлган. Элёр Рустамни атай бизнинг гуруҳга киритган ва режаларимиздан хабардор бўлиб турган. Улар яқинда кўришганда аэропортдаги ҳужум ҳақида суҳбатлашишган. Элёр унга «Тўфон-3» жойлашган машинани ҳукумат аскарлари портлатмаганини айтган. Текширишлар натижасида машина узоқдан бошқариладиган механизм орқали портлатилгани аниқланган. Бунга бошлиқ нима дейди?

Хидирниёз Муртазонинг ҳикоясини охиригача тинглади. Эшитиш давомида бир марта қошларини чи-мириб қўйди, холос. Муртазо бу сирли ҳаракатни наза-ридан қочирмади.

– Бу гапни бевосита Рустамнинг ўзидан эшитдингми ёки?...

Муртазо бир зум нима дейишини билмай қолди. Нега шундай савол бўлиб қолиши ҳақида ўйламади экан? Хўш, энди нима дейди? Тўғриси айтсинми ёки Нажмиддинни сотмагани маъқулми? «Ёки» деганига қараганда ҳаммасидан хабардор-ов.

Хидирниёзнинг жиддий нигоҳи ва саволини «ёки...» деб гумонда тугатиши Муртазони ҳушёр торттирди ва нотўғри гапиришдан қайтарди.

– Нажмиддин эса Рустамдан эшитган.

– Бу гаплар менга янгилик эмас, биродарим Муртазо, – дея суҳбатдошининг елкасига қўл ташлади Хидирниёз. Сўнг бир текисда, шошилмасдан гапида да-вом этди. – Бошлиқ ҳамма нарсани кўриб, билиб тура-ди, деган доно нақл айнан бизлар учун айтилган. Ана энди Рустам масаласига келсак, унинг Миллий хавф-сизлик хизмати билан алоқаси йўқ. Агар бўлганида, биз аэропортга умуман бостириб кира олмасдик. Дар-возанинг олдидаёқ машинани қўлга олишарди. Элёр деган йигит билан рақиб бўлганидан хабарим бор, аммо улар ўша чемпионатдан кейин деярли учраш-маган. Клубдаги кечаги суҳбат эса тасодиф. Сен улар-нинг гап-сўзларини Нажмиддиндан эшитган бўлсанг, мен ўз кўзим билан кўрдим. Истасанг, сенга ҳам кўрса-тишим мумкин.

Муртазо бу таклифдан ҳайрон бўлиб қолди. Нима дейишини билмай, дамини ичига ютди. Кўнглидан фақат бир гап ўтди: «Демак, яширин камера деганлари бор гап экан-да».

– Рустам шу пайтгача биз билан бирга эди. Бироқ клубдаги ташвиқотдан кейин қўрқиб кетди чоғи, уларга ишлай бошлади. Энди ундан воз кечиш вақти келди. Тўғри айтдинг, бу ишни бошидаёқ сенга юклагандим, демак, ўзинг тинчитасан! Элёр ҳақида билмоқчи бўлсанг, у ўз ишини аъло даражада бажаряпти. Ёлғон маълумотлари билан Рустамни ишонтира олди. Сенинг йигитларинг асир тушишдан кўра ўлимни афзал кўришди ва улар шаҳид бўлдилар. Бундай улуғ мақом бизларга насиб қиладимиз-йўқми, билмадим-у, аммо заифлик қилсак, душманларимиз бизни битта-битта қириб ташлайди. Яна қайтариб айтаман, бир-биримизга ишонмас эканмиз, улуғ мақсадимизга ҳеч қачон эриша олмаймиз! Сени бекорга ўнг қўлим деб атаганим йўқ. Агар менга бирор кор-ҳол бўлса, бошлаган ишларимни давом эттиришинг керак. Шунинг учун ҳар хил майда-чуйда ишларга бошингни қотирмасдан, олдимизга кўйган олий режамизни бажариш пайида бўл.

– Гапларингиз маъқул, аммо бирор режангиздан воқиф эмасман. Уни фақат бажариш пайтидагина билиб қоламан, – деди Муртазо тушкун бир ҳолатда.

– Чунки сен ичингдаги «мен»ни ҳали-ҳамон енголганингча йўқ. Шайтоний ўй-хаёллар фикрингни чалғитяпти. Душманнинг оддий бир гапига ишониб ўтирибсан, нима, биз ўз биродарларимизнинг қонига ташнамизми? Уларни жангга йўллаб, орқасидан ўқузамизми?

– Тавба қилдим! Бир қошиқ қонимдан кечинг!

Хидирниёз бир зум ўйга толди. Буни ўзича тушунган Муртазонинг юраги орқасига тортиб кетди. Мезбоннинг хаёлга толгани боиси ўша аэропортга қилинган ҳужум ва унинг фожиавий якуни унинг кўз ўнгидан ўтгани эди.

... «Тўфон-3» жойлашган машина зўр бериб олдинга интилди. Кейин сал чапга бурила бошлади.

– Яна озгина, бос газни!  
– Ота қолсанг-чи!  
– Бензобакни мўлжалга олишим керак!  
– Аскарлар яқинлашиб қолишди!  
– Чекиниш йўқ! – бақирди «Тўфон-3» отряди командири Миролим самолётга қарата автоматдан ўқ узиб. Унинг ўқлари кабина ойнасида кетма-кет из қолдирди.  
– Мени ҳимоя қилинглар, самолётни нишонга оляпман. Яхши, мана ҳозир...

Аммо бу пайтда омборхона томида ётган мерган Хидирниёзга «ГАЗель»нинг бурилаётгани ҳақида маълумот бериб қолди. Бу ҳаракатни операцияни тугатмасдан ортга қайтиш деб тушунган Хидирниёзнинг ғазаби кўзиб, кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. Кейин кўйнидаги пультанинг тугмасини шартта босди. «ГАЗель» бирдан портлаб, атрофга олов пуркади.

Кутилмаган портлаш турли мулоҳазаларга сабаб бўлди. Аммо воқеа, аслида, ана шундай хотима топганди.

Хидирниёз хаёлидан кечган бу фожиага заррача эътибор қилмади. Бир туки ҳам ўзгармай бошлаган гапида давом этди:

– Бошингни кўтар, биродарим Муртазо. Бизлар бир тану бир жонмиз. Қўлни қўлга бермасак, ғариб кимсалардек оёқ остида қолиб кетаверамиз. Зиммага олган вазифаларимизни эса бошқалар бажаради-да, олий мақомларга эришади. Бутун бойлик, бутун ҳурмат-эътибор уларники бўлади. Бизларни эса қўрқоқлар, сотқин ва ландавурлар деб қўлларини бигиз қилиб кўрсатишади. Мен эса бундай тавқи лаънат олишни истамайман!

– Мен ҳам.

– Содик бўлишга яна бир марта онт ич!

Муртазо шошганича қасам ичди ва ўзи билмаган ҳолда Хидирниёзнинг қўлини ўпиб, пешонасига босди. Бу илтифотдан ўзини бошқача сезди.

– Хўш, айт-чи, бугун шаҳарда нима янгиликлар бўлди?  
– Ўлимдан хабарим бор, лекин бизни хушнуд этадиган янгиликлардан бехабарман.

– Шаҳар прокурорининг ўринбосари ва Тошкент вилояти уюшган жиноятга ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг бошлиғи қамоққа олинди. Ҳозир улар биз билан «суҳбат қургани учун» СНБнинг махсус хоналарида жавоб бериб ўтирибди.

– Йўғ-э? Улар ҳам бизнинг биродарларимизми?

Хидирниёз истеҳзоли кулди. Кейин қўлларини ёзиб ястаниб ўтиргач, содиқ йигитлари билан қилган ишини гапириб берди. Улар бир неча ой давомида икки масъул шахснинг ортидан пойлаб, ниҳоят, тўйхонада чой ичган пиёласини ўлжа олишга эришади. Хидирниёз ижарага олган хонадонда бугун туш пайтида тўкин дастурхон устида гўё давлат одамлари билан учрашган бўлади. Суҳбат чоғида бир пиёладан чой «ичилади». Бу орада «кимдир» махфий учрашув ҳақида Миллий хавфсизлик хизматига хабар беради. Қўлга олиш гуруҳи келгунча уч киши «қочиб кетади». Кўчадаги «гувоҳ» формали икки кишини ва яна шапкасини бостириб кийиб олган бир кишини кўрганини айтади. Стол устидаги нарсалар эксперизага жўнатилади ва шаҳарнинг икки масъул ходими дарҳол «қўлга олинади».

– Бу усулни қандай ўйлаб топдингиз?

– Етакчи бўлиш осон эмас.

– Ақлингизга тасанно!

– Ҳукумат раҳбарларида ўз кадрларига нисбатан ишончсизлик пайдо қилишнинг синалган усули бу, Муртазобек. Ҳалол ишлаб келаётган масъул шахслар ўзи хизмат қилаётган давлатдан рўшнолик ўрнига қуруқ тухматга қолиб мусибат тортса, ҳам чекса ва уларни ҳеч ким тингламаса, эшитишнинг хоҳламаса, тилка-пора бўлган юрагида алам ва жоҳиллик пайдо

бўлади. Ана шундан кейин бу мазлумларни ҳақиқатан ҳам ўзимизга оғдириб олиш осон кечади. Ўнтадан икки-учтаси биз томонга ўтса, мақсадга эришдик, деявер!

– Чиндан ҳам даҳо экансиз!

– Маматқулнинг ўлими ҳақида биласан, тўғрими? – дея кўз қирини Муртазога ташлади Хидирниёз.

– Албатта. Ўтган гал учрашганимизда айтиб бергансиз. Ўшанда ҳам бунақа ишларни уюштиришга уста эканлигингизга қойил қолгандим. Унинг ўзини ўзи «осиб» қўйиши, айниқса, чўнтагидан милиция ходимлари тинч яшашига қўйишмагани хусусида «хат» топилиши жуда ишончли чиққан. Йигитлар бу ишни шунақанги қойилмақом бажаришганки, шубҳага дейarli ўрин қолмаган. Ана ўшандан кейин эркинликка чиққан биродарларимизга нисбатан сиқув бироз пайсиди. Тасанно сизга!

– Ана энди асосий режа ҳақида бир оғиз сўз, – деди Хидирниёз мағрурланган кўксини тўлдириб. – Яқин ойлarda ҳукуматнинг олий бўғини катта мажлис учун жой танлайди. Ана шу манзил аниқлангач, биз ишга киришамиз. Уларни бирваракайига таг-туғи билан қўпориб ташлаймиз!

– Демак, ўйлаган ниятларимизга етишимизга озгина вақт қолибди-да? – деди Муртазо кўзларини катта очиб.

– Иншоаллоҳ, ҳадемай бу юрт бизники бўлади. Бошимизда Ислом байроғи ҳилпирай бошлайди. Ўзбекистон Халифалик давлатига айланади. Неча йиллардан буён бунга эришолмаган мамлакатлар бизларга ҳавас қилишади. Келиб тавоф қилиб кетишади. Ўшанда ҳам сен менинг ўнг қўлим бўлиб қолаверасан!

Муртазонинг хаёли қочди. Гўё улар хорижлик олий табақали меҳмонларни кутиб оладиган ҳашаматли саройда турибди. Яна бир неча дақиқалардан сўнг Са-



удия Арабистони давлатининг бошлиқлари уларнинг қабулига киришади. Уларнинг ортидан Миср ва Афғонистон мамлакатларининг раҳбарлари навбат кутиб турибди. Бугун ана шу уч давлат вакиллари билан учрашадилар, холос. Қолганлари кейинги кунларга режалаштирилган. Ироқ, Сурия, Индонезия. Эҳ-ҳе, рўйхатга ёзилишга шошилаётганини қаранглар. Ие, анаву меҳмонларни залга таклиф қилиб пилдираб юрган ким? Э, бу Нажмиддин жаноблари-ку. Унга шунақа иш ҳам бўлаверади. Демак, у Хидирниёзнинг ёнида экан, Нажмиддиндан анча юқори поғонада туради. Балки у Бош вазирдир! Ҳа, шундай бўлса керак! Тўхта, тўхта, кимдир унга мурожаат қилдими?

«– Ҳурматли Муртазобек, қани, юрсинлар, меҳмонларни кутиб олайлик!» Буни қаранг-а, Хидирниёз шундай деб унга юзландими?

Муртазо ёнидан эшитилган овоздан ўзига келди.

– Ҳал қиладиган бошқа масала бўлмаса, қани юрсинлар, кузатиб кўяй!

– Албатта, албатта!

– Сал хаёлпарастлигингиз бор-да, Муртазо.

Муртазо хижолатдан қизариб, тезда ўрнидан турди.

### **XXX. БИРОДАРКУШЛИК**

Элёр келишилгандай клубга тонг саҳарда етиб келди. Залда Рустам кўринмагач, тренер хонаси томон юрди. Йўл-йўлакай овоз берди:

– Рустам!

Хона эшиги қия очиқ. Ичкарида Рустам креслода деразага қараганча жимгина ўтирибди. Бироқ унинг боши чап томонга қийшайган, елкаси эса худди қаттиқ уйқудаги одамникидай пастга осилган. Бир қа-

рашда оддий манзара: чарчаган тренернинг кўзи илинган-у, пинакка кетган. Лекин Элёр Рустамнинг бироз нотабий ҳолатига назар солгандаёқ ёмон хаёлга борди. Шошиб ичкарига отилди ва гумони тасдиқлангач, беихтиёр деворга суяниб қолди. Полда тўппонча, у гўё марҳумнинг қўлидан тушган. Чап қулоғининг тепасида ўқ изи, ундан оққан қон қотиб улгурган. «Демак, Рустам бу ерга ярим кечаси келган. Қамалиб кетишдан кўрқиб... Йўқ, йўқ! У ўзини ўзи ўлдирмаган. Бошқалар шундай хулоса қилишлари учун атай қилинган».

– Эҳ, аттанг!

Элёр Рустамнинг жонсиз танасига тикиларкан, турли хаёлларга борди ва унга ким биландир учрашишга имкон бергани учун қаттиқ афсусланди. Ортдан пойламасликка сўз берганига қарамай, кузатса бўларкан. Шунда уни ўлимдан сақлаб қолган бўлармиди? Балки қотилни жиноят устида қўлга тушириб, уюшган гуруҳнинг раҳбарини билиб олармиди? Ҳозирча унинг номи бору, ўзи йўқ. Биргина Хидирниёз деган исмдан кимлигини билиб бўлмаяпти. Тунов куни Оқлондаги отишмада ярадор ҳолида асир олинган Кенжа Боборажабовни сўроқ қилишнинг имкони йўқ: у ҳамон ўзига келмаяпти. Вазият ўзгармаса, яна қанча кутишади? Бунақада жиноятчиларни қўлдан чиқаришлари мумкин.

Элёр Кенжа Боборажабовни эслаши билан бирдан сергак тортди: «Шифохонада тинчликмикан?» Кейин у ерда Ички ишлар вазирлигининг ходимлари кўриқчилик қилаётганидан бироз хотиржам бўлди, аммо бориб ўз кўзи билан кўрмагунча, тинчимаслигини англаб, тезда хонани тарк этди. Ташқарига чиқаркан, нарядга фожиа содир бўлган манзилни айтди.

\* \* \*

Рустамни нариги дунёга жўнатган Ашур Турғунов клубдан чиқаркан, атрофга аланглаб ўтирмади, тўғри анча нарида кутиб турган қизил «Жигули»га қараб юрди. Индамай ҳайдовчи йигитнинг ёнидан жой олди.

– Ҳа, дадаси, бу ерда ҳам йўқ, эканми? – деб сўради орқа ўриндикда ўтирган аёл кўзларини жавдиратиб.

– Аллақачон кетган экан, – деди тунд қиёфали Ашур Турғунов олдинга тикилганича. – Қани, кетдик!

– Қаёққа? – машинани ўт олдирган ҳайдовчи ҳайрон бўлиб баджаҳл кишига юзланди.

– Қорақамишга! – жавоб қилди Ашур Турғунов йигитга қарамасдан.

– Қаерига?

– Жуда эзма йигит экансан-да. Юраверсанг-чи, ўша тарафга!

Ҳайдовчи нимадир демоқчи бўлди, аммо «ўғлини қаердалигини билолмай қидириб юрган ота»нинг шундоқ ҳам хуноби чиқиб турганлигидан индамай қўя қолди.

– Милицияда ишлайдиганларнинг шифохонаси бор-ку, ўша ерга, ука, – тушунтирди Моҳира сохта табассум билан. – Топамиз, дадаси, бўлди, кўпам куйинаверманг. Шифохонага ўзим кириб чиқаман, сиз машинада ўтириб турасиз. Хўпми?

– Амакисининг олдига келдимикан?

– Ҳа, амакимни кўргани бораман, дегандай бўлувди, гаплашиб қолиб кетган бўлиши керак.

– Бир оғиз телефон қилиб қўйса бўлади-ку, – ғудранди Ашур Турғунов рўпарадан келаётган машиналарнинг чироқ нуридан кўзларини тўсаркан.

– Боланинг кўнгли далада деб шуни айтади-да.

– Бир ўзинг кирсанг, гапингга қулоқ солармикан?

– Эплайман, дадаси.

– Амакилари қаршилиқ қилса, аяб ўтирма.

– Хўп!

– Юрсанг-чи, имилламай!

«Жигули» шифохона дарвозасидан сал ўтиб тўхтади. Йўл-йўлакай эғнида оқ халат кийиб олган Моҳира чаққонлик билан машинадан тушди. Бўйнига расми туширилган бейжигини осиб, у ёқ-бу ёғини тўғрилади, кейин ойнадан бошини чиқариб турган «дадаси»га кетдим дегандай бош силкиди.

– Тўполон қилиб ўтирмагин. Мен ҳар эҳтимолга қарши қоровулхона ёнида бўлиб тураман.

Аёл ўзини худди шу ерда ишлайдиган шифокорлардай тутиб илдам юриб кетди. Ашур ҳайдовчидан атай сигарет сўради. Йигитнинг чекмаслигини эшитиб, жаҳли чиқиб кетди, кейин шартта машинадан тушди.

– Атрофни қарай-чи, сигарет бормикан?

– Қидиришнинг ҳожати йўқ. Кўчанинг у юзидаги кўк темир дарвозани кўряпсизми? Чап томонидаги кичкина деразани тақиллатсангиз бўлди. Истаган хилидан топиб беришади.

Ашур йигитдан «Шунақа нарсаларниям биласанми?» деб сўрамоқчи бўлди, аммо унинг ҳайдовчилиги ёдига тушиб индамади, фақат «қойил» дегандай бошини қимирлатиб қўйди, холос.

Моҳира кеча реанимациядан чиққан «мижоз»и қайси палатада ётганидан хабардор қилингани боис, тўғри иккинчи қаватга кўтарилди. Эшик берк. Тақиллатди. Салдан кейин яноқлари қизарган, халатининг тепа қисмидаги тугмалари шошилиб қадалгани билиниб турган ҳамшира қиз дарчани очди.

Моҳира саволни кутиб ўтирмади:

– Кардиологоя институтидан Моҳира Зоҳидоваман. Йигирма тўртинчи ва йигирма тўққизинчи палаталардаги Олимхўжа Зайниддинов билан Кенжа Бобоража-

бовларни кўришим керак. Беморларнинг касаллик варақасида бу ҳақда ёзилганидан хабарингиз бўлса керак.

Ҳамшира даволовчи шифокорнинг шу тўғрида кўрсатма берганини эслаб эшикни очаркан, ярим тунда ташриф буюрган нотаниш шифокорнинг бўйнига осилган рангли бейжигига, ундаги суратга тезгина нигоҳ ташлаб қўйди. Қотмадан келган, қирра бурнининг чап томонида мошдек қора холи бор, қарашлари жиддий, гап-сўзлари ҳам иши кўп шифокорлардай аниқ-тиниқ Моҳира буни сезиб, «Тиббиёт фанлари доктори, профессор Зоҳидова Моҳира Абдушукуровна» деб ёзилган бейжикни ҳамширага яқинроқ келтириб кўрсатди.

– Кўриқчи билан вақтни бекорга ўтказмаяпсиз шекилли, – деди йўлакка кирган Зоҳидова. – Қани беморларнинг касаллик варақасини олиб чиқинг-чи.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор деган ёзувга кўзи тушгандаёқ ҳамшира шошиб қолганди. Кейинги гап эса уни тамом капалагини учириб юборди. Мутахассис шифокорга у айтган беморлар аллақачон ухлаб ётганини тушунтиришни ҳам унутди. У шу тобда айб иш қилаётганини нотаниш врачга сездириб қўйганидан эмас, бу ишидан бош шифокор хабар топиши мумкинлигини ўйлаб ғалати аҳволга тушиб қолганди.

– Нега имиллайсиз, бошланг палатага!

– Хўп бўлади. Қўлингиздагини беринг.

Ҳамшира қиз каттагина махсус қутини кўтариб йўлга тушди. Йўл-йўлакай ортига қарамай «Аввал қайси беморни кўрасиз?» деб сўради. Моҳирага йигирма тўртинчи палатадаги бемор керак эди. Иккинчи касал уни асло қизиқтирмасди. Аммо шубҳа уйғотмаслик учун уни ҳам кўриқдан ўтказиши лозим. Ҳамшира йўлакдаги иш жойидан кардиолог шифокор назоратидан ўтиши керак бўлган икки беморнинг касаллик варақа-

сини олаётган пайтда муолажа хонасидан спортчилардай енгил кийинган, калта сочли, ўттиз ёшлар чамасидаги келишган киши чиқиб келди. Моҳира унинг соқчилик қилаётганини дарҳол фаҳмлади, лекин бунга парво ҳам қилмагандай ҳамширанинг қўлидан қоғозларни олиб аста таниша бошлади. Бу орада соқчи ўнг қўлини орқасига яшириб яқинлашиб қолди.

– Ҳарбий врачман, унвоним майор, – деди Моҳира бирдан қоғозлардан кўз узиб, ўзидан икки метрлар нарида турган, қорачадан келган кишига қўл узатиб.

– Катта сержант Музаффар Лутфуллаев, – деди ҳамширанинг ранглари оқаринганидан кўнгли хижил бўлган қўриқчи тезда қўлини узатиб.

Худди шу онда Музаффар кечирилмас хатога йўл қўйганини тушуниб етди, бироқ бундай вазиятларни юзага келтириш ва ундан усталик билан фойдаланишнинг ҳадисини олган Моҳира учун саноқли лаҳзалар етарли эди: қўли тўсатдан ортига қайрилган катта сержант бир айланиб оқ халатли «шифокор»га тескари туриб қолди, оғриқни сезиб ўзини ўнгламоқчи эди пешонасига тиралган тўппончани кўриб, дами ичига тушиб кетди. Энди у белига қистирилган қуролидан ҳам айрилган эди. «Кўлимни пистолетдан олмасам бўларкан, – деган фикр ўтди хаёлидан. – Танимаган одамга нега қўл узатдим ўзи?»

– А-а...

– Бақирма, овозинг чиқса, отиб ташлайман! – деди Моҳира ҳамширага дўқ уриб. – Қани, ичкарига кир!

Шовқинни эшитиб йўлакка чиқиши эҳтимоли бўлган беморларни чўчитиб юбормаслик учун ниҳоятда тез ҳаракат қилиш лозим эди. Юрагига ваҳима тушган ҳамшира липиллаганича ўзини «Муожала хонаси»га урди. Моҳира унинг ортидан қўлини бўшатишга беҳуда уринаётган Музаффарни итариб олиб кирди.

– Қани, иккаланг ҳам стулга ўтир-чи! – Моҳира шундай деб катта сержантни ўзидан нари қилди. – Огоҳлан-тириб қўйай, айтганимни қилмасаларинг, аяб ўтирмайман. Менга қара, ҳой ойимтилла, анави скотчни ол-да, хушторингни оғзига яхшилаб ёпиштир. Яхши, энди оёғини боғла. Чаққонроқ ҳаракат қил. Бўлди, етар, энди стулга қўшиб айлантир. Қўли ташқарида қолмасин. Нега қалтирайсан, тезроқ қимирла дедим!

Ҳаш-паш дегунча катта сержант стулга «михланди». Моҳира ҳамширани боғлаш учун кўп вақт сарфламади.

– Хонанинг калити қаерда?

Ҳамшира халатининг чўнтагига имлади.

Бир пайт Музаффарнинг ихраган бўғиқ овози эшитилди. У яна бир марта омадни қўлдан бой берганини англади. «Ахир пистолетимни отишга тайёр қилмагандим-ку. Нега қўлимни бўшатган заҳоти устига ташланмадим. Аттанг, аттанг! Имм!» Музаффар жон-жаҳди билан полни тепа бошлади. «Тамом, ҳаммаси тамом бўлди. Ишдан шармандаларча ҳайдаламан, энди! Эҳ, лаънати! Нега шу қанжиққа илакишдим ўзи? Тинчгина палатада ўтирсам бўлмасмиди? Ахир вазият қалтислигини уқтиришган эди-ку! Имм-м! Тамом бўлдим!»

– Шайтон йўлдан урди, дея кўрма, – деди Моҳира йигитнинг қилган ишидан қаттиқ пушаймон бўлаётганини пайқагандай. – Мана бу манжалақи ҳам сабабчи эмас. Агар ҳирсингни жиловлай олганингда эди, бундай кўйга тушмаган бўлардинг. Энди қопқонга тушган бўридай ўкиришнинг ҳожати йўқ. Қўрқма, ўлдирмайман. Сенинг жазоинг ўзинг билан. Милициядан ҳайдалиб афсус-надомат чексанг, бу кунимдан ўлганим яхшийди, деб қийналиб юрасан. Ана шу виждон азобини кўтариб юриш сенга етарли бўлади. Қани, бас қил тирчилашни! Жим дедим!

Моҳира тўппончани ҳавога кўтарганди, Музаффар бошига зарба тушишидан чўчиб, елкасини қисди ва депсинишдан тўхтади.

– Сен эса, ҳой манжалақи, эгнингдаги манави оппоқ халатни ечгин-да, кўчага чиққин! Нас босган қўлларинг билан беморларни даволама, тушундингми? Ёки шу ернинг ўзида ифлослик қилишга ундаган қора юрагингни ўйиб олайми? Гапир, ўлишни истайсанми?

– Йўқ-йўқ!

– Унда шифохонадан қорангни ўчир! Ҳеч қачон бунақа жойларга яқин йўлама! Агар кўриб қолсам, ҳаётинг дўзахга айланади, тушундинг-а?

– Ҳа, тушундим! Эртагаёқ кетаман.

– Ортингдан одам кўйиб, текшираман.

Ишнинг бу тарзда осон кўчишини хаёлига келтирмаган Моҳира вазиятни ўз томонига оғдириб олганидан ичидан беҳад севинди. Ахир ҳаммасини хамирдан қил суғургандай осонлик билан ҳал қилганди-да. Энди бемалол йигирма тўртинчи палатага кириб, операцияни муваффақият билан якунласа ҳам бўлади. Моҳира мамнуният билан жилмайиб қўйди. Хонадан чиқишдан олдин асирларга яна бир бор овозини чиқармасликни тайинлади. Кейин стол устидаги телефон симини бир тортиб узди. Сержантнинг рациясини деворга отиб синдирди. Ҳар эҳтимолга қарши деб чўнтақларини пайпаслаб кўрди, кўнгли таскин топди чоғи, тўппончани белига қистириб, хонадан чиқди. Йўлакда ҳеч ким кўринмади. Хотиржамлик билан эшикни кулфлади. Йигирма тўртинчи палатани топиш унга қийинчилик туғдирмади. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Кенжа Боборажабов хириллаганича ухлаб ётарди. Кўкрак қисми ва чап оёғининг болдири бинт билан ўраб ташланган. У бошидан ёстиқнинг олинганини сезмади ҳам, фақат нафаси бўғзига тиқилгандагина оёқ-қўллари-



ни қимирлатишга тушди. Аввалига тушиммикан деб ўйлади, кейин билдики, кимдир оғзини ёстиқ билан беркитиб бўғяпти. Жон ҳолатда типирчилашга тушди: қўллари билан ёстиқни итариб кўрди, мадорсиз оёқларини амаллаб ишга солди, бироқ ҳар қанча чиранмасин, «ажал»нинг панжаларидан қутула олмади.

Бу пайтда Музаффар икки стулни бир-биридан ажратишга роса уринди. Аммо қўл-оёқлари маҳкам боғлаб ташлангани боис бирон иш чиқара олмади. Агарда унинг бир ўзи стулга боғланганда борми, амаллаб дераза олдига боришни, сўнг нима қилиб бўлса ҳам ташқарига отилиб чиқишни ўйлаётганди. Шовқинни эшитиб, кимдир қарар ахир ёки уйқусизлик дардига мубтало бўлган бирор бемор унга ёрдамга шошилар. Агар тирик қолса, жиноятчининг йўлини тўсишга ҳаракат қилади. Мабодо ўлиб кетса, шармандалиқдан қутулади-ку. Афсуски, у хаёлига келган қаҳрамонликни бажаришга имкон тополмади. Ўйда эса имконсиз нарсанинг ўзи йўқ: ана у ўзини деразадан пастга отди. Ойнанинг чил-чил синганини эшитган қоровуллар дарҳол чопиб келишди. Биттаси унинг оғзидаги скотчни ечди. Бошқаси қўл-оёқларини бўшата бошлади. Музаффар йигирма тўртинчи палатага врач кийимидаги жиноятчи аёл кириб кетгани ҳақида энтикиб-энтикиб гапирди. Қўриқлаш хизмати дарҳол ишга киришди. Чиқиш эшигига пистирма қўйилди. Ана, йўлакда «тунги шифокор» кўринди. У хотиржам кўринса-да, жавдираган кўзлари безовталигини ошкор қиларди. Эшик очилди. Ташқарига бир қадам босганди ҳам унинг рўпарасида боя дарвоза олдидаги постда кўзи тушган қоровул пайдо бўлди. У резина таёқни кўтарганича «шифокор»га таслим бўлишни буюрди. Аёл қўлидаги қутини йўлини тўсган сержантга шундай тезликда отдики, буни кутмаган эллик ёшлардаги милиция ходими кўксига келиб тушган қутини

илиб олишга мажбур бўлди. Айни пайтда қутининг ортидан оёқлари орасига қаттиқ тепки тушди. Бечора сержант энгашиганича қолди. Унинг йиқилишига бир туртки кифоя қилди. Биринчи тўсиқни енгиб ўтган аёл қочишга шошилди, аммо ортидан яна кимдир маҳкам кучоқлаб ушлаб қолди. Жиноятчи бундай усулнинг чорасини жуда яхши ўзлаштирган чоғи, иккинчи қоровул ҳам бир зумда ўзини ерда чалқанча ётган ҳолда кўрди. Энди унинг қаршисида Музаффар пайдо бўлади. Карате сирларини ўрганаётган катта сержант қўлини қурол олишга орқасига ўтказган душманни чапдастлик билан бўйин қисмига бир тепиб, довдиратиб кўяди. Аммо аёл сал фурсатда ўзини ўнглаб, қаддини тиклайди ва қарши хужумга ўтади. Енгил бир ҳаракат билан Музаффарнинг қорнига тепади. Лекин йигит чаққонлик қилиб унинг оёғидан ушлаб қолади, сўнг вақтни бой бермай айланиб тирсаги билан қаттиқ зарба беради. Буни кутмаган рақиб гулзорга йиқилади. Шундай қилиб, Музаффар сохта шифокорни асир олади. Шовқинни эшитиб атрофга йиғилганлар қахрамонни олқишлайди. Эртаси куни уни бошлиқнинг шахсан ўзи табриклайди...

«Эҳ, қанийди, шу нарса хаёлда эмас, ҳаётимда рўй берганда. Афсус, афсус, бу гўзал малакка илакишиб келажагимни барбод қилдим. Энди одамлар орасида қандай бош кўтариб юраман». Музаффарнинг кўзларида алам ёшлари пайдо бўлди. Бу пайтда жиноятчи аллақачон шифохонани тарк этиб улгурган эди.

### **XXXI. ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА**

Диний экстремистик гуруҳнинг аъзоси деб гумон қилинаётган Кенжа Боборажабовнинг ўлдириб кетилиши Ички ишлар вазирлиги томонидан тузилган ре-

жани барбод қилишга сабаб бўлди. Маълумот олиниши кутилаётган ягона манба йўқ қилинди. Махсус гуруҳ боши берк кўчага кириб қолди.

Хўш, энди нима қилиш керак?

Эрталабки йиғилишни вазир хуноби чиққан ҳолда бошлади. Кенжа Боборажабовни қўриқлашга қолган ходимни дарҳол ертўлага тиқишга кўрсатма берди. Кадрлар билан ишлашни эплолмагани учун туман ички ишлар бошқармасининг бошлиғи вазифасидан четлаштирилди. Аслида, унга қаттиқ ҳайфсан берилаётган эди, Элмиранинг таклифини инobatга олмагани бошлиққа қимматга тушди. Таклиф эса унча мураккаб ҳам эмасди: Кенжа Боборажабовни икки кишилик хонага ўтказиб, ёнига махсус гуруҳ аъзоларидан бири «бемор» сифатида ётқизилса, бас. Мабодо йўлакдаги қўриқчига ҳужум бўлган тақдирда, ичкаридаги соқчи Кенжа Боборажабовни ҳимоя қилишга ўтади. Туман ички ишлар бошқармасининг бошлиғи подполковник Фаёз Холдоров аёл кишининг гапини жиддий қабул қилмади: «Миллий хавфсизлик хизматига ишга кирса қўлламоқчи бўлган номерларидан бири, шекилли» деб, хаёлидан ўтган фикрга ҳамоҳанг тарзда мийиғида кулиб қўя қолди. Оқибатда нафақат лавозимидан, балки вазирлик тизимида ишлашдан ҳам маҳрум бўлди. Ана ундан кейин кеча дарвоза постида навбатчилик қилган ходимлар ҳам сўроққа тортилиши эълон қилинганда залда анча муддат сукут ҳукмронлик қилди.

– Ишга масъулият билан ёндашмаслик обрўмизга путур етказмоқда, – дея сўзида давом этди Ички ишлар вазири Набижон Тўхтасинов. – Айниқса, туман бошқарма бошлиқларининг ўзбошимчалигига тоқат қилиб бўлмайди. Нима деган гап бу? Неча йилдан бери эндигина қўлга киритилган биргина гувоҳдан ҳам айрилиб ўтирсак. Алам қиладигани – ўз айбимиз билан, ношуд-

лигимиз ва эътиборсизлигимиз билан! Буни кечириб бўладими? Асло! Ўйлайманки, юқорида номлари қайд этилган ходимларга берилган жазо ҳаққоний бўлди. Яна қайтариб айтаман, тизимда ишлашни хоҳлайдиганлар кўзларини каттароқ очсин! Сафимизни таниш-билиш қилиб ландавурлар билан тўлдиришни бас қилинглар! Менга бўйи етти қарич келадиган ходимлар керак эмас! Агарда Вазирлар Маҳкамасида бундан бир неча йил олдин берилган танбеҳ яна қайтариладиган бўлса, аяб ўтирмайман. Ўша миттивойларни ишга қабул қилган раҳбарнинг аввал ўзини, кетидан шогирдини бўшатаман. Бас, етар кўнгилчанлик қилиш!

Вазир шу ерда нутқини тўхтатиб, йиғилганларга нигоҳ ташлади. Фаёз Холдоров кўзлар тўқнаш келишини истамай ўзини сал орқага олгани фойда бермади. Фамилиясини эшитиб, дик этиб ўрнидан турди. Вазир ундан кўрилган чорага муносабатини сўради. Аслида, яширишнининг ҳожати йўқ эди. Вазир бирор раҳбарлик лавозимидаги ходимни мана шундай йиғилишларда «Аризаси олинсин!» деса, бироз фурсат ўтиб, албатта, «Хўш, нима дейсиз?» деб сўраб қўярди. Паттаси кўлига тегиши мумкин бўлган масъул ходим «Айбдорман. Бошқа такрорланмайди!» дерди ва ишдан кетишдан қутулиб ҳам қоларди. Бунақаси кўп бўлган.

– Айбдорман, – деди Фаёз Холдоров ҳамон тизимда қолиш умидида. У эгилган бошни қилич кесмайди, деган мақолни ҳозиргина эслаб турганди. Агар вазир ундан бу ҳақда сўрамаганида ҳам йиғилиш сўнгида айбдорлигини, бундай ҳол иккинчи марта такрорланмаслигини айтиб, барчанинг олдида кечирим сўрамоқчи ва унга бир марта имкон беришларини илтимос қилмоқчи эди. Жуда бўлмаса, кечагина Олий милиция мактабига ўқишга кирган ўғлини ўртага қўйиб бўлса-да, ниятига етмоқни кўзлаганди. Мабодо ишдан кетса, бу

нарса ота изидан бораётган фарзандига қаттиқ таъсир қилиши мумкинлигини раҳбариятнинг ёдига солишни мўлжаллаб турганди.

– Демак, топшириқни барбод қилганингизга иқрор-сиз? Шундайми?

– Худди шундай!

– Кадрлар бўлимига учрашинг!

– Ўртоқ генерал...

– Гап тамом!

Фаёз Холдоровнинг бошига тўқмоқ тушгандай бўлди. Ҳолсизланиб жойига ўтирди. Ёнидаги майорнинг салгина туртиб «Ўзингни қўлга ол», деб пичирлаганини пайқамади ҳам. Рости, пайқайдиган ҳолатда эмасди. Кеча ўз биродарлари томонидан ваҳшийларча ўлдириб кетилган Рустамни бир пайтлар ишга олгиси келмай сарсон қилганини эслаётган эди. Агент сифатида роса фойдаланди, аммо оддий лавозим беришни ҳам пайсалга солди. Бунинг ўзига яраша сабаби бор эди. Рустам дам олиш, кўнгилхушлик қилишдек ташкилий ишларни қойилмақом бажарарди ва табиийки, кўп сирлардан бохабар эди. Қўл остингда бундай югурдак ходимнинг бўлиши ҳам яхши, ҳам ёмон. Яхши тарафи ўз йўлига, изоҳга ҳожат йўқ, аммо ёмон томони – истаган пайтида сотиб қўйиши мумкин. Гумонда юриб ишлаб бўларканми? Шундай қилиб, ўзидан нари итарди. Оқибати маълум – Рустам бир неча йил тузукроқ иш тополмай сарсон бўлди, кейин диний экстремистик гуруҳга қўшилиб кетди ва охир-оқибат аянчли ўлим топди. «Балки у мени қарғандир, – деб чуқур ўйга толганди Холдоров. – Балки яна кимнидир қаттиқ ранжитгандирман. Ахир бошингга келган бирор мусибатга, ногоҳ келадиган фалокатга бирор қилмишинг сабаб бўлади, дейишади-ку. Демак, мен ҳам қачондир бировни қақшатганман ва шу бугун унинг

жазосини олдим. Сабабсиз оқибат йўқ деб шунга айт-салар керак».

Вазирнинг Элмира деган гапи қулоғига чалиниб, Фаёз Холдорев хаёлини банд этган фикрларни тарк этди.

– Элмира катта бир жиноий гуруҳнинг ортидан тушган эди. Уларни қўлга олиш операцияси яхши ўтди. Аммо ягона гувоҳнинг ҳаётини сақлаб қололмадик. Энди қўлимизда мархумнинг чўнтагидан топилган бир парча қоғоз ва унда ёзилган бир оғиз сўз бор, холос. «Намангонга кетинглар». Бу нима дегани? Кимга қарата айтилган огоҳлантириш? Мархум хатни нега шерикларига бермади? Ёки беришга улгурмадимиз? Балки бу чалғитувчи хат атай мархумнинг чўнтагига солиб қўйилгандир? Хўш, бу саволларга жавоб топиш учун ким бош қотирыпти?

– Менда бир таклиф бор, – деди вазир ўринбосари бўлиб яқинда ишга келган Назиржон Улуғбеков шартта ўрнидан туриб. У вазирликка ўтгач, калта сочини кафти билан орқага силаб қўйишдек қизиқ одатини тарк қилишга бел боғлаганди. Қаёқда, хаёлига келган фикрларни баён қиламан деб эсдан чиқарди чоғи, қўли беихтиёр ишга тушди. Унинг бу қилиғини биринчи савол кўраётганлар ҳайрон бўлишмади, албатта, аммо билганлар тарки одат – амримаҳол деган маънода мийиғида кулиб қўйдилар. Чунки улар Назиржоннинг ўзига ўзи сўз берганидан хабардор эдилар.

– Марҳамат.

– Ходимларимизнинг касбига бўлган масъулиятини ошириш учун уларнинг қўлига қурол беришимиз керак! Душманларнинг каттадан-кичиги яхшигина қуролланган. Демак, шаҳар тинчлигини, одамлар хавфсизлигини таъминлашга чиққан ходимларимиз ёнида, албатта, пистолет бўлиши лозим. Бу нарса ходимнинг

ўзига бўлган ишончини оширади ва доимо хушёр туришга ундайди. Душманнинг рўпарасига кўрқмасдан чиқиб, муносиб қаршилиқ кўрсата олади.

– Доимий қурол олиб юришни таклиф қиляпсизми?

– Ҳа! Юртимиз мустақилликка эришганига саккиз йил бўляпти. Аммо кўриб турибмизки, бу эркинликни сақлаб қолиш йилдан-йилга қийинлашмоқда. Айниқса, ички душманларимиз бизни хавф-хатарга солиб, кўнглимизга шубҳа солаётир. Ўтган йиллар давомида қанча ходимларимиздан айрилдик? Душман қўлимизда қурол йўқлигини жуда яхши билади, шунинг учун чўчимай қаршимизда пайдо бўлаверади. Агар бизда ҳам истаган пайтимизда отишга шай турган қуролимиз борлигини билишганда, очиқдан-очиқ ҳаётимизга раҳна солишмаган бўларди. Қарши отилган ўқдан ўзлари ҳам ўлим топишларини ҳис этишарди.

– Мавзудан четламанг!

– Бугуннинг энг муҳим муаммосини гапиряпман.

– Бу масала каттароқ идорада ҳал қилинади.

– Бироқ ортиқ кечиктириб бўлмаслигини тушунишимиз керак. Хизматга кирган посбоннинг ёнида қуроли бўлмас экан, бошқаларни қўйиб турайлик, ўзини ҳимоя қила оладими?

– Гапингизда жон бор, – деди вазирнинг биринчи ўринбосари гапиришга ижозат олиб, – аммо айтинг-чи, кеча шифохонага кўриқчиликка юборилган катта сержант Музаффар Лутфуллаевнинг ёнида қуроли йўқмиди? Бор эди. Аммо у нима қилди? Қуролини ишга сола олдими? Афсуски, йўқ! Бор-будидан айрилди, шундай эмасми? Энди унинг қуроли бизга қарши ишлатилади. Тасаввур қилинг, ўша пистолет сизнинг пешонангизга тиралди. Алам қилмайдими? Ёки ўша ўз қўлимиз билан тутқазган қуролдан шу ерда ўтирганларнинг бирортаси ўлим топса, қандай кўйга тушасиз? Виждо-

нингиз қийналадими-йўқми? Шунинг учун бу борада шошма-шошарлик қилиш керакмас. Шундоқ ҳам муҳим объектларга чиқаётган ходимларимизни ўқотар қуроллар билан таъминляпмиз.

– Менимча, сизга тушунарли бўлди, – деди вазир ўз ўринбосарига «ўтиринг» деган маънода гапириб.

– Албатта. Лекин мен бугунги таҳликали кунларда барча ходимларимизнинг шахсий қуроли бўлиши тарафдориман.

– Хўш, яна ким гапиради? – деди бу сафар вазир атрофдагиларга юзланиб.

Элмира кўлини кўтарди.

– Яна бир гап, – дея сўзини давом эттиришга қарор қилди Назиржон Улуғбеков сўзлашга ижозат сўраётган Элмирага эътибор қилмай. – Аччиқ бўлса ҳам, бир ҳақиқатни тан олишларингни истардим. Уч ойлик кузатувим давомида шунга амин бўлдимки, аксарият ходимлар жуда семириб кетган. Шунинг учунми, тажриба ошириш машқларида деярли қатнашмайди. Юз метрга югур десангиз, аранг йигирма метр масофага етиб боради, холос. Мана шундай ходимлар душман билан юзма-юз тура оладими? Ёки уларнинг ортидан қувлашга тоқати етадими? Агар гапимга шубҳа қилаётган бўлсангиз, ўзингиз синаб кўринг, офицер унвонидаги айрим ходимлар бир ҳамла билан рақибнинг кўлини орқасига қайиришдек оддий усулни ҳам эплашолмайди. Сиз тўғри эътироз билдирдингиз, Набижон Тошмуҳаммедович, – Назиржон Улуғбеков вазир томон юзланди, – тизимда таниш-билишлик билан ишга қабул қилишга чек қўйиш пайти етиб келибди. Мамлакат ичкарисидаги тинчлик бизга ишониб топширилган экан, ходимларни жиддий аттестациядан ўтказишимиз зарур. Сафимизда фақат жанговар кадрларгина қолсин. Шундагина мустақиллигимизни тур-



ли хил экстремистик гуруҳлардан ҳимоя қила оламиз. Эътиборингиз учун раҳмат!

Яқинда эллик ёшга тўлган Назиржон Улуғбековнинг гап-сўзлари жойида эди. Шу пайтгача вазирнинг олдида ҳеч ким бунчалар дангал ва хотиржам гапирмаган эди. Бунинг устига, оддийгина қарашини ҳам «Ўтир жойингга!» деган маънода тушуниб, қайта сўзлашга журъат қилолмасди. Ким бўлди бу Улуғбеков деганлари? Ростдан ҳам Мудофаа вазирлигида ишлаганми ёки бошқа ташкилотда? Нега бирдан аттестация ҳақида кескин талаб билан чиқди? Айни шу мақсадда вазирликка ўтказилганми ёки ўзидан чиққан ташаббусми? Балки шу йўл билан ўзини кўрсатмоқчидир? Қизиқ, нималарни режалаштирмоқда бу одам?

Ўринбосари ўз жойига ўтиргач, вазир хаёлини йиғиб «Нима демоқчи эдинг?» дегандай Элмирага юзланди. Ҳозиргина айтилган танқидий гаплар бу соҳада ишлаётган аёлларга тегишли эмас, деб ҳисоблаган Элмира иккиланиброқ ўрнидан турди. У шу тобда янги ўринбосарнинг позицияси ҳақида ўйлаётган эди. Нима тўғрисида гапирмоқчи эди? Бироз ўйланиб турган Элмира, ниҳоят, айтмоқчи бўлган фикрларини эслади. Бироқ гапни ўринбосарнинг айтганларини маъқуллашдан бошлади.

## **XXXII. НАВБАТДАГИ НАЙРАНГ**

Юртга саховатли куз кириб келган бўлса-да, кунлар иссиқ, кўзга ташланадиган булутлар ҳам тезда тарқаб кетади, кейин бирдан дим ҳаво бошланиб, одамни лоҳас қилади. Шаҳар кўчаларида офтобда юрган кишини камдан-кам учратасиз. Соя-салқин йўлақлар тирбанд. Қишлоқдагиларга эса бундай ҳарорат писанд

эмас. Дехқон борки, далалардаги ҳосилни йиғиб олишга шошилган – пахтакорлар теримни аллақачон бошлаб юборган, поезд вагонларидай тизилган тракторлар пахта пункти томон ғиз-ғиз қатнайди, полизлардаги қовун-тарвузлар пешма-пеш узилиб, шаҳарларга жўнатиляпти, чорвадорлар қиш ғамида, озуқа тўплаш, фермаларга жойлаштириш билан банд. Хуллас, бекор юрган одамнинг ўзи йўқ. Айрим катта шаҳарларда содир бўлаётган кўнгилихираликларни, баъзиси тўғри, баъзиси миш-мишларни муҳокама қилишга фурсатлари йўқлиги хатти-ҳаракатларидан шундоқ билиниб турибди. Мабодо ёнидан ўта туриб салом берсангиз, алиқ олади-да, яна ишига андармон бўлади. Таажжубланасан. Бир қарашда бу одамлар юртида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқдай кўринади. Тирикчиликдан бошқа нарсаларга қизиқадими-йўқми, дейсиз? Аслида, бу манзарага ҳайрон қолишнинг сира кераги йўқ. Дехқон ўз ишини билиб қиляпти. Демак, бугуни ва эртасидан кўнгли тўқ. Ёхуд мамлакат тақдири, халқнинг келажаги ишончли қўлларда эканига амин. Шунинг учун бемалол меҳнат қилиб, тер тўқяпти. Рост-да, нечун у ташвиш билан яшаши керак? Ғам чекса, ерга уруғни ким қадайд; хавотирда юрса, экин-тикинни ким парвариш қилади; кўрқса, ишонмаса, юрак кўрини бериб етиштирган ҳосилни ким йиғиб-териби олади? Йўқ, бу меҳнаткаш инсонлар асло лоқайд эмаслар. Масалага ана шундай ёндашилса, ҳаммаси кундай аён бўлади. Чегарачи сотилмаса, милиция ходими жиноятчига беаёв, шифокор ўз касбига содиқ, мураббий ёшларга ўртак, бошлиқ ходимларига адолатли бўлса, олам гулистон эмасми?!

Анджондан пойтахтга қайтаётган Элёр чор атрофга боқиб ана шулар ҳақида ўйлади. Сокин хаёл унинг кечадан буён хавотирга тўла юрагига илиқлик ва тас-

кин бахш этди. «Асакадаги автомобиль заводи портлармиш» деган гап чиқди-ю, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг баттар тинчи бузилди. Кимдир прокуратураданман деса, бошқаси Ички ишлар вазирлигидан келганини айтади. Учинчи шахс, албатта, Миллий хавфсизлик хизмати вакили бўлади. Ҳамма завод раҳбарини сўроққа тутади. Ишчиларнинг рўйхатини сўрайди ва ўзларидаги қандайдир маълумотлар билан солиштиради. Бирор ходимнинг фамилияси устида сал шубҳага борса бўлди, топтириб келади ва суриштиришни бошлайди. Кимсан, қачондан бери ишлайсан, қаерда ўқигансан, мана бу одамларни танийсанми, қайси бири билан учрашгансан? Бунақа пайтларда саволлар ҳам қуйилиб келади. Ҳеч нарсадан хабари йўқ бечора ишчи ҳаётига таҳдид солувчи бу саволларга жавоб бергунча қора терга ботади; кўзлар қисилиб, баъзида тили айланмай қолади. Ана, иш топилди. Эртага фалон соатда фалон жойга етиб келасан. Сўроқ ўша ерда давом этади.

«Иш-чи?»

«Иш қочиб кетмайди!»

«Бошлиқдан рухсат сўраганим йўқ».

«Уларни огоҳлантириб қўямиз».

Элёр бу каби ишларга аралашмади. Биринчи кун лойиҳа ишларини тушунадиган мутахассис билан бутун заводни кўздан кечирди. Эртасига техника қисмларини қабул қилувчи ва цехга тарқатувчи масъул ходимни ёнига олиб барча жиҳозларни эринмай текшириб чиқди.

– Шундай катта заводга портловчи модда олиб кириш мумкинми? – сўради у кун давомида бирга юрган мутахассислардан.

– Жуда қийин, – деди лойиҳа ишларида қатнашган Убайдулло Фарҳодов бошини тебратиб.

– Демак, мумкин, – кўнглига бирдан ғашлик чўкди Элёрнинг.

– Бу қоровулларнинг виждонига боғлиқ, – тушунтирди Убайдулло оқ оралаган сочларини кафти билан силаб.

– Айтмоқчисизки, қоровуллар қаттиқ турса, шубҳали нарса киритиб бўлмайди.

– Албатта.

Элёр эртаси кунни мана шу саволларни омборчи Шаҳбоз Шарифниёзовга ҳам берди.

– Автомобиль қисмлари орасида бундай нарсанинг бўлиши мумкин эмас, – қатъий фикр билдирди кеча ўттиз ёшини нишонлаган Шаҳбоз.

– Демак, Кореядан келтирилган юклар шубҳадан холи.

– Бунга юз фоиз жавоб бераман.

– Асос?

– Корейслар ўзига ўзи душманлик қилишмайди.

– Сотқинлар ҳамма халқларнинг ичида бор.

– Заводга кириб келаётган техник жиҳозлардан кўнглим тўқ.

– Унда, айтинг-чи, – деб савол беришни давом эттирди Элёр, – омборнинг бир чеккасидан ёки сотувга чиқаришга тайёрлаб қўйилган бирор автомобилнинг, масалан, «Нексия»нинг ичидан бомба топилди дейлик. Уни ким, қачон ва қандай қилиб жойлаштириши мумкин?

– Тахмин қиляпсиз-да?

– Ҳа.

– Сиз машнақа сохта гапларга ишонасизми?

– Саволимга жавоб беринг.

– Ҳаммаси бекорчи гап.

– Давлат мулкига алоқадор, одамлар ҳаётига таҳдид солувчи ҳар қандай маълумотни текшириб кўришим керак.

Шаҳбоз суҳбатдошининг жиддий нигоҳидан кўзини олиб қочаркан, «Бутун масъулиятни бўйнимга олиб, яна панд еб қолмай» деган ўй ўтди хаёлидан. Кечаси бу ерда нималар содир бўлаётганини билмайди-ку.

– Бу бир кишининг қўлидан келадиган нарса эмас. Заводнинг ҳар бир зонаси камералар орқали назорат қилинади. Шубҳали нарса кўтарган ёки шундай иш қилаётган киши дарров билиниб қолади, – деди аввалгидан бироз шашти пасайиб.

– Душман қоровуллар назоратидан амаллаб ўтса, уни бирор ерга қўйиш муаммо эмас-ку.

– Қоровулларнинг кўзи рентген нуридан ҳам ўткир бўлиб кетган.

– Демак, заводга бомба олиб кириш мумкин эмас.

– Менимча, шундай.

Бу гаплардан Элёрнинг кўнгли бироз кўтарилди. Лекин у ҳар қандай муҳим объектларга ҳам кира оладиган ёлланма жинойтчилар борлигини киноларда кўп кўрган, баъзида хорижий матбуот саҳифаларида эълон қилинадиган мутлақо махфий материаллардан ҳам яхши билади. Энг замонавий техника билан жиҳозланган банк ёки хазинадан жуда катта миқдордаги пул ва олтинларнинг ўғирлаб кетилиши; дунёдаги қудратли мамлакатлар Президентлари хонасигача етиб борган профессионал ёлланма қотил, кечасию кундузи махсус кўриқланадиган ўта муҳим қурол-аслаҳа омборларининг портлатиб юборилиши, яна қанча мисоллар керак. Бу айти ҳақиқат гаплар.

Катта маблағга эга бўлган диний экстремистик гуруҳлар бундай жинойтни, одатда, бошқалар қўли билан бажаришга уриниб кўришади. Мабодо кўзлаган ёзув мақсадлари амалга ошмаса, улар бир четда номаълум кимсалигича қолиб кетаверишади. Шундайми?

Шу ерга келганда Элёр жиддий ўйга толди. Хўп, душманлар заводни портлатмоқчи экан, нега подадан олдин чанг чиқаришди? Бу ишни атай қилишдими ёки шу миш-мишдан ҳам ғаразлик йўлида фойдаланмоқчими? Ахир заводда шубҳали бирор нарса топилмади-ку. Демак, ғаламисларнинг галдаги найранги, чалғитувчи гап-сўзи. Элёр охир-оқибат мана шундай хулосага келди.

### **XXXIII. ЯНА БИР МУДҲИШ РЕЖА**

1999 йил 15 февраль.

Хидирниёзнинг Тўйтепадаги ҳовлиси. Тун.

Меҳмонхонада суҳбат қизғин.

– Демак, нишон маълум бўлди. Энди Андижон ва Намангандаги сув омборларига қўйилган бомбалар тонгда портлатиб юборилиши ҳақидаги ваҳимали хабар ҳозироқ Вазирлар Маҳкамасига етказилиши керак. Водийни сувга бостирмоқчи, деган таҳликали гаплар қанча кўп овоза бўлса, шунча яхши. Маълумотимиз сохталигини билинтирмаслик учун Наманганнинг Тўрақўрғонида милиция ходимларига ҳужум уюштирилсин. Бу шунчаки пўписа, чалғитувчи ҳаракат бўлади. Мақсад пойтахтда назоратни бироз бўлса-да сусайтириш. Ҳукуматнинг асосий кучлари водийга ташланиши керак. Шунда биз қулай фурсатдан фойдаланиб, шаҳарнинг мана бу нуқталарига, – Хидирниёз шундай деб пойтахтнинг тарҳи туширилган харитадан қизил рангда белгиланган тўртта жойни кўрсаткич бармоғи билан бирма-бир кўрсатди, – портловчи миналар жойлаштирилган машиналарни қўйиб чиқамиз.

– Булар ҳам чалғитувчи ҳаракатларми? – Хидирниёзнинг гапини бўлишга журъат қилди Муқим Ғаниев. Аслида, у ўзининг топқирлигини бошқаларга билдириб

қўйиш учун отни қамчилаганди. Негаки Насим Тўраев бир нима дейиш учун оғиз жуфтлагандай бўлди, назарида.

– Ҳа, бу гап-сўзлар Тошкентда ваҳима кўтариш учун керак. Демак, диққат билан эшитамиз. Биринчи бомба Президент машинаси Вазирлар Маҳкамаси биносига бурилишидан сал олдин менинг буйруғим билан Ички ишлар вазирлиги биносининг олдида портлаши керак. Бу ҳисобим бўйича соат тўққиздан эллик дақиқа ўтганда рўй беради. Шунда Президентни кузатиб келаётган машиналарнинг биринчиси вазиятни кўриб келиш учун ортига бурилиши мумкин. Тахминимча, у шундай кўрсатма олади. Дастлабки портлашга сен бошчилик қиласан, – дея Хидирниёз ҳозиргина гапига луқма ташлаган Муқим Ғаниевга қараб қўйди.

Муқим Ғаниев «Бош устига», дея қўлини кўксига қўйди.

– Олдидаги машина ортига қайтгач, Президент машинаси энди йўлакка қайрила бошлади. Худди шу пайтда менинг буйруғим билан «Искра» кинотеатри олдидаги «Запорожец» машинасини портлатасизлар. Бу муҳим вазифа сенга топширилади, – деди Хидирниёз Насимга кўз қирини ташлаб. – Иккинчи портлашни соат тўққизу эллик иккида амалга оширамыз. Бу вақтда Президент машинаси бинога қараб келаётганига қарамай, орқа томонни кўриқлаб турган соқчиларнинг кўпи кинотеатр томонга югуриши керак. Шундай қилиб, ҳал қилувчи портлашни Вазирлар Маҳкамаси биносига, охиргисини эса Миллий банк олдида амалга оширамыз.

Ана энди асосий масалага ўтамыз. Чалғитувчи портлашлар, узоқдан эшитиладиган ўқ овозлари ўз йўлига. Бизнинг асл режамиз эртага соат ўнда бўладиган мажлиснинг кулини кўкка совуриш! Мамлакатнинг

барча асосий раҳбарлари иштирок этадиган йиғин мана бу ерда – Вазирлар Маҳкамаси биносида ўтади. – Хидирниёз кўрсаткич бармоғини харитадаги катта қизил доира устига ниқтади. – Шунингдек, бу ерга барча вилоятларнинг ҳокимлари ҳам келади, демакки, режамиз амалга ошса, нафақат пойтахт, балки вилоятлар ҳам эгасиз қолади. Мақсадимиз ҳам худди шу. Бир ҳамла билан бутун раҳбариятдан қутулиш. Асосий зарба – портлаш шундай даҳшатли бўлсинки, тарих саҳифаларидан ўрин олсин. Мамлакатда туб бурилиш ясаган, Ислох Халифалиги жорий этилган кун сифатида ҳар йили жуда катта шодиёналар билан нишонлансин! Ҳа, азиз биродарларим, бу портлаш бизнинг тақдиримиз! Тақдиримиз эса яратган Эгамнинг қўлида. Аммо У бизнинг ислон дини йўлида олиб бораётган хатти-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлаб турганига аминман. Шунини ишонч билан айтаманки, Ўзбекистон дунёдаги биринчи Халифалик давлати бўлади! Неча йиллардан буён орзу қилиб келаётган шон-шуҳратга, обрў-эътиборга ва дунё мусулмонларининг эътирофига, иншоаллоҳ, эртага эришажакмиз! Портлаш амалга ошиши билан ҳукумат биноси ўраб олинади. Радио ва телевидение қамал қилинади. Президент аппаратидаги барча ҳужжатлар қўлга олинади. Дарҳол телевидение орқали баёнот берилгач, кечаги мажлисимизда тасдиқланган рўйхат бўйича ўн уч нафар биродарларимиз вилоят ҳокими этиб тайинланган Фармойишни олиб, тезлик билан жойларга жўнаб кетади. Кенгашнинг юқори бўғини дарҳол вазирлик мансабларини эгаллайди. Биз учаламиз эса мамлакатда Халифаликни бошқарамиз. Хўш, ҳаммаси тушунарлими?

Мажлис аҳли бош силкиди.

Хидирниёз Вазирлар Маҳкамасининг эртанги йил ақунларига бағишланган муҳим йиғилишини қандай



йўл билан кулини кўкка совуриш хусусида аллақачон режа тузиб қўйган бўлса-да, биродарларининг кўнглида шубҳа уйғотмаслик учун сўзини давом эттирди:

– Кечаги мажлисимизда сизлардан бинони йўқ қилиш бўйича таклиф берасизлар дегандим. Агарда режаларингиз бўлса, марҳамат, вақтни ўтказмай муҳокамага ўтайлик. Ким биринчи бўлиб гапиради?

– Ишончли одамларимиз орқали мажлис залига тонг саҳарда бориб, бомба жойлаштириб қўйишимиз керак, – дея сўз бошлаб юборди Насим Тўраев.

– Бино бугун ва эртага жуда қаттиқ кўриқланади, – дарҳол эътироз билдирди Муқим Ғаниев. – Бунинг устига, қайта-қайта текшириб турилади. Бомбани топиб олишлари мумкин.

– Фаррошнинг сув солинган челагини ҳар доим ҳам текшириб ўтиришмайди, – дея фикри унчалар оддий эмаслигини исботлашга уринди Насим Тўраев.

– Миналарни челака солиб бўлмайди.

– Тўғри. Хўш, яна ким нима дейди? – Хидирниёз шундай деб биринчи таклифга нуқта қўйди.

Насим сўзини охиригача айтолмаганидан жаҳли чиқди.

– Балки, НАТОнинг Бош котибини йўқ қилишга бўлган уринишимизни қайта қўллармиз, – деди Садир тиззалаб ўтиргач, йиғилганларни ўзига қаратиб.

– Яъни?

– Яъни Президент машинаси бино олдига келиб тўхташи билан мана бу қўшалок бинодан туриб гранатомётдан қақшатқич ўққа тутамиз.

– Қолганлар-чи?

– Қолганларнинг ўлик-тириги биз учун аҳамиятли эмас. Президентнинг ҳаётига суиқасд қилинганини эшитишиб, улар ё таслим бўлишади, ё бирдан тумта-рақай қочишади. Бундай олиб қараганда, буларнинг

ҳар иккиси ҳам бизларни қаноатлантиради. Шундай эмасми?

– Йўқ, ундай эмас! – деди Хидирниёз қатъий тарзда.  
– Ҳозиргина асосий мақсадимиз бутун элитани йўқ қилиш деб айтдим-ку. Ниятимиз Президентнинг бир ўзини ўлдириш бўлганида бу ишни битта снайпер ҳам уддалаши мумкин эди. Аммо мен атай мана шу йиғилишни кутдим. Ҳукумат бошлиқларининг барини йўқ қилмасак, бу юртда бизларга кун беришмайди.

– Унда бинони ўққа тутамиз.

– Сал хомроқ вариант, – деди Хидирниёз Садирнинг кўнглини чўктиргиси келмай. – Бизда бир марта имконият бўлади. Бомба портлаганда ҳам Президент, ҳам бино ичидагилар нобуд бўлиши керак.

– Бирор ҳарбий базага ҳужум қилиб, вертолёт қўлга киритсак-чи. Тепадан келиб бомба ташлаб қўярдим, тамом-вассалом! – деди келганидан буён жим ўтирган Фурқат Каттахўжаев.

– Бу фикрда жон бор, лекин ўта хавfli. Базадан ҳавога кўтарилиб улгурмаймиз, дарҳол уриб туширишди, – деди мунозара тизгинини ўз қўлига олишга уринган Муқим Ғаниев бирдан хаёлига келган таклифни ўртага ташламоқчи бўлиб. Шу тобда унинг режасидан кўра маъқулроқ вариант йўқ эди. – Бизга ЯК-40 самолёти ҳам бўлаверади. Вертолётдан кўра уни қўлга киритиш осонроқ. Уч киши билет олиб самолётга чиқади-да, шарт йўловчиларни гаровга олади. Бўлди, экипаж аъзолари биродарларимизнинг буйруғига итоат қилишга мажбур. Самолёт қўлга олинса, у ёғи қийин эмас.

– Бомбаларни самолётга қандай жойлаштирамиз? – сўради бу иш унчалар осон эмаслигига кўзи етган Насим. Унинг бир маромда берилган саволида бироз пичинг яширинган эди.

– Бу муаммо эмас. Маълумки, Янгийўлга кетаверишдаги катта трассада ҳарбий мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган жойлар бор. Худди ўша пунктларда самолётни бемалол қўндириш ва ҳар қанча юкни бемалол ортиш мумкин.

– Ўйлаб кўрса бўлади, – деди Хидирниёз сал-пал жонланиб.

– Бўлмасам-чи! – дея бундан руҳланиб гапани давом эттирди Муқим. – Трассани вақтинча ёпиш ҳам биз учун муаммо эмас. Самолётни эса Фурқатнинг ўзи бошқаради. Фақат бир нарсада жуда хушёр бўлсак бас, яъни бомбани аниқ мўлжалга ташлаш учун зўр маҳорат талаб қилинади. Нима дейсизлар? Ҳеч ким бизни таъқиб ҳам қилмайди, уриб ҳам туширмайди. Негаки, самолётдаги йўловчилар гаровда бўлишади. Энг муҳими, биз йўқотиш қилмаймиз. Етар шунча биродарларимиздан айрилганимиз. Ғалабага яқин турган эканмиз, бир-биримизни асрашимиз зарур. Чунки эртанги кунимизда бажарадиган ишларимиз жуда кўп. Шундай эмасми, Халифаи даврон?

Муқим Ғаниевнинг охириги мурожаати Хидирниёзга жуда ёқиб тушди. Оғзининг таноби қочди. Аммо тезда ўзини қўлга олди.

– Хўш, бу таклифга нима дейсизлар?

– Маъқул, – дейишди ўтирганлар бир овоздан.

Фақат Насим Тўраевдан садо чиқмади. Хидирниёз унга юзланди.

– Самолётни-ку гаровга олиш мумкин. Аммо уни трассага қўндиришда учувчи салгина хатога йўл қўйса...

– Қани, батафсилроқ эшитайлик.

– Дейлик учувчи самолётни қўндира олмади, нима, шу билан бутун операция барбод бўладими?

– Самолётни бошқаришни Фурқат акага топширамиз.

– Хўп, Фурқат акага ишонамиз, албатта, аммо у киши ҳам одам, бехосдан хатога йўл қўйиши мумкин.

– Бизнинг бу якуний ишимизда хатога йўл қўйиш мумкин эмас!

– Мен ҳам шуни айтаман-да, жаноб раис, – дея гапни илдамлик билан илиб кетди Насим Тўраев. – Бошқаришга юз фоизлик кафолат йўқ экан, ҳаммаси бекор.

– Сизда бундан яхшироқ таклиф борми?

– Таклифимни айтдим. Тонг саҳарда фаррошлардан фойдаланиб, бинога узоқдан бошқариладиган бомба жойлаштириш керак.

– Фаррошлар сотилмаса-чи?

– Жуда содда бўлманг-да, биродари азиз. Ишга келаётган икки фаррошни йўлдаёқ ўзимизнинг аёлларга алмаштириш биз учун муаммоми? Агарда челак масаласи сизни ташвишга солаётган бўлса, унда янги олинган каттагина чангюткичлар ичига портловчи моддаларни бемалол жойлаштира бўлади. Тўғрими, Сайфулло?

– Албатта.

– Чангюткичдан шубҳаланмаслиги мумкин, аммо бегона аёллардан-чи?

– Аёллар ноз-карашма билан осонгина кириб кетишади.

– Постдагилар уларнинг оппоқ сонига, ярим очиқ кўкрагига тикилиб, чалғийди деб ўйлайсиз-да. Йўқ, улар дарров сездириб қўйишади. Шундай қиш кунлари бундай юриш шубҳага сабаб бўлиши аниқ.

– Бу самолёт бошқаришдан кўра осон ва амалга оширса бўладиган вариант. Вақт масаласиниям ўйлашимиз керак. Бизда бир ҳафта муддат йўқ. Тонг отса, ҳаммасига улгуришимиз керак.

– Яхши-яхши. Демак, икки вариант устида тўхтаимиз.

– Лекин Садирнинг таклифи ҳам ёмон эмас, – деди вилоят ҳокимлигига тайинланганларнинг рўйхатига киритилган Жобир Самаров. – Энг муҳими, бехато ҳаракат қилиш мумкин. Биринчи ўқчи, Садир айтгандай, мана шу бинода қолсин, иккинчи ўқчини эса «Баҳор»-нинг томига жойлаштирамиз. Иккита гранатомёт икки томондан отиб турса...

– Бино атрофида турган милиция ходимлари, Миллий хавфсизлик хизматидагилар томошабинми? Улар қаршилиқ кўрсатишмайдами? – деди изтехзо билан Насим. – Менимча, вазиятга аниқ баҳо берилмаяпти.

– Милициядагларининг бирортасида курол йўқ. Улар ўқ овозини эшитиб, ё қочиб қолишади ёки ерга ётиб олишади, – деб ишонч билан гапини давом эттирди бир пайтлар ўзи ҳам Давлат хавфсизлик қўмитаси (КГБ)да ишлаган Жобир Самаров чизмадан бош кўтариб. Аммо унинг кўрсаткич бармоғи ҳамон «Баҳор» концерт зали биносининг устида эди.

Хидирниёз ёши эллиқдан ошган бу кишига аввалига ишонқирамай юрди. Аммо у ҳукуматдан аламзада эканини айтиб, баъзи давлат сирларини ошкор қилганди, орадаги шубҳа барҳам топди. Аслида, эртанги мажлисининг қачон ва қаерда ўтишини, кимлар қатнашини Жобир Самаров айтди. Хидирниёз анойилардан эмас, бошқа манба орқали янги хабарни қўлга киритди ва иккисини солиштириб кўрди, факт тасдиқланди: унинг энг ишончли одами ҳам Жобир Самаров билан бир хил маълумот келтирганди. Шундан кейин ҳам ишонмаслик мумкинми? Мумкин. Айниқса, Хидирниёз. У ўзига яқин олиши, муаммоларни ҳал қилишда фикр сўраши, бирорта муҳим топшириқ бериши мумкин, аммо ҳеч кимга тўлиқ ишонмайди. Ҳозирги пайтда одамларга бутунлай ишониб бўлмайди, деб қатъий бир тўхтама келган ва ана шу принцип асосида иш юритарди. Де-

мак, унинг бу борада тилёғламалик қилиб айтган ҳар қандай гапи ёлғон эди. Ёлғон ишонч билан таъсирли ва ширин сўзлар орқали шундай чиройли айтилардики, ўзидан бошқа одам уни чин деб ўйларди.

– Томга снайперлар қўйилса-чи?

– Ҳозирча бу нарса кўзда тутилмаган.

– Аниқми?

– Ишонмасанг, эртага ўз кўзинг билан кўрасан, – дея ишонч билан гапирди Жобир Самаров.

– Майли, – деди Хидирниёз ноилож, – Садирнинг таклифи устида ҳам мушоҳада юришиб кўрамиз. Энди ижозатларинг билан мажлисни тугатсак. Менга бир соат муҳлат беринглар. Бир тўхтама келишим билан барчага хабар етказаман. Бу охириги қатъий қарор бўлади. Унга ҳамма бирдан бўйсунини керак. Келишдикми?

– Маъқул, – дейишди йигирмага яқин мажлис аҳли.

– Қани, дуо қилайлик, эртанги ишимиз бароридан келсин. Аллоҳу акбар!

– Аллоҳу акбар! – такрорлади жамоа.

Кейин йиғилганлар аста жойларидан қўғалишди. Хонадан чиқар эканлар «Зиёфат йўқми?» дегандай бир-бирларига савол назари билан қарашди. Буни сезган Хидирниёз баланд овозда «Зиёфатнинг энг каттаси эртага кечқурун худди шу ерда бўлади. Нафақат зиёфат қиласизлар, балки бир дунё бойликка ҳам эга бўласизлар. Янги давлатнинг энг улуғ мансаблари сизларга берилади. Даражотларингиз шундай юксак мақомга кўтариладикки, бутун мусулмон олами сизга ҳавас қилади», деди шавқ ва завққа тўлиб.

Ҳовлига чиқаётганлар бир зум жойларида тўхтаб қолишди. Улар худди беқиёс мартабаларга эришиб, эгниларига янги чопон кийгандай хурсанд бўлиб кетишди. Негадир бир-бирларини кучоқлаб табриклаша бошлашди.

«Ана энди бу ёғи ҳеч гап эмас!» деди ичида Хидирниёз биродарларининг ортидан эшикни ёпар экан.

\* \* \*

– Қани, чиқинглар, – деди Хидирниёз омборхонанинг эшигини очиб.

Ичкаридан олдинма-кейин икки киши чиқиб келди. Хидирниёз уларни меҳмонхонага етаклади. Ўтиришга ишора бўлди.

– Режадаги топшириқларни бўлиб бердим. Лекин энг асосий вазифани ҳеч кимга берганим йўқ. Хўш, нега?

Икки нотаниш йигит аввалига «Бизга олиб қўйгандирсиз-да» деган маънода бир-бирларига табасум қилишди, сўнгра ўнг қўлларини кўксига қўйишиб, мезбоннинг кўзига тикилишди. Хидирниёз шотирларининг фикрини уққандай уларнинг елкаларига уриб қўйди ва:

– Тўғри топдиларинг. Бу ўта жиддий ва муҳим топшириқни фақат иккингиизга ишонаман, холос. Уни сизлар бажарасиз! – деди фахр билан.

– Амрингиз биз учун шараф.

– Аллоҳ сизлардан рози бўлсин. Ҳа, кеча ваъда қилганимдай, мана яна беш минг доллардан, – Хидирниёз шундай деб гиламнинг тагидан иккита қоғозга ўралган нарса олиб, агентларининг олдига қўйди. – Демак, жами ўн мингдан олдиларинг. Эртанги ишни уддасидан чиқсаларинг, бу пулларни кўча-кўйда чойчақа сифатида ишлатиб юрасизлар.

– Буюрсангиз бас! – дейишди агентлар бир овоздан.

– Қани, энди яқинроқ келинглар, эртанги вазифани қандай амалга ошириш хусусида яна бир марта гаплашиб олайлик. Янглишмасам, Маҳкаманинг ён томонидаги бинонинг мана бу бурчаги ошхона. Яъни сизлар

маҳсулот етказиб берадиган жой. Тўғрими? Ўртада кутубхона, нариги тарафида эса концерт зали жойлашган. Ҳа, айтгандай, машина ошхона олдида турибдими?

– Ҳа, сўраганларга бузилиб қолди, деяпмиз.

– Яхши. Хўш, эрталаб яна бир текшириш бўлади. Кейин бомбани ошхонадан олиб чиқиб машинага ортасизлар. Ҳазир бўлинглар! Механизмнинг ишлашини текшириб кўриш ёддан чиқмасин. Ямин, бекорга сени «Лочин» деб атамаганман. Тўғон, сен мана бу йўлакка ҳақиқий тўғон бўлишинг керак. Бутун умидим сизлардан.

– Ишончингизни оқлаймиз.

Хидирниёз шу гапдан кейин йигитларга бир-бир нигоҳ ташлаб олди. Уларнинг сўзидаги қатъиятни кўзларида ҳам илғади, шекилли, гапани давом эттирди:

– Энг муҳими, хотиржамлик. Аммо топшириқни тез ва аниқ бажаришингиз керак.

– Фармон сиздан, бажариш биздан.

– Бу ёғини бизга қўйиб беринг.

– Яхши. Унда қулоқ солинглар. Демак, менинг буйруғимдан сўнг «Волга»нинг моторини ишга солмасдан, шундоқ аста орқасидан итариб Вазирлар Маҳкамасининг мана бу жойига – мажлислар ўтадиган залнинг тагига олиб келасизлар. Кейин...

#### **XXXIV. НОРОЗИЛИК**

Полковник Бўронов эрталабдан кўнгли безовта бўла бошлаганининг боисини билолмай, наридан-бери чой ичди-да, ишга отланди. Машина аллақачон етиб келганди. Дарвозадан бир қадам босиб кўчага чиққанида ногоҳ телефони жиринглаб қолди. Ички ишлар вазирлигининг навбатчи қисмидан майор Алишер Ўрмонов экан.



– Эшитаман, майор!

Майор тонг саҳарда вазирликка номаълум шахс қўнғироқ қилиб, водийдаги икки катта сув омборига бомба қўйилгани, яна икки соатдан кейин портлаши ҳақида хабар берганини айтди. Жиноятчиларни сезиб қолган икки ДАН ходими отиб кетилгани, улар ҳозир вилоят шифохонасида экани ҳам маълум қилинди.

– Раҳбарларингизни огоҳ қилгандирсиз?

– Худди шундай. Улар сизгаям дарҳол хабар беришимни айтишди.

Полковник Бўронов юрагимнинг ғашлиги шунгамикин деб ўйлади ва дарҳол Жалил Очиловга қўнғироқ қилди.

– Уч кишидан иборат икки гуруҳ тузиб, шошилиш равишида Андижон ва Наманганга юбор! Воқеа тафсилоти билан йўлда танишишади. Сен эса дарҳол Ички ишлар вазирлигидан майор Алишер Ўрмоновни топгин-да, бу яна қанақа таҳдид эканининг тагига ет! Ҳа, айтгандай, Элёр Андижондан келдими?

– Бир соат олдин етиб келди.

– Уни яна Андижонга қайтар. Наманганга ҳам абжир йигитлардан жўнат. Хабаринг бор-а, соат ўнда Вазирлар Маҳкамасида йиғилиш бўлишидан.

– Элёрга Маҳкама биносига кириш жойи ва зални назорат қилишни топширгандим. Ҳозир телефонда ишга киришгани ҳақида хабар берди.

– Бу ерни ўзимиз эплаймиз. У Андижонга бориши керак. Объектларни текшириш бўйича тажрибага эга бўлиб қолди.

– Ўртоқ полковник, балки ҳозир мавриди эмасдир, аммо уни инглиз тилини яхши ўзлаштириб олгани учун хорижлик сайёҳлар билан ишлаш бўлимига ўтказишни ўйлаётгандим.

– Яхши, яхши. Бу ҳақда бугунги йиғилишни ўтказиб олгандан кейин гаплашамиз. Буйруқни бажар!

– Хўп бўлади, ўртоқ полковник!

Жалил Очилов Элёрни кабинетига тез етиб келишини тайинламоқчи эди, аммо унинг ўрнига ўзи қолишини ўйлаб йўлга тушди.

– Мен бу ерда қолишим керак, – деди Элёр бошлиқига биринчи марта норозилик билдириб. – Илтимос, бир гал ўрнимга бошқа ходимни юборинг!

– Иложим йўқ. Полковник Бўроновнинг топшириғи шунақа. Сал туриб ўзлари ҳам бу ерга келиб қоладилар.

– Галдаги найранг бу, ўртоқ подполковник, – Элёр Жалил Очиловни фикридан қайтариш мумкин эмаслигини билса-да, яна бир уриниб кўрди. – Юрагим сезиб турибди. Улар бизни чалғитиб...

– Эҳтимол, – дея Элёрнинг гапини бўлди бошлиқ вақтни бой бергиси келмай. – Бироқ сен бунга юз фоиз кафолат бера олмайсан-ку. Полковникнинг буйруғини эса икки қилолмаслигимни жуда яхши биласан. Бунинг устига, у сенга ишонч билдирыпти. Сен борсанг, кўнгли тинч бўлармиш.

Энди гапириш ортиқча эди. Шундай бўлса-да нимадир демоққа чоғланди, аммо бошлиқ «Ҳозироқ йўлга тушишинг керак. Шерикларинг сени аэропортда кутиб турибди. Мен яна беш дақиқадан сўнг полковникка Элёр гуруҳи билан йўлга тушди деб айтишим керак», деб бу масалага нуқта қўйди.

Ноилож ортига қайтди. Уйдан хайрлашиб чиққани учун яна киргиси келмади. «Ўзингиз энди келдингиз-ку, яна Андижонгами?» деб Зулфия саволга тутиши аниқ. «Нима қилай, ишим шунақа» деган жавобни эса бечора неча бор эшитди экан. Охирги пайтларда «Тушунаман, ишингиз шунақа, оилангизни ёлғиз қолдириб, бошқаларни ҳимоя қилиш» деб ўпкалана бошлади. Тунов куни ҳам Андижонга кетишдан олдин шундай деганди, «Сиз менинг қандай ташкилотда ишлашимни

яхши билардингиз-ку» деб юборди бехосдан. Бироқ бо-риб келгунча сиқилиб юрди. Келибоқ кўнглига озор ет-каздим деб каттагина гулдаста, аёлларнинг энг хушбўй атиридан сотиб олди. Ёнига ўғилчасига аталган совға-ни кўшиб, ўрталарида ҳеч қандай гина-кудурат бўлма-гандай кириб келди. Зулфия ҳам уни очик чехра билан кутиб олди. Энди анчагача шу ерда бўламан, деганди эрталаб ишга кетиш олдидан. Ҳозир кириб «Узр, яна сафарга кетишим керак экан» дейдими?

Ўйлаб-ўйлаб, кечга яқин телефон орқали тушун-тириб кўярман, деб кўнглига таскин берди. Кейин яна йўлга чиқишга мажбур қилган миш-миш ҳақида ўй суриб кетди. «Экстремистик гуруҳларнинг аъзолари тобора қалтис ишларга қўл уришяпти-ку. Менин-ча, уларнинг бунчалар кўп найранг қилишлари тагида қандайдир бир сир яширинган. Ё хориждаги ҳамто-воқларидан яхшигина маблағ ундиришган ёки яширин йўллар билан кириб келган террорчиларни сафларига кўшиб олишган. Демак, шаҳарда яна кўпоровчилик қилишмоқчи. Ниятлари яхши эмас бу ёвузларнинг. Бизни атай у ёқдан-бу ёққа сарсон қилишяптики, муд-ҳиш режаларини эмин-эркин бажармоққа шайланган кўринади. Эҳ, Рустамнинг жонини сақлаб қололмаган-ним ёмон бўлди-да. Ҳа, уни пойлашим керак эди. Ҳеч бўлмаса, ўлими олдидан етиб келмайманми? Шерикларининг ваҳшиёна ишини кўриб, балки менга нимадир демоқчи бўлгандир. Аттанг! Муҳим маълумотларни қўлга кирита олмадик. Варақа тарқатиб, ваҳҳобий-ликни тарғиб қилаётган беш-ўн кишини асир олишдан бошқа тузукроқ иш қила олмадик. Қўлга олинганлари ҳам миқ этишмаяпти. Жуда ёмон ишлаяпмиз. Туғилиб ўсган ватанига, миллатига кўрнамаклик қилаётган кимсалар эса... бизларни майна қилишаётганга ўхшай-ди. Йўқ, уларнинг мақсади Асакадаги автомобиль заво-

дини портлатиш бўлмаган. Бугун на Андижондаги, на Намангандаги сув омборига зиён етмайди. Агар ниятлари портлатиш бўлганда Ички ишлар вазирлигига хабар бериб ўтиришармиди? Ҳа, асло маълум қилишмасди. Демак...мен пойтахтда қолишим керак!».

### XXXV. СУИҚАСД

1999 йил 16 февраль.

Тошкент. Соат тўққиз ярим.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳашаматли биноси. Яна ўттиз дақиқадан сўнг бу муҳташам залда катта йиғин бошланади. Ўтган йилги эришилган натижалар, бажарилмаган режалар, йўл қўйилган хато-камчиликлар муҳокама қилинади, сўнг бу йилги кўзланган тадбирлар ҳақида сўз юритилади. Шахсан мамлакат Президентининг ўзи нутқ сўзлайди. Демак, мажлисга ўн дақиқа қолганда давлат бошлиғи бинога қадам қўяди.

Бир қарашда шаҳар кўчалари сокиндай. Бироқ эрталабдан тарқатилган миш-мишлар одамларнинг қулоғига қандай етиб борганига ҳайрону лол қоласан. Одамлар бегонага бу каби бўлар-бўлмас гаплар хусусида лом деб оғиз очишмайди. Лекин таниш-билишни учратиб қолса бўлди, ҳол-аҳвол сўрашнинг ўрнига «Эшитдингми?» деб сўз бошлашади. Лекин ҳамма ҳам бекорчи эмас-да: «Э-э, – дейди кимдир бепарво қўл силтаб, – кўрнамакларнинг макри бўлса керак». Савол сўраган киши, аслида «Тўғри» дея жавоб қайтарса-ку, қисқа суҳбат якун топади, аммо одамзод қизиқувчанда, кўп нарсани билишни хоҳлайди.

«Йўқ, – дейди жиддий оҳангда, – бу сафар ростдан портлар экан. Водий сув тагида қолармиш деб эшитдим».

«Ҳазиллашмаяпсанми?»

«Йўқ!»

Ана энди бошланади баҳс-мунозара. Аслида, иккинчи киши «Қўйсанг-чи!» деб нари кетса бўлади, лекин инсон қайсар-да, баъзида битта гапдан қолгиси келмайди, ўзининг ҳақлигини исботлагиси келади. «Асакадаги машина заводи ҳақида ҳам шунақа ваҳима қилишганди. Хўш, нима бўлди? Одамларни кўрқитиш, ваҳимада ушлашдан бошқа нарса эмас экан-ку. Энди уларнинг қўлларидан ҳеч вақо келмайди. Тушундингми?»

«– Балки гапинг тўғридир. Аммо яна ким билади дейсан. Замон нотинч бўлса... Бу экстремистик гуруҳлар ҳали-вери тинчимайдиганга ўхшайди. Қандайдир отишма тўғрисида ҳам гаплар юрибди. Анча-мунча милиция ходимлари ўлганмиш. Биласанми иккита сув омбори портласа нима бўлишини?»

«– Бўлди, бошимни қотирма. Ишга кеч қоляпман».

«– Кечқурун уйдамансан?»

«– Нимайди?»

«– Гаплашардик-да».

«– Э-э, қўйсанг-чи».

Хайрият, иккинчи киши қўл силтаб йўлида равона бўлди. Бўлмаса, суҳбат анчагача чўзиларди. Бу каби гап-сўзлар шаҳарнинг сершовқин кўчаларида, транспортларнинг шоҳбекатларию катта-кичик бозорларида беихтиёр қулоғингизга чалиниб қолади. Биламан, сиз бундай миш-мишларга бефарқ эмассиз. Одамлар тинчлиги сизнинг ҳам тинчлигингиз, юрт осойишталиги сиз учун ҳам муҳим, бироқ фойдасиз тортишувларга бекорчи вақтингиз йўқ. Ишга, балки сафарга кетяпсиз, балки уйга қайтяпсиз.

Соат миллари ўнга яқинлашмоқда. Аниқроғи, яна ўн дақиқа бор. Вазирлар Маҳкамаси биносининг

Мустақиллик майдонига қараган томонида Ички Ишлар вазирлигининг махсус гуруҳи қаторлашиб турибди. Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари бинонинг йўлакларини, мажлис ўтадиган зални, унинг ён-веригаги қўшни хоналарни яна бир бор назоратдан ўтказмоқда.

Худди мана шу лаҳзада Президент машинаси Рассомлар кўргазма зали биносидан ўта бошлагани маълум қилинди. Ҳамма сергак тортди. Беш дақиқа давомида машина бино олдига келиб тўхтади, ундан мамлакат Президенти тушиб келади ва яна беш дақиқа ичида мажлислар залига кўтарилиб, президиумдан ўз ўрнини эгаллайди. Сўнг бугунги йиғилиш бошланади.

Атроф тинч. Кўшалок биноларнинг деразаларида қўлларида гранатомёт кўтарган шубҳали шахслар кўринмайди. Аэропортдан ҳам гаровга олинган самолёт ҳақида ҳеч қандай совуқ хабар эшитилмади. Демак, ҳаммаси белгиланган тартибда кетяпти.

Марказий универсал магазини (ЦУМ) биносининг олдида қора рангли «Нексия» машинасидан тушиб, телефонда гаплашаётган анави киши ким бўлди? Башараси жуда таниш-ку. Э-ҳа, бу халифаи давронликни орзу қилган зот – Хидирниёз жанобларининг ўзи-ку! Куйиб-пишиб кимга кўрсатма берапти? Ие, нима деганини эшитдингизми?

«Вақт бўлди, Биринчи, МВД олдидаги «Москвич»ни портлат!» дейдими?

Дарҳол нигоҳимизни Ички ишлар вазирлиги биноси томон қаратамиз. Аммо улгура олмадик. Бино яқинидаги машиналар тўхташ жойида қизил рангли эскироқ «Москвич» кулоқни қоматга келтириб портлаб кетди. Унинг зарбидан атрофидаги машиналар ён-верига суртилиб, бир-бирига тиралиб қолди. Аланга ичра тепага кўтарилган «Москвич» қандайдир ёнбошлаб қолган

машинанинг устига қулади. Бензин сақланадиган бак трубкаси жойидан кўчиб кетган экан, ёнғин «лоп» этди-ю, «Жигули»ни ҳам ўз домига тортди. Бу сафар бомба эмас, қизиган бензин бакни илма-тешик қилиб юборди. Гумбурлаган овоз унчалар қаттиқ бўлмади, аммо атрофга аланга сочиб, одамларни баттар ваҳимага солди. Қий-чув, бақир-чақир бошланди.

Хидирниёз тўғри тахмин қилган экан. Колоннанинг бошида бораётган машина бирдан ортига бурилди-да, кетма-кет портлаш содир бўлган тарафга ўқдек учиб кетди. Сал ўтмай Президент машинаси хиёбон ўртасида катта йўлак томон бурила бошлади.

Хидирниёз буйруқ беришга шошилди.

– Иккинчи, мени эшитяпсанми?

– Ҳа, қулоғим сизда.

– Вақт бўлди. Тезлик билан «Запорожец» ичидаги бомбани ишга тушир!

– Ҳўп!

«Запорожец» турган жойида бўлақларга бўлиниб кетди. Портлаш зарбидан, аввало, «Искра» кинотеатрининг олд тарафидаги қалин ойналар чил-чил синиб ер билан битта бўлди. Кейин юқоридаги деразаларнинг дарз кетган ойналари бирин-кетин туша бошладди. Бу кутилмаган портлаш атрофдагиларни бир зум саросимага солиб қўйди. Маҳкама атрофини қўриқлаётган милиция ходимларининг бир нечтаси ўша тарафга чопишди. Душман гўё ўша тарафда-ю, ҳозироқ бориб тутиб олишади. Қўриқчиларнинг бу гуруҳи, афтидан, шу тобда Президент машинаси яқинлашиб келаётганини унутишган кўринади.

Мажлис бошланишини кутиб ўтирганлар ваҳимали гумбурлашни эшитиб, ҳовлиққанларича дераза олдида интилишди ва кинотеатрнинг шундоқ биқинида аланга ичида қорайиб турган машинани аранг кўришди.

Хидирниёз асосий режани бажаришга вақт бўлганини ички бир энтикиш ва ҳаяжон билан сезди чоғи, тезлик билан рацияни оғзига тутди:

– Лочин! «Волга»ни манзилга бошла!

– Хўп! – овоз келди рациядан.

– Омад ёр бўлсин!

– Аллоху акбар! – деди Лочин жон жаҳди билан. Сўнг биродари қилвир Тўғонга юзланди. – Қани, машинани итар!

– Намунча зил бўлмаса.

Тўғон бор кучи билан ошхона олдида турган «Волга»ни итарди. Уддасидан чиқолмагач, Лочин ёрдамга шошилди, икковлашиб амаллаб автомобилни жойидан қўзғатишди. Шундай катта бинонинг учдан бир қисмини ер билан яксон қилишга мўлжалланган ажал машинаси лапанглаб бироз пастлик томон аста-секин юра бошлади.

Кинотеатр олдидаги чалғитувчи портлашга андармон бўлганлар икки-уч дақиқа ичида Маҳкама биносининг ён тарафидан кириб келган «Волга» машинасини деярли пайқамай қолишди. «ГАЗ-24» бинога деярли яқин келиб негадир тўхтади. Лочиннинг ҳафсаласи пир бўлди, қўллари билан рулни муштлади. Ноилож машинадан тушиб чираниб кўрди, лекин кучи етмади. Кейин капотни очиб, кўз қири билан атрофни кузата бошлади. Тўғондан нажот йўқ, у ўз жойини эгаллаб, вазиятни кузатаётган бўлиши керак. Нима қилса экан? Вақт борида қочиб қолсамикан?

– Нима гап? Нега бу ерда турибсан?

Кутилмаган буйруқни эшитиб қаддини ростлаган Лочин бошини капотга уриб олди.

– Бирдан... ўчиб қолса бўладими, – деди Лочин саросима ичида. Кейин гапининг исботидай аккумулятор симларини тортиб кўрди. Лекин унинг бир кўзи тўғридаги йўлакда эди.



Соқчилар бошлиғи Эрйигит Юсуфжоновнинг юраги бу ерда катта бир хавф борлигини сезгандай гурсиллаб ура бошлади. У дарҳол ҳайдовчини ҳибсга олишга буйруқ берди. Қўриқчилардан иккитаси югуриб келаётганда Лочин қалин куртқасининг ичидан шартта автомат чиқарди-да, майдон узра югурди. Шу кетишда «Аллоху акбар! Аллоху акбар!» деб қайта-қайта бақириб, аввал осмонга, сўнг мажлис бўладиган бино томонга тариллатиб ота бошлади. Дераза олдидагилар «гув» этиб ўзларини ичкарига олишди. Кимгадир ўқ тегди, шекилли, кўксини ушлаб синган деразага суяниб қолди. Бош кийимини бостириб кийиб олган Лочин орқасидан ўқ еб ҳалок бўлмаслик учун ўзини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ташлаб, Анҳор тарафга чошиб борарди. Орқасидан кимдир қувишга тушди. Бироқ навбатдаги ўқ овозидан ўзини бетон ариқчага ташлади. Лочин кўприкдан ўтиб, у ерда кутиб турган машинага ўтирди ва бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Йўловчилар қуролланган кишининг ортидан ҳадик билан қараб қолишди, холос.

Эрйигитни қаттиқ ваҳима босган эди. У тобора яқинлашиб келаётган Президент машинаси томон чопди. «Улгуришим керак! Тўхтатишга улгуришим керак!» Милиция майори нафаси ичига тиқилганидан бақиролмас, фақат қўлларини кўтарганича «Тўхтанг, тўхтатинг!» деб ишора қиларди, холос. Аммо шу лаҳзада бирдан ён томонидан нотаниш киши пайдо бўлиб, унинг устига ташланди. Эрйигит салгина чап бермаганда барваста киши уни ерга ағдариши аниқ эди. Тўсиққа учрамаган Тўғон зарб билан ерга юзтубан йиқилди. Аммо тезда ўзини ўнглаб чўнтагидан тўппонча чиқарди ва чапдаст йигитнинг пешонасидан дарча очиб қўйишга чоғланди. Бироқ қаттиқ тепкидан тўппончаси қўлидан учди, кейинги зарба биқинини тешиб юборай деди, шекилли, инқиллаб ғужанак бўлиб олди.

Эрйигит йўлакда ётган тўппончани арчалар орасига отди-да, йўлида давом этмоқчи бўлди. Бироқ бир қадам босган жойида аввал қулоқни қоматга келтирувчи даҳшатли портлаш овозини эшитди, кейинги лаҳзада у ўзини ҳаво тўлқинида учиб кетаётганини пайқади. У беш метрлар чамаси жойга шундай катта тезликда учиб борди ва боши билан бетон плита устига тушди. Гангиб қолган Эрйигит шунда ҳам бошини кўтариб ўрнидан турмоқчи бўлди. Амаллаб тирсагига таянди.

– Тўхтаг, тўхтатинг! – деди заиф овозда.

Бироқ оғриқнинг кучидан ўзини эплотмай хушини йўқотди. Унинг хушсиз танаси Президент машинасидан атиги уч метрлар берида ётарди.

\* \* \*

Унча-мунча портлаш бўлмади. Аслида, бундан ҳам даҳшатли бўлиши мумкин эди. «Волга» айнан бионинг тагида эмас, ундан икки-уч метрлар нарида тўхтаб қолгани Хидирниёзнинг умидини пучга чиқарди. Кучли портлаш шундай катта бинони зир титратди. Дераза ойналарининг бутуни қолмади. Аммо асосий зарба атропога ёйилиб, бинога унчалик зиён етмади.

Эрйигитнинг чопиб келаётганини кўрган олдидаги машинанинг секинлаши ва тўхташига икки дақиқача вақт кетди. Агарда ана шу икки дақиқа белгиланган йўналиш бўйича, бир хил тезлик ва тўхташсиз босиб ўтилганда, Президент машинаси бионинг рим рақамидаги «беш»га ўхшаш қалин устунлари деярли тўсиб турган «Волга»га жуда яқин келган бўларди. Хидирниёз ҳар бир сония ва ҳар метр жойнинг аниқ ҳисобини олганди. Бироқ Эрйигитдай офицерларнинг ҳеч иккиланмай, хавф-хатардан асло чўчимай, шу юрт келажаги учун кўксини қалқон қилишини инобатга олмаганди. Аслида олганди, аммо янглиш хулоса қилганди.

У Президентнинг йўлига ҳеч ким чиқмайди, машинасини тўхтатишга юраги бетламайди, мабодо чиққан тақдирда ҳам, Президент соқчилари томонидан дарҳол отиб ташланади. Шовқин-суронда уни ҳам душман фаҳмлаб, ўйлаб ўтирмай йўқ қилишади дея кўнглига таскин берганди.

Хидирниёз ҳаммасини аниқ-тиниқ бажарсам, ниятимга етаман деб ўйлаганди. Пухта ўйланган режасини деярли бехато бажарди ҳам, лекин унга икки дақиқа халақит берди. Аввалига Ички ишлар вазирлиги, кейин «Искра» кинотеатри олдидаги портлашлар ҳам, Лочиннинг майдон бўйлаб югурганича қўлидаги автоматдан кетма-кет ўқ узиши ҳам кўриқчиларни чалғита олганди. Бомба ортилган машина деярли бино олдигача қаршиликка учрамай етиб келди. Унга ҳеч нарса тўсиқ бўлмади. Тўхтаганидан кейингина пайқашди. Бироқ...

Бомба зарби Президент машинасини қаттиқ бир тебратиб ўтди, холос. Шунда давлат бошлиғининг Самарқандда машхур аллома Имом ал-Бухорийнинг хоки ётган жойларни обод қилишга кўрсатма бергани ва бундан шодланган оқсоқолларнинг дуога қўл очиб «Сиз Оллоҳ суйган улуғ бандаларнинг руҳини шод этиш учун уларнинг неча йиллардан буён хор бўлиб ётган қабрларини, мақбараларини эъзозлаб, яна халқимиз ихтиёрига топшираётган экансиз, Яратган Эгам сизни ҳам ўз паноҳида асрасин, икки дунёда азизу мукаррам қилиб, бундай хайрли ва савобли ишларингизда доимо мадакор бўлсин!» деб айтган илиқ тилаклари хаёлидан ўтди. Кейин ўйлади: «Бу дуога фаришталар омин деган бўлса, ажаб эмас».

## XXXVI. ҚОЧИШ

– «Волга» портлатилдими? – сўради Хидирниёз телефон орқали.

Бинонинг нариги четида воқеани зимдан кузатиб турган аёл пальтосининг ёқасига ўрнатилган мосламага секингина «Ҳа» деб жавоб берди.

– Президентнинг машинаси яксон бўлгандир?

– Унчалик эмас, – деди аёл титраган овозда.

– Тушунтириб гапир! Президент тирикми?

– Ҳа!

– Вой сўтаклар-эй. Шу оддий ишни ҳам эплашолмадимми? Аниқ маълумот бер!

– Шунақага ўхшайди.

– Тўғон нега алоқага чиқмаяпти? Нима қилди унга?

– Менимча, қўлга тушди.

– Ярамас, кўрқоқ!

– Операция барбод бўлди, энди зудлик билан шаҳардан чиқиб кетишингиз керак.

– Муқим билан Насим ҳам алоқани узиб қўйишди.

– Уларни Келес томонга кетишаётганини кўришибди.

– Номардлар! Қочиб қолишни афзал билишибди-да.

– Мен нима қилай?

– Шошма! Бизда ҳали сўнгги вариант бор. Бинодагилар ташқарига чиқиб келишяптими?

– Ҳа, бирининг қўли, бошқасининг бўйни кесилган. Ҳамма қаттиқ хавотирда. Соқчилар чор атрофда изғиб юришибди. Тўғон сизни сотиб қўймаса, деб кўрқаман.

– Ташвиш қилма. Уларга асир тушадиган аҳмоқ йўқ. Демак, охирги имкониятдан фойдаланиш керак. Бутун оламга жар солиб қўйганмиз Халифалик давлати кураминиз деб. Ҳозирги вазиятни ҳаммалари кузатиб турибди. Агар... Агар ишни эплалмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул бўлади. Ўзга юртларда ҳам об-

рў-эътиборимиз бўлмайди. Шунинг учун ҳеч бўлмаса, Президентнинг ўзини ўлдиришимиз керак.

– Лекин бунинг иложи йўқ.

– Нега?

– Президентнинг атрофини соқчилар ўраб бўлишди, – вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилди Моҳира тезроқ бу ердан кетиш илинжида.

– Мухбирлар-чи? Улар савол-жавоб қилишмаяптими?

– Камера кўтарган журналистлар юрибди.

– Жуда соз. Дарҳол энг сўнгги режани бажаришга ўт. Сен радиомухбирсан. Сумкангда гувоҳнома турибди. Микрофонни олгин-да, уни иложи борича Президентга яқинроқ тутишга ҳаракат қил. Кейин дастакдаги тугмачани боссанг, бўлди.

– Шу билан қиёматда кўришамизми? – деди аёл бу портлашда ўзи ҳам омон қолмаслигига ақли етиб.

– Сен кимнингдир орқасида туришинг керак. Граната унча қаттиқ портламайди, аммо ён-веридаги икки-уч одамни нобуд қила олади. Олдинда одам турса, сенга ҳеч нима қилмайди. Портлаш содир бўлиши билан Анҳор томонга қоч. Мен автоматдан ўқ узиб, кўриқчиларни чалғитиб тураман. Ўрда кўприги олдида сени машина кутяпти. Келесдаги манзилни биласан. Ўша ерда кўришамиз. Бўпти, вақт тиғиз. Дарҳол ишга кириш!

Ҳафсаласи пир бўлган Моҳира ноилож вазифани бажаришга киришди.

Хидирниёз ҳозиргина берган ваъдасини унутиб, қошиш пайига тушди. Йўл-йўлакай «Тўртинчи»га буйруқ берди. Миллий банк олдини тепага ўрлаган қора тутун қоплади. Бу манзара бор кучидан айрилган аждаҳонинг сўнгги бор олов пуркашига ўхшаб кетди.

## XXXVII. МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА

Очиқ майдонга кириб келган Президент хавотир билан ўша томонга қараб қўйди. Унинг қалби баттар зириллаб оғриди. «Ишқилиб, қурбонлар йўқмикин?» деган ўй ўтди хаёлидан. «Улар нега одамларга мусибат етказишади? Мен керак эканман, нима учун менга ўқ узишмайди? Оддий халқда нима гуноҳ?»

– Сизнинг у ерда туришингиз жуда хавфли, – деди полковник Бўронов ташвишланиб.

– Йўқ! Мен айнан мана шу жойда тураман. Ғанимларнинг бири бўлмаса, бири кўриб қўйсин Президент ҳали тириклигини! Мен одамларнинг ҳаётига рахна солаётган ёвуз кучлардан қўрқиб яшамайман. Агар мард экан, ўзининг бу мудҳиш режаси йўлида ўлимдан ҳам қайтмас экан, майли, қўлида қурол билан қаршимга келсин. Мен эса уни қуролсиз кутиб олганман. Кўзларимга тик боқсин-да, айбимни бўйнимга қўйиб, шартта отиб ташласин! Мен ҳам ватан озодлиги, халқнинг тинч ва фаровон турмуш кечирishi йўлида бошлаган мақсадимдан асло қайтмайман! Аммо ғуруримни, ор-номусимни ўртага қўйиб айтаманки, оддий одамларнинг улар қўлидаги қуролдан ҳаётдан кўз юмишига, ваҳшиёна ўлдирилишига асло тоқат қила олмайман. Улар ҳар бир юртдошимизнинг ўлими учун қонун олдида жавоб беришади!

– Албатта.

– Бомба портлаган жойларга дўхтирлар жўнатилдими?

– Ҳа.

– Қурбонлар сони қанча?

– Тўртинчи портлашдан кейин вазиятни ўрганишяпти, ҳозир маълумот оламиз.

– Анави йигитнинг исми Эрийгит эканми? Аҳволи қандай?

– Шифохонага олиб кетишди.

Шундан сўнг Президент турган жойга телевидение ва радио мухбирлари яқинлашди.

– Муҳтарам Президент, бу хунрезликлар олдиндан режалаштирилгани маълум. Ҳаётингизга қилинган суиқасд ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик? – деб биринчи бўлиб савол берди телевидение мухбири. Аёлнинг кўлида «Тошкент» деб ёзилган микрофон бор эди.

– Мустақиллигимизни кўролмаётган қора ниятли бир гуруҳ экстремистик кучларнинг кўпоровчилик иши бу. Улар бундай хатти-ҳаракатлари билан бизни танлаган йўлимиздан асло қайтара олишмайди. Биз танлаган йўл эса бутун дунёга маълум: юртимизнинг мустақиллигини кўз қорачиғидай асраш, унинг гуллаб-яшнаши, юксак тараққиёти, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун меҳнат қилиш. Биламан, бу меҳнатимиз осонлик билан амалга ошмайди, бироқ иродамиз мустаҳкам, имонимиз бут. Суиқасд масаласига келсак, мамлакат раҳбари бўлган инсон бу қисматни бўйнига олиб яшаши керак деб ўйламан.

– Айтинг-чи, бугунги мажлис нима бўлади, қолдириладими? – сўради оддий микрофон ушлаган йигит.

– Нега қолдирилар экан? Мажлис, албатта, бўлади!

– Қаерда ўтказишни режалаштиряпсиз?

– Ҳали бу ҳақда ўйлаганимча йўқ эди. Саволингиздан кейин ҳаёлимга Олий Мажлис биносида деган фикр келди. Сизлар билан соат учда ўша бинода учрашамиз.

«Балки, бу сирни айтмай туриш керакмиди?» дегандай Президентга юзланди полковник Бўронов.

– Бизнинг халқимиздан беркитадиган сиримиз йўқ, – деди Президент полковникнинг хавотирини сезгандай. – Душманларимиз эса уларнинг дўқ-пўписаси ва хужумидан кўрқмаётганимизни кўриб, билиб қўйиш-

син. Биз улардан яширинаётганимиз йўқ. Яширинча мажлис ўтказмоқчи ҳам эмасмиз!

– Ҳурматли Президент, террорчиларнинг бундай ошқора ҳатти-ҳаракатларидан ташвишдасиз, албатта, – деб савол навбатини ўтказиб юборишни истамади ўзини таништиргач, олдинга интилган Моҳира. – Ўтган йили ҳам шаҳар марказида бир неча портлашлар содир этилди. Милиция ходимлари билан бирга тинч аҳоли орасида ҳам қурбонлар бўлди. Бироқ жиноятчилар жазосиз қолди. Қўлга тушмаган ёвуз кучлар охир-оқибатда бугунги портлашни уюштиришга жазм қилишди. Айтинг-чи, бунга қайси вазирликни айбдор деб ҳисоблайсиз?

– Бундай хуружларнинг содир этилаётганига биргина вазирликни айбдор деб санаш нотўғри бўлади, – дея радио мухбирининг саволига жавоб беришга киришди Президент.

Моҳира полковник Бўроновни таниди. Унинг соатга кўз ташлаб қўйишидан савол-жавоб учун ажратилган вақт ниҳоясига етаётганини англаб, бармоқларини аста ишга солди. Бошмалдоғи тугмача устига келганда пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Ранглари билинар-билинемас оқарди. Бежо ҳаракат қилмаса-да, икки ёнига аста нигоҳ ташлаб олди. У шу онда – тугмани босишдан аввал қайси томони очиқ эканлигини билиб олмоқчи эди. Чап ёни анча бемалол экан, демак, портлаш содир бўлиб, ҳамма ўзини ерга ташлаганда у ўзини ўша тарафга отади.

«Э, Худо, мени ўзинг асра!» Моҳира шу тарзда юрагига тушган қўрқувни енгиб, микрофон тугмасини бор кучи билан эзди. Бироқ...

Бироқ шу пайт унинг чаққон бармоқларининг устига кимдир метиндай қаттиқ қўлини таппа босди. Моҳира тугма устидаги бармоғини бўшатишга уринди. Лекин иложини қилолмади. Одамларни ёрдамга



чақирмоқчи бўлди, йигитнинг бир қўли бўйнини қисди – бақиролмади. Атрофдаги журналистлар нотаниш мухбирларнинг бу ҳаракатидан қандайдир хавфни сезиб, ғимирлаб қолишди.

– Ўртоқ полковник, Президентни ҳимоя қилинг!

Полковник Бўронов овоз эгасини дарҳол таниди.

– Элёр! Сен нима қиялпсан бу ерда? – деди ходими томон икки-уч қадам ташлаб.

– Бу аёл мухбир эмас. Хидирниёз юборган жосус! Унинг қўлидаги микрофонга граната жойлаштирилган. Агар бармоғини бўшатса, портлаб кетади.

Элёрнинг гапини тушунган заҳоти полковник Бўронов Президентни ҳимоя қилишга ўтди. Қўриқчилар ёнларида қурол чиқариб, сохта мухбирни нишонга олишди. Элёр гоҳ биқинига, гоҳ елкасига тирсаги билан зарба беришга уринаётган жиноятчини судраб, иложи борича нарига олиб кета бошлади. Майдон четига яқинлашганда аёл бутунлай ҳолдан тойди чоғи, ортиқ қаршилиқ қилмай қўйди.

– Сени олдимга ажал етаклаб келибди, йигит, – деди Моҳира базўр нафас оларкан. – Ҳаёт билан видолаш. Энди бирга ўламыз!

– Балки яшашни истарсан?

– Топшириқни адо этолмадим, менга аллақачон ҳукм ўқиб бўлинди, – деди сўнгги бор бармоғини бўша-тишга уринган Моҳира алам билан.

– Хидирниёзнинг ҳукми ўтмайди энди.

Элёр атрофга қаради. Одамлар анча нарида. Ён томонида эса суви отилиб турган фаввора. У ниҳоятда эпчиллик билан микрофонни олди ва шу ондаёқ фаввора ичига улоқтирди. Бир дунё сув осмонга кўтарилди...

– Элёр деган йигитингиз шу экан-да, – деди Президент шундоқ олдидаги хавфни бартараф қилган йигитнинг топқирлиги ва мардлигидан мамнун бўлиб.

Полковник Элёрни кўрганда водийга бормай бу ерда юрганига ҳайрон бўлганди, бироқ Президентнинг гапидан кейин буйруғини бажармаган йигитидан гина қилиб ўтирмади. Аввалига нима деб жавоб қайтаришга ўйланиб қолди. Аммо узоқ мулоҳаза қиладиган вазият эмасди.

– Ҳа, у бизнинг Элёр бўлади, – деди полковник Бўронов тўлқинланиб.

– Исмига муносиб йигит экан.

Полковник бу сафар жавоб қайтара олмади. Фақат бошини қимирлатиб қўйди, холос.

Фаввора ичидаги портлашдан сўнг журналистлар яна Президент атрофини ўраб олишди. Бироқ мамлакат раҳбари улар билан суҳбатни соат учда Олий Мажлис биносида бўладиган йиғилишдан кейин давом эттиришини айтди. Полковникнинг ишораси билан кўриқчилар мухбирларни кузатиб қўйишди.

– Жинойтчи тўданинг бу уриниши, менимча, қиш аёзининг охирги чиранишига ўхшайди – деди полковник Бўронов «сохта мухбир»ни олиб кетаётган машинанинг ортидан қараб.

– Нимасини айтасиз, саккиз йилдан бери чўзилади бу аёзнинг қаҳри, – деди Президент атрофга нигоҳ ташлаб. – Бизни-ку суягимиз қотди. Аммо фарзандларимиз ҳали мўрт-да, уларни эҳтиёт қилишимиз керак бағримизга раҳна солаётган аёзнинг бундай хуржларидан.

– Албатта.

Президент бир зум сукут қилиб чор атрофга қулоқ тутди. Бошқа портлаш ҳам, ўқ овози ҳам эшитилмади.

– Демакки, жонимиз омон экан, эл-юрт равнақи йўлида белгилаб олган вазифаларимизни бажаришда давом этамиз, – деди Президент ва майдон бўйлаб дадил қадам ташлаб юриб кетди.

## XXXVIII. СЎЗ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ...

Олий Мажлис биноси. Соат ўн беш.

Зал иштирокчилар билан тўлган. Портлаш туфайли дераза ойналарининг синишидан жиддий тан жароҳати олган уч-тўрт депутатни ҳисобга олмаганда, деярли ҳамма шу ерда. Ўтирганлар орасида ё бармоқлари, ё билагои боғланган кишиларни учратиш мумкин. Таажжубланарлиси, хорижлик мухбирлар рўйхатдагидан анча кўп. Элчи ва дипломатик корпусларнинг вакиллари ҳам ташриф буюрган эдилар. Афтидан, улар фақат бир нарсани кўриш учун келганга ўхшарди. Пичирлашиб ниманидир қизгин муҳокама қилишлари, камера ва микрофонларини кириш йўлагига тўғрилаб қўйганликлари, аслида, мақсадини ошкор қилиб турарди. Ҳа, чет эллик меҳмонларнинг жуда кўпчилиги бу йиғилишга мамлакат Президенти келадими-йўқми деган саволга жавоб олиш учун қадам ранжида қилишган эди. Қўлларида репортаж ва интервьюларнинг тайёр матни, мабодо улар кутганидай бўлса, хабарлари шу онда олам узра қанот қоқади.

Лекин улар ўйлаган ҳодиса рўй бермади. Айни пайтда йиғилиш қатнашчиларининг қарсақлари остида залга Ўзбекистон Президенти кириб келди. Президент қўлини кўксига қўйганича президиум сари салобат билан қадам ташлади. Жойига келгач, иштирокчиларга таъзим қилди.

Йиғилиш бошида Олий Мажлис раиси бугунги терорда қурбон бўлганларнинг хотираси учун бир дақиқа сукут сақлашни таклиф қилди. Ҳамма ўрнидан турди. Шундан сўнг кўпоровчиларнинг бу ёвузлиги юртда ҳукм сураётган тинчликни бузишга, фаровонликка зиён етказишга қаратилганини, бироқ ҳеч бир тўсиқ Мустақил Ўзбекистонни ўзи танлаган йўлдан қайта-

ра олмаслигини таъкидлади. Ғараз ниятли кимсалар бу қилмишлари билан халқнинг нафратига учрагани, улар ҳар қанча чиранмасин, ўзбек халқининг хоши-иродасини, ор-номусини, ғурурини бука олмаслигини тўлқинланиб сўзлади.

– Бугун, – деди бошловчи сўзини давом эттириб, – озов ва обод ватан учун курашга бел боғлаган халқни ўзи танлаган, ўзи суйган Йўлбошчидан айирмоқчи бўлдилар. Аммо шу ватаннинг нонини, тузини еб, сувини ичаётган бир гуруҳ газандалар мақсадларига эриша олишмади. Мана, Юртбоши, мана, Президент!

Йиғилиш аҳли ўринларидан турди. Қарсак анча вақт давом этди. Президент кўнглида Яратганга шукроналик келтирди, сўнг кафтини кафтига бирлаштириб юқорига кўтарди ва халқ билан бирдам эканлигини изҳор қилди.

Сўнгра бошловчи яна мамнуният ила эълон қилди:

– Сўз Мустақил Ўзбекистон Президенти...

Бу сўздан кейин мустақил Ўзбекистон Президенти қутлуғ кошонанинг мўътабар минбари томон дадил ва мардона қадам ташлади...

*Учинчи китоб тамом.*

*Тўртинчи китоб саҳифалари орқали  
дийдорлашгунча омон бўлинг!*

## ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Ўзбекистон 1991 йилда ўз мустақиллигини қўлга киритди ва миллий давлатчилигини тиклади. Республикамининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1991 йил 31 августидан, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи, айниқса, ўша нутқдаги: «Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябрни республикамизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман» деган сўзлари юртимиз тарихига олтин ҳарфлар билан мангуға муҳрлангани бежиз эмас.

Бугун мустақил Ватанимизда тинч ва осойишта ҳаёт кечиряпмиз. Аммо мана шундай саодатли кунларга, тинч ва фаровон ҳаётга қандай эришганимиз ҳақида ҳам фикр юритиб туришимиз шарт. Акбар Мирзонинг «Суиқасд» романи ана шу мавзуда дир.

Бу ҳақда сўз юритганимизда, ўзбек китобхони муаллифни олдин ҳам шу мавзуда эълон қилинган бир неча асарлари, хусусан, «Аёзи чўзилган баҳор» ва «Ажал билан юзма-юз» китоблари орқали яхши танишини таъкидлаш лозим. Янги роман ана шу китобларнинг узвий давомидир. Китобни мутолаа қилиш асносида, ҳақиқатан ҳам, ҳар биримиз Мустақиллик учун кураш тарихини ҳужжатларда чанг босиб ётган қўлёмалар орқали ўқиб ўрганмаганимиз, балки ўз кўзимиз билан кўриб, унга гувоҳ бўлганимизга яна бир бор амин бўламиз.

Китобда Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ходимларининг мамлакатимиз мустақиллигига рахна солувчи, халқимиз осойишталигини бузувчи террорчи кучларга қарши курашда кўрсатган мардлик ва жасоратлари ишонарли тарзда бадий талқин этилгани билан диққатга сазовордир. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз китобда баён этилган воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур англаши учун бу каби бадий асарлар ғоятда зарур деб ҳисоблаймиз.

**Акмал САИДОВ,**  
*профессор*

## МУНДАРИЖА

Нашриётдан .....	3
------------------	---

### БИРИНЧИ ҚИСМ

I. Жудолик .....	5
II. Ҳаёт давом этади .....	23
III. Чошгоҳдаги соялар .....	38
IV. Бухорога .....	51
V. Суриштирув .....	58
VI. Рўёбга чиқмаган хориж сафари .....	71
VII. Гумроҳ .....	75
VIII. Фарзандим жигарбандим .....	79
IX. Ўзбегим машиналари .....	91
X. Торга тор дунё .....	95
XI. Махфий учрашув .....	101
XII. Ташриф .....	104
XIII. Доғда қолган душманлар .....	119
XIV. Вазирлар Маҳкамасида .....	127
XV. Президент ҳузурида .....	131
XVI. Меҳмон .....	135
XVII. Кушандалар .....	149
XIII. Калаванинг учи қаерда? .....	164
XIX. Қора булут .....	179
XX. Ташвишли кунлар .....	191
XXI. Тақдирида бор экан .....	208
XXII. Режа .....	216
XXIII. Хужум .....	221

XXIV. Барбод бўлган режа .....	234
XXV. Дунё матбуоти саҳифаларида .....	240

### **ИККИНЧИ ҚИСМ**

XXVI. Президент Фарғона водийсида .....	246
XXVII. Қурол омборидаги ёнғин .....	256
XXVIII. Рақиблар .....	276
XXIX. Гумон йўққа чиқди .....	295
XXX. Биродаркушлик .....	304
XXXI. Ички ишлар вазирлигида .....	313
XXXII. Навбатдаги найранг .....	320
XXXIII. Яна бир мудҳиш режа .....	325
XXXIV. Норозилик .....	335
XXXV. Суиқасд .....	339
XXXVI. Қочиш .....	347
XXXVII. Мустақиллик майдонида .....	349
XXXVIII. Сўз Ўзбекистон Президенти... ..	354
Огоҳликка даъват ( <i>А. Саидов</i> ) .....	356



**Акбар Мирзо**  
(Нурматов Акбарали Мирзо Қосим ҳожи ўғли)

## **СУИҚАСД**

*Роман*

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти  
Тошкент, 100011, Навоий кўчаси, 30-уй.

Муҳаррирлар: Мансур Жумаев, Лола Фаттоева  
Бадий муҳаррир: Асқар Ёқубжонов  
Саҳифаловчи: Улуғбек Саидов

Нашриёт лицензияси: АІ №160. 14.08.2009 й.  
18.10.2016 да босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
Шартли босма табоқ 18,9. Нашриёт-ҳисоб табоғи 15.  
Адади 5000. Баҳоси шартнома асосида. 16-674-сонли буюртма.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.  
Тошкент, 100011, Навоий кўчаси, 30-уй.